

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ГОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Э.Ф. Фозиев, Р.Ю. Тошимов

ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ

*Психология мутахассислиги бакалавр босқичи  
тадабалари учун ўқув қўлланма*

Тошкент – 2005

Ўқув қўлланмада психология фанини ўқитишниң назарий ва амалий муаммолари бўйича маълумотлар мужассамлаштирилган. Унда психология ўқитишниң аҳамияти, вазифалари, принциплари ва тадқиқот методлари юзасидан ахборотлар кенг кўламда ўз аксини топган. Материалларнинг аксарияти умумий психология, педагогик психология, ёш психологияси, умумий психодиагностика соҳаларини ўқитишга оид маълумотлар умумлаштирилган.

Ўқув қўлланма психолог талаба, аспирантлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳарир: ЎзМУ Ижтимоий психология кафедраси доценти М.М.Маматов.

Тақризчилар: ЎзМУ Ижтимоий психология кафедраси доценти вазифасини бажарувчи психология фанлар номзоди Х.А.Рухиева Низомий ТДПУ педагогика ва маҳсус психологии факультети декани, психология фанларе номзоди Ф.Ҳайдаров.

## МУҚАДДИМА

Республикамизда юз берәётган туб ўзгаришлар психологияк билимлардан мутахассислар тайёрлашында унумиғи фойдаланишни тақозо этмоқда. Давлат томонидан ицилаб чиқарилган "Таълим тўғрисидаги қонун", "Кадрлар тайёрлаш мислий дастури" сингари ҳужжатларни амалиётта татбиқ этиши учун бўлгуси мутахассисларни давр талабига биноан тайёрлаш муаммосини кун тартибига киритмоқда. Худди шу боис психолог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун мутахассисларни психология ўқитиш методикаси бўйича билимлар билан қуроллантириш ижтимоий зарурат бўлиб ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фанларни ўқитиш методикаси мураккаб ўқув предметлари қаторига кириб, кенг кўламдаги маълумот умумлашмасини ҳамда синтетик ақлий фаволият мажмуасини ўзида мужассамлаштиради. Ҳозирги даврдаги психология фанида юз берәёттан методологик ўзгаришлар, диалектикани чекланганлик хусусияти, неосферавий алоқаларни акс эттириш жараёнита таъсири, бетартиб ҳаракатларнинг борлиқдаги роли масалалари психология ўқитиш методикаси предметини қайтадан таҳлил қилишни талаб қиласди. Худди шу сабабдан объект – субъект, субъект – субъект муносабатларининг психологияк механизмларини атрофлича очиб беришни, шунингдек, таъсиrlанишининг ўзига хос хусусиятларини ёритишини, аниқ, ишончли далиллар келтиришини муайян даражага кўтариши лозим. Бизнингча, қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Психологиянинг ҳозирги замон методологиясидан келиб чиққан ҳолда шахслараро муносабатларни жамият ва табиат ўртасида алоқани оқилона йўлга қўйиш:

2. Шахста ёндашишни ҳозирги замон талқинига асосланган ҳолда камолот тўғрисида мулөҳазалар юритиш (муртаклик – одам – инсон – шахс – субъект – комил инсон);

3. Инсон шахсини шакллантириш тўғрисидаги илмий психологик қонуниятлар, унга таъсири этувчи ижтимоий психологик омиллар тизимини инобатга олган ҳолда назарий умумлашмаларга асосланиш:

4. Психология принципларини ҳозирги замон талқинига биноан мавзулар можиятини ёритиш ва шахста таъсири

ўтказиш коэффициентини ашиқлапи, тақомиллантириш имкониятлари кўпёқламалик эканлигини эътиборга олиш:

5. Инсонга самарали таъсир ўтказувчи инновация методлари можиитидан келиб чиқсан ҳолда ўқитиш жараёнини амалга олириш:

6. Педагогик технологиянинг психологияк асослари на уларнинг талқини юзасидан умумлашган маълумотлардан вазиятта, шароитта қараб унумли фойдаланишни ташкиллаштириш:

7. Таълим ва тарбия қонуниятлари, принциплари, ривожланишини ҳаракатлантирувчи омиллари бўйича умумийлик мавжудлигига иқрор бўлган ҳолда шахси тақллантиришга кириши;

8. Шаклланишининг индивидуал — типологик хусусиятларини эътиборга олиш ва таъсир ўтказишни омилкор йўлларини татбиқ этиш:

9. Тараққиётдан илгарилаб кетиш феноменал ҳодисасини ўқитиш жараёнда диққат марказида тутнип, шунингдек, таълим тараққистни эмас, балки тараққиёт таълимни ўз кетидан етаклашга алоҳида эътибор қилиш:

10. Мустақим фикрлар, ўзини ўзи кашф этиш, ўзини ўзи намоён қилиш сингари гуманистик ғояларга садоқатлилик олий таълимнинг етакчи омили эканлигини унутмаслик ва ҳоказо.

Психология ўқитиш методикаси соҳаси ўз ичига фаннинг методологик муаммолари, масалалари, упинг илмий-усудубий жабҳалари, тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари, мавзуу мазмунини узатишнинг иккӣёқлама хислатта эга эканлиги, касбий — амалий кўнижма, малака таркиб топтиришининг имконияти, тўри ва тескари алоқанинг самарадорлигини ошириш йўллари, ҳамкорлик фаoliyatiдағи яқинлик ва дистанциянинг феноменология жабҳаларини қамраб олади.

Психология ўқитиш методикаси барча фан тармоқлари юзасидан маълумотларни узатиш ва шахсларро муносабат ўриятишининг мухим воситалари, усуслари, малакалари билан бўлгуси психологларни қуроллантириш функциясини ўзига олади. Педагогик маҳорат, инновация, вазият, шароит, муаммо хусусиятларини ташкиллаштириш психология ўқитиш методикаси предметига киради. Қуйиди масалалар можиити навбати билан очиб берилади.

## I БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

### 1.1. ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИДА ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ ГУМАНИСТИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Психология фанида гуманистик ғояларни тадқиқот қилиш ишлари чет элларда, асосан, АҚШда "Гуманистик психология" деб номланган мустақил соҳада, илмий йўналишда (Ш.Бюлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Олпорг кабиларнинг асалларида) ўз ифодасини тошган эди. Мазкур йўналиш намояндаларининг таълимотларида шахснинг ўзини ўзи такомилалаштириш, ўзини ўзи фаоллаштириш, ўзлигини англаш (ўзини ўзи англаш), ўз ички имкониятларини тўла рўёбга чиқарип ғоялари акс этган бўлиб, инсонларда адолат түйғуси, вижданлилик, инсонпарварлик, маслак, гўзаллик ва ҳаққонийлик ҳисларини шакллантиришга қаратилгандир.

Гуманистик психология соҳасининг муҳим жиҳатларидан яна бири – бу шахснинг мавхум (абстракт), пассив инсон сифатида тадқиқот обьекти сингари тасаввур этмасдан, балки унинг ҳамкорлик фаолияти, шахслараро муносабатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини тан олинганингдан иборатdir. Лекин бу таълимотнинг заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, у парса инсоннинг биопсихологик (биологик омиллар, турма майл, иқтидор аломатлари, темперамент) шарт – шароитларнинг ролига ортиқча баҳо берганлигига намоён бўлади. Ваҳоланки, инсон ижтимоий муносабатлар маҳсулни, ижтимоий муҳит меваси бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, ҳозирги даврда ҳам гуманистик психологиянинг илор ғоялари, тизими, тадқиқот услублари ўз долзарбилигини сақлаб қолгандир. Гуманистик психология намояндалари тўплаган натижаларини миллӣ психология, ижтимоий гармония, муайян муҳит, ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилиш орқали олий мактаб таълим – тарбиясида гуманистик ғояларни сингдириш имкониятини яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, то ҳозирги давргача республика олий ўқув йортларида психология ўқитиш аҳволи замон, ижтимоий тараққиёт, инсоннинг

тайёргарлик даражаси (ақд – заковоти) талабига ҳеч қандай жавоб бермайды. Бу ҳолатнинг бир неча объектив ва субъектив омиллари мавжуддир: биринчидан, олий мактаб кафедраларининг психолог мутахассислари билан таъминланмаганилиги (хоҳиши мавжуд ҳар қандай ўқитувчи сабоқ бермоқда): иккинчидан, олий ўқув юргларида фаолият кўрсатадиган психологлар малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганилиги: учничендан, курсларда маърузалар катта гурӯҳ тизимида ўқилаётганилиги: тўртинчендан, қўшиимча машгулотлар ва талабалар билан индивидуал ишларни ўтказиш учун факултетларда зарур шарт – шароитлар яратилмаганилиги: бешинчендан, дарсликлар, ўқув қўлланмалар етишмаслиги: олтинчендан, аксарият психология соҳаси бўйича оммавий тарзда дастурлар чоп этилмаганилиги: еттинчендан, психология фанига нисбатан панжа остидан қараш ҳолларининг учраётганилиги (иккинчи даражали предмет сифатида): саккизинчендан, олий таълим вазирлиги қошида психология фани ва кадрларнинг мувофиқлаштирув кенгаши мавжуд эмаслиги ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган негатив ҳолатларга қарамай, психология фанини ўқитишни такомиллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида қатъий принципга, муайян хусусиятга зга бўлган концепция ишлаб чиқилди. Унинг асосий моҳияти қуидагиларда ўз ифодасини топгандир.

1. Фан ўқитишида ҳар қандай илмий концепцияга оқилона ёндашиш ва таҳдил ўтказишни амалга ошириш. Чунки илмий психологик йўналишлар гарб, шарқ, буржуа, идеалистик сингари "ёрлиқлар" остида талқин қилиш анъанаға айланган эди. Бугун ана шу қарашлар, концепциялар моҳиятини қайтадан кўриб чиқиши, бир қолипдаги талқиндан воз кечиш, у ёки бу назарияларни талабаларнинг ўзи ҳал қилишларига шароит яратиш, ўқитувчи – профессорлар шахсий нуқтаи назарини мажбуран ўтказишдан сақланиш. Ана шу тариқа, биз жаҳон психологлари яратган дурдоналар билан талабаларнинг ўзи танишиш имкониятларига сунъий ғов яратилган эди.

2. Жаҳон психологияси фанининг ўнлаб илмий мактаблари мавжуддир. Жумладан, бихевиоризм, гешталтпсихология, ассоционизм, психоанализ, виорцбург,

психогенетик, эмпиризм, когнитивизм, гуманистик психология ва бошқаларнинг илмий – методологик, илмий – назарий, эмпирик – амалий жиҳатидан нуқсон қидирмасдан, балки энг оқилона томонларини амалиётта татбиқ қилиш тавсияномасини ишлаб чиқиши.

3. Жаҳон психологиясида яратилган методлар, методикалар, тестлар, анкеталар, замонавий аппаратлар, лаборатория манипулатлари ўтказиш инструкцияси, тренинг, практикум, психологик кабинетни жиҳозлаш услуби, дарслик ва қўлланмаларни маҳаллий шароитта мослаштириш ва синааб кўриш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш орқали инсоннинг муайян хусусиятини тўла очиш имкониятига эрпаниши.

4. Психологиясининг предмети ва объекти мавжум шахс, ҳодиса, ҳулқ – автор, фаолият ва муомалага қаратилмаслиги, балки реал инсон, муайян ёш, аниқ жинс хусусиятлари юзасидан маълумот беришга йўналтиришлиги мақсадга мувофиқ. Ана шу жараёндагина табиатга ва жамиятта муносабатни шахс билан, фавқулоддаги вазият билан узвий борлаб ўрганиш имконияти яратилади. Улбу муаммоларни ҳал қилишда биосфера ва неосферадан келиб чиқиш жоиз. Назарий муаммонинг амалий турмуш билан алоқасини оқилона тушунтириш ва яқзол намуна келтириш орқали уларга шарҳ бериш талқинини янада жонлантиради, инсоний фазилат, хислат ва сифатлардан андоза олишга талабани етаклади.

5. Психология соҳаларининг ҳар бирида ҳам марказий тимсол инсон шахси бўлганилиги учун уларнинг ўртасидаги қонуният, шарт – шароит хусусиятлари шу инсонга системали ёндашишини тақозо қиласди. Мазкур ёндашиш шахснинг кўн қирраларини турлича вазиятларда рўй бериш орқали аниқланиши, унинг тўғрисида ишончлироқ маълумот олиш шароитини юзага келтиради. Мавзулараро алоқани изчил равишда амалга ошириш инсоннинг алоҳида хусусияти, фазилати, кечинмалари, ҳодатлари, ҳис – туйғулари, иродавий сифати, иқтидори, қобилияти, қизиқиши ва эҳтиёжини яхлит олиб қараш имконини вужудга келтиради. Шахс учун ўзини ўзи тажомиллаштириш воситаларидан унумлироқ фойдаланиши сари талабани ундаиди.

6. Психология соҳасининг ҳар қайсиси реал шахснинг индивидуал (услуб, сезгилик, таъб, хусусият, ишчалик) ва типологик (олий церв фоалияти тоифаси, қонунияти, хусусияти, туғма майл, темперамент, ички имконият) ва бошқалар) хусусиятларининг намоён бўлиши ҳодисаси тадқиқ қилинади. Таълим жараёнини гуманизациялаш зса ҳар бир талабанинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш, маълумотни қабул қилиш тезлиги тушуниш даражаси материалларни хотирада сақлаш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёндашибни талаб қиласди. Токи талабани ўзлаштириш суръати, жавоб реакцияси, ақлий имконияти ўқитувчи томонидан тўғри ҳисобга олишга эришиласин.

7. Психологик билимлар билан чуқурроқ танишиши мақсадида иқтидорли, яхши ўзлаштирувчи, бўни ўзлаштирувчи талабаларнинг барча тоифалари билан индивидуал ишлаш жадвалини тузиш ва унда уларнинг ҳар бирининг лиққат кўлами, хотира хусусиятлари, фахм — фаросат ҳажми, фикр юритиш доирасини эътиборга олиб, топшириқ, миқдори, мураккаблиги, шуғулланиш вақтини белгилаш олий мактабда гуманистик ғояни қарор топтириш ишига хизмат қиласди.

8. Курс ва битириув мавзуини таинлашда талабаларга эрк бериш, уларни ёқтирган, қизиқтирган соҳаларга жалб қилиш: мазкур жараёнда уларнинг имконияти, иқтидори, ижодий фоалияти, ёзма нутқ қобилиятини ҳисобга олиб муддат белгилаш ва талабчанликка дифференциал муносабатни амалга ошириш маъқул. Фақат мана шу йўллар билангина уларнинг шахсиятига нисбатан ҳурмат туйғусини намойиш қилиш мумкин.

9. Рейтинг системаси синовлари жараёнида талабаларнинг индивидуал-типологик, ёш хусусияти, жинсий тафовути, қизлик иффаги, ибоси, ҳаёси: йигитлик турори, шаъни, масъуллиги, турмуш тажрибаси, фавқулоддаги психологик ҳолатларга эътибор бериш инсонпарварлик ғоясини инобатта олишни яққол намунаси ҳисобланади.

10. Жаҳон психологияси фанининг ютуқлари илмий концепциялари этнопсихологик ҳолатга мослаштириб баён қилиш, тўпланган дурдоналардан реал шахснинг амалиётда фойдаланиш йўларини уқтириб ўтиш, билимларни пухта,

барқарор ўзлаштириш имкониятини туғидиради. Билимларни ўзлаштиришда миллий психологик қонуниятлар, маънавиятлар, қадриялар, стереотиплар, идентификация, апшеронизация, антиципация, аттракция, рефлексия категорияларининг роли ва аҳамиятига эътибор бериш этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олиш айни муддаодир. Гуманистик ўқитиш йўлларидан бири – ўқитувчи билан талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш, умумий ўқиши фаолиятини ҳамкорлик жараёнига айлантиришдан иборатdir. Бу ҳолатда талаба маълумотларни типгловчи ролидан унинг ҳамкорликда эталлаш функциясини бажарувчи шерик даражасига ўсиб ўтади. Аввал тақлид, кейин идентификация ва охирида рефлексия йўллари билан билимларни ўзлаштириш фаолияти доирасини көнтгайтиради.

Ўқитишнинг гуманистик йўллари хилма – хил бўлиб, улардан энг самарадор бўлганилари муаммоли ўқитиш, суггестезия, эвристик, программалаштириш, ўзини ўзи бошқариш, ақлий фаолиятнинг босқичлар амалга ошириш, назарий умумлаштириш (умумлашимадан яқоллик сари) жаҳон психологиясида көнг кўламда қўлланиб келинмоқда.

## 1.2. ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ УСЛУБИ ТАВСИФИ

Юртимизда юз берадётган улкан ўзгаришлар барча соҳаларга, шунингдек, олий таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Эски ижтимоий муносабатлар шаклларининг бузилиши ва янги демократик ҳаёт тарзининг вужудга келиши шахснинг ижодий фаоллигини талаб қиласди. Ижодкор, фаол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаб вояга етказиш учун олий таълимда муҳим ўзгаришлар ва қайта қуриш ҳаётини зарурат бўлиб қолмоқда. Шу боисдан олий мактабда туб ўзгариш ясап, фаол, ижодкор, ақл – заковатли, зиёли мутахассисларни тайёрлашнинг илмий асосларини яратиш қатор фанларнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнида шахсни камол топтиришнинг шарт – шароитларини белгилаш сингари мураккаб вазифани ҳал қилиш психология фанининг тадқиқот обьекти ва мавзуига киради.

Узоқ давр таълимнинг психологик концепцияси шаҳс ва жамиятнинг ўзаро муносабатларига фақат бир томонлама

ёндашилгаи, яъни таълим жараёни инсоният томонидан топилган билимларни ва амалий қўникмаларни ўзлаштириш, деб қаралиб келинди – ю, лекин бу жараёнда талабаларнинг шахсий ҳаётий нуқтаи назари, фаол ва теран фикрлаши уларнинг интилишлари, ички руҳий имкониятлари, касбий жиҳатлари қарийб ҳисобга олинмай келинди. Таълим жараёнда шахснинг мустақиллиги, чекланганлиги сабабли такомиллашгириш талабалар билимларини мустақил эгаллашга, ижодий фикрлашга, ўз шахсини такомиллаштириш ва индивидуал фаолиятини ташкил қилишда бир қатор қийинчилклар сезадилар. Чунки таълим репродуктив ўқиш жараёни негизига қурилганлиги учун ўқитишининг бошқа шакларидан кам самара бериши билан ажралиб турар эди. Шунинг учун ўқитиши жараёнини негизига маҳсулдор фаолият деб тушуниш заминига қуриш орқали талабаларда билимларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни комил шахс сифатида шаклланишни, ижодий изланиш қўникмаси, мустақил фикрлаш уқувини ва касбий малакаларини эгаллашни таъминлаш мумкин. Таълим ижодий ва маҳсулдор фаолиятга айланишида ўқитувчи билан талабалар ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитишининг ушбу шакли (ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорликдаги самарали фаолияти, яъни ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолияти) Москва давлат университети педагогика, психология кафедраси ва Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси ҳамкорликда бир неча йиллардан бери тажрибалар ўтказилмоқда. Маълум бўлишича, методологик ва назарий мулоҳазаларимизга кўра, ўқитувчи билан талабаларнинг ҳамкорлик фаолияти уч фаза (давр) дан, саккиз таркибий қисмдан, етти шаклдан ва уч мезондан ташкил топиши мумкин экан. Қуйида ана шу муаммонинг амалий ва татбиқий жиҳатлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиласмиз, ўйлаймизки, тажриба натижалари олий таълим учун муҳим аҳамият касб этиш, ўқитувчиларда унга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти таркибига қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: мотивацион – маънавий, тахминий – қидирув, тахминий – изланув,

операцional – ижроий, назорат – тузатув, ташкилий – ижтимоий, талқилич – предметли кабилар. Ҳамкорлик фаолиятининг шакллари: 1) фаолиятга кириш, 2) мустақил ҳаракатлар, 3) тақлидий ҳаракатлар, 4) мадат ҳаракатлари, 5) ўзини ўзи ташкил қилувчи ҳаракатлар, 6) ўзини ўзи бошқарни ҳаракатлари, 7) ўзини ўзи қўзғатувчи ҳаракатлар.

Тажрибаларда ўзлаштиришга ижодий таъсир қилувчи талаба шахсининг хусусиятлари ҳисобга олипди, чунончи: шахснинг юксак мотивацияси, унинг курс жамоасида пешқадам бўлишта нисбатан интилиши, ўзига ва атрофдаги одамларга юқори даражада талабчаник, ўспиринларда тормозланишга нисбатан жараёнининг кучлилиги, қизларда иккинчи сигналлар тизимининг (нутқ ва тафаккурининг) ривожланганлиги ва бошқалар. Натижаларнинг кўрсатишича, юқори даражада ўзлаштирувчи талabalар ўқили моҳиятини ахлий ривожланнишининг воситаси деб, паст ўзлаштирувчилар эса ўқиш бўлажак касб учун билим, кўнишка ва малака згаллаш деб тушунишда ўзаро тафовутта эгадирлар.

Ўқув жараёни иштирокчиларининг ҳамкорликка шахсий тортилганлик даражасини ўрганиш маҳсадида Люшер, Спилбергер, Фидлер шекаллари (модификация бизники), кузатими ва сұхбат методлари тажрибада қўлланиди.

Люшернинг саккиз қатор рангли тести инсоннинг ҳаётини ва фаолияти шароитларига нисбатан "шахсий реакция" сини аниқлаптига хизмат қиласди. Инсонда эмоционал ҳолатнинг ўзгарishi, унда рангларга нисбатан муносабатнинг ҳам турлича бўлиши сари етаклади. Чунки баъзи бир раҳбар жуда ёқимли, айримлари ёқимсиз, бошқалари эса ёқимлироқ ҳис – туйғу уйғонади. Рангларнинг орасидан тўрттаси асосий ҳисоблашиб, субъектнинг руҳий ҳолатидаги қўйидаги жиҳат ҳамда жабҳаларин ўзида ажесига таъсиради.

1. Тўқ кўк – муносабатлар чукурлиги, ишончи қўллаб – қувватлаш, мазкур кўринишларни таъминаовчи тинчлик хотиржамаликка интилиш ва бошқалар.

2. Кўкимтир яшил – "Мен" ҳимояси, ҳимояланган ўз мавқеини эгаллаштига интилади.

3. Тўқ сариқ – {апелсии ранг} – қизил – "Мен" кенгайиши (экспансия "Я") – фаол фаолиятта интилиши.

4. Сариқ – муносабатларнинг кенгайиши: енгиллашти – рувчи янги алоқаларга ва таъсиротларга интилиши.

Тестнинг қолган тўрт хил ранги "қўшимчалар" ҳисобланиб, улар қуйидаги интилишларни фаол аниқ намоён бўлишларини тавсифлайди.

5. Сиёҳранг – сафсар – қарама – қаршиликларнинг тенглашиши, бир – бирига мос келиши, ҳатто қўшилиб кетиши.

6. Жигар ранг – жисмоний, ҳиссий қулайлик (комфорт).

7. Қора – инкор қилиш, негативизм (деструкция)

8. Кул ранг – босиқлик, одамовилик; қовуша олмаслик (ичимдагини топлик) ва бошқалар.

Люшер тести ёрдамида аниқланган "шахс реакция"си ўқув жараёнининг иштироқчисини шу жараёнга шахсий тортилганлигини эмас, балки унинг фаол фаолиятдаги шахсий позициясини аниқлашга ҳам хизмат қиласди.

Спилбергер – Ханин – Фозиев шкаласи безовталаниш (ҳадиксираш) ҳолатини ўлчашга, зўриқиши вазиятига нисбатан эмоционал реакциясини текширишига қаратилгандир.

Люшер тести ёрдамида безовталаниш (ҳадиксираш тўғрисида) олинган маълумотни Спилбергер шкаласидан олинган натижалар билан тақъослаб, сўнг ўқув жараёни обектининг "шахсий реакциясини" унинг ўқув жараёни вазиятига бевосита алоқадор ёки алоқадор эмаслиги аниқланади.

Ўқув жараёни иштироқчилари шахслараро муносабатлари "психологик муҳит" ни ташкил қиласди. Мазкур психологик муҳитни ўрганиш учун Фидлер (Э.Фозиев модификацияси) шкаласидан фойдаландик. Ушбу шкала қарама – қарши маънога эга, ўн жуфт сўздан тузилган бўлиб қуйидаги кўрсатма ёрдами билан амалга оширилади: гуруҳдаги муҳитни ўзида акс эттирувчи қарама – қарши маъноли сўзлар жуфти берилган: ҳар қайси жуфтдаги "X" белгисини қўйинг шундай қилиб гуруҳингиздаги муҳит

1 2 3 4 5 6 7 8

Дўстона муносабат

Душманлик

Келишувчанлик

Келиша олмаслик

Қониқканлик, мамнуният

Қониқмаслик

Илиқлик

Совуқлик

Ҳамкорлик

Ҳамкорлик йўқлиги

Бу жуфт сўзларни икки турұхға ажратиш мүмкін: а) амалий мұхитта алоқадор сўзлар; б) мулоқот мұхитига тааллуқлы иборалар.

Сўзларни гурухға ажратиш туб маъноси билан ўқув жараёнидаги ҳамкорликни янада яхшироқ фарқлашға оқилона, одилона ва омилкорлик билан баҳолашға зарур шарт – шароитлар яратади.

Ўқув жараёни иштирокчиларининг позициясини аниқлашада юқоридаги ҳар учала гурух методдары натижаларига асосланиб иккита бир хил тоифадаги анкета шкаладан унумли фойдаланылди. Улар ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини баҳолашға ва аста – секинлик билан ўзини ўзи баҳолашға ўсисб ўтиш жараёнини шарҳлашға қаратылғандыр. Уларнинг ҳар бири 24 тадан ҳукмни ўз ичита олган бўлиб, ўқув жараёни иштирокчилари фаолиятининг турли жабҳаларига тегишилди.

Билимларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш маҳсус тузилган комиссия томонидан синовдан ўтказиш орқали амалга оширилади. Синов олдида ўқитувчи ҳар бир талабани уч хил кўрсаткич асосида баҳолашға ҳаракат қиласи: а) талабанинг машгулотга муносабати (жиддийлиги), б) шугулланиш истаги (хоҳиши), в) шугулланиш қобилияти имконияти.

Синов жараёнида қуидагилар амалга оширилади.

• гурухға (3 ва ундан ортиқ киши) берилган вазифанинг гурухий тарзда бажариши, ўқитувчига савол билан фақат бир мартагина мурожаат қилишга рухсат берилниши.

- индивидуал жавоб бериш.  
Баҳолаш қуидаги бу ўлчамлар асосида ўтказилади:
  - тўғри тўлиқ жавоб – 4 баҳо.
  - тўғри – нотўлиқ жавоб – 3 баҳо.
  - нотўғри жавоб – 2 баҳо
  - жавобнинг йўқлиги – 1 баҳо.

Ҳамкорлик фаолияти 4 босқичдан ташкил топган бўлиб, у талабаларга ўқитувчининг ёрдам шакллари тадқиқотнинг қуидаги даврларга мос келишини таъминлайди.

Ҳамкорликнинг биринчи фаолияти “психологиянинг тарихи, унинг нимадан баҳс этиши, вазифалари ва аҳамияти” маъruzасидан бошланади. Машгулотнинг мақсади:

талабаларда психология фанининг моҳияти, тарихи, аҳамияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, уларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларни мавзу устида ижодий, мустақил фаолият ўюштиришга ундашдан иборатdir.

Ушбу мавзу бўйича семинар машғулоти биринчи марта ўтиказилётганлиги сабабли талабаларда муаммо юзасидан тахминий фикр юритиш имконияти йўқ даражада эканлиги намоён бўлди. Машғулот қуидаги қисмларга ажратилган ҳолда олиб борилди. Унинг биринчи қисми тавсия қилинган режа асосида улар билан "давра сұҳбат" и ўтиказилди.

Тажрибада ўқитишининг савол-жавоб йўсингидаги шаклидан унумли фойдаланилди: А) психологиянинг мустақил фан сифатида вужудга келиши, Б) психология психикани ўрганувчи фан сифатида, В) психологиянинг вазифалари ва аҳамиятининг муҳокамаси (45 минут).

Машғулотнинг иккинчи қисмida талабалар ҳоҳишига биноан, улар тўрт гуруҳга ажратилди.

Тажрибанинг биринчи қисмida гуруҳчалар ихтиёрийлик тамоили асосида тузилган бўлиб, унда талабалар 4-5 кишидан иборат гуруҳчаларга бирлашгандирлар. Бундан кўзланган асосий мақсад гуруҳий фаолият учун халақит, психологик тўсиқлардан, яъни уларни тасодифий гуруҳчага бирлашишдан сақлаш эди, холос.

Гуруҳчаларда иштирок қилган синаувчиларга савол бериш орқали улар самарали ҳамкорлик фаолиятига жалб қилинади:

- психология фанига муҳим ҳисса қўшган мутафакирлардан кимларни биласиз?
- Уларнинг қайси асарларини ўқигансиз?
- Асарлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида шахсий мулоҳазаларингиз қандай?

Ушбу жараёнда таълимнинг муаммоли мунозара услуби қўлланилди ва ўқитувчи ҳар бир гуруҳчанинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳокамасида қатнашди.

Семинар машғулотининг иккинчи қисмини (15минут) бошлишдан олдин, ўқитувчи таҳтага муҳокама қилинадиган барча масалаларни ёзиб қўйиб, буларнинг ҳаммаси ҳар бир гуруҳчага тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Синаувчининг фикр билдиришига қўйиладиган талаблар доскага ёзиб қўйилади: фикр мантиқан тўғри тузилган,

тадрижийликка эга, зиддиятлардан холи бўлиши, мулоҳаза билдириш эса З минут итида амалга оширилиши қатъий талаб қилинади.

Семинар машгулотининг учинчи қисмида – (20 минут) ҳар қайси гурӯҳга ўз ижодий ҳамкорликдаги фаолиятиниг маҳсулӣ юзасидан ҳисобот беради. Бундан кейин эса ҳар қайси гурӯҳча олдига бошқа гурӯҳчаларниң мулоҳазаларига баҳо бериш вазифаси юклатилади. Баҳо бериш қисқа бўлмоғи ва бош мақсад моҳиятини очишга хизмат қилмоғи зарур эди. Ҳар бир гурӯҳча бошқа гурӯҳчанинг фикрини баҳолаш жараёнида ўз позициясини ҳимоя қилиш ва далиллаб бериш ҳуқуқига эгадир. Машгулотининг улубу қисмида гурӯҳий баҳолаш услуби татбиқ этилади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси синаалувчиларниң регламентта риоя қилишларини назорат қилиш ва баҳони бошқариб туришдан иборатdir. Семинар машгулотининг тўртинчи қисмида (5 минутта мўлжалланган) ўқитувчи унга якун ясади ва ўтказилган машгулот юзасидан ўз фикр ва мулоҳазасини билдиради. Семинар машгулотининг бешинчи қисмида (10 минут оралиғида) ўқитувчи келгуси, навбатдаги машгулотда муҳокама қилиниши режалаштирилган мавзу билан таништиради ва адабиётлар рўйхатини беради.

Машгулотда ўқитувчи билан талabalар ҳамкорлиги шаклан ўзгариб боради, энди ўқитувчи уларниң ҳар қандай саволларига эмас, балки аниқ ифодаланган саволга яққол, лўнда қилиб жавоб беради, холос. Бунда ўқитувчи гурӯҳ иштирокчилари ёнига келмайди, балки гурӯҳ вакили унга аниқ савол билан мурожаат қиласди, шунингдек, олган жавобини гурӯҳдошларига етказади. Талabalарга ўқитувчининг ёрдами камайиши, чекланиши улар ҳис-туйғусига сазовор бўлади, бинобарин, синаалувчилар мустақил самарали фаолиятига муаллим ишончининг ошиши, деган хуоса демакдир.

Ҳамкорлик фаолиятининг биринчи босқичида гурӯҳчаларда психологиянг муҳит – ўртача, яъни талabalар ўзаро келишиб, ҳамкорликда бир – бирларини қўллаб қувватлаб иш қиласалар – да, лекин улар гурӯҳдаги бундай муносабатлардан қониқмайдилар (4,9). Шунингдек, гурӯҳдаги муҳитни илиқ дейиш қийин (4,4), бу эса ўз навбатида,

фаолият маҳсулдорлигига, мароқлигига ва муваф-  
фақиятлигига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи босқичдан кейин гуруҳий мұхитда сезиларли даражада талабалар ўртасида дўстона муносабат кўрсаткичи (M=3,6 дан M=2,6 га) ижобий томонга ўзгара борган. Шунинг учун талабалар ҳамкорлиги кўлами кенгаяди, лекин ҳали фаолият самарадорлигига ва муваффақиятлигига нисбатан муносабат ўзгаришсиз қолади. Бизнингча, бунга асосий сабаб иккинчи босқичда талабаларнинг гуруҳга бўлиниши ўқитувчи ташабbusи орқали амалга опиришилгидир.

Учинчи босқичда фаолият муваффақиятлигига кескин ижобий ўзгариш кўзга ташланади. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкин, гарчи бу сафар ўқитувчи уларни гуруҳчаларга алифбе бўйича ажратган бўлса да, лекин улар бундай бўлинишига бир оз кўникканлиги учун фаолиятга қизиқиш кучайтан, унинг маҳсулдорлиги ортиши натижасида талабаларда ўз ишларидан қониқиши ҳисси вужудга кела бошлаган. Мудокот ва муомала доирасида ҳам улар ўзаро келишиб кенг ҳамкорлик қилишга эришганлар.

Тўртинчи босқичдан сўнг ўтказилган тажрибалар гуруҳдаги психолигик мұхит ижобий деб баҳоланишга имкон яратади. Мазкур босқич охирида талабалар ҳамкорлиги янада кенгаяди, улар ўзаро келишиб ишлашга, бир – бирини қўллаб – қуватлашга ўргандилар, натижада ҳамкорлик фаолияти уларда қизиқиш уйғота боради. Фаолиятнинг маҳсулдорлиги ўқиш жараёнидаги муваффақиятлар зерикини аста – секин камайтириш, натижада фаолият билан шуғулланиш мароқли бўла бошлади. Бунинг таъсирида талабаларни гуруҳдаги мұхит қизиқтира бошлади. Шунинг учун тажриба гуруҳи талабаларда психолигик мұхит кўлами ва фаолият тизимида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Шундай қилиб, ҳамкорликда ўқитувчи тажриба гуруҳи талабаларининг мустақил фаолиятини ташкил қилишга кўпроқ эътибор қаратади, таълимда машғулот хусусиятига биноан қизиқарли шакл ва услубларни қўллайди, уларнинг ҳамкорлигини ташкил қиласи, ижодий фикрлашга, фикр алмашишга кенг имконият яратади. Шу боисдан ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлиги ўқитишининг янти шакли

дэйишга тўла кафолат беради, иштирокчининг ижодий изланиш сари етаклайди.

### **1.3. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ**

Педагогик ва психологик адабиётларда таълимни такомиллаштириш, ўқув – тарбия жараёнини оптималь – лаштириш, ривожлантирувчи таълим, таълимнинг фаол янги (инновацион) методлари, муаммоли ўқитиши методи, программалаштириш таълим каби атамалар негизида ўнлаб назариялар, ёндашишлар тўғрисида маълумот берилган. Ҳар қайси концепция ўз замонаси учун илмий прогрессив гояни илгари сурган ва таълим – тарбия жараёнининг самарадорлигини муайян даражада оширишга хизмат қилиб келган. Лекин уларнинг ҳар бир илмий услубий жиҳатдан таҳдил қилинса, ўзининг бир томонламалиги билан манггуликка даҳлдор эканлиги кўзга яққол ташланади. Бундай умумий нуқсоннинг асосий сабаби педагогик технологиянинг барча таркибий қисмларининг ҳам назарий мулоҳазада, ҳам амалий фаолиятда қамраб олинмаганлигидир.

Ушбу камчиликни келтириб чиқарувчи бош омил – таълим (тарбия) жараёнига субъект (ўқитувчи) сифатида мақом (статус) ва рол бериб келингандигидир. Бинобарин, таълим – тарбия жараёни бир тамонлама таъсир ўтказиш ва ахборот (маълумот, билим) узатиш, ҳар хил хусусиятли малакалар шакллантириш тамойилларига бўйсунди – рилгандир. Натижада таълим – тарбия жараёнининг иштирокчилари ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида тенг ҳуқуқийлик бузилиши юз берганлиги туфайли бирининг иккинчиси устидан устуворлиги ҳукмронлиги қонуний аҳамият қасб этган. Ўқувчилар (талабаларнинг эҳтиёжи, ўқув мотивлари табиий майллари истеъоди, салоҳияти, савияси, ўқуви) зеҳни мазкур жараёнда ҳисобга олинмаган. Таълим тарбия жараёнида субъект (ўқитувчи) – субъект (ўқитувчи ёки талаба) муносабати яратилмас экан, самарадорлик мустақил (ижодий) фикрлаш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Бизнингча, педагогик тизим ва унинг технологияси шартли равища қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

- таълим – тарбия иштирокчилари (ўқитувчи ва ўқувчилар) шахсиятига қўйиладиган ижтимоий талаблар (жамиятнинг комил инсонга нисбатан эҳтиёжи).

- ҳамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги даражасига нисбатан ижтимоий эҳтиёж (буортма).

- таълим ва тарбия жараёнининг мақсади.

- таълим ва тарбия жараёнининг мазмуни, моҳияти.

- таълим ва тарбия жараёнининг амалга ошириш воситалари (методлар, усуслар, техник воситалар, дарсликлар, қўлланмалар ва ҳ.к):

- таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш ёки дифференциаллаштириш:

- реал шаронт, фавқулоддаги вазият, иккнеклама (ўқитувчи билан ўқувчилар хоҳиши) иштиёқини ҳисобга олиб технологик ўзgartiriшлар киритиш.

- Ижодийлик, ихтиёрийлик амалиётининг назариядан устуворлиги муаммоси бирламчи эканлигига риоя қилиш кабилар.

Таълим – тарбия мазмуни то ҳозирги кунгача коммуникация, яъни бирёқлама ахборот узатиш (ўқитувчи ахборот манбаи, ўқувчи эса уни қабул қилувчи) асосида қурилиб келинмоқда, ваҳоланки, у коммуникация (узатиш, таъсир ўтказиш), интеракция (ўқитувчи билан ўқитувчиларнинг ўзаро таъсир ўтказиши), перцепция (инсонни инсон томонидан идрок қилиш, яъни ўқувчиларнинг ўқитувчи ёки ўқитувчининг ўқувчи томонидан идрок қилиш) сингари таркиблардан иборат бўлиши лозим. Илгор педагогик технологияга асосланган ривожланган мамлакатларнинг педагогик тизими тажрибаси амалий кўникумаларни назарий билимлардан устунроқ (60% ва 40%) бўлишни тасдиқламоқда. Биринчи галдаги вазифа – таълим – тарбия мазмунини давр, замон талабига мослаштиришдан иборатdir. Таълим – тарбия фаол, инновацион, ноанъанавий йўлларни ўқув фанларнинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда яратиш ва уларни (ўқувчи

талаба ёшига, жинсига, фавқулоддаги вазиятта биноан) амалиётта татбиқ этиш.

Педагогик тизимни такомиллаштириш ва педагогик технологияни таълим – тарбия жараёнинг муваффақиятгли татбиқ этиш учун қуийдаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувоғик:

- Ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) шахсини:

• Одам – инсон – шахс – индивидуаллик – субъект – комил инсон шаклида шакллантириш:

• Ўқитувчи профессиограммаси (психограммаси) ни замон талабига биноан яратиш:

• Ўқувчи (талаба) савиаси, шахси, характеристи, истеъоди, интеллекти, хулқи, малакаси, иродаси, эҳтиёжи, мотиви ва ҳис – туйғусини баҳолаш тестларини ишлаб чиқиш:

• Ўқувчилар (галабалар) ва ўқитувчиларда муайян фазилатлар, хислатлар, сифатлар, хусусиятларни шакллантириш учун тренинг, ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, фикрлар жангига ва маҳсус машқлардан унумли фойдаланиш:

• Ўқитувчи малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўлларини такомиллаштириш, уларда ижодий изланишларни шакллантириш.

• Рейтинг, тест, модель тизимлари самарадорлигини оширишида бошқа методларни амалиётда қўллаш.

• Ўқувчилар (талабалар) ёшига, фанларнинг моҳиятига биноан педагогик технологиянинг восигаларини саралаш ва замонавийсини кашф қилиш:

• Матнларда баёнийлиқдан чекиниш ва муаммолик, ижодийлик, мустақил фикрлашга ўтиш.

• Таълим (тарбия) дастурининг инвариантларини, модификацияларини яратиш ва амалиётта жорий қилиш:

• Ўқув (ўқиши) мотивларини шакллантириш учун алоқани амалга ошириш, токи такрорий билимларга йўл қўймаслик:

• Таълим – тарбия жараёнининг фаол, инновацион, ноанъанавий, ижодий услублари ва шаклларини амалиётда қўллаш: дарснинг тузилиши ва босқичлари тўғрисидаги расмиятчиликдан қутилиш, мажбурийлиқдан халос бўлиш

орқали ихтиёрийликка ўтиш ва ундан шажслараро мосланка, тентгикка эришиш.

Таълим – тарбия жараёнини (ўқитувчи билан ўқувчилар ва ўқитувчиларниң ўзаро) ҳамкорлик фаолиятига айлантириш "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" нинг амалий ифодасини қарор топтиришини тезлаштиради.

#### 1.4. ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК КОНСИЛИУМ ВА УНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Машғулот мақсади: Психологик – педагогик консилиумнинг аҳамияти ва ўтказиш усуllibарини кўрсатиши; психологик – педагогик консилиум ўтказиш давомида ўқувчининг хатти – ҳаракатидаги салбий ўзгаришларни аниқлаш билан боғлиқ, бошланғич кўникма ва малакаларни шакллантириш; педагогик кузатувчанлик, ўқувчилар фаолиятининг мотивларини тушуна олиш, олинган маълумотлар асосида уларнинг хатти – ҳаракатини олдиндан кўра олиш, "тарбияси оғир" ўқувчилар билан ишлашни уddyдалаш каби хусусиятларни ривожлантириш.

Машғулот мазмуни:

1. Психологик – педагогик консилиум ва унинг таълим ва тарбия жараёнидаги аҳамияти.

2. Психологик – педагогик консилиум предмети, мақсади ва вазифалари.

3. Хулқидаги салбий ўзгаришларни баҳолашниң назарий ва ташкилий масалалари.

4. Психологик – педагогик диагностиканинг методик масалалари.

5. Психологик – педагогик диагностиканинг функциялари.

6. Психологик – педагогик консилиум иштирокчилари.

7. Консилиум ишини ташкил этиш.

8. "Психологик – педагогик консилиум" ўқув ўйини ўтказиш.

1. Психологик – педагогик консилиум ва унинг таълим тарбия жараёнидаги аҳамияти.

Касб – ҳунар коллекции, академик лицейларда баъзи ўсмиirlar хулқидаги салбий ўзгаришлар билан боғлиқ

муаммоларнинг кўплиги ҳеч кимга сир змас. Бу муаммолар айниқса касб – ҳунар коллежарида яққол кўзга ташланади. Чунки мактаблар олий ўқув юргларидан фарқли равишда касб – ҳунар коллежари ўқувчилари айтгарли бир хил ёшдаги, ўсмиirlардир. Ўсмиirlарнинг психологик хусусиятлари, ўзини катта кишидек ҳис қилишга интилиш, мустақилликка интилиш баъзида уларнинг хулқида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Психологик шу ўзгаришларнинг асосида қандай сабаблар ётганини яхшилаб ўрганган ҳолда энг мақбул психологик чоралар кўра олади.

Ҳозирги вақтда психология фанининг амалий тармоқлари жуда кенг ривожланмоқда. Кўплаб психологик хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Масалан: оиласий, психологик – педагогик, касб танлашга ёрдам бериш ва ҳоказо. Бу борада амалий психология ишида ўқитувчилар, врачлар, психиатрлар, ота – оналар иштирок этадилар.

Амалий психологиянинг долзарб вазифаларидан бири – ўсмиirlар хулқидаги салбий ўзгаришларни ўрганиш ва уларга ёрдам беришдир.

Ўсмиirlар ёши ижтимоий, психологик, физиологик жиҳатдан жуда мураккаб қарама – қаршиликларга тўладир. Бу қарама – қаршилик ва мураккабликларнинг асл сабабларини кўпинча ўсмиirlарнинг ўзи ва унинг атрофидағилар англамайдилар.

Ўсмиirlарнинг ички дунёсидаги қийинчиликлар ташки оламдаги, мактабдаги, касб – ҳунар коллежи талаблар билан ўсмиirl дунёқараси, мотивлари тўқнашганда улар психологиясида, хулқида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Натижада ўсмиirda асабийлик, бетта чопарлик, ўзини тута билмаслик каби салбий хусусиятлар, шу билан бирга катталардан ўзининг ички дунёсидаги ўзгаришларни яшириш, катталарга, ўқитувчи ва тарбиячиларга ишонмаслик, ўзига ўзи ишонмаслик сифатлар пайдо бўлади. Ўсмиirl ўз ҳаётидаги ички ва ташки қарама – қаршиликларни катталарнинг ёрдамисиз енгиб ўтиши жуда қийин. Бу борада ўқитувчилар, тарбиячилар, врачлар, ота – оналар ҳамкорликда ишлашлари керак. Шундай ҳамкорликдаги ишлардан бири – психологик – педагогик консилиумдир.

Консилиум (лотинча *consilium* – кенгаш, маслаҳат – лашиб) – бир ёки бир қанча соҳалардаги

мутахассисларнинг маълум муаммони мукаммал ўрганиш ва уни ҳал этиш усулларини аниқлаш учун кенгашилди.

Бу тушунча кўп фанларда, шу жумладан, психология ва педагогикада ҳам қўлланилади. Ўсмирлар хулқидаги салбий ўзгаришни ўрганиш учун буни қўллашда ҳеч бир гайри табиийлик йўқ. Чунки бу масала ўқувчи хулқидаги ўзгаришларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни, тарбия жараёнида хатога йўл қўймасликни, йўл қўйилган хатоларни тузатишни кафолатлади. Шундай қилиб, психологик – педагогик консилиум – бу ота оналар, педагоглар, психологлар, медиклар ва бошқаларнинг ўсмир хулқидаги салбий ўзгариш сабабларини ўрганиш, уларни баратарф қилиш учун кенгашишдир.

2. Психологик – педагогик консилиумнинг предмети, мақсади ва вазифалари

Агар тиббий консилиумнинг асосий предмети бирор қасалликни ҳар томонлама ўрганиш бўлса, психологик – педагогик консилиумнинг предмети бирор ўқувчи ёки ўсмир хулқидаги салбий ўзгаришлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганишдир.

Психологик – педагогик консилиумнинг мақсади:

Ўқувчини (ўсмири) психологик жиҳатдан мукаммал ўрганиш ва таҳдил қилити (унинг психик ривожланганлик даражасини, шахсий сифатларини, характерини, темпераментини, ўқинидаги ва оиласидаги шароитини, соғлигини, ўқув гуруҳидаги мавқеини, тенгдошлари орасидаги тутган ўрнини) ўрганиш ва ўқувчига, унинг ота – онасига, педагогларга ёрдам бериш.

Психологик – педагогик консилиум фақатгина тарбияси оғир ўсмирлар учун эмас, балки индивидуал – психологик хусусиятларга кўра оиласида, ўқув гуруҳида ёки ўзининг ички қийинчиликларига учраган ўсмирлар учун ҳэм фойдалидир. Ўсмирларнинг психик ривожланиши қонуниятларини, уларга таъсир қилувчи сабабларни ўрганиш оиласида ва таълим – тарбия жараёнида тўғри йўл тутиш имконини беради.

Психологик – педагогик консилиумнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Ўсмирларнинг психик ривожланганлик даражасини ҳар томонлама баҳолаш. Ўсмирнинг диққати, хотираси,

тафаккури, идроки, нутқи, ҳиссиёти ва ҳоказо ўрганилади. Бунинг учун ҳар хил тестлар, экспериментлар, кузатиш каби методдардан фойдаланилади. Ўсмир шахсини ўрганишда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:

а) ўсмир ўзининг психик фаолиятини мустақил бошқара оладими ёки катта килилар ёрдамига муҳтожми;

б) ўсмир ўзининг ҳаракат қилаётган ишларининг асл мақсадини тушуниб, шунга мувоғиқ иш олиб борадими;

в) ўсмир ўзи куттан мақсадга эриша олмаган вазиятни қанчалик тўғри баҳолайди;

г) ўзи йўл қўйган хатоларни тузатиш учун тўғри йўл тайлай олиши.

2. Ўсмир ривожланишидаги салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи, унинг ўқишига, ишига, бошқалар билан ўзаро муносабатига халақит берувчи сабабларни психологик жиҳатдан ўрганиш. Масалан, ўсмирнинг ақлий тараққиёти орқада қолган бўлиши мумкин. Бу эса ўсмирнинг ўқув материалларини, хатти – ҳаракат қонидларини ўзлаштиришни, ўқув жамоасига кўникишини қийинлаштиради. Ўсмirdагi ўзгаришларнинг сабаблари биологик хусусиятта эга бўлиши ҳам мумкин.

Кўп ҳолларда ўсмирлардаги ўзгаришнинг асл сабаблари ижтимоий омилларнинг таъсири бўлиши мумкин. Бу ҳолда ўсмирнинг ўз атрофидаги одамлар билан муносабатини, улар билан келиша олмасликлари сабабларини, ўзини ўзи баҳолашини, ўзини психологик жиҳатдан ҳимоя қилиш усуллари ва ҳоказолар ўрганилади.

3. Ўсмирнинг камолотта эришишида, унинг келажагидаги салбий ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келишини баҳолаш. Бу борада ўсмирнинг ҳаёти, унинг ўқиши, ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. ҳисобга олинади.

4. Ўсмрга ёрдам беришнинг энг маъқул йўлларини аниқлаш. Бериладиган ёрдам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан: ота – она билан ишлаш, уларни педагогик жиҳатдан тарбиялаш, ўсмир ўқишини тўғри ташкил қилиш учун индивидуал режа тузиш, ўз устида ишлаш режасини тузиш, ўсмирнинг ҳиссиёти ёки характеридаги салбий ўзгаришларга қарши курашишлар ва ҳ.к.

Психологик – педагогик консилиум ўтказилаёттанданда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарган ва бу

ўзгаришларнинг турғунлигини таъминловчи омилларни ҳисобга олиш керак. Булар туғма, ирсий, нокулай оила шароити, ўқув юртидаги ёмон шароит, касаллик ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Консилиум ўтказаётганда ҳисобга олиниши керак бўлган асосий вазифалардан бири – ўрганилаёттан ўсмирнинг хатти – ҳаракати меъёрдан четга чиқсанми ёки хусусиятларнинг таъсири остида пайдо бўлган вақтинчалик ҳодиса эканлигини тўғри аниқлашадир.

### 3. Хулқдаги салбий ўзгаришларни баҳолашнинг назарий ва ташкилий масалалари

Хулқдаги ўзгаришларни баҳолаш.

Ўсмир хулқидаги ўзгаришларга тўғри баҳо бериш учун қўйидаги мезонларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ўсмир ёки боланинг ёшига мос келувчи хусусиятлар. Баъзи бир хусусиятлар маълум ёшдаги болаларга хос бўлиб, ундай хусусиятларнинг мавжудлиги улар учун табиний ҳолдир. Лекин ўсмир учун бу кайритабийдир. Масалан, ёш бола агар бегона кишининг нарсасини меники, деб туриб олса, бу унинг психикасида салбий ўзгариш бор, деб баҳолашга асос бўла олмайди. Агар бундай ҳодиса ўсмирда юз берса, ота – оналар, тарбиячилар бунга алоҳида эътибор беришлари шарт.

2. Хулқдаги салбий ўзгаришларнинг узоқ муддатгача сақланиши. Ҳар қандай ёшдаги болани текширишда ёки кузатишда уларда баъзи салбий хусусиятларни кўриш мумкин. Масалан: қўрқиш, ўжарлик, ҳолсизлик, ишёқмаслик, қўпполлик, аммо бу хусусиятларнинг узоқ сақланиши ёки жуда тез – тез тақрорланиши кам учрайди. Ёки болада, ўсмирда мактабга, касб – ҳунар коллежига боришини хоҳламаслик баъзида бўлиши мумкин. Лекин бу ҳол тез – тез тақрорланса ёки узоқ муддат давомида сақланиб турса, бу ундаги салбий ўзгаришлардан дарак беради.

3. Ҳаётий ўзгаришлар. Ҳар қандай кишининг хулқидаги ёки ҳиссиётида салбий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бу ҳаёт шароити ёки танадаги ўзгаришлар билан бослиқ бўлади. Ҳар қандай кишининг куч – қувватта тўлган, кайфияти кўтаринки вақтлари ҳам бўлади ва ўзини ёмон ҳис қилиган вақтлар ҳам бўлади. Кайфияти ёмон бўлган вақтларда улар жаҳддор, жizzаки ёки паришонхотир бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ўсмирнинг хулқини баҳолаётганда

унинг кайфиятини, ҳаётий шароитларини ҳисобга олиш керак.

4. Ижтимоий – маданий муҳит. Ўсмир хулқини салбий ёки ижобий, деб баҳолаш уни ўраб турган шароитни, ижтимоий муҳитни, маданий талабларни ҳисобга олинади. Чунки бир шароитда тўғри, яхши одат, деб ҳисобланган одат, бошқа бир муҳитда аксинча, ёмон одат, деб баҳоланиши мумкин (аммо ҳамма ҳолларда эмас, албатта).

5. Хулқдаги ўзгаришнинг даражаси. Баъзида ўсмир хулқидаги салбий ўзгаришларга нисбатан ота – оналарнинг, ўқитувчиларнинг шикояти кўпроқ бўлади. Табиийки, ҳар бир ўсмирда ялқовлик, катталарнинг айтганларини тўлиқ бажармаслик, баъзида қўполлик ҳоллари кузатилади. Бу ҳоллар, айниқса биз уларнинг мустақиллигига "тажовуз" солган ҳолларимизда яқъол кўринади. Бу хусусиятлар ҳақиқатдан ҳам меъеридан чиқиб кетган ҳолларни аниқлаш керак. Ҳар қандай арзимаган нарса учун уларнинг асабини "эговлаш" ҳам яхши эмас.

6. Хулқдаги салбий ўзгаришларниң юзага чиқишни частотаси.

Кам ҳолларда унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар бола руҳий олами учун табиий бўлиши мумкин. Бир марта ўзини тута олмай қолган ўсмирни биз хулқи ёмон дея олмаймиз. Унинг хулқига тўғри баҳо бериш учун унданаги салбий ўзгаришлар тез – тез такрорланиб туришини ҳисобга олишимиз керак. Бундан ташқари, бу салбий хусусият одагдаги шароитларда юзага чиқадими, буни аниқлаш лозим.

Хулқидаги салбий ўзгаришларни баҳолашда бу ўзгаришларни тўғри диагностика қилиш ва баҳолаш мумкин. Агар хушчақчак, ҳаракатчан, фаол, яхши ўқийдиган ўсмир (бода), пассив, инжиқ бўлса, ўқишига қизиқиши кескин камайса, бу ялқовлик эмас, балки касаллиқдир.

Бундан ташқари, хулқидаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳам қарз, ҳам фарзdir. Чунки ўсмирдаги салбий ўзгаришларни унинг оиласиб шаронити, гуруҳий ўзгаришлар ёки бошқа бир объектив сабаблар келтириб чиқариши мумкин.

#### *4. Психологик – педагогик диагностиканиң методик масалалари*

Диагностиканың навбатдаги босқичи. Бу диагноз қўйиш, яъни салбий ўзгаришларниң моҳиятини, табиатини ва келажакда қандай натижаларга олиб келишини аниқлаш. Бунийг учун юқори частотали электр тўлқини таъсири юқорида санаб ўтилган мезонларга асосланган қўйидаги беш жиҳат бўйича баҳоланади:

1) психологик – педагогик синдром (аломатлар мажмуси);

2) ақлий ривожланиш даражаси;

3) ёмон хулқининг биологик омиллари;

4) ёмон хулқининг ижтимоий омиллари;

5) ривожланишдаги орқада қолиш.

Масалан, диагноз қўйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: ижтимоий шароитта кўнника олмайди (1), ақлий ривожланиш меъёрида (2), тажовузкор, ўзини тута билмайди (3), оиласининг шароити оғир, тез – тез жаңжаллар бўлиб туради (4), ўқишка ва ҳисобда бошқалардан орқада қолган (5).

#### *5. Психологик – педагогик консилиумниң функциялари*

Психологик – педагогик консилиум маълум бир вазифаларни бажариши керак. Бундай вазифалардан тўрттасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар, ижтимоий назорат, ижтимоий қўллаб – қувватлаш, педагогик реабилитация ва психопрофилактика.

##### *1. Ижтимоий назоратниң вазифаси*

Ижтимоий назорат функцияси ўз ичига ўсмирниң хулқ – авторини назорат қилиб борувчи, унга тўғри йўл – йўриқлар кўрсатувчи кишиларниң ишини ўз ичига олади. Психологик – педагогик консилиум (ППК) жараёнида синф раҳбари, ота – оналар, ўқитувчилар учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқлади. ППК ўсмирни тўғри йўлга солиш учун энг яхши восита ва йўлларни аниқлайди. Чунки бериладиган ёрдам мақсадга мувофиқ бўлмаса, ўсмир хулқидаги ўзгаришларни чуқурлаштириши, катталар билан унинг орасидаги тушунмовчиликларни ҳам кўпайтириши мумкин.

## **2. Ижтимоий қўллаб — қувватлашнинг вазифаси**

Бу вазифа — шахс ўзи мустақил равишда енгиб ўтолмайдиган, шахс тараққиётига салбий таъсир қилувчи шароитларни енгиб ўтишда ёрдам бериш. Бу борада психологик — педагогик консилиум коллеж раҳбарларига, ўқитувчи — педагогларга, ота—оналарга маълум тавсиялар бериши лозим.

## **3. Педагогик реабилитациянинг вазифаси**

Бу вазифанинг асосий мазмуни ўқувчининг обрўсини ўқитувчилар, ота—оналар, дўйстлари орасида кўтарищдир. Кўпинча хулқида салбий ўзгаришлар рўй берган болаларга нисбатан ўқитувчи ва гуруҳдошларида, ҳатто ота—оналарда ҳам ишончсизлик пайдо бўлади. Ундан ижобий или, ижобий муносабат, яхши хулқ кутмайдилар. Фақат “ёмонлик” кугадилар. Психологик — педагогик консилиум ўқувчининг фақат салбий томонини эмас, балки ижобий хислатларини ҳам ўрганиб, уни ўқувчининг ўзига, ота—оналарга, педагогларга кўрсатиши, унга бўлган ишончни ўғотиши муҳим вазифадир.

## **4. Психопрофилактиканинг вазифаси**

Психологик — педагогик консилиум коллеж (ёки беркитилган) тибии хизмат ходимлари, психологик ва бошқа мутахассислар иштирокида ўқувчиларининг жисмоний ва руҳий соғалигини сақлаш, иш қобилиятини оширириш, улар орасидаги низоларни камайтириш, ўқувчиларда пайдо бўлган ижтимоий психологик муаммоларни ҳал қилиш каби ишлар олиб бориш йўлларини белгилайди.

- ўқитувчиларнинг талабига биноан ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, шахсий ва ҳиссий хусусиятлари, уларнинг қизиқишилари ва қобилиятлари ўрганилади;
- ўқувчилар билан индивидуал ишлари режаларини тузиб чиқиб, ўқитувчилар ва ота—оналарга тавсия қиласди;
- ўқувчиларнинг ўз гуруҳига мослашишини осонлантирувчи, уларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, ўзини ўзи баҳолаш ишларини белгилайди;
- низолар пайдо бўлишининг оддини олиш учун педагоглар, ота—оналар, ўқувчилар билан маслаҳат ишлар олиб боради.

Психологик—педагог консилиумига хулқ — авторида салбий ўзгаришлар рўй берган, ақлий ривожланишида камчилликлар кузатила бошлаган, анъанавий тарбия методлари таъсир қилмай қолган ўқувчилар, уларининг ота—оналари, дўстлари, тарбиячилар таклиф қилинади.

#### 6. Психологик—педагогик консилиум иштирокчилари.

Психологик—педагогик консилиум ўқувчиларни, ота—оналарни ёки ўқитувчиларни жазолочи, кўрсатма берувчи ташкилотига айланиб қолмаслиги шарт. Шунинг учун психологик—педагогик консилиум олиб борувчилар юқори малакали мутахассислар бўлиши керак. Педагоглар, психологлар, медиклар, психиатрлар, наркологлар, милиции ходимлари психологик—педагогик консилиумнинг доимий иштирокчилари бўлиши лозим. Булардан ташқари ўқувчиларнинг ота—оналари, тўгарак раҳбарлари ва бошқа кишилар таклиф қилиниши мумкин.

Консилиум раҳбари. Консилиум раҳбари консилиумнинг мунтазам ишлашини тавсия қилинган тақлифларнинг амалга ошишини назорат қилиш каби ишларни олиб боради. Ўқув коллеж раҳбарларидан бирни консилиумнинг раҳбари бўлиши мумкин.

Консилиум котиби. Консилиум котиби ўқувчи ҳақидаги маълумотларни тўплайди, унга тавсифнома ёзди ёки борада синф раҳбарига ёрдам беради, психологик—педагогик консилиум ёрдамига муҳтож ўқувчилар рўйхатинин тузади, консилиум аъзолари билан алоқа боғла туради.

Мактаб (билим юрги) врачи. Мактаб коллеж врачи ўқувчи соғлиги ва унинг соғлигини мустаҳкамлаш борасид олиб борилган ишлар ҳақида маълумот беради, ўқувчи биноан психопрофилактика ишларини олиб боради, иш ёдам олишини назорат қиласди.

Балоғатта етмаган ёшлар бўйича инспектор. Агар ўқувчи унинг ҳисобида турган бўлса, унинг дўстлари, кимлар билан кўпроқ вақтини ўтказади, у билан қандай ишлар оли борилганлиги ҳақида маълумот беради. Психологик—педагогик консилиум тақлифига кўра ўсмирлар гуруҳин тарқатиб юборади, лидернинг таъсирига қарши иш оли боради, ёшларга салбий таъсир қилаётган катталарни аниқлайди.

Махсус – маслаҳатчи. Махсус маслаҳатчи зарурий ҳолмarda таклиф қилинади. Бу нарколог, психиатр, психоневролог ёки логопед бўлиши мумкин. Улар тўғри диагноз қўйиш ва тўғри тавсиялар ишлаб чиқаришда ёрдам беради.

Психолог. Психолог консилиумнинг асосий иштирок – чиси ва ташкилотчисидир. Психолог қўйилган диагнознинг тўғрилиги қилинаёттан ёрдам ва тарбия методларининг адекватлиги, ўқувчи билан олиб борилаётган ишларниң мақсадга мувофиқлиги, консилиум натижалари бўйича шахсан жавоб беради. У ўқувчиларга, ота – оналарга ўқитувчиларга маслаҳатлар беради.

Синф раҳбари (турух раҳбари). Синф раҳбари (турух раҳбари) ўқувчига тавсифнома ёзади, у билан ишлаш жараёнида юзага келаётган қийинчилкларни баён қиласди, консилиум олдига маълум талаблар қўяди, кузатиш кундалигини тўлдириб боради.

Лозим бўлганда таклиф қилинган ижтимоий ташкилотлардан мутасадди шахслар (тренер, тўтарак раҳбари, маҳалла кенгаси аъзоси ва бошқалар) ўқувчи ҳақида ўз фикрларини билдиради ва зарур ишларни амалга оширишни ўз бўйнига олади.

#### 7. Консилиум ишини ташкил қилиш.

Консилиум кенгаси бир ойда бир – икки марта ўтказилади. Консилиум фаолияти ўқув йили бошида бошланади. Коллеж раҳбарлари ва психolog бир йиллик режа тузади, ёрдамга мұжтож ўқувчилар рўйхатини тузади, асосий қилинадиган ишларниң йўналишларини аниқлайди.

Кенгаси уч босқичда ўтказилади:

1) Ўқувчи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш (олинган маълумотлар, характеристика, ўзлаштириш натижалари ва ҳоказо) ва уларга аниқлик киритиш;

2) Ўқувчининг ота – оналари билан суҳбат (ўқувчининг ўзи иштирок этмайди), ўқувчининг ўзи билан суҳбат, ижтимоий ташкилот раҳбарлари, синф раҳбари билан суҳбат ўтказилади;

3) Фикр алмашиш, хулоса чиқариш, ўқувчига ёрдам бериш йўлларини аниқлаш, маслаҳатлар, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кенгаш бир ўқувчига тахминан бир соат вақт ажратади. Кенгаш: шиндида раҳбарни тўғри танлаш мумкин. Билимли сермулоҳа заманга раҳбар кенгаш ишини ҳақиқий маслаҳатга ёрдамга айлантиради.

### 8. "Психологик – педагогик консилиум" ўқув ўйинини ўтказиш.

Барча гурӯҳ талабалари психологияк – педагогик консилиум ҳақидаги назарий билимларни, унинг аҳамияти ве мақсадини чуқур ўзлаштиргандан кейин улар билан роллар ўйин ўтказиш таклиф қилинади.

Ўйиннинг мақсади – хулқдаги салбий ўзгаришларни мөхиятини илмий тушунтириш, бу салбий ўзгаришларни олдини олиш, бартараф қилиш билан боғлиқ кўникма ве малакаларни шакллантириш.

Ўйиннинг вазифалари:

- психологияядан ва педагогикадан олинган билимларни мустаҳкамлаш;
- тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш усули – методларини ўрганиш;
- хулқдаги салбий ўзгаришларни илмий жиҳатда баҳолашга ўрганиш;
- замонавий тарбия методларини ҳаётта татбиқ қилишга ўргатиш.

"Ўйинни ўтказиш учун барча талабалар ўзлар амалиётда бўлган коллеж ўқувчисига ёки ўзини гурӯҳдошига психологияк характеристика ёзиб келадилар. Дарснинг биринчи ярмида шу характеристикалар, уларни камчиликлари, ютуқлари муҳокама қилинади (3 – 4 тасиси муҳокама қилиш етарли). Кейин талабалар ўзаро ролларни ("тарбияси қийин ўқувчи", "унинг отаси", "акаси", "яқи дўсти", "синф раҳбари", "коллеж раҳбари", "врач" ва ҳокиз бўлиб оладилар).

Ҳар бир талабага унинг вазифаси тушунтирилади. Қолган талабалар эса экспертлик вазифасини бажарадилар. Улар ўйин давомида йўл қўйилган хатоларни ёзиб оладилар. Масалан "ўқувчига" "ота – онага" тўғри савол берилдими, тўғри диагноз қўйилдими, "ўқувчининг" хулқини тўъ

баҳоладиларми, тавсия қилинган ишлар мақсадга мувофиқми ва ҳокаго.

Үйин давомида психология фанидан олинган билимларни кенг қўллашга эришиш керак. Шахс, темперамент, характер, ўсмирлар психологиясига боғланган темаларни амалда қўллай олиш лозим.

Гуруҳ талабаларининг қизиқишларини, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда үйин турли шакл ва варианtlарда ўтказилиши мумкин.

Психологик – педагогик консилиум қўйидагича ўтиши мумкин (қисқача баён қилаяпмиз).

Психологик – педагогик консилиум ўтказиш учун талабалар ўзаро ролларни бўлишиб оладилар ва тайёрланадилар.

Кенгашни "раислик қилувчи" очиб беради. У кенгашга нечта ўсмир ва нима учун таклиф қилингани, қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида маълумот беради. Кенгаш аъзолари билан таништириб чиқади (агар янги кишилар бўлса). Кейин "синф раҳбари"га сўз беради.

"Синф раҳбари" олидиндан тайёрланган характеристикага асосланиб, ўқувчининг хулқи, характеристи, темпераменти, қизиқишлари, ўқишига бўлган муносабати, уйда ўзини тутиши, дарсда ва дарсдан бўш вақтларини ким билан қаерда ўтказиши ва ҳокаголар ҳақида батафсил маълумот беради. "Синф раҳбари" иложи борича "ўз ўқувчиси"ни тўлиқ таърифлашга, хулқдаги салбий ўтгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни очиб беришга ҳаракат қилиши лозим.

Кейин кенгашга ўқувчининг "ота – онаси" таклиф қилинади. Кенгаш аъзолари уларга мулојимлик, одобилик билан, жуда эҳтиёт бўлган ҳолда савол берадилар. Улар боланинг ривожланиши қандай кечганини босқичма – босқич муҳокама қиладилар. Масалан: тўғриқ вақтида ёки кейинроқ жароҳатланиш, лат ейиш, заҳарланиш каби воқеалар бўлганми? Оиласда нечанчи фарзанд? Акалари, опалари, сингиллари, укалари билан қандай муносабатда? Ота – оналари билан муносабати қандай?

Шу тартибда барчанинг консилиум аъзоларининг фикрларини эшитилади ва юқорида кўрсатилган назарий билимлардан фойдаланиб тавсиялар ишлаб чиқиладилар.

## 1.5. ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШДА КҮРГАЗМАЛИКНИНГ ЎРНИ

Инсон томонидан борлиқни билишининг турли йўллари, воситалари мавжуд бўлишига қарамасдан, бу ўринда кўргазмалик, яқъол алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, теварак – атрофни, умуман олганда борлиқни билиш инсонлар тўғрисида муайян маълумотларни эгаллаш ва тасаввурларни ҳосил қилиш даставвал иқъол кўзга ташланадиган, ташқи кўриниши билан ўзига тортувчи жозибадор, мафтункор кўргазмали ҳиссий йўл билан акс этувчи нарсалар, образлар ёки тимсолий тузилишга эга бўлган жисмларни инъикос эттиришдан бошланади, ҳиссий образларни идрок қилиш улардаги янгиликларни янги кўриниши: аломати ранг – барағлиги сингари унсурларга аҳамият беришда намоён бўлади. Тузилиши жиҳатидан мураккаб, мазмун ва моҳиятдан мавхум билимларни илмий тушунчалар ва атамалар маъносини енгилроқ тарзда тушуниш мақсадида одамлар уларни ўзлаштириш учун яқъоллаштириш услубини татбиқ этишга одатланганлар. Ушбу ижтимоий воқелик (реалия) ҳодиса бир томондан уларни тасаввур қилиш ёки англашни тезлаштиради, иккинчи томондан эса ақлий зўр беришликни шахсий фаоллик даражасини сусайтиради. Ўз ўзидан аёнки, билишда бундай руҳий жараённи шахс томонидан узлуксиз такрорлайвериши салбий оқибатларга олиб келиши худди шу боисдан илмий мавхум билимлар билан яқъол ҳиссий образли нарсалар, ҳодиса ёки ҳолатларни идрок қилиш ўртасида доимо нисбий мутаносиблик бўлишидан ташқари, бирининг иккинчиси устидан (яқъоллик билан мавхумлик назарда тутилади) устуворлиги ортиб кетишига ҳам аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Аввало мавхум билимлар ўзининг мураккаблиги билан талабани тезроқ толиқтиурса, бундан фарқли ўлароқ яқъол ҳодисалар ташқи аломати мужассам объектлар ақлий сусткашликни кучайтиради. Шунинг учун бу воқеликка оқилона одилона ва омилкорлик билан ёндашиш туфайли фақат зарурият туғилган таҳдирдагина уларнинг биттасига муваққат давр оралиғида кучлироқ эътибор берилсагина фанларни ўқитишни такомиллаштиришга хизмат қиласи, холос. Аксарият

жолларда ўқитишинг у ёки бу босқичида (ўрта ва олий таълим тизими назарда тутилади) ҳар иккала ижтимоий психологияк ҳодисадан унумли фойдаланиш, уларга бирламчи ёки иккиламчи даражали нарса сифатида қарамаслик – таълим жараёнининг сифатини оширишга ижобий таъсир этади.

Борлиқни инъикос этишда мавҳумлик билан яққоллик ўртасида ўзаро изчил уйғунликни йўлга қўйиши, ўз навбатида психология тармоқларини ўқитиши замонавий ташкил қилишини таъминлайди, чунки бу воқелик ижтимоий – тарихий тараққиётнинг мезони эканлиги сабабли чин ҳақиқатининг ифодасидир.

Ҳозирги замон психология фани соҳалари бўйича материалларни умумлаштиришнинг кўрсатишича, психология ўқитиши услугияти нуқтаи назаридан таълимда кўргазмалилик бир нечта кўринишга ажратиласди. Бунда жинсий диформизмга (эркак ва аёлга мансублик хислатига) ва шахсларга гендер (жинснинг генезис асосларига биноан ёндашишга) муносабатга алоҳида аҳамият бериш ўқитиши замарадорлигини оширишга пухта замин ҳозирлайди.

Шунинг учун олий мактабдаги кўп йиллик ўқитувчилик тажрибасига асосланган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида уларни бевосита идрок этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу муаммога генетик жиҳатдан ёндашсак, мавҳум тушунчаларга нисбатан яққоллаштирилган материаллар осонроқ идрок қилинади. Даставвал ижтимоий – тарихий тараққиётнинг кўрсатишича, кишилик дунёсида билиш жараёни теварак – атрофни амалий жиҳатдан инсон томонидан ўрганиш тариқасида намоён бўлганилиги туфайли ўзининг қадр – қийматини сақлаб келмоқда.

Таълим жараёнида яқъол тасаввурлик, тасвирий кўргазмалилик, "Жонли мушюҳада" лик материалларининг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Маълумки, ўзлаштирилган ўқув материалларининг аксарият қисми ҳиссий тана аъзоларимиз {организм} томонидан акс эттирилади. Шунинг учун талабалар билимларни турии воситалар, усувлар ёрдами билан эгаллаш пайтида яқъол нарсалар, образлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жисмларни ёки уларнинг рамзий тасвирини кузатиш натижасида яқъол тасаввур образларини яратдилар.

Психологик нуқтаи назаридан кўргазмалилик табиий – жисмли (предметли), тасвирий ва жонли нутқ ёки "жонли мушоҳада" турларига ажратилади.

Психология фанини ўқитищда яиги мавзулар аудиторияда қисқа муддатли тажриба ўтказиш ёки баъзи обьектларга саёҳат (экскурсия) уюштириш билан боғлиқ равишда олиб борилса, у ҳолда кўргазмалиликнинг яқъол табиий кўринишига асосланилган бўлинади. Мазкур ҳолат психологик ўқув материалларини талаба томонидан пухта ва тез ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратади. Бундан ташқари, тажриба майдонларида, ўқув лабораторияларида, жонли бурчакларда (зоопсихология курси бўйича) ўтказиладиган машғулотлар ҳам шуларнинг жумласига киради.

Тасвирий кўргазмали расмлар, муляжлар, кинокартиналар, чизмалар, жадваллар, схемалар, графиклар, диаграммалар, картиналар, техника воситалари, компьютер имкониятлари ва бошқалар рамзий белги (аломат, тасвир) турии аппаратлар орқали намоён қилинади.

Жонли нутқ кўргазмалилигида ўқитувчи талабаларда яқъол тасвирлар ва образларни уйғотадиган ёрқин, жонли иборалардан фойдаланади. Жонли нутқ кўргазмалилик сифатида қадим замонлар қўлланиб келинаётганилиги ҳаммага аён. Ўқитувчининг аудиторияда ўзининг фан соҳаларига тааллуқли билимларини талабаларнинг онгига сингдиришда асосий таълим воситаси сифатида жонли нутқдан фойдаланиш анъянавий тус олган. Нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, механизми, артикуляцион аппаратлари, намоён бўлишининг ўзига хослиги, ёунинг темпи (суръати), тембри, частотаси, овоз тони каби жабжалари уни қабул қилишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошишни таъминлади. Нутқда бевосита иштирок этувчи, новербал томонини мужассамлаштирувчи паралингвистик, экстра – лингвистик, проксемик кўринищда акс этади.

1. Паралингвистика ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: товуш ёки овознинг ширалилиги, унинг диапазони (кўлами) ва баландиги, инсоннинг бир – бирига юзма – юзтиклиши кабилар.

2. Экстравингвистика: нутқ темпи (суръати), тембри, частотаси, ритмикаси, имо – ишора, мимика, пантомимика.

3.Проксемика: кўз билан алоқа ўрнатиш, фазо ва вақт мужассамлашуви, тана аъзоларининг ҳаракатлари, кўзининг ранг – барараг ҳаракатлари ва ҳоказо.

Нутқининг новербал кўринишларида ўқитувчининг фойдаланишини бир даврнинг ўзида муайян изчилилк касб этиб, муаллим билан талабалар ҳамкорлик фаолиятини маҳсулдор тарзда амалга оширилишига сафарбар қилинади.

Олий таълим жараёнида жонли нутқининг кўргазмалилик тарзда акс эттирилганда қуийдаги материаллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

- сессия талаба учун тоғдек оғир юқ,
- хабардан талабанинг қалби ёришиб, вужудида чироқ ғўқандаи кечинма пайдо бўлди,
- миалий хусусиятдан бири – бағрикенглиқдир,
- ақлнинг қудрати – жаҳонни титратади,
- ақл билан жаҳонни забт этиш, сўз сеҳри билан душманни мағлуб қилиш мумкин.
- Замонавий таълимотта биноан ақлий тараққиёт таълимни ўз кетидан етаклайди {олий таълим назарда тутилади},
- Комиллик – жисмоний куч – қудрат, маънавий мукаммаллик, ақлий имкониятнинг юксак босқичи, омилкор сави – ҳаракатлар сарасининг мужассамлашувиdir.
- Уни кўргапида "ранг кўр, ҳол сўр" деганларида аста ғазаб отидан тушди, айтмоқчи бўлган сўзларини ичига ютди, овозида майнинлик, меҳрибонлик, ўта ширавалик жилоланди ва ҳоказо.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг жонли нутқи шундай кўргазмаликни ўзида мужассамлаштирадики, қачонки овознинг ширавалиги, унинг диапазони (кўлами) ва баландлиги (авжи) теран тарзда талабалар идрок майдонида ўзига хос таъсирчан объект, ҳиссий цижаот сифатида гавдаланиш имкониятига эга бўлса. Бу психологик воқелик ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлигини барқарор – лаштиришига хизмат қиласа, шунингдек, ҳамкорлик фаолияти маҳсули ошишига замин ҳозирлайди, у ҳолда ўзаро таъсир жараёни узлуксизликка айланади.

Модомики шундай экан, таъсир ўтказувчанлик (интеракция) ижобий ҳис – туйғулар уйғотиши, ўқув

материаларини ўзлаштириш жараённи сиғил кўчишни таъминланиши натижасида ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичи ўз ўзидан ортади. Ўқитувчи билан талабаларнинг чеҳралари ўзаро рўпарў келса, ўзаро юзлашса ва бу ҳодиса қадрият вазифасини бажарса, ҳамкорликни фаоллантиришга туртки (мотив, мотивация) бўлса, у ҳолда таъминий маълумотларни қабул қилиш осон кечиши кутиди. Ўқитувчининг юз харакатлари, рағининг ўзгарини, қошлари чимирилиши, кўзининг катта очилини ёки олайини каби психологияк ҳолатлар, ҳодисалар рўй берини талаба учун новербал нутқ сифатида таъсир этди ҳамда ўз ғавбатида яққол кўргазмалик ролини ўйнайди. Маълумки, бундай воқеликлар куидалик амалиётимизда тез – тез содир бўлиб туради.

Психологиянинг муайян соҳаларини ўқитишида имо – ишора, мимика, пантомимика сингари ташки ифодали табиий кўргазмаликни қўллаши ижобий натижаларнинг берини мумкин ва бунда ўқитувчидан артистлик қобилияти талаб қилинади. Мазкур жараёнда ҳар бир хатти – ҳаракат, юз ва кўз ҳаракатлари мақсадга йўналтирилган тарзда ифодаланиши зарур. Имконият ёки вазиятдан келиб чиққан ҳолда бундай воқеликни одатий нарсага айлантириб қўймаслик лозим, акс ҳолда упинг аҳамияти қадрсизланиши шак – шубҳасиз.

Психология фанининг соҳаларини ўқитишида асосий категориялар, бўлим ва бобларнинг бошлари схемалар, диаграммалар, чизиқли ифодалар кўринишда талабалар ҳукмига ҳавола қилинипи мавзулараро узвийликни таъминлашга хизмат қиласи. Масалан; шахснинг тузилиши, тафаккур турлари, қарор қабул қилиш схемалари нафосат дидига асосланган ҳолда чизилган ҳамда безатилган бўлса, уларни идрок қилишга иштиёқ, майл, интилиш, қизиқиш вужудга келади. Лекин кўргазмалик можияти ва мақсадини ўта сунистеъмол қилиш ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу аснода кўргазмалик учун материал танлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга, чунки ҳар бир тасвир, шартли ифода, модель ўзининг бетакрорлиги билан ажralиб туриши лозим. Объектларни такрорий кўрсатиш уларнинг қийматини пасайтиришга олиб келади, талабаларда эса эҳтиёж, мотив ва мотивация вужудга келтиришга тўсқинлик қиласи. Худди шу

боис кўргазмалилик қачон ва қайси даврда, қай шакл ҳамда қай йўсинда тингловчилар ҳукмига ҳавола қилинини услубий жиҳатдан пухта ўйланган бўлиши шарт.

Машгулотлар давомида ўқитувчи томонидан фазовий ва вақт ўлчовларининг ҳавода чизиб кўрсатиши, илиқ ҷеҳранинг намоён этиши, овознинг кўтарилиши ва пасайиши, мантиқий ургулар, тўхталишлар (пауза), доскадан тартибли равишда фойдаланиш ҳам кўргазмалилик таркибига киради. Китоблардан парчалар ўқиш, ёддан саналар келтириш, тест, диаграмма, пиктограмма можиятини тушунтириш, ҳиссий кечинмаларни ҳар хил шаклда намойиш этиш ўқитиша фаолликни вужудга келтиради ва ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлигини шакллантиради.

Психология ўқитиши жараёнида муаммоли вазиятларни юзага келтириш (масалан, мустақил фикрлашнинг асосий омилларига тавсиф бера оласизми?) мумкин. Унбу вазиятни яққоллаштириш учун "Фикрловчи инсоннинг психологик портретини ҳамда жисмоний тузилишини кўз ўнгингизга келтиринг, уни тасаввур қилинг" деган йўллайма беришининг ўзи кифоя. Мураккаб тошишмоқ шаклидаги тестларни талабалар иختиёрига йўналтириш ҳам яққолликни юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этади, жумладан, вазият мана бундай кўринишга эга: Скамейкада бир йигит билан бир қиз ҳордиқ чиқариб ўтирган экан, йўловчи қиздан бу ким деб савол билан мурожаат қилганида, у шундай жавоб қайтариби: "Бу йигитнинг онаси менинг онамнинг қайнонаси". Муаммо ўз ечимини кутади, қиз ким билан ўтирган экан?

Хумлас, психология ўқитишида ҳар хил хусусиятли кўргазмаликлардан фойдаланиш талабалар фаоллигини жонлантиради, олдинги билимларни эслга туширади, борлиқ тўғрисидаги тасаввурларини қайта эслга келишига имкон яратади. Лекин ҳар бир нарсанинг меъёри мавжуд бўлгани сингари кўргазмалилик ҳам анъанавий, одатий ҳолат ёки воқеиликка айланисиб қолмаслиги даркор, акс ҳолда мавҳум тушунчаларни ўзлаштиришда муайян қийинчилклар туғилишига олиб келиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи ўзининг фаолият режасида маълум белгилар ва чизғиларни акс эттириши олий мактаб таълим тизимини такомиллаштириш йўлида хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

## **И-БОБ. ПСИХОЛОГИК МАВЗУЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ**

### **2.1. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖАБҲАЛАРИНИ ЎҚИТИШ ВА ТУШУНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

Психологияни ўқитишида моддий органларнинг таркиби юзасидан маълумот бериш йўл ва воситалари:

I. Бош мия катта ярим шарларининг таркибий қисмлари:

1. Палеокортекс (қадимги) – 2,6 %
2. Архикортекс (эски) – 2,2%
3. Неокортекс (янги) – 95,2%

II. Бош миянинг тузилиши:

1. 11 область
2. 52 та майдон

III. Бош миянинг ҳажми:

1. Умумийнинг 47 %
2. Ҳажми 2498 см. квадрат
3. 14 мл.нерв ҳужайраси

IV. Бош миянинг марказлари:

1. Кўриш: орқа энса: 17, 18, 19.
2. Эшитиш: чакка қисм: 42, 41.
3. Тери – тулош: 1, 2, 3.

Шахсга таъсир этувчи табиий омилларининг талқин қилиш методикаси:

- 1.Туғилиш (генетик),
- 2.Яшаш (саломатлик, экологик)
- 3.Атрофия – кичиклашиш (организмнинг майдаланиши)
4. Биоритмика.
5. Психометрия.

Ижтимоий негативстик ҳолат ва ҳодисаларни талқин қилиш методикаси:

1. Бегоналашиш (шахслараро муносабатларнинг негатив ҳолати)
2. Ижтимоий гармония (инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлашуви).
3. Комфорт ҳисси (шахснинг такомиллашув омили тариқасида юксак эзгу ниятларга интилиш).

4. Эркин севги (жаҳон халқлари ўртасида севги – муҳаббатга юзаки муносабатнинг кўриниши).

Шахснинг индивидуаллиги ва униниг ўзига хослигини тушунтириш методикаси:

**I. Индивидуалликнинг бирламчи функцияси:**

1. Конституцион (тана, биокимёвийлик)

2. Симметрия ва асимметрия:

а) рецепторлар,

б) эфекторлар,

в) ҳужайра ва молекула функциялари,

3. Жинсий диморфизм

**II. Индивидуалликнинг иккинчи интеграцияси:**

1) темперамент,

2) тұрма майл ва лаёқатлар,

3) онтогенетик ва филогенетик алоқалар.

Шахснинг табиат ва жамият билан ўзаро муносабатларини изоҳлаш методикаси:

I. Табиат – инсон,

II. Инсон – техника,

III. Инсон – маданият,

IV. Инсон – жамият – ер – макон.

Шахсни камол топиш босқичларига оид түшунчалар ва уларнинг иерархиясини тушунтириш методикаси.

1) индивид (одамга хослик)

2) инсон (ижтимоий ҳаётда бошқалар қаторига кириб бориши)

3) шахс (жинсий, жисмоний, ижтимоий етуклик, балоғат даври)

4) субъект (шахсий роя, позиция ва уларни амалга оширишга интилувчи тараққиёт босқичи)

5) комил инсон (камолотнинг энг юқори босқичи; жисмоний, мәйнавий, ақлий жабжаларнинг юксак күрсаткичларига эришганлик; соҳа билимдони, соҳалараро билимдонлик, ақли донишлик, валелик ва ҳоказо).

Инсон билан жамиятнинг ўзаро таъсирини изоҳловчи атамаларни тушунтириш методикаси:

1. Тайёргарлик (ички ва ташқи омиллар таъсирида инсоннинг рұжан шайлиги).

2. Старт (фаолият ва камолотнинг бошланғич нуқтаси)

3. Кульминация (энг юқори даража ёки чўққига эришиш ҳолати)
4. Финиш (маррага етиш ёки интилишлар якунланиши)

Инсонни инсон томонидан идрок қилишининг тузилмаси ва уни тушунтириш схемаси:

инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг шаклари ва ўзига хослигининг туркумлари:

- 1) аналитик (ташқи қиёфа: лабни босиб туриш – иродасининг кучлилiği ифодаси эканлиги)
- 2) эмоционал (нафосат, ташқи қиёфа, аттракция)
- 3) перцептив – ассоциатив (инсонларнинг ташқи кўринишлари ўхшашлиги бўйича ўзаро қиёслаш)
- 4) социал – ассоциатив (ташқи кўриниши, нутқи, социал типга тааллуқлиигини инобатга олган ҳолда идрок қилиш)

II. Инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг механизmlари;

- 1) идентификация (ўхшашликка интилишда мужассамлашув жараёни, ҳолати)
- 2) социал психологик рефлексия (ўзгаларни ҳақиқий баҳолаш, ижтимоий тасаввур этиш, улар учун фикр юритиш, имкониятини тушуниш)
- 3) эмпатия (ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик туйгусини намойиш этиш)
- 4) стереотиплар (этнос томонидан яратилган расм – русум, анъана маросим, урф – одат кабиларнинг табиий равища ҳукм суриши ва уларга танқидсиз тарзда риоя қилиниши)

Онг ва унинг можиятини схематик равища тушунтириш методикаси:

I. Онгнинг психологик тавсифлари:

- 1) англанилган билимларнинг мажмуаси
- 2) субъект билан обьект ("Мен" ва "Мен эмас"). ўртасидаги фарқни оқилона акс эттириш имконияти
- 3) мақсадни кўзловчи фаолиятни узлуксиз равища гаъминлаш
- 4) ўзгаларга эмоционал – ҳиссий муносабатлар мавжудлиги

Онгнинг шакллари:

- 1) онгизалик (ихтиёrsиз равишида нарса ва ҳодисаларга муносабатнинг ифодаланиши)
- 2) онглилик (ақлий зўр беришлик асосида муносабатнинг акс этиши, бошқаруви)
- 3) онгосталик (инсоннинг муайян объектга автоматлашув жараёни мужассамлашуви)
- 4) супер онглилик (aloҳида шахсга таалуқли бўлган юксак камолот даражасининг инъикоси)

Табият билан инсон муносабатининг ўзига хос кўринишларини талқин қилиш методикаси:

- 1) атмосфера,
- 2) гидросфера,
- 3) биосфера,
- 4) литосфера,
- 5) тропосфера,
- 6) стратосфера,
- 7) ионосфера.

Табиятнинг ҳар бир қатламини инсонга таъсир этишининг ўзига хос томонлари тўғрисида мулоҳаза юритиш орқали ўзаро муносабатларининг ролига муайян даражада баҳо берини ва ҳоказо.

Идрок қилиш жараёнида кўз ҳаракатларининг турли туманлиги ва ўзига хослиги хусусиятларини тушунтириши методикаси ҳамда жаҳон психологиясида уларнинг ўрганланлик даражаси:

- 1) конвергенция,
- 2) дивергенция,
- 3) горизонтал,
- 4) вертикал,
- 5) циклофузион,
- 6) торсион,
- 7) версион,
- 8) вергент,
- 9) сакгадик,
- 10) тремор (20 – 150 гц),
- 11) дрейф (3 – 30 гц),
- 12) флики (2 – 10 гц) кабилар.

Кўз ҳаракатларининг хилма – хиллиги акс эттиришнинг ўзига хос намоён бўлишини таъминлайди. Шунингдек,

мазкур жараён ўзига хос механизмлар орқали вужудга келиши, муайян вақт оралиғида кечиши, маҳсулдорлиги тұғрисидаги маълумотларни умумлаштиришга хизмат қилади.

Идрокнинг ҳаракат шакли ва унинг кўринишларини таҳлил қилиш методикаси:

1) ижтимоий (давр, фаза, аср, тараққиётнинг ўзгариши, ҳаракатда бўлувчанлиги),

2) биологик (табиатдаги нарсаларнинг узлуксиз ривожда бўлиши жараёни),

3) кимёвий (нарсаларнинг ўзаро реакцияга киришиши ҳаракатнинг мужассамлашуви)

4) астрономик (осмон жисмларининг узлуксиз ҳаракатини идрок қилиш тұғрисида мушоҳада),

5) табиий (табиатдаги ҳодисаларнинг ўзаро ўрин алмашиши ҳаракат сифатида тасаввур қилиниши),

6) ҳуққинсон ёки ҳайвоннинг хатти – ҳаракатлари доимийлиги, уларнинг суръати, частотаси, тембри ва ҳоказо)

7) когнитив (билиш жараёни доимий равищда нарса ва ҳодисаларни эгаллашга мувофиқлашганлиги),

8) эмоционал (инсон ва ҳайвон ўзгарувчанлиги назарда тутилади)

9) иродавий (жиғдийлик, ақдий зўр беришининг кучайиши ва сусайиши жараёnlари ўзгарувчанлиги),

10) жисмоний (ҳайвон ва инсоннинг бўйи, эни ва тана аъзоларининг ўсишини инсон томонидан идрок қилиш).

Ҳаракатлар инсон томонидан идрок қилиниши орқали борлиқ тұғрисидаги воқелик яққол, аниқ тасаввур қилиш имконияти түғилади ва билиш кўлами кенгайишига имконият яратилади.

## 2.2. МЕТОДОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

1. Социал гармония моҳияти. Ер куррасида давлатлараро, миллатлараро, шахслараро муносабатларнинг кенгайиши, коммуникатив алоқа тармогининг авж олиши туфайли ижтимоий ҳодисаларнинг ёилиши тобора енгиллашиб бормоқда. Булар ижтимоий психологик феноменлар сифатида тақлид (имитация), юқиш, таъсирга

берилиш, паника, овоза, миш – миш қабиларда ўз аксини топиб, оммавий тусга эза бўлиб бормоқда. Улар қуийдаги шаклларга эҳадирлар: мода (замонавий либос), қўшиқ (замонавий поп, реп шоу), рақс (аэробика қабилидаги тана аъзоларининг ҳаракатлари), муомала (мулоқот мароми) манераси, шахслараро муносабатда нутқнинг ифодаланиши (қўпполлашиб бориши) қабилар.

Бизнингча, ижтимоий ҳодиса мослик, мутаносиблик, уйғунаик, яъни гармония эканлиги муносабати билан мамлакатлар бўйлаб ёйилиш тезлиги жуда юқори суръатта эга. Жаҳон ёшлари ўртасида кўп жиҳатдан ўзаро ўхшашлик мавжуд бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар қайсисида илиқ туйғу, хайриҳоҳлик, самимият, интилиш ҳисларини уйғотади, ўз маънавий дунёсига айлантириш эҳтиёжи туғилади, ҳисларнинг амалий ифодаси юзага келгунга қадар воқеликнинг янги кўринишлари, турлари, шакллари, вариантлари пайдо бўлади, иатижада инсон узлуксиз ҳаракатлар доирасига кириб қолади, умрбоқий лаззатланиш туйгуси билан руҳий кечинмалари кўлами кенгаяди. Ёшларнинг мода, куй, рақс қабиларнинг ўзига тортиши жиҳатидан қайси қитъада яшашидан қатъи назар умумийлик, ўхшашлик борлиги сезилиб туради, худди шу боисдан ўша воқеиликларни "социал гармония" деб аташ мумкин, чунки бу нарсалар ўз жозибаси билан миллый, этник, ирқий, жинсий хусусиятлар таъсирига берилмайди. Бундай ижтимоий кўринишларни вужудга келтирувчи омиллар мажмуаси мавжуд бўлиб, улар ўзининг ранг – баранглиги (либослар), замонавий техника воситалари ижронининг янги босқичга кўтариғанлиги (электрон мусиқа асబоблари ва уларнинг созловчилари, клиптардаги мафтункорлик кучи, рақсларнинг серҳаракатлилиги, уларнинг (биотокларнинг одам танасида ҳаддан зиёд тўпланиши, оргиқчалиги туфайли табиий эҳтиёж, органлар тириклигининг муҳофаза қилувчи омил тариқасида) ижро суръатининг тезлиги, оригиналлиги ва бошқа томонлари инсонни ўзига ром этади. Баъзан уларга нисбатан тақлидий ҳаракатлар юзага келади, кўр – кўрона (онгсизлик таъсирида) берилиш, англашилмаган ички туртиклар, яъни мотивлар (лотинчада "ички сабабийлик" маъносини билдиради) хулқ – автор маромини келтириб чиқаради. Жаҳонга донги таралган юлдуз артистлар, мода

намойишчилари {ҳатто фотомоделлар} оддий фуқароларни ўзига тортади, бошқача сўз билан айтганда, аттракция (уни лотин тилидан ўзбекчага таржима қилсак, у ўзига маҳлиё этиш деган маънони англатади) ҳолати намоён бўлади, унинг таъсир кучи ейилиш кўлами кўп жиҳатдан шахснинг айни шу дақиқадаги ҳиссиётига боғлиқ.

Инсонлардаги ташқи кўринишнинг мафтункорлиги уларга нисбатан илиқ туйғуни вужудга келтиради, ўзаро макон бирлиги, умумийлиги муносабати билан шахслараро восита муайян масофадан алоқа ўрнатилади, натижада муаммонинг барча таркиблари (коммуникация – бир томонлама ахборот узатиш, интеракция – ўзаро таъсир ўтказиш, перцепция – инсонни инсон томонидан идрок қилиш) бир даврнинг ўзида ифодалана бошлайди. Шу тариқа социал гармония биринчи навбатда ёшлар, қолаверса бошқа ёшдаги инсонлар руҳий дунёсига тақлид, юқиши, таъсирга берилиш орқали аксарият ҳолларда онгсизлик ҳолати негизида кириб келади. Шунинг учун социал гармония Умумжаҳонга даҳлдор хусусият касб этиб, шахслараро мослик, мутаносиблиқ, уйғуналиқ, нисбий уйғуналиқ, ҳиссий бирликни табиий равишда, эволюцион йўл билан шакллантиради. Ушбу ижтимоий воқелик бутунги кун, давр нафаси, замон руҳини умуминсоний қадрият даражасига қўтарилишига маълум шарт – шароит яратади, фаоллик, Комфортта интилиш туйғусини, умид, эзгу ният ҳислари пайдо бўлишига пухта замин ҳозирлайди.

## 2. Бегоналашишнинг психолигик моҳияти

Бутунги кунда бегоналашиш туйғуси борган сари одамлар руҳиятига чуқурроқ кириб бормоқда, айрим этник груп доирасидан ташқари чиқиб, ўз таъсири кўламини Кенгайтирмоқда. Бу ижтимоий воқеликми, қонуниятми, тасодифми ҳозирча аниқ баҳолаш имконияти йўқ, лекин эҳтимоллар назариясига, башорат эҳтимолига кўра муайян ишончлиқ даражасига эта бўлган жавоб топиш мумкин. Жаҳон инсоншунослари тўплангандан маълумотларга қараганда, бегоналашишнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий негизлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсисида эришилган устуворлик яққол воқелик сифатида юзага келиши эҳтимолиги таъкидланган. Бегоналашиш аслида психологик туйғу, ҳис, кечинма тариқасида табиатан таркиб топади.

шахснинг жисмоний баркамоллиги, ақлан мукаммаллиги, руҳан тетиклиги, ҳуқуқан тенглиги, ижтимоий жиҳатдан тेरанлиги, эътиқоддан пухталиги, муҳитта мослашишга укувчанилиги, ички имкониятларга сероблиги, билимдонлиги унга позиция эталлаш, турмуш йўлини ташлаш, мустақил қарор қабул қилишта зарур шарт ва шароитлар яратади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, табиатан биосфера ва неосфера ва жамиятидаги воқееликни билиш нисбий хусусиятлариги туфайли барча нарсалар фазо, вақт, ҳаракат мезонлари бўйича барқарор, бир текис ҳукм сурматандай, бегоналашиш аввал туйғу сифатида, кейинчалик Эса шахс хусусияти (айрим маънода иллати)га айланиб микро муҳитдан, бирламчи гуруҳдан нисбий жиҳатдан узоқлашишни билдиради, холос. Бизнингча, тўла маънода, узил – кесил бегоналашиш инсонга хос хусусият эмас, чунки турли ҳаёт ва фаолият вазиятларидан шессимистик, оптимистик, сентименталистик туйгулар тазиийига учрагандагина руҳан кўмакка муҳтождир. Худи шу сабабдан, эйдеги образлар (лотин тилидан ўзбекчага ағдарсак, у ўчмас из, тимсол деган маънони беради), армон умид, сингари юксак ҳислар батамом бегоналашиш ҳодисаси вужудга келишига руҳий тўсиқлар яратиб туради, оқибатда кўмсаш(маълум муддатдан сўнг), танҳолик (яккаланиш) туйгулари Ватан, қон -- қариндошлик, меҳр – муҳаббат тўгрисидаги умумбашарий қадриятлар уни тафаккур оламига қайтаради. Ҳаёт ва фаолият маҳсуллари сарҳисоби, эришилган ютуқлар, мувваффақиятсизликлар, статус билан роль ўргасидаги уйғунлик, хуллас онгли даврдаги жамики кечинмалар қайтишиб яъни рамзий инволюция (лотинча орқага қайтиш маънога эта) жараёнини юзага келтириш мумкин. Лекин бу ижтимоий ҳодиса оммавий қонуний равишда барпо бўлади деган қатъий фикрдан мустасномиз, чунки турмуш тажрибалари буни батамом тасдиқловчи материалларга эга эмас. Бинобарин, у маълум маънода чеклангандир.

Хўш, бегоналашиш қандай юз беради, унинг даражалари, кўринишлари мавжудми ёки босқичма – босқич амалга ошадими?

Олиб борган кузатишиларимизнинг кўрсатишига қараганда, бегоналашиш туйгуси бир неча йилларнинг

маҳсули сифатида намоён бўлади ва уни кеалириб чиқарувчи омиллар, туртқилар хилма – хилдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш, лозимки, ипсон ҳеч қачон бегоналапшишга мойиллик билан туғилмайди, унинг ирсий белгиларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки у бирламчи ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади.

Ипсон шахс сифатида таркиб толиши жараёнида иккита катта гуруҳга тааллуқли фазилатларни эгаллайди, унинг биттаси альтуристлар (фридоййлар), иккинчиси эса барча нарса ўз “Мен”ига қаратилганлиги билан ўзаро кескин тафовутга эга, бинобарин, бир гуруҳга мансуб кишиларда меҳр – муҳаббат устувор бўлса, бошқасида бегоналапшишга мойиллик кучлидир. Ушбу фикрлар мазмуни бегоналашини – нинг кеалириб чиқарувчи психологияк манбалар моҳиятини очиб беришга хизмат қиласи ва унинг негизи, ҳаракатлантирувчиси тўғрисида маълумот олишга ёрдамлашади.

Психологияк нуқтаи назардан бегоналашини муйян таркиблардан иборат бўлиб, бошланиш нуқтасига, яъни генезисга эга, чунки ҳар қайси мустақил кўриниши уни юзага келаёттанилигидан дарак беради. Бегоналашининг дастлабки кўриниши бола эмишдан қолган сониядан бошланиди. Бола учун содда кўринишдаги эркининг туғилиши она билан мулоқотта кирлини миқдорини камайтиради, демакки, нисбий хусусиятли меҳр туйгуси бироз сусаяда. Унинг иккинчи кўриниши тик юрилпини эгаллаган даврдан бошланиб, она томонидан бериладиган кўмак, ёрдам даражаси пасаяди, муомалага киришиш кўлами торайиб боради. Жисмоний жиҳатдан ўзини ўзи уddeлалди бу жараёнини янада тезлаштиради, бироқ англашилмаган тарздаги хулқ – автор кўникмалари шартли хусусиятилиги туфайли шахслараро (она ва фарзанд) муносабатга салбий таъсир этмайди.

Болада нутқ фаолиятининг вужудга келиши ва “Мен” лаврининг намоён бўлиши сабабли шахслараро муносабатда онанинг воситачилик функцияси йўқола борди, натижа мулоқот мароми ўзгаради, содда кўринишдаги фаолиятни уddeлаш уқуви туғилади, ишлар бола томондан ўз хоҳипцича бажарилади, оқибатда низоли вазиятлар пайдо бўла бошлайди. Дастлабки низо, араз бегоналашининг илк

шамунаси ҳисобланиб, уларнинг миқдори кўпайиши шахслараро муносабатга нифоқ солади, меҳр – муҳаббат туйғулари камайишига олиб келади. Худди шу даврдаги эркалик, ўжарлик каби шахсга оид иллатлар, одамлар ўртасидаги муносабатни дағаллаштиради, одоб доирасидан чиқин жараёнини тезлаштиради, қанчалик араз муддати чўзилса, демак вақтли (муваққат) бегоналаниш даври узаяди.

Инсон камолотининг кейинги давридаги вояга етган кишиларга тобелик (қарамлик) миқдорининг камайиши, ҳамкорлик фаолиятининг (бирга, бамаслаҳат, хатти – ҳиракатлар) сусайиши, шахслараро муносабат маромининг бузилишига олиб келади, ўзаро низолар, ўзбилармонликлар меҳр – муҳаббатта салбий таъсир этади, аста – секин бир – биридан кўнгил совишлилар бегоналашишини янада кучайтиради.

Бегоналанишига олиб келувчи омиллар қаторига фарзандлар ҳулқи, ўқишига муносабати, мулоқот жараёни, қарор қабул қилишдаги қаттиятилилк, бўш вақтни тақсимлаш, ўзгаларга кўнгил қўйиш, моддий – майший ёхтиёжга ружу қўйиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Оиласадаги шахслараро муносабат, муҳит, аъзоларнинг учумий тайёргарлик даражаси, бюджети кабилар ҳам у ёки бу даражада шароит яратади, чунки "қуш уясидა кўрганини қилади". Ўғил ва қизларининг бемаслаҳат турмуш қуришига интилиши "оқ" қилиш, яъни тасодиғин кескин бегоналанишини юзага келтиради, кўп йиллик меҳр – муҳаббат туйғулари қисқа сонияларда барбод бўлади. Ота – оналарнинг ажралашлари тўй ва маракадаги қариндош – уруғарнинг жанжаллари ҳам бегоналанишини бирданига вужудга келтирувчи тасодиғий омил ҳисобланади.

Оиласада фарзандар ёки ота – оналарнинг камситилиши ҳам бегоналанишига олиб келади:

А) шахснинг тегини, имкониятларни камситиш, жисмоний ҳақоратлани;

Б) моддий – майший жиҳатдан чеклаш, ёхтиёжини ҳисобга олмаслик;

В) шахслараро муносабатда авторитар услуганинг устуворлиги;

Г) коммуникатив ахборотларни (радио, телевидение, кино, рӯзнома, китоб ва бошқалар) чеклаш;

Д) ёш ва жинс хусусиятларини эътиборга олмаслик.  
Бегоналашинига олиб келувчи ижтимоий омиллар вазифаси:

- 1) жисмоний баркамолликнинг вужудга келиши;
- 2) ҳуқуқий жиҳатдан тентликнинг мавжуддиги;
- 3) моддий жиҳатдан иқтисодий таъминланганлик;
- 4) маънавий жиҳатдан муайян босқичига эришганлик;
- 5) алоҳида турар жой масканига эга бўлишилик;
- 6) қудалар ўртасидаги носамимий муносабат туғилиши;
- 7) бошқа юртга батамом кетиб қолишлик;
- 8) мансаблар, лавозимлар ўртасидаги кескин тафовут;
- 9) бирламчи гуруҳлар ўртасида ўзаро тушунувнинг йўқолиши, ўзаро можаролар оқибати;
- 10) қариндош – уруслар ўртасида мероста оид ихтилофлар, низолар яшовчанлиги ва ҳоказо.

Ҳозирги даврда қатор ривожланган мамлакатларда бегоналашиш авж олиб, инсонлар орасида меҳр – муҳаббат, қадр – қиммат камайиб бормоқда. Лекин бу ижтимоий ҳодиса шарқ мамлакатларига ҳам кириб келмоқда, батзи бир тақдидий ҳаракат, юқиш туфайли бегоналашиш миллий анъанааларга штурм етказмоқда. Бизнингча, миллий қадриятлар билан исломий қадрият ўртасида уйғунликни вужудга келтиришга заришиш мумкин. Лекин бу ижтимоий ҳодиса бўлганилиги туфайли яшовчандир, бинобарин, унинг оммавийлашувини бироз чеклаш, турли миллатлар, эзатлар, ирқлар ўртасида бирдамлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик ҳисларини шакллантириш орқалигини зришилади.

#### Ижтимоий хулқ моҳияти

Халқaro коммуникация каналиниг кенгайини, турли шаклдаги информатив ахборотлар, сюжетлар, кино ва видео фильмлар ёйилишининг кучайиши муносабати билан одамлар хатти – ҳаракатида, нутқ манерасида, имо – ишорасида, ҳаракатланиш маромида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ёшлар шахсиятида шаклланашётган кўшигина хатти – ҳаракат кўниклмалари ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга. Ижобий томони шундаки, маданий алоқалар негизида миллатлар урф – одати юзасидан маълумот олици, мамлакатлар табиати билан танишини, янги технология

моҳиятини англаш, жаҳон цивилизациясини эгаллаш, спорт турларини ўзлаштириш учун қулай имконият яратилишидир. Бу ижтимоий тараққийпарварлик кўринишининг рўй – рост ифодаси бўлиб, миллатлараро байналминалчилик туйгусини таркиб топтиради. Баъзи жиҳатлари билан инсоннинг жасурлик, мардлик, ботирлик сари ундайди, ватанпарварлик туйгусининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Табиатнинг тўғри идрок қилишга нафосат хуснини эгаллашга, фан ва техникага қизиқиш уйғонишига, савияни кенгайтиришига олиб келади, камолот жараёнини тезлаштиради. Инсонни зукколикка, топқирликка, эпчилликка ўргатади, уни яшаш ва кураш йўллари билан таништиради.

Ҳозирги замон одамлари хулқ – авторида кекса авлод малакаларига риоя қилиш хоҳишлари камайиб, уларнинг ўрнига замонавий шаклларни яратишга, ўзининг дағаллиги билан кескин ажралиб туришига алоҳида эътибор беришга қаратмоқда. Томошабин ёшлар хулқ – авторида вулыгарлик, ҳаракатида қўполлик, нутқ фаолиятида дағаллик, юриш – туришида ибосизлик, шарм – ҳаёсизлик иллатларини шакллантирмоқда. Миллий урф – одатларга салбий таъсир этиб, оламларни номуссизлик, жаҳолат, шафқатсизлик, шаҳвоний ҳаёт намуналари билан таништирмоқда. Буларнинг барчаси балоғатта етмаган ўғил – қизлар хуқининг бузилишига олиб келмоқда, шахслараро муносабат маромини ўзгартириб, шарқона тарбияга птурт етказмоқда. Уларнинг салбий таъсирлари қўйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- 1) Кинояларнинг дағаллиги, ҳазилларнинг қўполлиги;
- 2) Нутқ фаолиятида тил маданиятидан узоқлашиш, жаргонларга сероблиги;
- 3) Шарм – ҳаёсиз қиликлар намойиш қилиш, кийинищдаги меъёрдан чиқиш;
- 4) Шаҳвоний ҳаёт тўғрисида очиқ парчаларни кўрсатиш, зўрлаш (номусига тажовуз қилиш) усуслари билан таништириш;
- 5) Зўравонлик ва таъсир ўтказиш юзасидан намуналар бериш;
- 6) Кишиларни жисмоний ҳақоратлаш жараёнини тўлалитича томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш;
- 7) Uriш, ўлдириш ҳақидаги эпизодларга кўпроқ аҳамият қаратиш;

- 8) Шарқ якка курашларидағи ҳолат ифодасининг акс этиши;
- 9) Ҳаётта енгилтаклик билан қарааш намунасини ифодалаш;
- 10) Шахслараро муносабатлардаги дәйнатсизлик, адолатсизлик кўринишларининг ҳаддан зиёд эканлиги.

### **2.3. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР МЕТОДИКАСИ**

Ҳозирги даврда психология фани кескин ўзгаришларни бошидан кечираётir. Унда ички тузилиши, таркиби қисмлари, уларнинг ўзаро уйғунлиги, моҳияти ва талқин этилиши жиҳатидан қайта қуришлар, ҳар қайси нарса ва инсонга (жонли ва жонсиз табиатта) инсонпарварлик психологияси қонуниятлари ҳамда принциплари асосида ёндашишни татбиқ қилишда намоён бўлмоқда. Нарса ва ҳодисаларга, ҳайвонот ва инсониятга нисбатан янгича ёндашиш, уларнинг шахс томонидан акс эттирилишини фақат оңглилик ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда таърифлаш билан чекланиб қолмасдан, балки одамнинг оңгизлилик ва онгостлилик (ғайри ихтиёрийлик) ҳолатлари бу борада муайян аҳамият касб этишини тушунтириш, унда бир ҳолатдан иккинчисига узлуксиз ўтиб туриш табиий равища рўй беришини таъкидлаш ўринлиdir. Чунки шу давргача психология фанида етакчи принцип сифатида "онг ва фаолият бирлиги" ҳисобланниб келинди, бинобарин психиканинг ҳар қайси кўриниши, босқичи, хусусияти даражаси, хоссаси, ўзаро таъсирланиши, бир—бирини тақозо этувчанлиги фаолият нуқтаи назаридан баҳоланиш анъанага айланди. Натижада оңглиликдан четланиш ҳолатининг инсон ҳаёти учун аҳамияти тадқиқотчининг диққат марказидан, изланиш мавзусидан анча узоқлашди. Бунинг оқибатида шахснинг онгости, оңгизлилик ҳолатлари буларга унинг мослашиши, интилиши, билиш сабаби ва майли, руҳий тайёрлиги, ихтиёrsизлиги, мувофиқлашуви тўсиклар ва қарама—қаршиликларга нисбатан ички кураши шунингдек, унинг механизмлари каби муаммолар ечими учун қай даражада аҳамиятли эканлигига оқилона баҳ берилмади. Акс эттиришнинг моддий асосларига суюнга

ҳолда тушунтириши, талқин қилини назариялари илмийлик жиҳатдан қўпол нуқсонларга эга бўлмаса—да, лекин психиканинг ўзига хослиги, муомала хусусиятлари ва ихтиёrsизликни таърифлашдаги чекланганлиги, бир томонламалиги натижасида уларнинг кўп жиҳатларини тушунтириш имконияти мумкин қадар пасайди.

Шу нарсанни алоҳида таъкидлаш керакки, инсоннинг ҳаётни ва фаолияти ўзаро узвий боғлиқ, бири иккимисини тақозо қилувчи учта муҳим машбадан, яъни онгсизлик, онгосталик ва онглийлик ҳолатларидан ташкил тошган ҳолда ҳукм суради. Шунинг учун ҳам инсоннинг бир кечака — кундуздаги умри онгсизлик, онгосталик ва онглийлик ҳолатларининг ҳукмига тобеликда кечади, уларнинг ҳар қайсиси қандай вазифа бажаришидан қатби назар онгсизлик (фаол ҳордик) — онгосталик (мувофиқлашган изланиши) — онглийлик (ақлий эўриқиши, ихтиёрий ижод) ҳолатларидан иборат узлуксиз ҳалқа ҳаракатларидан тузынган бўлади.

Уларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатлари ички механизmlар, физиологик қонуниятлар, объектив ва субъектив шарт—шаронтлар, омиллар, манбалар таъсири остида юзага келади, кўринча инсоннинг иродасидан ташқари, унга итоат қилмаган тарзда рўй беради, натижада бир ҳолатдан иккичи ҳолатга ўтиши фанқулод тарзида амалга ошаверади. Шунинг учун инсоннинг биологик шартланганлиги, унинг ижтимоий муҳит таъсирида ижтимонийлашуви, фаоллашуви, сустлашуви, мустақиллиги, тоҳо ўзига ишончсизлиги, масъулиятлилиги, бефарқилиги ёки доқайдиги, бетарафлиги, инсонпарварлиги, тараққийпарварлиги каби хусусиятлар ана шу учала ҳолат негизида юз беради.

Инсоннинг онгсизлик ҳолатида ихтиёrsиз дикқат, ихтиёrsиз эсда сақлаб қолиш, эста тушуниши, ассоциациялар, образлар, интуиция, англашимаган майлар, ирсий аломатлар, тасодифий воқеалар, туш кўришлар, хаёлий тимсоллар, инсоннинг бирон—бир нарсага психолигик жиҳатдан тайёргарлиги юзага келади ва уларнинг маҳсулни ҳудди шу жараёнда намоён бўлади. Буларнинг кечиши уччалик кўп фурсатни талаб қиласаса—да, лекин маълумотларнинг тўпланиши табиий омиллар таъсирида вужудга келади, бу ҳол атрондаги муҳит билан танишишида

муҳим аҳамият қасб этади, улар жисмоний аъзоларининг умрини узайтиришга хизмат қиласди. Ижодий мантиқий фикрлари шахсга мувофиқлашган хатти-- ҳаракатлар нужудга келнишига пухта замин ҳозирлайди, уларни муайян материаллар билан таъминлайди.

Одатда онгиззлик ҳолати билан онгли ҳолат ўртасида оралиқ ҳолат мавжуд бўлиб, у онгосталик атамаси билан белгиланади, унинг инсон ҳаёти ва фаолияти утун қанчалик аҳамиятли экайлиги ўрганилади. Инсонда кечиши мумкин бўлган фаолият, муомала, хулқ—атвор, ижодий ташаббус, илҳомланиш каби жараёнлар шахсга тобора мувофиқланниб борса, уларниш бошқаруви енгил кўчса, паклланган, барқарорлашган, мустаҳкам, пухта укув ва малакалар ўз вазифасини бажаришга киришса, буларниш барчаси онгосталик ҳолатининг бевосита ҳукми остида рўй беради. Одам ихтиёрийликдан кейинги мувофиқлашган диққатта асосланганда ҳар бир жабҳадаги самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлади, ташки қўзғатувчилар, таъсирларга берилувчанилиги пасаяди, унинг муайян марказга йўналиши, тўпланиши ва барқарорлашуви ижобий натижалар беради. Шахс фаолиятининг суръати, муомала жараёнининг жадаллапуви, унда маъно қасб этувчи сабаблар миқдорининг кўнайиши, шухта малакаларининг устунлиги, унинг муносабатидаги мақсадга мувофиқлик, объектив моҳиятига йўналганик, ижодийлик онгосталик ҳолатининг бевосита функциясига алоқадордир. Эҳтимол, бу ўринда англашилмаган майлар ҳам маълум даражада мазкур жараёнини барқарорлиги ва бир текис кечишини таъминлашда иштирок қилиши туфайли, қўзғалиш ўчирида муайян қўзғатувчиларнинг устунлигини (доминантлигини) бошқариб туришга таъсир этиши мумкиндири. Лекин мазкур ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари, механизмлари, уни намоён қилювчи кучлар, ташки ва ички шарт—шароитлар, омиллар психологияда ҳали ҳар томонлама тадқиқ қилинмаган. Узбу йўналишдаги аксарият ҳолатлар ўз ечимини кутиб турибди. Шу сабабли уларга ҳар томонлама ёндашиш, ижодкорлик самарадорлиги юзасидан илмий ва амалий аҳамиятта эга бўлган маълумотлар тўплаш айни муддаодир.

Онглийлик түғрисида кўпгина назарий ва амалий маълумотлар тўпланганлитини ҳисобга олиб, улар тўғрисида мулоҳаза юритиш ортиқча деб ҳисоблаймиз. Чунки психология фанида фаолият категорияси етакчи фаолият концепцияси (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев), унинг тузилиши, босқичлари, таркибий қисмлари юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг ранг — бараглиги онгли муносабатта нисбатан изланишлар етарли даражада олиб бориалиппини намойиш қиласди.

Хозирги даврда психология фанининг муҳим, долзарб вазифаларидан бири — бу унинг тадқиқот методлари ва принципларини назарий ҳамда метоҳологик жиҳатдан чукурроқ тадқиқ қилишдан иборатdir. Жумладан, кузатиш жуда содда, иккни кўринишга (кузатиш ва ўзини ўзи кузатишга) эга бўлган амалий тажриба методи тариқасида таҳлил килинмасдан, балки унинг мураккаблик хусусиятига хос методикаларни қамраб олиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш, нетижаларни қайд қилишининг ўта мураккаб технологияси мавжудигини, ижтимоий психологик ёндашувда у алоҳида аҳамият касб этишини ўғтириб ўтиш мақсадга мувофиқdir.

Психология фанининг назарий муаммолари қаторига яна инсоннинг инсон томонидан идрок қилиншини киритиш мумкин. Чунки инсоннинг айrim хусусиятлари унинг юз аломатлари, чехрасидаги ўзтаришлар, тана аъзоларининг ҳаракатлари орқали аниқданади. Одамнинг ташки кўринишига асосланаб, унинг характер хусусиятлари, хислатлари юзасидан ишончли мулоҳаза билдириш кўп асрлик тадқиқот тарихига эга бўлса—да, лекин муаммонинг туб иммий негизи эндигина кендроқ ўрганилмоқда. Инсоннинг ташки қиёфасини таҳлил этиш оркали унинг ички дунёсига баҳо бериш бўйича жаҳон психологлари томонидан тўпланган матижалар умумлаштирилса, мазкур ҳолатни қўйидаги кўришишларга ажратиш мумкин:

1. Инсоннинг ташки қиёфасидаги ҳар бир ўзгариш, унинг айнан бир—бирига ўхшашлиги, кишининг яққол шахсий хусусияти билан узвий боғлиқ эканлигини тушуштиришига асосланган аналитик ёки ақла—мулоҳазага чойил талқин услуби, масалан, лабни қаттиқ қисиб юришлик одамнинг мустаҳкам иродалилиги аломатидир.

Ижтимоий – тарихий тараққиёт давомида аждоҳлар томонидан тўпланган тажрибаларга асосланниб, одамнинг ташки қиёфасига қараб руҳий дунёсини баҳолаш.

2. Инсоннинг ташки қиёфасидаги (аттракция) ихтиёрсиз ифода, нафосатли кўриниш, ўзига маҳлиё этишилик, жозибадорлик, хулиганимлилик шахснинг ҳис – туйғуси хусусиятлари билан уйнуналгини эътироф қилишга қаратилган ёндашув: дид билан кийиниш, мөъёри билан ўзига оро бериш, ибо ва ишванинг табиийлиги, гўёки унинг ички дунёси билан мутаносибдир. Идрок қилинаётган инсон муайян масофада мулоқотта киришувчи томонидан қай йўсиңда қабул қилинса, демак, унинг тўғрисидаги таассурот бевосита фавқулоддаги ҳолатга боғлиқ бўлади, чунки ёкиш, ёқтириш, симпатия – (юнонча "sympathēia" ичдан ёқтириш, ички майл, илиқлик, самимият маъносини англатади), ичдан ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик, антипатия – (юнонча "antipathēio" симпатиянинг аксини билдиради), – мурувват, (юнонча "eraptheia" – ҳамдардлик, хайриҳоҳлик туйғусини билдиради, ўзгалар руҳий кечинмаларига шериклик, ҳамоҳантлик ҳиссини ифодалайди) бир лаҳзалик идрок қилиш маҳсулида ўз аксини тонади.

3. Идрок қилинаётган ташки кўриниш аломатлари илк таассурот уйғогувчи бошқа шахсга ўхшашлиги тифайли таниш одамдаги психологоик хусусиятлар, хислатлар, фазилатлар, сифатлар ихтиёрсиз равишда нотаниш киннига қиёс берилади. Аввал идрок қилинган таниш инсоннинг барча руҳий ҳолатлари ташки қиёфа эвазига нотанишга кўчирилади, ваҳоланки, бу кезда мантиқий таҳдил, узвийлик талқини иштирок этмайди. Шунинг учун бу тарзда инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишини ўхшашликка асосланган инъикос деб номласа бўлади.

4. Ташки қиёфани идрок қилиш замирида инсоннинг уёки бу ижтимоий гурӯҳга (ишли, деҳқон, зиёли) алоқадорлиги тўғрисида муайян қарорга келинса, унинг шахсий фазилатига нисбатан худди шу нуқтани назардан баҳо берилади ва ташки кўрининининг ижтимоий келиб чиқили билан ўхшашлигига асосланилади.

Бизнингча, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши тўртта қатъий манба негизида амалга оширилади:

а) идрок қилинаётган кишини идрок қилувчи шахс ўз хислатлари билан қиёслаш маҳсули бўйича талқин қилиши ва тушуниши; идрок қилиш жараёни ўхшатиш, тақлид қилиш, унга тенглашиш, ибрат олиш, илҳомланиш усуллари орқали юзага келади (идентификация лотинча "identificare" айнийлаштириш, ўхшашлик топиш маъносини билдиради);

б) идрок қилинаётган шахс ўрнига идрок қилувчи киши ўзини тасаввур қилиш орқали мулоҳаза юритип, ҳукм чиқариш, муайян қарорга келиш йўли билан уни тушунишга интилиш ўзини ўзи англаш негизида намоён бўлади (рефлексия лотинча "reflexio" инъикос, яъни ўз руҳий ҳолатларини оқилона таҳжил қила олиш деган маънони англатади);

в) ўзга кишилар кечинмалар ва ҳис—туйгуларига ҳамдардлик билдириш, меҳр — муруватлилигини амалий ифодалаш орқали уларни тушуниш — эмпатия (юононча "empatheia" — ҳамдардлик маъносини билдириб, ўзгалар руҳий кечинмаларига шериклик туйгусини ифодалайди);

г) ўзга кишига у ёки бу ижтимоий гурӯҳ аъзоларига хос хислатларни ёйиш, тавсифлаш, баҳо бериш асосида идрок қилиш — стереотипизация (юононча "stereos" — қаттиқ, мустаҳкам ва "suros" — из, нишон деган маънони англатиб, инсониятнинг пижтимоий — тарихий тараққиёти давомида тўплангандар, тажрибаларда тасдиқлангандар, шахсда мужассамланишган ташқи аломатлар унинг ички дунёсига мутаносиб эканлигига асосланади, лекин бундай ёндашув етарли даражадаги илмий негизга эга эмас).

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, психологияда рефлексия, яъни ўзини ўзи англаш шахснинг барча ҳиссий, билишга оид, иродавий, бошқарув хусусиятларини оқилона баҳолашни билдиради, деган қарашлар то ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бундай йўсингдаги илмий талқин қилиш инсон томонидан ўзини ўзи акс эттира олишини билдиради, холос. Лекин ўзга кишилар унинг шахсий сифатларини қай ҳажмда билишади, унда қандай баҳолаш имконияти мавжуд, унинг нималарга қодир эканлигини тушуна олишадими, деган саволларга жавоб бериш орқали англашнинг бошқа қирраларини аниқлаш мумкин. Инсонлар ўзаро бир—бирини идрок қилиш жараёнида, биринчидан, ҳақиқатан ҳам идрок қилинаётган шахснинг асл руҳий қиёфаси ифодаланишида;

**иккинчидан**, шахс ўзини аниқ тасаввур қилиб, тўғри баҳолай олиши; **учинчидан**, шахснинг бошқа одамлар томонидан англаниши икки ёқлама инъикос қилиш жараёнининг вужудга келтириши маълум бўлади. Шахсларнинг ўзаро бир — бирларини акс эттириш жараёнининг моҳияти инсон фазилатларини қайта эсга тушириш, қайта тиклаш ва мужассамлаштириш жараёнида ўз аксини топади.

Муаммолар тўгрисида мулоҳазалар юритилаётганда яна бир муҳим жабҳани таҳлил қилиш жуда ўринлидир. Чет эл психологлари асарларини таҳлил қилиш инсон амалга оширадиган фаолият мақсадини рӯёбга чиқариш режаси ва моделини яратишида ўз ифодасини топувчи антиципация (лотинча "anticipo" — оддиндан сезиш, пайқаш маъносини билдиради) бир неча босқичлардан иборат эканлиги намоён бўлмоқда.

Антиципация ҳозирги замон рус психологиясида беш даражага ажратилиб ўрганилмоқда: чунончи, англашилмаган, субсенсор (лотинча "sub" — ости ва "sensis" — сезиш сўзларидан тузилган бўлиб, идрок қилишнинг онгостки ҳолатини англатади), сенсомотор (лотинча "sensus" сезиш, "mator" ҳаракат деган маънони билдириб, нозик ҳаракатларни сезиш демакдир), перцептив (лотинча "perceptio" — идрок деган маънони англатади), тасаввур, башорат қилиш (нутқ ва сўз ёрдамида амалга оширилади) кабилар.

Антиципациянинг субсенсор даражаси гавданинг ўзгариши, айрим идеомотор ҳаракатлар, ташки таъсирга тезкор жавоб қайтаришда ўз аксини топади. У гавданинг мужассамлашуви, ҳаракатлар барқарорлиги, ихтиёрий саъй — ҳаракатта тайёргарлик учун замин ҳозирлайди. Антиципациянинг иккинчи босқичи ҳаракатдаги жисмларни ўзаро таққослаш, солиштиришда, мураккаб ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, тезкор ҳаракатларнинг муҳитдаги вақт ва фазовий ўзгаришлар ўртасидаги мутаносибликни узлуксиз равишда идора қилиб туришда намоён бўлади. Перцептив (идрок) босқичда идрок қилиш хотира жараёнлари билан уйгуналшиб кетади. Ўтмиш тажрибаларига асосланиб, келгусида вақт ва фазовий ўзгаришлар содир бўлиш эҳтимоли таҳлил қилинади.

Антиципациянинг тасаввур даражаси образларнинг вақт ва фазовий ўзгаришлари эътимолига биноан, уларни фикран қайтадан яратиш, қоришиқ тасвиirlарни вужудга келтириш, уларнинг режаси ва схемасини тузиш учун инсонда ўқувчанлик, ижодий фаолликнинг туғилишини намойиш қиласиди.

Антиципациянинг охирги босқичи нутқи ва тафаккур ердамида ҳолатлар, ҳодисалар, кескин ўзгаришлар тўғрисида башорат қилиш, хулқи — автор ва фаолиятни режалаштириш жараёнларининг юксаклиги билан бошқалардан тубдан ажralиб туради. Мазкур босқичда умумлаштириш, мавҳумлаштиришнинг сермаҳсул даражалари, мантикий усуллар, оқилона ҳамда мақсадга мувофиқ хатти — ҳаракатларининг юқори самара берувчи кўрсаткичлари ўзининг юксаклигига эришади. Инсоннинг янгиликлар моделини яратиши икки йўналишда амалга оширилади: ҳозирги замондан келажакка ва шу келажакдан ҳозирги даврга ўтиш, ҳатто ўтмишта мурожаат қилиш ҳам назарда туғилади.

Бизнингча, антиципациянинг ҳар қайси босқичи биргалик, иерархик хусусиятига эга бўлиб, улар бир — бирларини тақозо қиласиди, худди шу йул билан маълумотлар таҳчилигига барҳам берилади. Инсон олдида турган яққол топшириқ ёки вазифадан келиб чиқсан ҳолда у ёки бу антиципация босқичи устуворликка эришади. Мазкур қонуниятга биноан унинг босқичлари ўзаро бирикиб кетиши, муаммонинг ўзига хос хусусиятларига кўра кетма — кетлик тизими бузилиши ҳам мумкин.

Юқорида биз кузатиш усули оддий қайд қилишдан иборат эмаслигини, балки у биологик, психологик, техник усуллар мажмуасидан иборатлигини таъкидлаган эдик. Чунки тўпланган материаллар ва маълумотларни чукур таҳлил қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан хulosса чиқаришни, уни якунлашни тақозо қиласиди.

Шунга ўхшаш мулоҳазаларни тадқиқотнинг бошқа бир содда турита нисбатан ҳам билдириш мумкин. Суҳбат методи ҳам тадқиқотчининг муайян мақсадини амалга оширишга қаратилган синаувчи билан фикр алмашув, бир томонлама таъсир ўtkазиш жараёни эмас, балки тенг ҳуқуқли субъект сифатида ёндашувнинг бевосита ифодаси талқинидан

иборатдир. У муомала жараёнида шерикликка интилувчи даъвогар субъект, яъни синалавучи имконини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчининг унга муносабатини акс эттиришдир. Шу боисдан очиқ равишда фикр алмашув психологик тўсиқларсиз барпо бўлиши мумкин эмас, чунки сұхбатдошнинг мазкур дақиқалардаги психологик ҳолати зўриқишининг содда кўринишлари, жиддийликнинг қуи босқичларини акс эттиришдан бошқа нарса эмасдир. Тадқиқотчига нисбатан ишонч туйғусининг заифлиги маълумотнинг аниқлигига салбий таъсир кўрсатади, олинган натижалар тафсилот юзасидан тескари алоқанинг мавжуд эмаслиги натижасида бу ҳолатни янада кучайтиради. Сұхбат муқаддимасида синалавчига берилган йўл—йўриқ унинг муомала жараёнида ўзини қай йўсинда бошқаруви, ҳис—туйғулар барқарорлигини сақлаши, самимиликка интилиши қаби ҳиссий ҳолатларни аниқлашни ва уларнинг яқъолроқ акс этишини таъминласа, қўйилган мақсад тўғри руёбга чиқаётганлигини билдиради.

Ана шу мулоҳазалар ҳозирги давр талабига мос тушса, фанинг методологияси ривожига ҳисса қўша олса, демак, психология нуфузига ҳам сўзсиз равишда ўз ижобий таъсирини кўрсаттан бўлади.

Психология фанининг категориялари, уларнинг таърифлари, намоён бўлиш, кечиши, ривожланиш қонуниятлари, ўзига хос хоссалари, уларни вужудга келтирувчи омиллар, мухим шарт— шаронтлар, механизмлар юзасидан фикр билдириш, уларни таҳдил қилиш, танқидни талқин билан алмаштириш методологик муаммоларга ўзгартиришлар киритипни тақозо этади. Масалан, одам, шахс, якка шахс тушунчалари гарб мамлакатларидан психологияга кириб келган атамалар тарзида талқин қилиб келинмоқда. Ана шунинг учун “шахс” тушунчасини саҳнада роль ижро этилаётган артист “ниҳоби” дан келтириб чиқармоқдалар, лекин этимологиянинг бундай негизи XVI аср маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилмоқда, ваҳоланки, бизда бу инсонга тааллуқли тушунчалар узоқ ижтимоий—тарихий тараққиёт негизига эга бўлиб, ушбу атама бошқача талқин ва таҳдил қилиниши лозим.

Биздаги ижтимоий ва инсоншунослик фанларига, шу жумладан, психология фанига шахс билан боғлиқ атамалар

араблар дунёсидан кириб келган ва уларнинг туб маъноси, моҳияти бугунги кунгача сақланиб турибди. "Одам" тушунчаси ер куррасида онгли зотнинг яратилиши, дунёга келиши билан борлик бўлган диний ақидаларга бориб тақалади, яъни Одам Ато ва Момо ҳаво тўғрисидаги муқаддас манбалардан мазкур "тутилиш", "яратилиш", "жон ато қилиш" ҳақида мулоҳаза юритилиб, ўзига хос равишда талқин қилинади.

Бизнингча, "одам" тушунчаси илмий адабиётлардаги "индивид", яъни онгли мавжудодга хослик белгисини билдирувчи атаманинг моҳиятига мос, мутаносиб бўлса керак. Чунки одам зотининг бошланиши, ҳайвонот дунёсидан фарқли жиҳатларини эътироф этиш мақсадида қўлланилган тушунча бўлганилиги ҳақиқатта яқинроқдир, худди шунга ўйаш қиёслаш "индивид"га ҳам таалуқли эканлиги психолого-философий манбаларда жуда кўп марта таъкидланади. Айниқса, бу нарса собиқ шўро психологиясининг методологиясида мустаҳкам ва нуфузли ўрин эгаллаган бўлиб, диалектик материализм назариясининг асосий гояларини акс эттирган.

Одамзотта хос хусусият, хислат, фазилат, ҳулқ— атвор малакаларини эгаллай бориш жараёнида инсонийлик аломатлари шаклланади. Бу давр одам — инсонийлик — шахс схемаси тарзида ифодаланиши мумкин, чунки "шахс" тушунчаси (араб тилида ҳам шундай маъно қасб этади) муайян камолот (ақлий, ахлоқий, сиёсий, етуклий) босқичларини англатади, тараққиётта эришганликини билдиради. Шунинг учун "шахс" тушунчасининг европача талқини маънавиятимизга бефарқлик, ожизлик нишонаси бўлиб, қўпол илмий хато деб баҳоланиши керак, чунки ушбу тушунча тилемиз, маданиятимиз ва фанимизга илмий психология фани пайдо бўлишидан бир неча асрлар илгари кириб келган, чуқур ўзлаштирилиб, маҳаллийлаштирилган. Мазкур ижтимоий ҳолат Марказий Осиёning илм—маърифат ўчғи бўлганилигини тан олган ҳолда психологик атамаларни тушунтириш, психология билимлари талқинидаги чалкашликларнинг барҳам топишига хизмат қиласди.

Бундан ташқари, шахснинг шаклланиши мавҳум ҳолат тариқасида ёритилади, ваҳдоланки "ўсиш" (жисмоний), "ривожланиш" (психологик), "камолог" (шахслик,

ижтимоийлик), "тараққиёт" (имкониятнинг ушалиши) тушунчалари онтогенезнинг муайян, аниқ босқичларидан иборат эканлигини кўрсатувчи мезонлар вазифасини ўтайди. Якка шахс — индивидуаллик табиатнинг донолиги билан алоҳида олинган инсонга хос жамики нарсаларнинг психологияк ҳолатлар, жараёнлар, хусусиятлар, табиий майлар, хулақ қабиларнинг ўзига хос тарзда, суръатда, оҳангда, маромда намоён бўлиши, кечинши, такомиллашуви, ривожланиши сингариларнинг вақт, фазо, ҳаракат ўлчамлари билан қатъий белгиланганлигини билдиради ва турмушда қўлланиб келинаётган қисмат, тақдир тушунчаларига ўхшаб кетади. Лекин кейинги икки тушунча рамзий, мавҳум маъно англашиб, шахснинг имкониятларини илоҳият билан боғлаб тушунтиради, уларнинг тўсиқлар, имкониятлар, ҳислар, кечинмалар оддини олиш, ўзгартириш мумкинлигини туб маънода инкор қиласди. Якка шахс миллий, этнопсихологияк хусусиятларни ўзида акс эттирган ҳолда умумбашарий, умуминсоний қонуниятларга бўйсунади (хусусийлик билан умумийлик ўрин алмаштириб туради, шу боисдан бирининг маъноси иккинчисига мос тушиши мумкин), фавқулодда ҳолатлар унинг қайси биринидир устунлигини таъминлади, натижада ё миллийлик ёки байналмидаллик туйғулари етакчилик қиласди.

Собиқ шўро психологиясида шахснинг шакланиши "мен" билан "биз" муносабатларида ҳукм сурувчи, хусусийлик билан умумийлик ўргасидаги қарама — қаршиликлар негизига қурилган, демак, унинг таркиб топиши ўзига қарши ўзининг кураши қабилида кечади, чунки мафкуралаштирилган инсонга муносабат роботта нисбатан қилинадиган мулоқот даражасига тенглаштирилган бўлиб, унда ҳар томонлама уйғун ривожланиш имкониятлари мавжуд деган ақидага асосланар эди. Инсоннинг субъект сифатида ана шу нарсаларга нисбатан ҳоҳиши, майли, интилиши мавжудми ёки йуқми — бу нарса инобатта олинмас, унинг эрки, ҳуқуқи билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. Бугун эса субъектта субъект тариқасида муносабатда бўлишининг мавруди стиб келди, шунинг учун шахснинг мақоми ва аҳамияти оқилона баҳоланиши лозим, бусиз демократик, эркин фикр юритиш ҳукмронлик қилувчи ҳуқуқий жамият қуриш мумкин эмас. Шахсада ўзини ўзи

англашнинг такомиллашуви учун кенг кўламдаги ижтимоий, иқтисадий, ҳукуқий, сиёсий, моддий, маънавий, тиббий, психолигик педагогик шарт — шароитларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилаёттан адабиётларда берилган аксарият таърифлар маънавий жиҳатдан эскирган, уларда бугунги кундаги фан ютуқлари ҳисобга олинмаган ёки уларга киритилмаган, шу боисдан илмий — психолигик категорияларнинг моҳияти ва таркибий қисмлари тузилиши, бажариши мумкин бўлган вазифалари акс эттирилмаган. Мисол учун "Нарсалар ёки ҳодисаларни сезги аъзоларига бевосита таъсири қилиш жараёнида киши онгида акс эттиришга идрок деб аталади", деган таърифни таҳлил қилайлик. Бу таърифда идрокнинг на предметлиги, на яхлитлиги, на структуравийлиги, на аналитик — синтетиклик хусусиятлари мужассамлаштирилган, шунингдек, унинг перцепция, апперцепция, антиципация босқичлари, билвоситалиги, фазо, вақт ва ҳаракатни инъикос қилиш имконияти, шунингдек, феноменлари (аттракция, субцептив кабилар) таъкидлашимаган. Шунга ўхшаш таърифлар барча психик ҳодисалар, ҳолатлар, функциялар, индивидуал-типологик хусусиятлар, характер хислатларига нисбатан берилган тавсифларда ҳам рўй—рост кўзга ташланади.

Психолигик билимларни ўзлаштириш, улардан амалиётда фойдаланиш учун фанинг барча соҳалари бўйича маълумотга эга бўлиш лозим. Психология ўқитишни қулайлаштириш фақат методологик муаммолар ечимини қидириш билан кифояланиб қолмасдан, балки таълим бериш, ўзлаштириш, хабарларни қабул қилишининг янги шакллари, воситалари ва вариантларини яратишни ҳам қамраб олади. Айниқса, бугунги кунда иқтидорли болалар, ақлий салоҳияти юксак ўқувчилар муаммоси мұҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун иқтидорлилик билан интеллект кўрсаткичи ўртасидаги узвий боғланишлар ва фарқлар аниқроқ таҳлил қилинса, амалиётда учраёттан нуқсонлар, қусурлар миқдори бироз камайган бўлар эди.

Ҳозирги даврда психология соҳаларининг кенгайиши, бу фан бераёттан билимлардан ижтимоий турмушда, ишлаб чиқаришда, тиббиётда, таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш эҳтиёжининг ортиши фанимизнинг мавқеи,

нуфузи янада ошаётганингидан далолат беради. Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида психология курси ўқитилишининг йўлга қўйилиши унинг татбиқий жиҳатларини кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Айниқса, университетлар ва педагогика институтлари факультетларида, инновацион коллежларда касбий хислатларни шакллантириш аҳамиятига молик ўқув предмети сифатида психология курси алоҳида нуфузга эга бўлиб, бўлгуси ўқитувчиларнинг касбий қобилиятлари ва маҳоратини таркиб топтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шунинг учун психология курсларини юқори савияда, фаол, янги, самарадор методлар ёрдамида ўқитиш муҳим аҳамият касб этади, чунки ўқитиш самарадорлигини оширмасдан туриб, билимлар сифати тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Юқори малакали ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун психология ўқитишни такомиллаштириш, талабаларда предметта нисбатан қизиқиш уйғотиш зарур.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар психология ўқитишни такомиллаштиришнинг битта йўли ҳисобланади. Унинг иккинчи йўли — малака ошириш факультетлари, институтлари ва курсларида психология курсини юксак савияда олиб борища, ўқитувчиларнинг мустақил билим олиш кўнгилмаларини барқарорлаштириш, психологик билимлар даражасини текшириш мақсадида уларни аттестациядан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Психология курсларини юқори савияда олиб борища психолор кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, мутахассисликка оид касбий малакаларни пухта шакллантириш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, практикумлар, амалий мапғулотлар, маҳсус семинарлар, умумий диагностика, психокорреция, психологик маслаҳатлар бериш соҳасидаги фаолиятни қайта қуриш, баёний ўқитишдан ҳамкорлик, муаммоли, мустақил таълим шаклларига ўтиш, бунинг учун рейтинг, тренинг тизимларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, кўп босқичли психолог мутахассислар тайёрлаш тизимини амалга ошириш стандартини амалиётта татбиқ қилиш зарур. Чунки психология фанлари бакалавриатураси, магистратураси, аспирантураси, докторантураси муаммоларини ижобий ҳал қилмай туриб;

юқори мәлакалы кадрлар етиштириш түйрісінде сұз коритиш мүмкін эмес. Бунинг учун ятона принципта бўйсунган кадрлар тайёрлаш тизимидан келиб чиқиб ўқув режасини, дастурларини янгидан яратиши, уларни бутунги кун талабига биноан тузине лозим.

Юқорида бағыт қилинган фикрлар асосида олий мактабларнинг психология кафедраларида, ўрта махсус коллежларнинг фан кабинетларида психология мұтахассислар таълим — тарбия ишларидан қатнашиши, психология курсларидан сабоқ берниши, шахсни шакллантириш самарадорлыгини оширишига хизмат қиласы.

Психология ўқитиши қулагаштириш ва такомиляштиришнинг яна бир мұхым йўли — ўқитувчиларга ва талабаларга мұлжалланган ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услугубий кўрсатмалар, тавсиялар, ишланмалар ишлаб чиқишидир. Мазкур мұаммо ечимининг навбатдаги йўли — ҳар бир психолог ўқитувчини аттестациядан ўтказиш, шартнома асосида ишлаш мезонига риоя қилишдан иборатдир. Бу мұаммо ривожланган мамлакатларда аллақачон ўз ечимини топгандир

## 2.4. ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ШАХСИЯТГА ЙЎНАЛГАНЛИК" МАВЗУСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитувчи шахсини шакллантириш мұаммоси ҳар қайси кишилик жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилиниб келинади. Худди шу боисдан ҳозирги даврда "Таълим түйріси"даги қонуниди, "Кадрлар тайёрлаш миллый дастурида" касб танлап мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагог кадрларда шахсиятга йўналганликни таркиб тоштириш мутлақо зарурый шарт эканлиги таъкидланади. Ўзбекистонла ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, хислатлари, қобилияtlари, иш услуглари, маҳоратта ёришишининг йўллари, шахслараро муюмала маромлари юзасидан ҳар хил даврларда бирмунча илмий изланишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари чустақиллик шарофати туғайли ўз ажамиятини

қадрсизлантитради, бироқ тарихий омил сифатида таъкидлаб ўтиш мумкин, холос.

Шунга қарамасдан, миллий мактаб ўқитувчиси билан ўқувчилар, домлалар билан талабалар(олий мактабда) ўртасидаги муомала масаласининг психологик асослари, механизмлари жуда кам ўрганилган мавзулардан бири ҳисобланиши билан алоҳида ажамият касб этади. Кейинги ўн йилинда таълим тизимида улуғвор ишлар муайян изчилликда амалга оширилмоқда, ислоҳий тадбирлар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўз ўрнини топиб бормоқда.

Бу борада бизнинг позициямизга ҳамоҳангроқ йўл тутган чет эл психололгаридан бири – бу Аргайлдир. Унинг мулоҳазасича, ўқитувчи билан ўқувчилар(талабалар) ўртасида муомала ўзининг кўлами, ўзаро таъсирнинг, ранг – баранг мавзулари мавжудлиги, тарбиявий таъсирнинг устуворлиги, мулоқотга киришишда руҳий яқинлиги, ўзаро ҳамкорлиги, ҳис – тўйгуларнинг мутаносиблиги, фикрий баҳсларга згалиги билан тавсифланади.

Давлатимизнинг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да алоҳида урғу берилипича, ўқитувчи ижтимоий ҳаётимизда фаол иштирок этувчи касб соҳиби (фаолият субъекти) сифатида бошқа турдаги мутахассисликлардан кескин ажralиб туриши лозим. Ўқитувчи ўзининг нафақат фаоллиги билан, балки миллий форя ва миллий истиқдол мафкурасини турли ёшдаги фуқароларнинг онгига сингдириш қобилияти билан, шунингдек, билим, нур – зиё, ахборот манбайи сифатида жамият аъзолари томонидан чуқур эъзозланиш, муайян ижтимоий мавқеини эгаллаш имкониятига эгадир.

Мамлакатимизнинг ўқитувчиси қўйидаги томонлари(ўзига хослиги, индивидуаллиги, мулоқотмандлиги) билан бошқалардан кескин даражада ажralиб туриши жоиз:

– мустақил республиканизмнинг талаблари ва эҳтиёжларига мос тушувчи юксак маънавият даражасидаги қарашлар, кучли ва барқарор эътиқод, келажаги буюк давлатимиз идеаллари, миллий форя ва миллий истиқдол мафкурасига содиқлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик тўйгулари шаклланганлиги, жамоавийлик ҳиссини мукаммал акс эттирувчи, ижтимоий – сиёсий фаол шахс эканлиги;

– болаларга, ўқувчиларга, талабаларга, ҳаттоки, жамиятимизнинг барча аъзоларига (тарбиявий таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан ҳам оташ, ҳам самимий меҳр – муҳаббат, уларнинг ҳар қандай эҳтиёжлари, қизиқишилари, ҳатти – ҳаракатлари мотивлари (мотивацияси), хулақ – атворларини тушуниш(англаз) кўнижмаси малакаси ва уқувининг мавжудлиги;

– жамият ҳодисалари, феноменлари, ҳолатлари, қонун – қоидалари табиат воқеиликлари, борликқа, шахслараро, гурухлараро, миллатлараро муносабатларга нисбатан педагогик кузатувчанлик, яъни перцептив (идрок қилишга нисбатан сезгирлик, инсонни инсон томонидан идрок қилиш уқувчанлиги) қобилиятига эгаллиги;

– ҳаёт ва фаолиятнинг у ёки бу жабҳаларида одамларнинг ҳатти – ҳаракатлари, муносабатлари (стереотипизация) хусусиятларини оқилона тушуниш, уларни идентификацияга (ижобий жиҳатдан ўхшашлик, субъект томонидан у ёки бу хислатларни ўзида мужассамлаштириш), рефлексияга (ўзини ва ўзгани онгли баҳолашни назорат қилиш, ҳамдардликка) йўлашга қобилияти;

– фавқулоддаги (казусли, экстремал) вазиятларда, объектив ва субъектив шарт – шароитларда омилкорлик билан оқилона мўлжал олиш, мақсад қўйиш, режа тузиш, бевосита назорат қилиш, баҳолаш ўзини ўзи намойиш этишга ўқувчанлиги;

– педагогик фаолиятида, жамоатчилик тизимида муваққат гуруҳий муносабатларда оммавий ҳаракатлар (ҳашар, таътил, ҳордиқ чиқариш жараёнларида) ташкилотчилик ва бошқарувчилик қобилиятларини эгаллаганлиги;

– умумий қизиқиш кўламининг кенглиги, билишга оид (когнитив қизиқишиларнинг серқирралиги, илмий изланишларга креагтив эвристик) лаёқатлилиги, муайян ақл – ҷаковат, маҳорат, талант (салоҳият) даражаларга эришилганлиги;

– муомала (коммуникатив, интерактив, паралингвистик, таркибларининг) мароми, нутқ маданияти (аводҳоналиги, илмийлиги, жўппекинлиги, перцептив, проксемик (тузилиши, мантикий

изчиллиги), унинг пурмаънолиги, ширавилиги, таъсирчан фикр узатувчанилиги, ўзгаларга таъсир ўтказувчанилиги, мулоқотманддлиги:

— мақсадга эришиш йўлида (ғоялардан келиб чиқсан ҳолда), юяни тажрибага (индивидуал ёки ижтимоий) татбиқ этишда шахсий позицияга, мустақил фикр юритишга (маънонинг кенглиги, чуқурлиги, маҳсулдорлиги) асосланган ҳолда иродавий зўр беришга (безовталаниш, депрессия, астения, фрустрация, пессимизмнинг олдини олишга) тайёрлиги, событқадамалилиги ва бошқалар.

Бизнингча, ҳозирги замон ўқитувчиси муомаладошига (мулоқотдошига) тўғри (адекват), омилкор, оқилона, ахборот узатиши ва унга сухбатдошини ишонтира билиши (мотивацион, эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив йўллар орқали) мулоқотмандлик хусусиятини эгаллаши касбий зарурат ҳисобланади. Чунки табиий ўзига хослик (генетик, онтогенез, филогенез, индивидуаллик қонуниятларига асосланганлик) муаммо ечимидағи вариативлик (инвариантлик, модификация ва ҳоказо), вазиятта қараб касбини эгаллашдаги эркинлик нафақат муаллимга, балки талабаларга (ўқувчиларга) ҳам ўзини ўзи назорат қилиш, мустақил фикрлаш, ижодий изланиш учун муҳим, қулай шарт — шароит яратади.

Бўлгуси ўқитувчининг педагогик фаолиятига самарали ва сифатли йўналтириш ҳамда тайёрлаш учун қуйидаги психологияк кўрсатмаларга асосланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— ўзига ўзи кўрсатма ва буйруқ бериш, унинг самарадорлигини олдиндан пайқай олиш (ички имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш ҳамда диагностик, прогностик, антициципация имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш):

— ўқитувчининг, талабанинг, ўқувчининг, маъмуриятнинг ва ота — оналарнинг ижтимоий психологик ролига тренинглар (ёки бошқа таъсир ўтказиш, ҳамкорлик воситалари орқали) ёрдами билан кириш (киришиш):

— муомалавий маромларни (шунингдек, кўникмаларни) такомиллаштириш (ҳар хил варианtlарни татбиқ этиш), видео ва аудио техника ҳамда магнитофон аппаратларидан

фойдаланиш, хусусан “кўзгуга қараб ўзини машқлантириш”, ўзгаларни фаол тинглашга ўргатиш ва ҳоказо;

— муомала жараёнида (ҳамкорлик фаолиятида, интеракция устуворлигида) ўқувчилар (талабалар) ва уларнинг ота-оналари ишончини қозониш сеҳрига садоқатлигини сақлаш, сирни сақлаш ва уни ошкора қиласмаслик (педагогик тантриз ва психологик касбий бурчга риоя қилишилик, улардан оғишмаслик) кабилар.

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, ўқитувчининг педагогик фаолияти, энг аввало, унинг учун касбий – мутахассислик сифатида шахсий маъно касб этиши билан узвий боғлиқ. Ушбу ҳолат мантиқий – маъновий иерархик принципни ўзида акс эттиради, таълим шахснинг тараққиёт кўрсатишига (ҳам ўқитувчи, ҳам сабоқ олувчи хатти – ҳаракатига) боғлиқ бўлиб, у иккиёқлама таъсир (интеракция), ҳамкорлик маҳсулни самарадорликни белгилайди. Худди шу муносабат билан ўқитувчининг касбий шаклланиши, ривожланиши шахсиятга йўналганлиқдан ажralган ҳолда ҳукм суриши мумкин эмас. Шунинг учун касбий тайёргарлик, касбий ривожланиш (шаклланиш, маҳорат) билан шахсий камолот (тараққиёт) ўртасидага чекланганлик муаммоси тадқиқот этиш педагогик (унинг таркибий соҳаси бўлмиш олий мактаб психологияси) психология тармоғининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

## 2.5. “ТАФАККУР” МАВЗУСИНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Бизнингча, тафаккурга қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Тафаккур атроф – муҳитдаги воқеликка нутқ ёрдами билан бевосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий сабабий боғланишларни анг’лашга, янгилик очишга ва башорат (прогноз) қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир”. Таърифда унинг энг муҳим хусусиятлари, функциялари санаб ўтилган, яъни сўз (тушунча фикр, вербал моҳияти) билан, умумлаштириб бавосита, ижтимоий сабабийлик, янгилик очиш (кашфиёт қилиш), башорат (прогноз диагноз), жараён, фаолият, феномен ва бошқалар. Таърифдан келиб чиқсан ҳолда тафаккурнинг тадқиқот моҳиятини аниқлашга ҳаракат

қилинса, бу йўсиңда мақсадга мувофиқ иш амалга оширилган бўлар эди. Тафаккур предметини белгилаш мashaққати унинг мураккаб билиш (когнитив) жараёни эканлигини яна бир карра тасдиқлаб турибди. Қуйидаги тафаккур тузилмасининг ҳозирги замон кўринишини ўқмингизги ҳавола қиласиз.

### 1. Тафаккур операциялари:

- 1) анализ ва синтез (назарий ва амалий);
- 2) тақдослаш (назарий ва амалий);
- 3) мавҳумлаштириш – абстракциялаш (таъкидловчи, айирувчи, чекловчи);
- 4) умумлаштириш (мазмунига кўра: элементар, эмпирик, тушунчали, назарий; фикрнинг йўналишига биноан: хусусийдан умумийга, умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан янада умумийга, камроқ умумийдан янада умумийга, ягона умумий ҳолатдан янада умумийроқча);
- 5) конкретлаштириш (яққоллаштириш);
- 6) классификациялаш (таснифлаш: табиий ва сунъий);
- 7) системалаштириш (тизимлаштириш фазовий, хронологик, мантиқий).

### II. Тафаккур турлари:

- 1) шаклиги кўра: кўргазмали – ҳаракат, кўргазмали – образли сўз – мантиқ (вербал);
- 2) топшириқ (муаммо) хусусиятига биноан: амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, изоҳли;
- 3) фикр ёйиқлигига қараб: конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, авторитар, интуитив, дискурсив, диалектик
- 4) фикрнинг йўналишига биноан: конвергент, дивергент;
- 5) оригиналлик даражасига кўра: репродуктив, продуктив, ижодий (креатив), визуал, фазовий, танқидий.

### III. Тафаккур сифатлари:

- 1) мустақиллиги;
- 2) танқидийлиги;
- 3) чуқурлиги;

- 4) кенглиги (кўлами, диапазони);
- 5) пишиқлиги;
- 6) серташабуслиги;
- 7) тезлиги(суръати);
- 8) маҳсулдорлиги;
- 9) самарадорлиги;
- 10) ихчамлиги
- 11) эгилувчанлиги.

#### **IV Тафаккур шакллари:**

- 1) ҳукм: якка, умумий, хусусий, жузъий, шартли, тахминий, тасдиқловчи, зид, қарама – қарши, инкор;
- 2) тушунча: конкрет, абстракт, якка, умумий, хусусий, тўпланма;
- 3) холоса чиқариш: индуктив, дедуктив, аномология.

А. Тафаккур жараёни муаммоли вазиятдан бошланади (С.Л.Рубинштейн). Муаммоли вазият тузилиши: Муаммоли вазияттacha, муаммоли вазият, вазиятдан кейинги вазият (Э.Ф.Фозиев)

Тафаккур – муаммо – масала.

Б Таълим тараққиётни ўз кетидан етаклайди (Л.С.Виготский); тараққиёт таълимни ўз кетидан етаклайди (Э.Ф.Фозиев).

Тафаккурни тадқиқ этиш методлари: кузатиш, сұхбат, фаолият маҳсулотини таълил қилиш, тест, эксперимент.

Тафаккурнинг бошқа соҳалар ва жараёнлар билан алоқаси:

- 1) тафаккур ва мантиқ;
- 2) тафаккур ва бошқа билиш (когнитив) жараёнлари;
- 3) тафаккур ва эмоция
- 4) тафаккур ва муаммоли вазият;
- 5) алгоритим ва муаммоли вазият
- 6) таълим ва тараққиёт;
- 7) тафаккур ва инновация;
- 8) тафаккур ва интеллектуал тестлар;
- 9) тафаккур назариялари:
  - а) ассоциатив психология мактаби;
  - б) Вюрцбург психология мактаби;

- в) гештальтпсихология;
- г) бихевиоризм (необихевиоризм);
- д) интеллект назарияси (Ж.Пиаже).

10) Инсон тафаккурининг онтогенезда ривожланиши (мактабгача ёшдаги болалар, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, ўсмирлар, ўспиринлар, етуклик ва геронтопсихологик даврлари кабилар.).

## 2.6. "ХОТИРА ТУРЛАРИ" МАВЗУСИНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Хотира инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида қатнашиш туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, шарт – шароитлари, омиллари ҳам хилма – хил кўринишга эгадир. Одатда хотирани турларга ажратишда энг муҳим асос қилиб, уни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, эслаш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги олинади. Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга (ўлчовга) мувофиқ равишда турларга (кўринишларга) ажратилади:

I. Психик фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира мана бундай турларга бўлинади:

- 1) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси,
- 2) образли хотира,
- 3) эмоционал хотира.
- 4) сўз – мантиқ хотира.

II. Психик фаолиятнинг мақсадига биноан:

- 1)ихтиёrsиз,
- 2)ихтиёрий,
- 3)механик.

III. Психик фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- 1) қисқа муддатли хотира,
- 2) узоқ муддатли

з) оператив хотира.

IV. Психик фаолият қўзғатувчисининг фаолиятига кўра:

- 1) мусиқий
- 2) эшитиш хотираси,

V. Психик фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

- 1) феноменал,
- 2) профессионал ва ҳоказо.

Ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси. Инсон фаолиятининг ҳар хил турларида психик фаолликнинг у ёки бу кўринишлари устунилик қилиши кузатилади.: масалан, ҳаракат, эмоционал, сенсор, интеллектуал каби психик фаоллик турларининг ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулотларида ўз ифодасини топади. Ҳаракатларда, ҳиссий кечинмаларда, туйғуларда, образларда, фикр – мулоҳазаларда акс этади. Буларнинг барчасига хизмат қилувчи хотиранинг ўзига хос турларига нисбатан психология фанида илмий тушунчалар тариқасида ном берилган: ҳаракат, эмоционал, образли, ва сўзмалитиқ хотира.

Турли ҳаракатлар ва уларни бажарилиш тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқа сифатларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эслага туширишдан иборат хотира тури ҳаракат хотираси деб аталади.

Эмоционал хотира. Эмоционал хотира ҳис – туйғулар, руҳий кечинмалар ва эмоциялар бизнинг эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётганилигидан, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатларимиз қай тарзда, йўсинда амалга оширилаётганилигидан доимо хабар бериб турисх имкониятига эга. Шунинг учун ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида эмоционал хотира тури жуда катта аҳамият касб этади.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан ўзимизга нисбатан муносабатларимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш, эсда сақлаш ва эслага туширишдан иборат хотира тури эмоционал хотира деб аталади.

Образли хотира. Образли хотира тасаввурлар ва турмуш манзаралари, шунинг билан бирга товушлар, таъмлар, ранглар, шакллар билан боғлиқ бўлган хотира туридир. Образ хотираси деб, яққол мазмунини, бинобарин, нарса ва боғланишларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда зарурият туғилганда эслага туширишдан иборат хотира турига айтилади.

Психологияда образли хотиранинг бир неча турлари ажратиб кўрсатилади, биз уларниң айримларига тавсиф беришни лозим тоғдик.

Изчил образлар. Сенсор хотиранинг энг содда кўриниши ёки шакли изчил образлардан иборатdir. Изчил образларниң намоён бўлиши хотираси қуйидагилардан иборатdir: агар субъект(шахс)га бир неча дақиқа оддий қўзғатувчи юбориласа, жумладан, 10—15 сек. Ёрқин қизил квадратта қараб туриш таклиф этилса, сўнг текшириувчи олдидан квадрат олиб қўйилса, у қизил квадрат ўрнида худди шундай геометрик шакл изини кўришда давом этади, асосан, бу шакл кўк — яшил рангда товланади. Мазкур из ўша заҳоти, баъзан бир неча секунддан кейин пайдо бўлиб, 15 секунддан то 45—60 секундгача ўша объектда сақланиб туради, шундан сўнг аста — секин у оқара бошлияди, натижада ўзининг аниқ контурини йўқотади, кейинчалик мутлақо йўқолиб кетади, гоҳо бутунлай йўқолиш учун қайтадан пайдо бўлиши ҳам мумкин. Одамларниң индивидуал — типологик хусусиятларига қараб, изчил образларниң аниқлиги ва давомийлиги турлича бўлиши кўзга ташланади.

Изчил образлар хотира жараёнининг содда изларига мисол бўла олади. Ушбу психологияк ҳолатни онг билан бошқариб бўлмайди, чунончи хоҳишга қараб узайтириш, ихтиёрий равишда қайта тиклаш мумкин эмас. Бинобарин, изчил образлар образли хотиранинг мураккаброқ турларидан мана шу жиҳати билан фарқ қиласди.

Изчил образларни эшитниш, тери — тулош соҳасида ҳам кузатиш мумкин, лекин бу вазиятда изчил образлар кучлироқ намоён бўлиши ва қисқа муддат давом этиши кузатилади.

Эйдегик образлар. Умумий психологияда изчил образлардан эйдегик образларни фарқлаш анъана тусига кирған ("эйдос" — юнонча "образ" деган маъно англатади). Хотиранинг бу тури, яъни эйдегик образлар ўз вақтида немис Марбург психология мактабининг намояндалари ака — ука Йенишлар томонидан таърифлаб берилган. Баъзи одамларда, айниқса, болалик ва ўсмирилик, ўспириилик ёш даврларидаги кузатилган предмет ёки суратлар кўз ўнгидан олиб қўйилгандан сўнг ҳам узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга бўлган.

Мазкур жисмларнинг аниқ образлари тасвиirlарини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса жаҳон психологияси фанида тажриба қилиб текшириб кўрилган. Экспериментда текшириувчига 3—4 минут давомида расм кўрсатилган, масалан, кўча тасвирини ифодаловчи тасвир олиб кўйилгандан сўнг, унинг унсурлари ҳақида қатнашчиларга саволлар берилиган. Бу жараёнда айрим текшириувчилар биронта ҳам саволга аниқ жавоб беришга эришганлар.

**Тасаввур образлари.** Тасаввур образлари образли хотиранинг янада мураккаброқ тури бўлиб ҳисобланади ва уларнинг хусусиятлари кўпчиликка яхши маълумдир. Агар инсон дараҳт, мандарин, гул ҳақида тасаввурга эга эканлиги шуни кўрсатадики, унинг илгарити тажрибалари субъектнинг онгида шу образларнинг изларини қолдирилган. Илмий тушунчалар талқин қилинганда тасаввур образлари эйдептик образларга жуда яқиндек туолади. Лекин эйдептик образлар тўғрисидаги психологик таҳдил шуни кўрсатадики, тасаввур образлари унга қараганда анча бой бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Тасаввур образларининг эйдептик образлардан фарқловчи биринчи фарқ — бу тасаввур образларининг полимодаллик хусусиятидир. Масалан, мандарин ҳақидаги тасаввур образи унинг ташки кўринишини (шакли, рағги), мазасини ва оғирлигини ўзаро бириктириб акс эттиради.

### Сўз — мантиқ хотираси

Сўз — мантиқ хотираси мазмунини бизнинг фикр ва мулоҳазаларимиз, аниқ ҳукм ҳамда хуносаларимиз ташкил қилади. Инсонда фикр ва мулоҳаза турли хил шакллар ёрдамида ифодаланганлиги туфайли уларни ифодалаш фақат ўзлаштирилаётган материалларнинг асосий маъносини изоҳлаши, талқин қилиб бериш ёки уларни сўзма — сўз ифодаланишини айнан айтиб беришга қаратилган бўлиши мумкин. Агар маълумот, ахборот, хабар, материал маъновий жиҳатдан, улуман, қайта ишланмаса, у ҳодда материални сўзма — сўз ўзлаштириш мантиқий ўрганиш бўлмасдан, балки механик эсда олиб қолишга айланиб қолади.

Сўз — мантиқ хотирасининг вужудга келишида иккинчи сигналлар системаси асосий роль ўйнайди. Чунки сўз — мантиқ хотираси фақат инсонлагина хос бўлган хотиранинг маҳсус тури ҳисобланиб, бу хотира тури ўзининг содда

шакллари билан ҳайвонларга ҳам тааллуқли бўлған ҳаракат, эмоционал ва образли хотиралардан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан кескин фарқ қиласди. Ана шу боисдан сўз – мантиқ хотираси бир томондан хотиранинг бошқа турлари тараққиётига асосланади, иккинчи томондан, уларга нисбатан етакчилик ролини бажаради, шунинг билан бирга бошқа барча турларнинг ривожланиши сўз – мантиқ хотирасининг такомиллашувига узвий боғлиқдир.

Ихтиёрий ва ихтиёrsиз хотира. Хотира турларига нисбатан бошқача тарзда ёндашиш ҳоллари учрайди, шу боисдан хотира фаолияти амалга ошираётган яққол ва фаоллик хусусиятлари билан узвий боғлиқ равишда турларга ажратилади. Масалан, фаолият мақсадига кўра хотира ихтиёrsиз ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Ихтиёрий хотира деганда, маълум мақсадни рўёбга чиқариш учун, муайян даврларда ақлий операцияларга сунгтан ҳолда амалга оширишдан иборат мнемик жараён тушунилади. Одатда онг бевосита бу фаолиятни амалга оширишда иштирок этади. Кўпинча, психология фанида ихтиёрий хотирага ихтиёrsиз эсда олиб қолиш қарама – қарши қўйилади. Бу жараён топшириқ ёки назифа қўйилмаса, эсда олиб қолишга олиб борувчи фаолият бошқа бир мақсадларга эришишга йўналтирилган тақдирда рўй беради. Биз математик топшириқ ечаётганимизда масаладаги сонларни эсда олиб қолишни ўз оддимизга мақсад қилиб қўймаймиз. Мазкур мнемологик ҳолатда асосий мақсад фақат масала ечишга қаратилади, бунинг натижасида сонлар (иккинчи даражали белги сифатида) эсда сақлашга ҳеч қандай ўрин ҳам қолмайди. Шунга қарамай, биз уларни қисқа муддатта бўлса – да, эсда сақлаб қолишга интиламиз, бу ҳолат фаолият якунлангунга қўдадар давом этади.

Қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира. Сўнгги пайтларда собиқ совет ва чет эл психологиясида хотира тадқиқотчиларининг эътиборини эсда олиб қолишнинг дастлабки, бошлангич дақиқаларида вужудга келадиган ҳолатлар, жумладан, ташки таассурот изларининг мустаҳкамланишигача бўлған жараён, ҳолатлар, механизмлар, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланиши муддатлари ўзига жалб қилиб келмоқда. Бирор материал (шакли, моҳиятидан қатъи назар) хотирада мустаҳкам жой

олиш учун бу материал фаолият субъекти томонидан тегишили равишда қайта ишлаб чиқиши зарур бўлган материалларни бундай ишлаб чиқиш учун маълум даражада муддат талаб этилиши табиийдир. Ана шу вақтда, муддат оралиғида хотирада қайта тикланаётган изларни консолидациялаш (мустаҳкамлаш) деб қабул қилинганд. Мазкур жараён инсон томонидан яқиндагина бўлиб ўтган ҳодисаларнинг акс садосидек кечинма сифатида кечирилади ва такомиллашиди. Инсон муайян дақиқиларда, лаҳзаларда долзарб пайтда бевосита идрок қилинаётган нарсаларни гёё кўришида, эшитишида давом этаётгандек туюлади. Ушбу жараён ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан бекарор, хатто ўзгарувчан, лекин улар шу қадар аҳамиятлики, бу жараёнларга эсда олиб қолиш, эсда сақлаш инфомациялар, маълумотлар ва хабарларни қайта эсга туширишнинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ушбу жараён одатда психология фанида қисқа муддатли хотира деб аташ анъана туслига кириб қолган.

Жуда кўп қайтаришлар ва қайта тиклашлар натижасида материални узоқ муддат давомида эсда сақлаб қолиш хусусиятига эга узоқ муддатли хотирадан фарқли ўлароқ, қисқа муддатли хотира бир марта ҳамда жуда қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ва шу оңдаёқ қайта тиклашдан сўнг қисқа муддатли эсда олиб қолиш билан тавсифланади.

Ҳозирги замон психологик адабиётларда қисқа муддатли хотира термини ушбу номлар билан юритилади: "бирлаҳзали", "зудлик" "дастлабки", қисқа муддатли ва бошқалар.

Оператив хотира.

Инсон томонидан бевосита амалга оширадиган фаол, тезкор ҳаракатлар, операциялар учун хизмат қилувчи жараённи англачувчи мнемик ҳолат оператив хотира деб аталади. Ҳозирги замон психологиясида ушбу ҳолатни намойиш қилиш учун яқъол мисол келтиради: математик амални бажаришга киришар эканмиз, биз уни муайян бўлакларга ажратиб ҳал қилишини мақсад қилиб қўямиз. Шу боисдан, оралиқ натижаларини ёдда сақлашга интиlamиз, якунланишига яқинлашган сарнайтимиз материаллар эсдан чиқа бошлади.

Мазкур ҳолат матнни талаба томонидан ўқишида, уни кўчириб ёзишида, ижодий фикр юритишида, ақлий фаолиятни амалга оширишида яққол кўзга ташланади.

## 2.7."ИРОДА" МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ижтимоий – руҳий эҳтиёжга асосланган ҳолда мамлакатимиз ёшларини комил инсон қилиб камол топтириш учун уларни ўзини ўзи уddaлашга ўргатишдан иш бошламоқ зарур. Ўқувчининг ўз фаолиятини ва хулқ – авторини шахсий ҳоҳиш иродасига бўйсундиришни рўёбга чиқариш мустақил фикрлашни барқарорлаштиради, кўзланган мақсадни амалга оширишга пухта замин ҳозирлайди, ҳар хил хусусиятли қийинчилуклар олдида матонат, сабр – тоқат туйғуларини намойиш этишга чорлади. Бунинг натижасида мустаҳкам иродали, принципал, қатъиятли, узоқни кўзловчи, теран фикрловчи, ақл – заковатли, ватан туйғуси билан ёнувчи ҳақиқий миллий ватанпарвар ёшлар ижтимоий ҳаётда, таълим – тарбия жараёнида шакланади. Инсонга туғилишидан бериладиган табиий майиллардан, ақлий ва ахлоқий имкониятлардан унумли фойдаланмасдан туриб, юксак маънавиятли, фаросатли, ижодий изланувчан шахсларни вояга етказиб бўлмайди. Худди шу боисдан инсоннинг болалигидан тортиб, то ижтимоийлашувига қадар давр оралигида ўзини ўзи бошқариш усуслари, воситалари билан таништириш қатъиятиликтини вужудга келтиради.

Одатда ирода инсон томонидан ўз хулқи ва фаолиятини онгли равишида бошқариш сифатида баҳоланади, мақсадга йўналтирилган хатти – ҳаракат ва хулқ – авторнинг амалга ошишида ташки, ички қийинчилукларни енгиб ўтиш тариқасида таърифланади.

Талаба ёшларнинг, энг аввало шахснинг ижтимоий фаоллигига, меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибасида ва таълим жараёнида намоён бўлади.

Мазкур фаоллиқдан унинг мазмуни ва шаклан тузилишини фарқлаш мутлақо зарур. Шахс фаоллигининг мазмундор томони унинг ижтимоий хислатларида ўз ифодасини топади, чунки бунда ижтимоий кўрсатма (аттифюд), эътиқодлар, маънавий ҳис – туйғулар, қизиқишлар

доминантлик хусусиятини касб этади. Талаба фаоллигигининг шакли фаолиягни амалга оширишда иштирок этувчи руҳий жараёнлар, ички, ташқи ва англашилган иродавий хатти – ҳаракат, интилиш намоён бўлиши орқали аниқланади. Талаба учун қийин шароитларда ўзини ўзи онгли равишда бошқара олиш имконияти иродавий зўр беришнинг ёрдами билан юзага келади ва белгиланган муайян аниқ мақсад, режа ҳамда уни рўёбга чиқарувчи хатти – ҳаракатлар унинг иродасига йўналтирилади.

Баркамол авлод шахсининг психологияк хусусиятларида марказий ролни мотивация доираси бажаради ва у эҳтиёжлар, қизиқишилар, эътиқодлар ва маънавий ҳис – туйғуларда ўз аксини топади. Ёшлиарнинг ҳаёти ва фаолиятида, шунингдек, тарбиясида аста – секин устувор ва барқарор мотивлар вужудга кела бошлайди, улар шахсининг ижтимоий шартланган йўналганлиги ва ҳаётий позициясини қатъий белгилаш учун хизмат қиласди.

Аксарият ҳолларда талаба шахсининг ижтимоий шартланган хусусиятлари унинг иродавий фаоллиги йўналишини гавдалантиради. Ижтимоий йўналганлик шахсининг мотивацион – иродавий хислати ҳисобланмиш событқадамлиқда ўз ифодасини топади. Ўқувчи шахсининг иродавий жараёнлари, ҳолатлари, хислатлари фаолиятининг мотивлари ва мақсадини амалга ошишнинг ўзита хос усули сифатида юзага келади.

Ақлий фаолиятда иродавий жараёнлар иродавий хатти – ҳаракатлар кечишининг айнан ичиди, яъни мақсад белгилашдан тортиб то унинг бажарилишигача оралиғида кўзга ташланади. Онгли хулқ – атворда, ихтиёрни дикқатда, эслаб қолишида, эсга туширишда, тафаккурда, хаёlda ифодаланади, мураккаб муаммоларни ечиш, иродавий зўр беришни сафарбар этиш учун мутлақо зарур, чунки бусиз ўқув фаолиятида ѡч қандай натижага эришиш мумкин эмас. Уларнинг ўзаро уйғунлашуви самаралар келтириш мажмуаси сифатида иккиёқлама хусусият касб этади.

Тальлимдаги иродавий ҳолатлар – бу вужудга келган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этишнинг усуллари, талаба шахсининг омилкор, оқил ички шароитларнинг муваққат руҳий ҳодисасидир. Уларнинг қаторига бир талай ҳаётий шарт – шароитлар тъсири остида

вужудга келувчи оптимизм ва умумий фаоллик, қизиқувчанлик, мотивациян, мобилизацион тайёргарлик, қатъятилилк хусусиятлари киради.

Ўқув жараёнида стресс-эмоционал зўриқишининг кескин ҳолати кўриниши, шакли ҳисобланиб, ташқи ва ички муҳитнинг нохуш омилларини шахсга фавқулодда таъсири этиш натижасида вужудга келади. Таълимий ҳамкорлик (ўқитувчи билан талаба ҳамда талабаларнинг ўзаро) фаолиятидаги фрустрация-билиш фаолиятини ташкиллаштиришининг тубдан тескари томонга йўналтирувчи руҳий ҳолатdir. Талабада узлуксиз пайдо бўлувчи ва бартараф қилиш қийин тўсиқларнинг таъсири остида руҳан тушкунлик, ўзини йўқотиб кўйиш, кўпинча экспериментта, вазиятта нисбатан агрессив тажовуз реакциялари жавоб хатти – ҳаракатлари юзага келиши кузатилади.

Талаба шахсининг иродавий хислатлари – бу таълим жараёнидаги муваққат руҳий ҳолат эмас, балки аксинча мазкур вазиятта ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган инсоннинг турғун, барқарор руҳий тузилмасидир. Унинг иродавий сифатларига сабитқадамлик, ташаббускорлик, қатъятилилк, мустақиллик, ташкиллашганлик, ишбилармонлик, ўзини қўлга олиш, жасурлик, чидамлилк ва бошқалар киради. Талаба иродасининг бўшлиги, заифлиги қайсарлик, саботсизлик, яқовалик, қўрқоқлик, принципсизлик, беташаббуслик, эринчоқлик, лоқайдлик сингари тушунчалар орқали тавсифланади.

Билимларни эгаллашдаги сабитқадамлик – бош иродавий сифат, хислат ҳисобланиб, у ироданинг бошқа кўринишларининг тараққиёт даражасини ва йўналишини аниқловчи асосий омил бўлиб саналади. Мустақил ва келажаги буюк давлат идеалларига содиқлик. Ватан олдидағи бурчнинг юксак даражада англаш, жамоатчилик ҳисси, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиш истаги ва буларнинг барчаси ўзбек ҳалқига хос бўлган сабитқадамлилк намунасидир.

Таълим – тарбия жараёнидаги ташаббускорлик – талабанинг ўз хоҳиш иродасига биноан зарур хатти – ҳаракатларни амалга ошириш ўқувидир. Мустақил билим олиш ва фикрлашдаги қатъятилилк – талаба томонидан жиддий йўналган қарор қабул қилиш, уни изчил ҳаётта татбиқ этиш хислатидир. Тиришқоқлик талабанинг

қийинчиликларни енгиш учун курашища куч – қувватини асло пасайтирмасдан, узлуксиз ва узоқ муддат мақсадга эришиш учун интилиш кўникмасидир.

Муммоларни ечиш чорида чидамалилик – шахс томонидан қабул қилинган қарорни амалга оширишга халал берувчи фикрни, ҳиссиёт ва хатти – ҳаракатни тизғинловчи(тормозловчи) талабанинг уқувчанлигидир. Ташкилланганлик – ўз ҳаракати ва хулини режалаптириши, хусусан уни ижро этишда талабани режага асосланиш малакасидир. Матонатлилик – қўйилган мақсадни муқаддас ҳис этган ҳолатда ўзини оқладиган хавф – хатарга қўл уриш, кўрқинчга нисбатан юз турга олиш фазилатdir.

Ишибилармонлилк – ҳар қандай ўйланилган ишни қийинчиликлар ва қаршиликлардан қатъи назар омилкор йўллар қўллаш туфайли охирига етказиши хислатидир. Мустақиллик – ўз эътиқодига қатъий ишонч, шахсий куч – қувватига ишониш, бошқаларнинг ёрдамига мұхтожлик сезмаслик малакасидир. Шахснинг хуљ – авторида, ўқув фаолиятида, агарда таълимий машғулотлар оқилона, ҳаққоний равиша, тўғри уюштирилса, унчали мұхим бўлмаган иродавий сифатлар ҳам пайдо бўлиши мумкин, чунончи интизомлилик, қунт, ўзини қўлга олишлик ва ҳоказо.

Ушбу руҳий ҳолатни аниқлаш учун чиқилган тестдан фойдаланиш мумкин. Тавсия қилинаётган фикрларга талаба "Ҳа" ёки "Йўқ" деган жавоб қайтариши керак.

1. Ҳаётдаги муваффақият тасодифларга кўра оддиндан қилинган ҳисоб – китобларга кўпроқ боғлиқ бўлади деб ўйлайман.

2. Агар мен ўзимнинг севимли машғулотларимдан айрилсан, унда мен учун ҳаётнинг мазмунин йўқолади.

3. Мен учун ҳар қандай ишнинг оқибати, натижасидан кўра, унинг бажарилиши жараёни мұхим.

4. Мен одамларнинг ўз яқинлари билан бўлган муносабатларидан кўпроқ қайфурадилар деб ҳисоблайман.

5. Менинг фикримча, кўпчилик одамлар яқин кунга мўлжалланган мақсад билан эмас, балки узоқча мўлжалланган мақсад билан яшайдилар.

6. Агар имкониятт бўлса – да, лекин ҳеч ким сезмаслигига ишончим комил бўлса, ножӯя ҳаракат қила олмайман.

7. Менинг ҳаётимда муваффақиятсизликлардан кўра муваффақиятли кунлар кўп бўлган.

8. Менга амалий, ишчан, ишбилармон одамлардан кўра ҳис – туйгули, кўнгилчан одамлар кўпроқ ёқади.

9. Ҳатто оддий ишда ҳам мен унинг баъзи усурларини такомидлаштиришга ҳаракат қиласман.

10. Муваффақиятта эришии ҳақидаги фикрларга берилиб кеттан вақтларимда эҳтиёткорлик чораларини унугиб қўйишим мумкин.

11. Ёшлигимда ота – онам мени дангаса деб ҳисоблатар эди.

12. Мен ўзимнинг муваффақиятсизликларимга шароит эмас, балки кўпроқ ўзимни айбдор деб ҳисоблайман.

13. Ота – онам менинг қаттиқ назорат қилишган.

14. Менда қобилиятга нисбатан сабр – тоқат купчи.

15. Ўз мақсадларимдан қайтишга муваффақиятта эриша олмаслигим ҳақидаги фикр эмас, балки дангасалик сабаб бўлади.

16. Мен ўзимга ишонган одам деб ҳисоблайман.

17. Муваффақиятга эришии учун гарчи имкониятлар менинг фойдамга бўлмаса ҳам таваккал қилишим мумкин.

18. Мен тиришқоқ одам эмасман.

19. Ҳамма ишлар текис(меъёрида) кетаётган бўлса, унда менинг ғайратим янада ошади.

20. Агар мен газетада ишлаганимда эди, унда турли воқеалар ҳақида ёзишдан кўра, кўпроқ одамлар яраттан янгиликларни ёзган бўлар здим.

21. Менинг яқинларим одатда шахсий режаларим билан ҳамфикр бўлмайдилар.

22. Менинг ҳаётга нисбатан талабларимнинг даражаси ўртоқларимнинг шундай талабларидан пастроқ.

23. Мен ўз мақсадимга эришиш йўлида қатъийман.

Тест қалити. "Ҳа" – 1, 2, 6, 7, 8, 9, 15, 17, 19, 20, 22, 23.

"Йўқ" – 3, 4, 5, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 18, 21.

Баллар ёки натижалар таҳлили Баллар йигинидиси 0 – 9 дан паст бўлганда – Сизнинг фаолиятингизда муваффақиятга эҳтиёж яққол кўринмайди. 10 – 13 баллгача: Сиздан

муваффақиятга интилиш бор, лекин ҳаётда фаолиятингизни ташкил қилипца ҳар доим ҳам муваффақиятга эҳтиёж сезавермайсиз. 14–23 баллгача: Сизнинг фаолиятингизда муваффақиятга эҳтиёж юқори даражада, ҳар доим муваффақият бўлишига ишонасиз, қатъийсиз у ёки бу даражада мураккаб, лекин бажарилиши мумкин ишларни қилишини ёқтирасиз, 0–9 паст, 10–13 ўртача, 14–23 юқори.

## 2.8. МУАММОЛИ ЎҚИТИШ УСЛУБИ

Психология фанида муаммоли вазият кенг кўламда ўрганилган, билиш ва билим олишга қаратилган когнитив жараён бўлиб ҳисобланади. Психология фани ривожланиш тарихини таҳдил қиласак, инсонда фикрларнинг пайдо бўлиши уни олдида юзага келган муаммоли вазият тўғрисида мулоҳаза юритишдан бошлиғанлиги яққол омилларда қайд қилиб ўтилган (қадимги аждодларимиз таълимотидан тортиб, то ҳозирги замон талқинигача). Модомики шундай экан, муаммоли вазият шахсни фикр юритиш жараёнига етаклайди, билиш фаолиятини ноаниқ, номаълум янги унсурли масала моҳиятига киришга, уни ҳал қилишга йўналтиради.

Муаммоли вазият жаҳон психологиясининг ассоциатив, вюрцбург, гештальт, бихевиоризм (необихевиоризм), редукционизм, эмпиризм, интеллект назариялари сингари қатор илмий мактаблари йўналишлари, таълимотларида атрофлича ўрганилган. Муаммоли вазият борликни билишнинг энг омилкор, оқилона услуби, қолаверса унинг ғенезиси эканлиги тўғрисидаги ғоя ижтимоий – тарихий тараққиётнинг XIX – XX асрларида юксак кўрсаткичларга эришди. Бизнинг бу ўринда жаҳон психологияси намояндалари томонидан тан олинган айрим рус олимларининг таълимотига тўхталиб ўтамиз, холос (кенгроқ маълумот олиш учун "Тафаккур психология"си мурожаат қилинг).

Т.В.Кудрявцев талқинича, муаммоли ўқитипи жараёни ўқувчилар (талабалар) олдида муаммоли вазият яратиш, ўқувчи билан ўқитувчи ҳамкорлигига, ўқитувчининг умумий раҳбарлигига, талабаларнинг мустақил билиш (ақлий) фаолиятини амалга ошириш натижасида мазкур

вазиятни англаш, тан олиш, ечимини қидириш ва ҳал қилиш учун воситалар таълашда ўз аксини топади.

Муаммоли вазият субъект билан объектнинг ўзаро бир – бирига таъсир этишини ифодалаб, субъектга масала (топшириқ) ни ҳал қилишни, то шу давргача унга (инсонга) номаълум бўлган билимларни ва ақлий фаолият усулларини аниқлашни талаб қиласидаган психик ҳолат сифатида гавдаланади. Муаммоли вазиятнинг тузилиши шахснинг интеллектуал фаолиятини муайян мақсадга йўналтирувчи билиш эҳтиёжидан, оқибат натижада эса эгаллаш зарур бўлган номаълум билимлар, ақлий ҳаракат воситалари ва усулларидан ҳамда потенциал резервлар (ички имкониятлар, инстанционаллик) тарздаги психик қўзғатувчилардан иборатdir.

А.М.Матюшкин таълимотича, муаммоли вазиятда янгиликни англаб етмаслик, уни ечиш зарур бўлган фаолиятни амалга оширишни удасидан чиқмаслик, мазкур ҳолатда очилиши шарт ҳисобланган фаолиятта, воситалар ва шарт – шароитларга таалуқли номаълумлик, қўйилган масалани (топшириқни, фан асосларини) фикр юритиш операциялари ёрдами билан эгаллаш жараёнлари иштирок этади. Бошқача сўз билан айтганда, муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва уни ҳал қилиш учун унда изланадиган номаълумлик, янгилик, ноаниқлик, изланувчида эса қидириб топа билиш имконияти, шунингдек, янги билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёж мавжуд бўлиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаммоли вазият фақат юқорида таҳлил қилинган таркиблардан иборат эмас, албатта. Бизнингча, у қўйидаги босқичларда мужассамлашуви даркор бўлиб, улар узлуксиз, иерархик тузilmани вужудга келтиради:

- 1) муаммоли вазияттагача вазият.
- 2) муаммоли вазият.
- 3) Муаммоли вазиятдан кейинга вазият (талқин бизниси – Э.Ф.)

Юқоридаги кўринишни оддийроқ қилиб қўйидагича тушунтириш мумкин: муаммоли вазияттагача вазият (муаммонинг туғилиши) – муаммонинг ечилиши, мутлақ эмас, балки нисбий хусусият касб этиши) – муаммоли вазиятдан кейинги вазият (унинг ечими муайян ақлий эҳтиёж туфайли

якунламаганлик түйғусини келтириб чиқариши, ечимлар хилма – хиллиги, модификациялари, инвариантлари түғрисидағо ялар уйғониши, номаълумликинг пайдо бўлиши, шубҳаларнинг англанилган мотивларга айланиши ва ҳоказо}.

Нарса ва ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиш топшириқ ёки обьектни ҳар томонлама мустақил мулоҳаза этиши ва у түғрида фикр юритишга асосланади. Муаммоли вазият ўз ичига қўйидаги муҳим томонларни қамраб олиши мумкин, гоҳо уларни босқичлар деб юритиш қабул қилинган.

Биринчидан, муаммо қўйилишини инсон тушуниб этиши, яъни топшириқ (масала ёки муаммо) англанишини (ифодаланиши) тушуниши. Иккинчидан, муаммони ҳал этишига ёрдам берувчи восита, усул, йўл – йўриқ, операция, ақлий ҳаракатларни инсоннинг ўзи излаб топишни ва уларни маълум тизимга солиши. Учинчидан, шахс муаммони ҳал этиши учун сараланган усувларни аввалги усувлардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаш, қолганлари ўз ўрнида ва тўғри фойдаланиши. Тўртинчидан, инсон муаммо ечимишинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиши кабилар.

Юқорида ажратиб кўрсатилган босқичлар шартли, меваққат хусусиятта эта бўлиб, одамларнинг фикр юритишсида алоҳида ажралиб турмасдан, балки қисқа дақиқалар (сониялар) оралиғида ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу ўринда шахс ўта зийракли билан уларни англашиб олишга ҳаракат қилиши лозим.

Энди ҳар бир босқич ва шунктни чуқурроқ ёритиб ўтишга, шарҳлаб беришга ҳаракат қиласиз. Муаммо (масала, топшириқ) инсон олдига қандай қўйилишини англаб етмасдан туриб, уни ҳеч қачон ҳал этиши (биринчи пункт назарда тутилади) мумкин эмас. Шунинг учун қўйилаёттан муаммо инсоннинг ёшига, билим савиясига, касб – корига тўла мос тушиши шарт. Бошлангич синф ўқувчисига мўлжалланган муаммони ўспиринга тавсия этиш ноўрин бўлгани сингари, кичик ёшдаги болаларга ҳам мураккаб муаммоларни ҳал этишини топшириш исталган натижани бермаслиги ҳаммага аёндир. Бундай камчиликни содир бўлиши аввало ўқитувчининг бола ёш хусусиятлари ва интеллектуал имкониятларини тўла билмаслигидан ёки унга

жиiddий эътибор бермаслигидан келиб чиқади. Ана шундай ўнрайсиз ҳолатларни юзага келмаслик учун ўқитувчи муаммони тўғри танлаши ва у ўқувчилар (талабалар) онгига чуқур ҳамда етарли даражада пухта етказиши жоиз. Муаммо юқорида таъкидлаб ўтилган талабга тўғри (адекват) жавоб берган тақдирдагина тингловчиларга тушунарли бўлиши мумкин.

Муаммо моҳияти инсон онгига сингиб етгандан кейин уни оқилона ҳал этишни таъминловчи восита, усул, йўл – йўриқ, ақлий хатти – ҳаракат, операция кабиларни излап, қидириш ва муайян тизимга солиш билиш фаолияти бошланади (иккинчи пункт). Топшириқ (муаммо) одамларнинг индивидуал – типологик ҳамда ёш хусусиятлари ва ақлий фаолият имкониятларига қараб, турлича суръатда, мураккабликда намоён бўлиши, кечиши, ечими топилиши мумкин. Шахснинг ақлий фаолиятида вужудга келган бундай руҳий ҳолат инсоннинг асаб тизими хусусиятларига алоқадор бўлиб, турлича кўринишга эгадир. Асаб тизимининг суст (инерт) ёки фаоллик хусусиятлари ўрта ва олий таълимдаги муваффақиятнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Руҳ дифференциал психология илмий мактабининг тадқиқотларида кўрсатилишича, инсонда бундай хусусиятлар унинг (одамнинг) туғилишидан пайдо бўлиб, бугун онтогенез мобайнида айрим ўзгаришларга юз тутиши кузатилади. Бироқ биологик шартланган хусусиятлар ва сифатларнинг кескин ўзгартириш имконияти йўқдир. Агарда инсоннинг асаб тизимида сусткашлик хусусияти мавжуд бўлса, у ҳолда муаммо аста – секин ҳал этилади ва унинг моҳиятини англаш муддати узоқча чўзилади. Демак, вақтдан ютқазиш эвазига муаммони ўз муддатида ечиш мумкин бўлмай ҳолади. Шунинг учун масала моҳиятини тушуниш борасида инсоннинг индивидуал – типологик хусусиятларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар қандай ақлий зўриқишдан асраниш лозим. Асаб тизими фаол хусусиятга эга бўлган шахс муаммо моҳиятини тез тушуниб етади ҳамда ўз муносабатини билдиради. Бинобарин, бундай хусусиятли инсон топшириқни қисқа вақт ичида тез суръат билан ниҳоясига етказади. Бунинг эвазига муаммо ечимини осонлаштирувчи омилларни, яъни восита угу: таъкидлаб ўтилган талабга тўғри (адекват) жавоб берган тақдирдагина тингловчиларга тушунарли бўлиши мумкин.

ақлий иш-ҳаракатини излаш, муайян тизимта солиш жараёни мувваффақиятли якунланади.

Талаба олдига қўйилган муаммони тўғри ҳал қилиш борасида инсон томонидан ажратилган восита ролини бажарувчи усулларни (агарда оригинал бўлса, нур устига аъло нурга айланар эди), аввал қўлланилган усулларнинг салбий томонларидан ажрата олиш, аниқлай билиш ва улардан ўринли ҳамда тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади(учинчى пункт). Бунинг туб маъноси шунидан иборатки қўллайвериб пугтурдан кеттан, эски воситалардан фойдаланишдан қочиш лозим, акс ҳолда унинг таъсири салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун талабалар ҳамда ўқувчиларни ҳамма нарсадан оқилона фойдаланишга ўргатиб бориш ҳозирги замон талаби бўлиб ҳисобланади. Ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида ҳосил бўлган, шаклланган кўникма ва малакаларни кўр-кўёна қўллашдан сақланиш айни муддаодир. Акс ҳолда интерференция ҳодисаси юз бериб қолиши мумкин, лекин бу ақлий фаолият маҳсулдорлигига салбий таъсир этади. Интерференция деб, шаклланган малакаларни янги шароитта нотўғри қўллаш натижасида салбий таъсир этиш ҳодисаси тушунилади. Бунинг асосий сабаби – бу талабаларда таркиб топтирилган кўникма ва малакаларнинг нотўғри кўчишидир. Кўчиш ҳодисаси деганда ўрганилган восита, усул ва бошқа жараёнларни янги шароитда ҳамда вазиятда қўллай олиш ҳодисаси англанади.

Муаммо (масала, топширик) шахс томонидан ҳал қилингандан кейин уни танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиш(тўртингчى пункт) ва унинг ечими тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш фаолияти ҳам ижобий хусусияти касб этади. Бунинг учун талабада ўзининг ва ўзгаларнинг фикри ҳақида танқидий мулоҳаза юритиш қобилияти шаклланган ва такомиллашган бўлиши керак. Бу борада вужудга келган шарт шароитлар, объектив ва субъектив вазиятлар шахснинг диққат марказидан четта чиқмаслиги жоиз. Бундай олижаноб юксак хислат талаба ёки ўқувчида ҳар томонлама авайлаб тараққий этилса, бу йўналишда кўзлаган мақсадга эришиш мумкин. Бу тўғрида бундан олдинги матнларда мулоҳаза юритилганлиги туфайли унга батарфсил тўхталиб ўтишини лозим топмадик.

Талабаларнинг объектни ҳар томонлама таҳлил қилиши ўзаро изчил боғланган санаб ўтилган 4 пунктдан таркиб топган бўлиб, улар ақлний фаолият давомида бир – бирини тақозо этади. Бундай ташқари, талаба (ўқувчи) олдида турган муаммонинг бир ёки бирдан ортиқ хусусияти, хоссаси, қониятлари, муносабатлари ва ички мураккаб боғланишларни очиб бериш вазифаси эмас, балки воқеликда мавжуд хислатларни тўла ёритиб бериш, мулоҳаза юритиш масаласи мужассамлашади.

Талабалар олдига вазифа қўйилаётганида унинг қайси томонларини ёритиш мумкинлигининг шартларини таъкидаш, иложи борича уларнинг онгига сингдириб бориш мақсадга мувофиқ. Мабодо, масаланинг барча шартлари тўла ёритилмаса, у тақдирда воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу нарса тўғрисида бирор қарор ёки хulosса чиқариш мумкин бўлиб қолади. Шунинг учун турли ёшдаги инсонлар ҳал этиши керак бўлган топширикни тўғри танлай билиш вазиятни оқилона аниқлай олиш, инсонларга воқеликни омилкорлик билан, одилона тушунтира олиш зарур.

Талабаларга қуйидагича муаммоларни бажариш учун вазифа қилиб топшириш мумкин: Ўзбекистон Республикасидаги рангли металларнинг жойлашган ўрни, таркиби, хусусиятлари, хоссалари ва ҳалқ хўжалигидаги ролини тушунтириб беринг. Ушбу муаммони ечиш жараёнида улар объектнинг ҳамма томонларини таҳдил қиласдилар, чуқур мулоҳаза юритадилар, ҳукм ҳамда хulosса чиқарадилар. Жумладан, бу фойдали қазилмаларнинг географик жойлашган ўрни, уларнинг ўзлаштириш, физик хусусиятлари, кимёвий хоссалари, таркиби, ҳалқ хўжалиги тармоқларида ишлатилиши, иктисодиёт тараққиётидаги роли ва жаҳонда Ўзбекистон Республикаси мавқенини кўтаришдаги аҳамияти тўғрисида мукаммал мулоҳаза юритадилар.

Бошқа яна бир мисол: Шахс категорияси, унинг тузилиши, хусусиятлари, назариялари, ёндашувлари, камолот даражалари тўғрисида тавсиф беринг. Талабалар аввал шахс категориясини таърифлаб берадилар, уидан сўнг шахснинг тузилиши юзасидан Рубинштейн, Ковалев, Леонтьев, Платонов таълимотлари, ҳозирги замон концепцияси

юзасидан мuloҳаза юритадилар, хусусиятлар, хислатлар мөжиятига оид фикр билдирадилар ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бир талай амаллардан фойдаланиш туфайли муаммо ҳал қилинди: қўйилган муаммони бўлакларга ажратиб таҳлил қилиш, уни яхлит тушуниб етиш, ҳал этиш учун воситалар қидириш, топилган воситаларни сақлаш ҳамда зарурини танлаб олиш, уни ечиш учун усуллар қўллаш, ечимни танқидий текшириб чиқиш, шунингдек, муаммо ечими юзасидан мантиқий хуласага келиш.

Муаммоли ўқитиши услубияти талаба (ўқувчи) ақлий фаолияти тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб, мантиқий фикрлаш доирасини янада кенгайтиради. Уларда моддий борлик, шахсларро муносабат ҳамда уларнинг механизмларини хар томонлама англаб олишга асосий негиз бўлиб хизмат қиласди. Нарса ва ҳодисаларнинг ички мураккаб боғланишларини, қонуниятларини мустақил равишда тушуниш учун имконият тудиради. Уларнинг мuloҳаза юритиши доирасини кенгайтиради, ўқув мотивларини юзага келтиради. Воқеликни билишга фаоллик уйғотади. Ўзини ўзи бошқаришга пухта замин ҳозирлади.

Муаммоли вазият мана бундай шартларга риоя қилинган тақдирдагина ижобий натижалар беради:

I. Муаммоли вазият инсонларнинг ёш давр хусусиятлари, ахборотларни эгаллаш, ўзлаштириш даражаси, индивидуал типологик хусусиятлари ва қобилияtlарини ҳисобга олган тақдирдагина вужудга келтириш мумкин. Муаммоли вазият уларнинг кучига, қобилиятига, имкониятига мос қилиб яратилиши лозим, аммо ўта оддий ёки ўта мураккаб бўлмаслиги керак.

II. Танланган муаммо қандайдир ташқи турткига, яъни мотивацияга, йўлланмага, установкага таянмаслиги лозим.

III. Муаммони ҳал қилиш йўлини, усулини, вазиятни тушунган ҳолда талабаларнинг ўзлари мустақил топа билишлари ва қўллашлари жоиз.

IV. Қўйилган муаммони қандай тартибда ҳал қилиш зарурлиги, яъни воқеликнинг айrim хусусиятларини ёритиш муаммо тарзда бўлиши шарт.

V. Муаммони "ижодий" ҳал қилиш имконияти яратилган бўлиши керак, бунда берилган матидан ташқари, айrim ижодий тўлдиришлар, қўшимчалар билан уни

бойитинц, ечимиини қидириш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## 2.9. МУОМАЛА МАВЗУСИНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Муомала асосий психологик категория сифатида илмий назариялар туркуми, тизими ичida муҳим аҳамият этганлиги туфайли алоҳида ва бетакрор талқинга эга. Психологияда унбу ҳолатни изоҳлашга қаратилган бир талай ёндишувлар, талқинлар мавжуд бўлиб, унинг кенг қийматга молик кўриниши муомаланинг ижтимоий руҳият тарзида таҳлил қилинишидир. Мудоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда тент ҳуқуқли, ҳамкор сифатида одамлар ўртасида амалга оширилувчи, руҳан муроқот пайдо бўлишига етакловчи фаолият шаклини **муомала** деб аташ мумкин

Жаҳон психологияси фанидаги Б.Д.Паригин, А.А.Леонтьев, А.А.Бодалёв, Л.П.Буева, В.Н.Панферов ва бошқа тадқиқотчиларнинг назариялари умумлаштирилганда муомала қўйидаги йўчалиш ҳамда жабҳалардан ифодаланиши кузатилади:

- ахборот коммуникативлик (муомала шахста оид коммуникация кўринилиши сифатида ахборот алманиш жараёнида юзата келади);
- интегративлик (муомала кооперация жараёнида шахсларнинг ўзаро таъсири тарзида пайдо бўлади);
- гносеологиклик (инсон ижтимоий билишининг ҳам субъекти, ҳам объекти тариқасида қаралади.);
- аксиологиклик (муомала шахсларнинг ўзаро қадрингилар билан алманинишдан иборат эканлиги);
- меъёрийлик (шахс хулқини меъёрий бошқарниш жараёнида муомала аҳамияти ва ўрни аниқланади; одатий шароитларда хулқ стереотипларининг реал меъёр сифатида узатилиши, мустаҳкамланиши жараёни);
- семиотикалик (муомала ўзига хос аломатлар тизими ёки турлича аломатлар тизимининг ҳукм сурини воситаси сифатига);
  - праксиологиклик (муомала жараёни фаолият, қобилият, кўникма ва малакалар билан алманиниш демакдир).

Психологлар томонидан муомала феноменлари (ноёбликлар) тўғрисида талқинлар хилма хил бўлиб, уларнинг энг асосийлари қўйидагилардан иборатдир:

• муомала – инсоннинг мустақил фаолиятининг кўриниши;

• муомала – инсон фаолиятининг бошқа турлари атрибути

• муомала – субъектларнинг ўзаро таъсир ўтказиши эканлиги.

Муомала феноменига нисбатан турлича илмий ёндашувларнинг мавжудиги туфайли унинг шахс шаклланиши омили сифатидаги ижтимоий психологик мавқеини аниқлаш учун хизмат қиласди.

Назарий ва амалий маълумотларга қараганда, муомала коммуникатив фаолият тарзида қўйидаги тузилмали жабҳалардан ташкил топиши мумкин, чунончи:

• муомала предмети – муомаладош шерик алоҳида субъект инсон сифатида қаралиши;

• муомалага нисбатан эҳтиёж – бошқа кишиларни билиш ва баҳолашга инсоннинг интилиши ҳамда уларнинг ёрдамида ўзини ўзи билишининг, ўзини ўзи баҳолашнинг кетиши;

• коммуникатив мотивлар – қай ниятда муомала амалга оширилишининг сабаблари, турткilar;

• муомала ҳаракатлари(актлари) – бошқа кишига йўналтирилган яхлит акт, коммуникатив фаолият бирлиги(ташаббус ва жавоб ҳаракатлари);

• муомала вазифалари – муомала жараёнининг амалга ошишга йўналтирилган ранг – баранг ҳаракатларни яққол коммуникатив вазиятда мақсадга зришишининг босқичлари;

• муомала воситалари – муомала ҳаракатларни амалга ошириш операциялари, йўл – йўриқлари;

• муомала маҳсули – муомала натижасида вужудга келувчи моддий ва маънавий хусусиятли маълумотлар мажмуаси кабилар

Коммуникатив технологияга нисбатан фаолияти ёндашув ижтимоий баҳолаш, талқин қилиш позиция тизими шаклланишини бошқаришини англатиб келади ва у уч хил коммуникатив шаклдан ташкил топади:

• монологик (фикр билдирувчи, узатувчи шахснинг ташкилотчи субъект сифатида бошқаларни тинглапшада коммуникатив ҳаракатлар устуворлиги, етакчилиги);

• диалогик (субъектларнинг ўзаро таъсир ўтказиши, ўзаро фаоллик намоён қилиши ва ташаббускорлик қўрсатишида ифодаланади);

• полилогик (коммуникатив ташаббусни эгаллаш учун ўзига хос тарзда кузатиш хусусиятига эга бўлган, унинг мукаммал самарали амалга оширишга йўналтирилган кўп қиррали муомала тури);

Муомала фаолият сифатида хатти – ҳаракатлар  
тизимидан ташкил толиши мумкин:

• муомала субъектининг коммуникатив вазиятга кириши;

• муомала субъектининг коммуникатив вазиятга хусусиятини баҳолаш;

• коммуникатив вазиятда мўлжал олиш, чамалаш имконияти;

• ўзаро таъсир ўтказиш имкони учун бошқа субъектни танлаш;

• муомала вазияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда коммуникатив вазифалар белгилаш;

• ўзаро таъсир субъектига нисбатан ёндашув саралаш;

• ўзаро таъсир ўтказувчи шерикка, субъектига яқинлашиш;

• ташаббускор субъект томонидан шерик субъект дижқатини ўзига жалб этиш;

• шерик субъектнинг эмоционал психологик ҳолатини баҳолаш ва унинг ўзаро таъсир қўрсатишига киришиш ҳамда тайёргарлик даражасини аниқлаш;

• ташаббускор субъект ўзининг шерик субъектини эмоционал психологик ҳолатига мослаштириши;

• муомала субъектлари орасида эмоционал психологик ҳолатларни тенглаштириш ва умумий эмоционал фонини шакллантириш;

• ташаббускор субъектнинг шерик субъектига коммуникатив таъсир ўтказиши;

- таъсирга шисбатан шерик субъект реакциясини ташаббускор субъект томонидан баҳоланиши;
- шерик субъект жавоб реакциясини мукофотлаш (стимуллаш);
- мумомалада шерик субъект “жавоб хулқининг ифодаланиши ва ҳоказо.”

Юқоридаги 15 та хилма – хил ҳаракатлар занжирида мумомала жараёни, фаолияти вужудга келади, бунинг учун ташаббус кўрсатиш мутлақо шарт. Шахслараро алоқада мумомала мазмуну турлича намоён бўлинни мумкин, чунончи:

- одам одамга ахборот узатиши;
- инсонни инсон томонидан идрок қилиниши;
- шерикларнинг бир бирларини ўзаро баҳолапши;
- шерикларнинг ўзаро бир бирига таъсири;
- пішерикларни ўзаро таъсир ўтказишга ҳаракат қилиши;
- гуруҳий коммунікатив фаолиятни бошқариш.

Мумомала мазмунидан келиб чиқсан ҳолда мумомала функциялари вужудга келади ҳамда яққол вазиятни идора қилишга йўналтирилади;

- инструментал(мумомала бундай функция таъсирида муайян ҳаракатлар амалга ошишининг ижтимоий бошқариш механизми ва ахборот узатиши сифатида кўзга ташланади);
  - синдикатив (мумомала одамлар ўзаро бирикувичнинг воситаси тарқасида гавдаланади);
  - ўзини ўзи ифодалани(мумомала психологияк контекстда ўзаро тушунувчалик шакли тарзда юзага келади);
  - экспрессив (эмоционал ҳолатлар ва кечинмаларда ўзаро бир – бирини тушуниш);
  - ижтимоий назорат (хулқ ва фаолият қоидаларига риоя қилишини таъминлашда акс этади);
  - ижтимонийлашув (жамиятда қабул қилинган қоидаларга биноан ўзаро таъсир малакаларини шакллантириш ва бошқалар).

Мукаммал, тўқис мумомала ўзининг ташқи ва ички тузилишига эга, унинг биринчиси хулқ операционал техник томонини, иккинчиси эса шахс учун чуқур маъно касб этувчи мурakkab мөҳиятни акс эттиради. Мумомаланинг

ташқи ифодаланиши коммуникатив таъсир ўтказиш кўрсаткичларида намоён бўлади:

- ўзаро муносабатда коммуникатив фаоллик;
- муомала хатти – ҳаракатида ташаббускорлик;
- муомала хатти – ҳаракатида жадаллик;
- муомала маромларида (технологик томондан) маҳоратлилик.

Муомаланинг ички жабҳасида инсон томонидан мулоқот мотиви ва мақсадга иксбаган жавоб реакцияси ҳамда ўзаро таъсир вазиятини субъектив идрок қилиш акс этади шахсларро муносабатда муомала мароми ҳал қилувчи аҳамиятта эга ва у қуийдагиларда ифодаланиши мумкин:

- муомала оҳангি (осойишта, ҳукмронона, асабий, таажжубкорона, тилёғлама ва ҳоказо);
- муомала хатти – ҳаракати (қатъиятли, безовталаниш, ишончсизлик, беҳаловат, бемалол ҳис эта олмаслик кабилар);
- муомала оралиғи (дистанция: интим руҳий яқинлик, шахсий, ижтимоий, эл – улус ўртасида ошкора).

Одатда мулоқотдонининг муносабатлари хусусияти муомала яқин ва узоқлигида ўз ифодасини топади. Жумладан интим ва шахсий мулоқот мавжудлиги мулоқотдошларнинг ўзаро яқинлиги ва дўстлигини билдиради. Ижтимоий оралиғ расмини муомала шаклини ошкора эса унинг ақлий жиҳатдан намойишкорона кўринишини англатади. Муомала тарзи шахсларнинг ўзаро ҳурмат – эҳтиром ёки меңсимаслик ҳолатларини ифодалаб келиб, ҳазил тарниксиде ёки жиддий, қаҳр – ғазаб ёки самимийлик вазиятда ўтишидан дарак беради.

Муомала услуби – одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ўтказиш ҳаракатининг индивидуал – типологик хусусиятларининг акс этишидир. Муомала услубида:

- инсоннинг коммуникатив имкониятлари хусусияти;
- муайян одамлар ўртасидаги маълум чуносабатлар хусусияти таркиб тонганилиги;
- шахснинг ижтимоий индивидуалити;
- муомаладошнинг ўзига хослиги, бетакрорлити ифодаланади. Муомала услуби негизида шахснинг маънавий – ахлоқий установкаси ва жамият ижтимоий хулқ – атвөр установкасини баҳолапи жараёни ётади.

Ижтимоий ҳаётда энг кенг тарқалган муомала услуги қаторига қуйидагилар киради: ижодий, продуктив, дўстона, назокатли, хуштавозе, ишбилармон, талабчан, вазиятбоп, тушкунликка етакловчи ва ҳоказо.

Муомала воситалари ёрдами билан шахслараро муносабатлар амалга ошиди ва улар ушбу кўринишларда ташкил тоғиши мумкин:

- лингвистик нутқ ёрдамида, сўз билан ифодаланади;
- оптик – кинетик(имо – ишора, мимика, пантомика)
- паралингвистик(овоз, товуш сифати, унинг диапазон, тоналлиги, талаффуз қилиниши оҳангиги);
- экстралингвистик (пауза, кулаги, йиги, нутқ суръати);
- маконий – замонавий (оралиқ, вақт, давр, жой, муомала вазияти).

Муомала фаолияти ёки жараёнида ўзаро тушуниш механизмлари мавжуд бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди;

• идентификация – бошқа инсонни тоҳангаган, тоҳо англашмаган тарзда ўзига ўхшатиш орқали уни тушуниш усулидир;

• стереотипизация – олдинги ижтимоий ҳолатларга қиёсланган ҳолда хулқ шакллари келиб чиқиши сабабларини талқин қилиш таснифи:

– рефлексия – муомала жараёнида мулоқотдош айнан нечун шундай таъсурот қолдирганлиги тўғрисида субъектнинг фикрлаши:

• тескари алоқа – мулоқотдош тўғрисида маълумот олиш, вазиятта қараб муомалага ўзгартиришлар киритиш ва таъсир ўtkазиш истиқболини белгилаш жараёни.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, бизнингча, муомалани тизимиш ташкиллашган, тенг ҳуқуқли шериклар ва мулоқотдошларнинг ўзаро таъсири тариқасидá талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Муаммоли ўқитиш услубияти талаба |ўқувчи| ақлий фаолияти тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб, мантиқий фикрлаш доирасини янада кенгайтиради. Уларда моддий борлиқ, шахслараро муносабат ҳамда уларнинг механизмларини ҳар томонлама англаб олишга асосий негиз бўлиб хизмат қиласди. Нарса ва ҳодисаларнинг ички

мураккаб борланишларини, қонуниятларини мустақилравишида тушуниш учун имконият тудиради. Уларнинг мудоҳаза юритиш доирасини кенгайтиради, ўкув мотивларини юзага келтиради, воқеликни билишга фаоллик уйғогади, ўзини ўзи бошқаришга пухта замин ҳозирлайди.

Муаммоли вазиятни маши бундай шартларга риоя қилинган тақдирдагина ижобий натижалар беради:

1. Муаммоли вазият инсонларнинг ёш давр хусусиятлари, ахборотларни эталланаш, ўзлантириш даражаси, индивидуал-типологик хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган тақдирдагина вужудга келтириш мумкин. Муаммоли вазият уларнинг кучига, қобилиятига, имкониятига мос қилиб яратилиши лозим, аммо ўта оддий ёки ўта мураккаб бўлмаслиги керак.

2. Танланган муаммо қандайдир тапиқи турткига, яъни чотицияга, йўлланмага, установкага таянимаслиги лозим.

3. Муаммони ҳал қилиш йўлини, усулини, вазиятни тушунган ҳолда талабаларнини ўзлари мустақил топа билишлари ва қўллашлари жоиз.

4. Кўйилган муаммони қандай тартибда ҳал қилиш зарурлиги, яъни воқеликнинг айрим хусусиятларини ёритиш муаммо тарзда бўлиши шарт.

5. Муаммоги "ижодий" ҳал қилишни имконияти яратилган бўлиши керак, бунда берилган матндан ташқари, айрим ижодий тўлдиришлар, қўшимчалар билан уни бойитни, ечимини қидириши вазифасини қўйини мақсадига мувофиқдир.

## 2.10. "РАҲБАР ШАХСИ" МАВЗУНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Жамиятимиздаги туб ислоҳотлар инсон ҳаётининг барча жабхаларида ўз аксини топмоқда. Мазкур ислоҳотлар жамият оддидағи ечимини кутаёттган муаммоларни кўрсатиб бормоқда. Уларни босқичма-босқич очиш шу куннинг долзарб масаласига айланмоқда.

Раҳбарнинг бошқарув жараёнини идора қилишининг қайси бўлимини фаолият кўрсатишидан қатъи назар мудайян иш (жамоа билан ишлани) услугига эга бўлиши лозим.

Жамоани самарали бошқариш учун раҳбарга авваламбор қасбий (профессионал) билим зарурдир. Раҳбар

қўл остидаги мутахассислар фикришинг инобатта олиш ва чуҳокама қилинадиган масалаларниң моҳиятини айглай билиши жоиз. Ҳозирги даврда раҳбар ўзининг шахсий фазилатлари, мустаҳкам характери, кучли иродаси, барқарор ҳис – туйғулари барча парсаларга ва жабҳаларга нисбатан маҳсус қобилияtlари билан ҳалқ хўжалигини бошқара олади, холос. Чунки фан ва техниканинг ривожи, инсонлар онгулилик даражасининг юксак кўрсаткичи, ижтимоий тажрибаларнинг таъсиричан кучи, кишиларнинг муайян билимларга зига эканлиги раҳбарнинг комил инсон ногонасига кўтарилишини тақозо этади. Бу кўрсаткичлар кичик ташкилот(муассаса) раҳбарлардан тортиб, то вазирликларнинг раҳбарлари учун асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Ўқув ишлаб чиқариш технологиясини билишдан ташқари раҳбар бошқа ходимлардан фарқли ўлароқ, у бошқарув жараёнини ташкил қилиш назарияси билан қуроллашиб шарт. Шунингдек, раҳбар томонидан иқтисодий билимларн ўзлаштириши ҳам унинг касбий (профессионал) тайёргарлагини белгиловчи асосий омилдир. Туб ўзгаришлар натижасида уларда мустақил фикрлаш ва иш юритиш, шахсий режаларни рӯёбга чиқариши йўлларини излаш имкониятлари вужудга келади. Замонавий раҳбарлар ижтимоий ҳаётдаги ҳар хил муносабатлар ва билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув жараёнидан уларни инобатта олишини турмуш, тажриба тақозо этади.

Фан ва техниканинг жаддат ривожланиши раҳбар кадрлардан янги техника ва технологияни юқори даражада ёгаллашини талаб қилади. Маълумки, ишчи ва ходимлар ишлаб чиқаришнинг асогий кучлари бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай мукаммал техникани бошқариши ва ташкилотдаги иш жараёни, айнан ўша шахслар томонидан бажарилади. Ишчи ва ходимлар фаолиятини назорат қилиш ва бошқаларни ҳар қандай техникани бошқаришдан мураккаброқ жараёнидир. Чунки ҳамкорлик фаолиятининг самарадорлиги ошиши турли хил омилларга боғлиқдир. Бу омиллар, ҳаттоқи бир иш кунида турлича бўлиши ҳам мумкин. Шахс эҳтиёжларини ўрганиши – муваффақиятли бошқариш фаолиятини асосий галабларидан биридир. Турли хил бошқариш функцияларини бажарилиш жараёнини тадқиқ этиш фақаттинга касбий

(профессионал) билимлар ва малакаларининг тақлапиши учунгина асосий омил эмас, балки муваффақиятли бошқарип фаолияти учун ҳам мұхим восита бўлиб ҳисобланыди. Инсонлар орасидаги ижтиёмоий-психологик ынносабатларни ривожлантириш раҳбардан ижтиёмоий психологияк, бошқарув, этика фан соҳалари бўйича биланга эга бўлишни талаб қиласди. Ижтиёмоий билимлар билан бир қаторда умумий хулқ – автор (хулқ) маданиятига (миллий этика узуминсоний қадрият асосида), мумомала маромига тааллуқли маълумотларни эгаллаш зарур. Юксак мәннавий – маърифий савияга эга бўлган раҳбар ўз фаолиятини бошқа раҳбарлар фаолияти билан тўғри боғлай олади ва инсонларнинг талаби ҳамда эктиёжларини чуқурроқ тушунади. Бундан ташқари, унинг иш фаолияти маҳсулорлиги кўп жиҳатдан қатнашичиларнинг жисмоний тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. Авваламбор, раҳбар кадрнинг фаолияти ҳар қандай ишчи ёки хизматчининг меҳнати билан бир хил хусусиятга эга бўлиб, у жисмоний ва асабий қувватлар сарфининг мажмуасидан иборатdir. Бироқ раҳбарнинг меҳнат фаолияти ходимларнинг фаолиятига айнан ўхшамаслиги сабабли, унинг меҳнати қандайдир муайян бир аниқ ишни бажара олиши кўлали билан эмас, балки у мазкур жараённинг қаидаи тарзда ташкилланганлиги, қўл остидагилар эса қай йўсизда ишлаганлиги билан баҳоланади.

Касбий тайёргарликнинг психологик тизими таркибига юқоридағиларидан ташқари, раҳбарнинг ривожлантириш ва ташкиллантиришга иисбатан интилиши ҳам киради. Раҳбар томонидан доимий равишда билимларни тўлдириб ва кенгайтириб борини унинг касбий тайёргарлигининг асосийларидан бири ҳисобланади. Раҳбар ўзининг билимдонлиги, замонавий технологияга уддабуронлиги билан юксак манзега эга бўлади. Бироқ бир ташкилот ёки муассасани жаҳон талаблари асогида бопиқарип учун аввало раҳбар энг замонавий билимлар билан қуролланган бўлиши шарт ҳамда уни амалда қўллай билиш мақсаддаг мувофиқ.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишнicha, бизнинг амалий маълумотларига қарагандা, ишлаб чиқариш ташкилотлари тизими учун раҳбар кадрлар тайёрлашада, энг аввало мазкур шахс ўзининг мутахасислигини пухта эталлаган бўлиши,

иқкниңчидан, бошқариш назарияси ва уни ташкил қилишини билдиши, учинчидан, унинг ривожланиши ва тикомиллашишига сътибор қилиши мақсадда мувофиқ.

Шубҳасиз, көкоридаги ижтимоий – психологияк ҳодисалар раҳбар кадрлар тайёрлашнинг умумий тузилмасида асосий таркибий қисмлар ҳисобланади.

Раҳбарнинг бошқариш қобилиятини ўрганиш бўйича иҷланишлар натижасида асосий омил сифатига қарор қабул қилиш мазкур фаолиятнинг ўзати эканлиги аниқланди. Шуни алоҳида такида бўлиб ўтиш жоизки, қарор қабул қилиш раҳбарнинг асосий ва энг қийин вазифаларидан биридир. Шу билан бир қаторда қарор қабул қилиш жараёнларининг ўзи ҳам бошқарув фаолиятида турлича шароит, вақт тиғизлиги билан боғлиқ.

Қарор қабул қилиш тушунчаси кўп холларда фақаттинг бошқариш фаолиятини аниқлаш учун асос бўлиб қолмаслиги керак. Масалан, М.Мескон ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, бошқарувда оғтимал қарор қабул қилиш ва унинг тизимини ўзгартиришдан иборатdir. Бундан ташқари, қарор қабул қилиш бошқаришнинг ўзига хос функцияларидан бири сифатига ҳам кўриб чиқлади. Аксарият жаҳон психологиялари томонидан айланмана шу бошқариш функцияси унинг ўзаги доб тушунилади.

Биз амалий психология фанидаги шу соҳага тааллуқли боғчиҳ ва мезонларни умумлаштириб модификациялаб, қўйидағи кўринишда бўлиншини лозим тоңдик.

Биринчи ижтимоий психологик бошқарув асосларининг босқичлари: ташкилот ёки муассаса доирасида юзага келган муаммони ташхис (диагностика) қилиш; қарор қабул қилиш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни қиёслаш, қарор қабул қилишнинг алтернативларини (ўзаро зид икки йўлдан бигитасини) аниқлаш; қарор қабул қилиш жараённинг алтернативларини саралаш; алтернативларни амалиётда қўллашга тавсия қилиш хуносали мұҳокама қилиш ва ҳатоларни тузатиш (коррекциялаш).

Болиқарув асосининг иккинчи шакли: муаммолар ичидаги энг долзарбини ажратиб олинган муаммонинг фикрий ифодасини юзага келтириш; дастлабки поаниқликни охирги алтернативларигача редукция қилиш (олдинги ҳолатига қайтариш); қарор қабул қилиш мезонларини

аниқлаш; мезонлар бўйича алтернативларни тахлил қилиш ва мухокамалари; энг омилкор алтернативни танлаш ва тъавсия қилиш; қарорга айрим – тузатишлар киритиш.

Шунга қарамасдан, психология фашида болиқа кўринишдаги муаммони ҳал қилишининг асосий 5 та босқичини кўрсатиб ўтади: муаммони аниқлаш ва одига мақсад қўйиш; ушбу муаммони енгишда учрайдиган тўсиқларниң спецификацияси (ўзига хослиги); муаммони ечиш бўйича асосий қарорни қабул қилиш қарорни баҳолаш; қарорни шароитта мослаштириш. Ковалёв эса қўйидаги босқичларни кўрсатиб ўтади: муаммни тушуниш; муаммо бўйича маълумот еғиш; фараз ёки тахминни илгари сурин; фаразни мухитта мослаштириш; қарор қабул қилиш; қарорни тузатиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики муаллифлар раҳбарниң иш ташкил қилиш қобилиялари тўғрисида ҳар хил фикр билдирадилар. Уларининг тахлил натижалари бўйича хуносаларниң хилма – хил бўлишидан қатъий назар, уларниң ўхшаш хусусиятларидаги умумият боғлаб туради. Кўп ҳолларда бошқариш тизимини ўрганишда ўзига хос режага биноан бирлаштириш хусусиятлари асосий ўрин эгаллади. Ушбу кўрсаткичлар профессиограмма, профессиография, психограмма ва феноменеологик кўрсаткичлар асосда ўрганилади.

Тадқиқотчилардан бири психологик танлаш амалий, ақлий психологик тракт, харакатчанлик талбчанлик танқидга мойиллик, иш ташкил қилиш қобилияти ва бошқа бир қатор шахсий хусусиятлар, яъни мустақиллик умумий ривожланиши даражаси, кузатувчанлик, муомала, фАОЛЛИК каби хусусиятларни ажратиб кўрсатса (Л.И.Уманский) иккинчи бўлса, одамларга нисбатан тез ва аниқ мўлжал қила олиш қобилияти, харакатчанлик, шароитта мослаша олиш, иродавийлик ўзини тута билиш, оптизм (А.Г.Ковалёв). Бошқаси эса компонентлик, дунёқарашиб, маъсулнинг сезиши, шароитта мослаша олиш, муомала, мнемик қобилият ва иродавийлик бирламчи ҳисоблайди (А.Л.Свенцицкий). Ўзини тута билишлик, босиқлик, аниқ ҳаракат қилишилик, ташаббускорлик, ижодийлик, масъулиятилик, жасуралик, компotentлик, муомала, сабр – тоқатлилик ва "соғ

"мансабпаразлик" каби хусусиятларни биринчи ўринга қўйганлар ҳам учрайди (В.И.Михеев).

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги касбий муҳим хусусиятларига нисбатан ўзига хос бўлгап фаолият дeterminациясини қўядилар ва раҳбар кадрга мос психограмма тузишга имкон яратадилар.

Бошқарув жараёни учун ижрочиларнинг психологик хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги муҳим аҳамиятта эга. Худи шу сабабдан жамоа, гуруҳ ва уларнинг аъзолари юзасидан муайян психологик билим даражаларини (шахслараро муносабатта тааллуқли); касбий фаолиятта алоқадор амалий кўнікмалар малакалар кўрсаткичини; муаммолар ечимини ташкил қилишда; қатнашиш имкониятини; шахслараро, гуруҳлараро муомалага кириши имконияти; воқеликка тортилганлик хусусияти; қизиқиш даражаси ва унинг барқарорлигини; шахсий ва ижтимоий фаоллигини; фидоийлик, ваганипарварлик; инсонпарварлик юксак ҳис-туйғуларни; дунёқарапи, эътиқоди, идеали тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиш жараёнларни мақсадга мувофиқ амалга ошириши таъминлади. Бинобарин, раҳбар кадрларнинг индивидуал психологик хусусиятлари бўйича психологик билимлар билан қаноат ҳосил қиласдан, балки уларни ижтимоий психологик ҳолатлар, қонуниятлар, ҳодисалар ривожи, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, ҳаракатлантирувчи кучлар, механизмлар, ижтимоий муаммоларни ечиш жараённада қатъий қарор қабул қилиш ва уларни бажариш босқичлари тўғрисидаги маълумотлар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ.

Акс ҳолда жамоада ва гуруҳдаги ички тузилманинг бошқаринида, психологик муҳитни барқарорлаштиришида, шахслараро муносабатларни тўғри ташкил қилишда, ишлаб чиқаришини тўғри йўлга қўйинида, кипилар ўртасидаги ўзаро таъсир, таъсирланиш, таъсирот, ўзаро тушуниш, ҳамдардлик каби юксак кечинмалар кучини, давомийлигини англаб стиш жараённада камчиликларга йўл қўйилади.

Шундай қилиб, бошқариш тизимида раҳбарни ташкиллаштирини қобилияти бошқаларнинг ҳаракатини бирлаштиришида, яъни ҳар бир ҳодим ўз имкониятидан унумли ва юксак савиядага фойдаланишида уларнинг ҳаракатларини узвий боғлай олиш кезида аниқланади.

Шунинг учун раҳбар қобилиятини баҳолапда, унинг ишни ташкил қила билиши, яъни унинг ташкилотчилиги мұхим ўрин өттейді.

## ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Социометрия усули гуруҳдаги шахслараро муносабатларни аниқловчи энг самарали усуллардан бириди.

Социометрия бир қатор саволларга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу усули амалга ошириш давомида текширувчига нисбатан бир қатор талаблар борки, бу талабларга текширувчи қатъий риоя қилиши лозим.

1. Аввало берилган жавоблар қаттиқ сир сақланишини текширувчилар билишлари жоиз.

2. Жавоб бериш чоғида ҳар бир текширилувчининг мустақил ҳамда эркин бўлишига шароит яратиш лозим.

3. Текшириш давомида текширувчи ўзини очиқ коз билан қувноқ ҳолда тутиши керак.

Демак, социометрия методида одатда 3 тадан 5 тагача савол бўлиши мумкин.

Психологияда социометрия методи турли гуруҳларда, жамоаларда шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганишининг кенг қўлланиладиган, энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Социометрия маълумотлари таҳлили шахснинг гуруҳда тутган ўрни, унда шахслараро муносабатларниң хусусиятлари, гуруҳ лидери (гуруҳнинг тан олингани сардори), гуруҳ юлдузлари, гуруҳ аъзоларининг эгаллаган мавқеи, гуруҳда яккаланиб қолган (изоляцията тушиб қолган) аъзо, гуруҳдаги кичик гуруҳчалар уларнинг таркиби, ўзаро муносабатлари, ундаги психологияк мұхит ва шу бир каби қатор маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Социометрик тадқиқотни ўтказишда, аввало шахслараро муносабатларниң у ёки бу жиҳатини баҳоловчи мұхим мезонни таплаб олиш лозим. Бунинг учун маълум бир реал вазиятга тааллуқли бўлган саволлар тизими тузиб чиқилади. Бу саволлар социометрик мезон сифатида хизмат қиласади.

Синалувчилар шу берилган саволларга биноан ўзи аъзо бўлган гуруҳдан ўзига щерик танлаш билан жавоб берниши керак. Социометрик мезон тадқиқот мақсадига мос тушгандагина шахслараро муносабатларнинг маълум бир жиҳатига қаратилиди, холос. Социометрик мезонлар шартли равишда куйидаги таркиблардан иборат бўлиши мумкин:

1. **Ролли:** "Сиз агар гуруҳ сардори бўлсангиз, бирон бир жиҳдий тошпириқни бажариш учун ажратилган гуруҳ таркибига ўз курсдошларингиздан кимни киритган бўлар эдингиз?".

2. **Функцияли (Функционал):** "Сизнинг фикрингизча, курсдошларингиздан ким гуруҳ бошлиғи, етакчи бўла олишга лойинқ деб ҳисоблайсиз?".

3. **Амалий:** "Агар гуруҳ тарқатиб юборилгудек бўлса, унда Сиз янги гуруҳга шу курсдошларингдан (шу ерда иштирок этатганиларидан) ким билан бирга тулишини хоҳлар эдингиз?", "Сиз навбатчиликни ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?".

4. **Эмоционал:** "Ўзингиз учун оғир дамларда шу синифдан кимга ёрдам учун мурожаат қилган бўлар эдингиз?", "Тугилган кунинга курсдошларингдан кимни таклиф қилган бўлар эдинг?". "Ўз сиришгизни курсдошларингиздан қайси бирига айтишини лозим топасиз?".

5. **Коммуникатив:** "Ўз таътилинигизни курсдошларингдан ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?", "Ўқинини тутгатганингиздан кейин ўз курсдошларингизни қайси бири билан бирга, бир жойда ишлашни хоҳлайсиз?" ва ҳ.

Социометрик меъзонларни танлашда, саволларни тузиша конкрем вазиятлар ва гуруҳи синалувчиларининг хусусиятлари, уларнинг фаолияти хислатлари ва шу кабилар назарда тутилиши жоиз.

#### **Социометрик тадқиқотларни олиб бориш тартиби**

Синалувчининг социометрик карточкани тўлдириш қарори унинг (1 – шакл) ихтиёрий, шахсий ишидир. Баъзи бир талабалар тадқиқотда иштирок этипдан бош тортишлари мумкин. Бундай ҳолатларга йўл қўйиаслик учун олдиндан "социометрик разминка" қилиш, тадқиқот вазифаларини қисқа ва тушунарли тарзда баён этиш, унинг мухим

эканлигини уларга тушунтириб бериш ва энг муҳими, улар ишончини қозониш, жавоблари бошқалардан сирсақданишининг таъминланишига кафолат бериш, бунга иштирокчиларни ишонгира билиш керак.

Лекин тадқиқот натижалари синалувчиларга айтилмайди. Шуни эсда тутиш лозимки, гурухдаги норасмий алоқалар тизимини ҳаммага айтиш гуруҳ таркибида кутилмаган, похуш ҳодисаларга олиб келиши, муносабатларда, ўзаро мулокотда низоларни келтириб чиқарип мумкин.

Ҳар бир иштирокчи социометрик карточкаларни алоҳида тўлдириш учун алоҳида берилishi керак. Ҳеч қандай айтиб берилига ва карточкаларни ўзи билан олиб кетишга йўл қўйимаслик лозим. Энг муҳим кўрсаткич гурухнинг барча аъзоларини тадқиқотга жалб эта олинидир.

Тўлдирилган карточкалар кейинчалик мидор жиҳатидан, жадвалли, амалий графикили қайта ишланади.

Тадқиқотчи бутун гуруҳ аъзолари учун социометрик карточканни олдиндан тайёрлаб қўйиши мақсадга мувофиқ. Бунда карточканнинг юқори қисмининг ўнг томонига таркибида иштирок этаётган синалувчиянинг (шу карточка эгасининг) исми – шарифи ёзив қўйилади, чаш томонидан эса 1, 2 ва 3 раҳамлари устун шаклида ёзив қўйилади ва уларнинг ёнидан фамилиялар ёзиш учун жой қолдирилади. Бу жойга синалувчи, яъни шу карточканнинг эгаси ўзи ташланган одамининг (шу гурухда иштирок этаётган гуруҳ аъзосининг) фамилиясини ёзади.

Социометрик тадқиқот ўтказишнинг бирон бир мезони танлаб олинганидан сўнг, масалан эмоционал мезон бўйича: "Ўз сирингизни курсдошлиарингдан кимга айтган бўлар эдингиз?" ёки амалий мөъзон бўйича: "Агар гуруҳда ҳар ким ўзи хоҳлаган одам билан бирга (бир партада) ўтиришнинг ихтиёри берилса, унда сиз ким билан бирга ўтиришини хоҳлар эдингиз?" каби савол билан уларга мурожаат қилинади. Бу савонни олдиндан кўриниадиган бирон – бир жойга (доскага, плакатга ва ш.к.) ёзив қўйини мумкин. Социометрик тадқиқот самараదорлигини ошириш учун уни гурухнинг барча аъзолари иштирок этаётган вақтда ва улар ўзаро бир – бирларини етарлича билиб улгурмасдан сўнг ўтказиш лозим, шунингдек, тадқиқотчи ҳам синалувчиларга

таниш, ишончали одам ("ўз одами") бўлиши мақсадга мувоғиқ. (Психолог ёки бошқа бирон—бир шу гуруҳга яқинлити бўлган одам бўлгани маъқул).

### 1-шакл

Абдуллаева Э.	
1.	_____
2.	_____
3.	_____

Синаувчилар эътиборини берилган саволга (топшириқча) қаратиб, тажриба қоидасига биноан улардан, ўзларига шерик танлаши талаб қилинади. Масалан, "Турлига кунингга курсодиларингдан кимни таклиф қилган бўлар эдинг?" — деган каби саволлар берилса, талабалар 1-шаклда (яъни, уларнинг ҳар бирига тарқатилган социометрик карточкадаги) 1 рақамнинг тўғрисига ўз курсидаги шерикларидан, биринчи навбатда, кимни танласа, шу ўқувчининг фамилиясини ёзади. Ҳамма биринчи фамилияни ёзив бўлганидан сўнг, уларга яна "Мабодо шу танланган шеригнинг билан бирга ўтириш имкони бўлмаса унда иккичи навбатда кимни танлаган бўлардинг?" — деб чурожаат қилинади ва улар ўзларига бошқа шерикни танлайдилар ва ҳоказо.

Социометрик карточкалар тўлдириб бўлинганидан сўнг улар йишиб олиниади. Бунда карточкаларни тўғери тўлдирилганлиги (албатта уч кипининг фамилияси ёзилган бўлини, карточкага мазкур гуруҳ аъзоларидан ташқари ёки ойни вақтда гуруҳда бўлмаган, тадқиқотда иштирок этмаган гуруҳ атъосининг исми фамилияси ёзилган бўлмаслиги)ни текшириб олиниши лозим.

### Маълумотларни қайта ишлаш

Жавобларни таҳлил қилишда социометрик матрица (1—жадвал) тузилади. Бунда гуруҳдаги шахслараро муносабатлар ва ўзаро шериклик муносабатлари акс эттирилади. Шунингдек, ўзаро бир—бирини танлашлар белгиланади (бир—бирларини танлаш) ва матрица доира ичига олиб кўйилади (⊗)

Келтирилган социометрик матрицани қуидаги (1 – жадвалда) ⑧ тўлдириш учун даставал гурӯҳнинг тадқиқотда иштирок этган аъзоларининг рўйхати алифбо бўйича ёзиб олинади ва унда нечта киши иштирок этган бўлса фамилиялардан сўнг жадвалда шунча устун қолдирилади ва тартиб бўйича уларга ҳам рақамлар қўйиб чиқилади.

### 1-жадвал

#### Социометрик матрица

№	Ф.И.Ш.	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1.	Абдуллаева Э.							⊗	⊗						⊗	
2.	АЗИЗОВ Б.			⊗								+				+
3.	Алимов А.		⊗									+				
4.	Баҳлиев У.						+					+			⊗	
5.	Боймиров Х.	+						+						+		
6.	Кабиров С.			+					⊗						⊗	
7.	Махмудов И.	⊗								+					⊗	
8.	Махмудов Э.		+				⊗									⊗
9.	Мусаев О.	⊗	+	+												
10.	Собиров И.								+			⊗			+	
11.	Толипов Ш.							+			⊗					⊗
12.	Хамидов Ш.		+					+			+					
13.	Юлдашев Р.	⊗						⊗			+					
14.	Яминов О.			⊗		⊗			+							
15.	Ўқтамов А.							+	⊗			⊗				
Танлашлар сони		4	4	3	1	1	2	6	4	2	1	7	0	3	2	5
Ўзаро танлашлар сони		3	1	1	1	0	2	2	2	1	1	2	0	2	2	2

Шундан сўнг социометрик карточка бўйича синаувчи кимларни танланган бўлса, карточкалар бўйича уни шу карточка этасининг фамилияси ёзилган қаторга у танланган гурӯҳ аъзосининг рўйхат тартиб рақами акс эттирилган устун остига “+” белгиси қўйиб чиқилади. Ҳамма социометрик карточкалар бўйича танлашлар матрицага белгилаб бўлинганидан кейин ҳар бир устунда “+” лар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилиб, жадвал пастки қисмининг “Танлашлар сони” – деб кўрсатилган қаторига ёзиб қўйилади.

Ўзаро танланалар эса сипалувчилар бир – бирларини танлаш билан белгиланади. Матрицада ўзаро танлашларни кўрсатувчи "+" белгилари доира ичига олиб қўйилади (⊗). Устунлар бўйича донра ичига олинган "⊗" лар миқдори матрицадаги (энг пастки қатордаги) "Ўзаро танлашлар сони" – деб ёзилган қаторга ёзилади.

Бу ўринда 12 – рақамли аъзо (Хамидов Ш.) гуруҳда изоляцияга тупиб қолган. Энг кўп танланган 11 – рақамли аъзо (Толиков Ш.) гуруҳнинг тан олинган лидери бўлиб ҳисобланади, ундан кейинги 5 ва 6 марта танланган 7 – рақамли (Махмудов И.) ва 15 – рақамли (Ўқтамов А.) аъзолар эса гуруҳ юдузлари сифатида тан олинган. Социограмма кўрсаткичларига асосланган ҳолда Толиков гуруҳга расмий лидер этиб тайинлаш ва И.Махмудов ва А.Ўқтамовларни гуруҳда бирон бир жамоатчилик функциясини бажаришга тайинлаш ўрганилаётган гуруҳда шахслараро муносабатлар барқарорлашувини таъминловчи, ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Гуруҳдаги ўзаро ҳамкорлик коэффициенти қуйидаги формула билан тошилади:

$$K_k = \frac{\sum x}{3n}$$

бу ерда  $\sum x$  ўзаро танланаларнинг умумий сони;  
Гуруҳдаги коммуникативлик коэффициенти эса

$$K_k = \frac{Nk}{n}$$

формула билан тошилади;

Бу ерда  $N_k$  – микрогуруҳга кирган кишилар сони.

Гуруҳдаги умумий психологик мухит эса

$$K_{\text{ум.}} = \frac{Kx + Kk}{2} \text{ формула орқали тошилади.}$$

Бундан ташкари гуруҳдаги яширин лидер иккинчи саволга ёзилган жавобларни оддий математик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ким энг кўп овоз олган бўлса, ўша шахс гуруҳнинг яширин лидери ҳисобланади. Гуруҳдаги ҳар бир кишининг мавжени (статуси) З та саволга асосланган ҳолда қуйидаги формула орқали тошилади;

$$Sl = \frac{\sum m}{2(n-1)}$$

бу ерда  $\Sigma m$  гуруұддаги ҳар бир кишининг умумий олған бақолар йигіндеңсі, шундай қылыш олинган натижалар қуйидегиша холоса чиқарышига имкон беради;

1) бир – бирини танлаш гуруұда қанчалик күп бўлса, гуруұ шунчалик ўзаро ҳамкор.

2) Гуруұддаги мавқе шахснинг шаклланишига катта таъсир күрсатишини ҳисобға олинниши, бу күрсаткич 0,55 дан юқори бўлса, бундай шахсларга индивидуал ёндашишига, Уларнинг бундай мавқе эгаллапшарига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаб күрсатиш зарур. Энг муҳиммия, бунда энг муҳими психологияк тақт доирасидан четта чиқмаслик лозим.

3) гуруұддаги коммуникативлик, яъни ўзаро мулоқот коэффициенти 1 га қанчалик яқинлаши, бу шунчалик барқарорлиқдан дарап беради. Агар бу күрсаткич 0,2 дан паст бўлса, албатта бунига сабабчи бўлган омилларни қидириш топиш зарур.

4) Психологияк муҳитни күрсатувчи күрсаткич 0,65 дан юқори бўлса, демак гуруұда ижобий психологияк муҳит мавжуд. Бунинг натижасида гуруұда ўзаро ҳурмат ҳукм суради, Улар гуруұ олдидағи жавобгар эканликларини ҳис қиласидилар.

## Э С Л А Т М А

*Хоҗишлар 5 баллк система билан баҳоланаади.*

## Ш-БОБ ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШНИНГ ТАТБИҚИЙ ЖАБҲАЛАРИ

### 3.1. ЎҚИТУВЧИННИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Халқ таълими тизимини такомиллаштириш, талабаларни жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган билимлар ва амалий кўнгилмалар билан қуроллантириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсига, унинг касбий тайёргарлик даражасига, маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчининг шахсига тааллуқли фазилатлари, характерологик хислатлари, эмоционал – иродавий хусусиятлари, касбий сифатлари этнопсихологик моҳият касб этмас экан, у ҳолда миллий маънавиятни ёшларда шакллантириш жараёни мураккаб кечади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, истиқдолгача ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг этнопсихологик жабҳаларига қарийб эътибор қилинмаган, натижада миллий туйгу, миллий хулқ – аввор, миллий қиёфа, миллий характер хусусиятларидан узоқлашиш, уларни четлаб ўтиш жараёни гайритабиий равишда вужудга келган.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида мазкур муаммони ҳал қилиш ғояси илгари сурилган ва ўқитувчи миллий маънавиятни ижтимоий ҳаётда қарор топтиришнинг субъекти, фидойиси сифатида талқин қилинган. Ушбу давлат ҳужжатида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнини мукаммаллаштириш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта қуриш, тубдан ислоҳ қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Миллий дастурда ўз ифодасини топган долзарб муаммолар сараси тариқасида ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш зарурияти уқтириб ўтилган.

Психология фанининг этнопсихология тармоғида ўзбек халқининг миллий қиёфаси, характери, ҳис – туйгулари, хулқ – одоби бирмунча ўрганилганига қарамай, ўқитувчи фаолиятининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳанузгача аниқланганни йўқ, бу борада тадқиқот методикалари қарийб ишлаб чиқилмаган. Худди шу сабабдан бизнинг изланишларимиз натижаси таълим тизимида бу соҳада

вужудга келган ваакумни тўлдиришнинг дебочаси бўлиб хизмат қиласи, деган умиддамиз.

### Этнопсихологик ҳусусиятни баҳолаш шкаласи (Э.Ф.Фозиев)

Фамилия \_\_\_\_\_ Вақти \_\_\_\_\_

Йўриқнома. Сиз қуида берилган ҳолатларга вазиятларга, муаммоларга ўзингиз шахсан ёқтирган жавобни танлаб уни тагига чизишингиз мумкин. Ҳар қайси жавоб устида узоқ бош қотириб ўтируманг. Бироқ жавоб фақат битта бўлишини ёдингизда тутинг. Берилган жавоблар балдан 4 баллгача баҳоланиши қатъий белгиланг. Шкаладаги ҳар бир рақам баллни билдиради (масалан, 1–1 балл, 2–2 балл, 3–3 балл, 4–4 балл). Машғулотда ўзингизни эркин тутинг ва ҳаяжонланишга асло йўл қўйманг. Иложи борича ўз жавобингизга нисбатан шубҳали лаҳзаларга ҳеч қандай ўрин қолдирманг.

№	Вазиятта жавоблар	Йўқ ундей эмас	Шундай деса бўлади	Тўғри	Жуда тўғри
1	Андишалилик ўқитувчи фаолиятининг умрбоқийлик нишонаси	1	2	3	4
2	Ташаббус қўллаб қувватланмаса фаоллик сусайниши мумкин	1	2	3	4
3	Табиий ҳурмат – эҳтиромга эришмоқ учун устоз эканлигингизни ҳар сония ёдингизда тутинг	1	2	3	4
4	Шириксуханлик учун ўнгайсиз ҳолатта тушади киши	1	2	3	4
5	Зиёкор устоз меҳр – муруват уммонидир	1	2	3	4
6	Ўзгалар учун елиб ютуриб ўзингита келгунча толиқасан	1	2	3	4
7	Дилқашалик – руҳияти рангто – ранг шогирлар дилининг қалити	1	2	3	4

8	Қийин вазиятта түйганды жамики нарсадан воз кешишга тайёрсан	1	2	3	4
9	Шогирдига комиллик тилемоқлик унинг барча хулқи – авторига устоз самимиятидир	1	2	3	4
10	Үқитувчилек юзаки баҳоланса, касбдан нафратланасан киши	1	2	3	4
11	Үқитувчининг дили, тили, иши, хулқи ибрат – намуна гимсоли	1	2	3	4
12	Маънавий бойлик бебаҳо неъмат, аммо моддий бойлик ҳам аскотади	1	2	3	4
13	Ирода – сабр – тоқат, вазмилилк намунаси	1	2	3	4
14	Назокатли бўлиш яхши, аммо ўзгалар наздида қандай баҳога лойиклигингни унугта	1	2	3	4
15	Саховат, мурувват қалби дарё устоз неъмати	1	2	3	4
16	Мурувватлилк юксак туйғу, лекин у қўнгилабўшлик аломати эмасми	1	2	3	4
17	Педагогик одоб, назокат кипилилк жамиятининг олтин тоғи	1	2	3	4
18	Ирода кучи руҳият барқарорлиги, бироқ у дашном бериси ҳам мумкин	1	2	3	4
19	Үқитувчи моддий бойлиги билан эмас, балки маънавий дунеси билан машъал	1	2	3	4
20	Суҳбатдошинг ким эканлигини ҳамма билса, бу ҳол нафсийнта тегади	1	2	3	4
21	Устозни вазият эмас, балки касбий садоқат улуғлайди	1	2	3	4

22	Самимият яхши – ку, лекин шировард натижада обрута птур етказиши мумкин	1	2	3	4
23	Үқитувчининг содиқалги, вижданни, эътиқоди миллат кўзгуси	1	2	3	4
24	Дилкашлик обрута панд бериб қўйиши эҳтимол	1	2	3	4
25	Зиёкорнинг ижтимоий фаолияти мезони фидоийлиги, алтуризм яловбардори эканлиги	1	2	3	4
26	Меҳр – муҳаббат – олқишига сазоворлик негизи эмас	1	2	3	4
27	Нутқий қобилият, ширинсуханлик – устозга табиатнинг инъоми	1	2	3	4
28	Табиийлик билан сунъийлик ўзаро ўрин алмашини эҳтимол	1	2	3	4
29	Миллий имкониятларнинг тантанаси ўқитувчи ташаббускорли – гининг турткиси	1	2	3	4
30	Ндишанинг оти қўрқоқ дейишади	1	2	3	4

Тест ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятларини вужудга келиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу баҳолаш шкаласи ёрдамида олинган миқдорий натижаларни ҳисоблаш, унинг ишончлилик даражасини аниқлаш ва изоҳлаш қўйидагича амалга оширилади.

Тест – сўров, асосан, икки қисмга, яъни тўғри (адекват) ва тескари (контр) қисмга ажратилади. Уларнинг биринчиси ўқитувчи шахсининг этнопсихологик хусусиятлари ҳаққонийлик даражасини кўрсагади, иккинчиси эса шубҳаланиш, мақсаддан оғиш, узоқлашиш ҳолатларини билдиради.

Сиз ушбу саволларнинг саноқ номерларига эътибор билан йиғиндини ҳисобланг: 1, 3, 5, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25, 27, 29. Сўнгра қолган савол номерлари жавоби йиғиндисини ҳисобланг: 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18, 20, 22, 24.

26, 28, 30. Ҳар иккала йигиндиси орасидаги тафовутта 35 рақамини қўшинг.

Тажриба қатнашчилари томонидан тўплланган максимал кўрсаткичнинг умумий йигиндиси 120 балл қийматини, минимал 60 баллни, энг паст даража эса 30 баллни ташкил қилиш мумкин. Бизнинг ишлаб чиқсан жадвалга, яъни натижаларни ҳисоблаш тамойилига биноан қуйидаги даражаларга ажратилади:

1) 90 балдан 120 баллгача – юксак даражадаги этнопсихологик хусусиятларга эга бўлган ўқитувчилар;

2) 60 балдан 90 баллгача – ўртача кўрсаткичдаги этнопсихологик хусусиятлари мавжуд ўқитувчилар;

3) 30 балдан 60 баллгача – этнопсихологик хусусиятлари даражаси паст, қуи ифодаланган ўқитувчилар тоифалари намоён бўлади.

Шундай қилиб, шунингдек, бўлгуси муаллимлар билан маҳсус ишлаб чиқилган психологияк таъсир ўтказиш тадбирларини татбиқ қилиш, улар билан ишлашни индивидуал тарзда амалга ошириш зарурияти ҳисобланисб, уларга ёрдам бериш учун самарали тренингларга ўргатиш, уларни миллий маънавият ва қадриятларда иштирок этишга тортиш, этнопсихологик хусусиятларни шакллантирувчи вазиятлар, ҳолатлар, ҳодисалар вужудга келтириш ҳамда ечимини топишга ундаш туйғуларини уйғотувчи маросимларни таҳлиллаш орқали ўқитувчидаги миллий хусусиятлар таркиб топтириш таълим маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Юқоридан берилган баҳолаш шкаласини педагогик кадрлар тайёрлашга ихтисослашган институтларга, университетларга, коллежларга жорий қилиш бўлгуси ўқитувчиларда миллий хусусиятларни шакллантириш жараёнининг самарадорлигини оширади.

Миллий мактаб ўқитувчилари ва бўлгуси муаллимлар юқоридати этнопсихологик хусусиятларини баҳолащдан ташқари, қуйидаги педагогик қобилияtlарни эгаллапига эришимоқлари лозим (тасниф бизники – Э.Ғ.)

- дидактик қобилияят (осон йўл билан мураккаб билимларни тингловчиларга тушунтириш ўқувчанлиги);

- академик қобилияят (барча ўқув фанлари юзасидан муйайн билимга эга бўлишлик);

- перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати);
- нутқий қобилият (ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза ва мантиқий ургуга риоя қилиши);
- ташкилотчилик қобилияти (синф гурӯҳи ёки курсни ўюштириш ва уни бошқариш истеъоди, иқтидори);
- обрўга (нуфузга) эга бўлишлик қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл – фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў ортириш ўқувчанлиги);
- муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти;
- психолигик ташхис (диагностик қобилияти) инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборати;
- дикжатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объекtlарга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш ўқуви);
- иймон – эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналиш қобилияти;
  - ақли дошишлик қобилияти ёки билимдонлик;
  - конструктив қобилият (ўқув – тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти);
  - гностик қобилият ёки тадқиқотга лаёқаталик ва бошқалар.

Тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишига этинопсихологик хусусиятларнинг педагогик қобилиятлар билан бирикуви ёки уларнинг синтезлашуви новаторлик пухта негиз ҳозирлайди. Бунинг учун узлуксиз равишда тренинглардан, педагогик муаммолардан фойдаланиш тарбиявий вазиятларни ечиш воситаларини эгаллаш мақсадга мувофиқ.

### **3.2. КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ ТЕСТИ**

Сизга тавсия қилинаётган тест саволлари педагогик фАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИГА бағишланган. Шунинг билан бирга, бу маълумотлар мамлакатимиздаги

халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий ва касбий сифатларингиз ҳақидаги маълумотлар.

Сиз учун қуийдаги жараёнлар учун фойдали бўлади:

- аттестацияга тайёрланиш кезида;
- шахсий – касбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишлашни такомиллаштиришда;
- ҳаёт – фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни "Мен" – концепция бўйича (ўзингиз ҳақидаги тасаввурни) баҳолашингизда

Ушбу тажрибада иштирок этганингиз учун сизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳар бир фикрга "ҲА" (плюс) ёки "ЙЎҚ" (минус) белгисини қўйиш билан жавоб беришингиз мумкин.

1. Танишларимнинг кўплари мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман.

2. Камдан – кам гапим ишимга тўғри келмайди.

3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса керак, деб ўйлайман.

4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчилкларимни кўраман.

5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб қила оламан, деб ўйлайман.

6. Ўзимга мени ёқтирган одамнинг кўзи билан қараганимда, шахсий образи ҳақиқатдан қанчалик узоқлиги туфайли ноxуш ҳислар туғилади.

7. Баъзан ўзини ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб ҳисоблайман.

8. Менинг "МЕН" им ўзим учун ҳар доим қизиқарлидир.

9. Шахсий ҳаётимда менга ҳаддан зиёд қалбан яқин бўлган одамларим бўлган.

10. Ўзимни ўзим ҳурмат қилишим учун ўз имкониятимни янада ишга солишим жоиз.

11. Ўзимни ўзим жуда ёмон кўрган вақтим бўлган ва у бир марта эмас.

12. Мен тўсатдан пайдо бўлган хоҳишимга тўла ишонаман.

13. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ҷартиришни истайман.

14. Мен учун шахсий "Мен" им алоҳида хислатларни ҳурматга сазовордек бўлиб туолмайди.
15. Менинг ҳаётимда ҳамма нарса орзу қилганимдан бўлишини сидқидилдан хоҳлайман.
16. Мен бирорга таъна тошини ёғдиришдан кўра, энг аввало ўзимни айблайман.
17. Тўсатдан танишган одам учун кўпроқ ёқимла шахсадай туоламан.
18. Мен кўпинча ўз режаларимни ва хатти-ҳаракатларимни қўллаб – қувватлайман.
19. Шахсий заифликларим менда газаб туйғусига ўхшаш кечинмани уйғотади.
20. Мабодо мен руҳан икки киши бўлиб қолсан, у ҳолда ўзимнинг иккинчим билан қизиқарли суҳбат қилган бўлардим.
21. Ўзимнинг баъзи бир хислатларим менга бетонада бўлиб туолади.
22. Кимнингдир шахсиятида менга ўхшаш томони борлигини ҳис қилолмайман.
23. Ўйлаган режамни амалга ошириш учун қобилията ва имкониятим етарли.
24. Мен кўпинча ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман.
25. Инсоннинг шахсий ҳаётида қиладиган энг ақлми иши – бу ўз тақдирига ўзи тан беришидир.
26. Биринчи қаращда бегона одам менга қарагандар ўзгалар хусусиятларини топганга ўхшайди.
27. Агар мен бирор ваъда қилган бўлсан, афсуски, бу худди айтганимдай иш тутаман, деган сўз эмас.
28. Ўзимга нисбат муносабатимни дўстлик муносабати деб атаса бўлади.
29. Шахсий камчиликларга муруватлилик – бу табиий ҳолдир.
30. Севган одамим учун қизиқарлик манба бўлиши менинг қўлимдан келмайди.
31. Қалбимнинг тубида мен билан қандайдир муддат фалокат юз бераётгандай туолади.
32. Мен ўз танишларимнинг кўпчилигига ёқимтой бўлиб туолсан керак.

33. Мени севадиган одамимнинг кўзи билан ўзимга жарашиб жуда ёқади.
34. Менда хоҳиш – истак пайдо бўлганда, аввало ўзимдан – ўзим “бу ақлданми?” деб сўрайман.
35. Баъзан менга шундай бўлиб туюладики, қандайдир донишманц руҳий дунёни кўра олганида эди, ўзимнинг қанчалик қашшоқ эканлигимни дарҳол англаған бўлар эдим.
36. Гоҳо ўзимдан ўзим фахрланам.
37. Мен ўзимни баҳолайман, десам бўлади.
38. Мен ҳақиқатдан нуфузли одам эканлигимга қалбимнинг туби билан ѡч ишонгим келмайди.
39. Бегона одамларнинг ёрдамсиз мен кўп нарсаларни удалай олмайман.
40. Баъзан мен ўзимни ўзим тушуна олмайман.
41. Мақсадга йўналганлик, иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда халал беради.
42. Бошқалар мени етарли даражада юқори баҳоласалар керак, деб ўйлайман.
43. Менинг шахсимда қандайдир бошқаларни ўта ёқтириласлик тўғрисига ўхшаш нимадир бор.
44. Кўпчилик танишларим мени унчалик жиддий одам, деб қабул қилмайдилар.
45. Менда доимо қўзғатувчилик ҳисси мавжуд бўлганлиги туфайли ўзимдан ўзим қувонаман.
46. Мен ўзимни ўзим ҳурмат қиласман, деб айта оламан.
47. Ҳатто менга салбий хислатлар ҳам бегона эмас.
48. Асосан, мен қандай мавжуд бўлсан, худди шу нарса мени қониқтиради.
49. Мени болқалар чинакамига сева олмасалар керак.
50. Менинг орзуларим ва режаларим ушалишига амалий ифода этишмайди.
51. Агар менинг руҳан иккинчи “Мен” им бўлганда эди, у мулоқотда мен учун энг зерикарли шерик бўлар эди.
52. Ўйлайманки, ҳар бир қандай ақлли ва билимли инсон билан умумий тил топишса бўлади.
53. Мендаги руҳий кечинмалар, мен учун тушунарлидир.
54. Менинг ижобий фазилатларим нуқсонни ёпиб кетади.

55. Мени виждансизлиқда айблайдиган одамлар топилмаса керак.

56. Менда күнгилсизлик содир бўлса, ўзимга – ўзим "Қилмишинга яраша – да" деб айтаман.

57. Умуман мен ўз тақдиримга бефарқ эмасман, деб айта оламан.

Жавоб варақасини илова 1га қаралсин.

#### Натижалар таҳлили:

"ҲА"(+) "ЙЎҚ"(-) деб жавоб берилганидан қатъи назар,

жавобингизни калитга мослиги 1 балл баҳо олишингиз учун имкон беради.

I. Ўзимнинг "Мен" идан "Рози" ёки "Норози" бўлиш интеграл ҳисси устуни. "ҲА" – 2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

"ЙЎҚ" – 6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.

#### Натижалар таҳлили:

0 – 10 балл – Сиз кўпроқ ўз "Мен" ингиздаи норозисиз.

11 – 20 балл – Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий мунасабатигиз сақланган.

21 – 28 балл. Ўзингиз ҳақингиз тўғрисида жуда юқори фикрдасиз, ўз "Мен" ингизда тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофингиздаларига қарши қўйишни юзага келтириши мумкин.

II. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш устуни

"ҲА" – 2, 23, 53, 57.

"ЙЎҚ" – 8, 13, 25, 27, 31, 38, 39, 40, 41, 50.

0 – 5 балл – Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобилият ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6 – 10 балл – Сиз ўзингизни етарли даражада ҳурмат қиласангизда, лекин ҳар қалай ўзингизга ишонмаслик, ўзингизга тушунмаслик, изчилликдан четлашиш, шахсий имкониятларга шубҳа билан қараш ҳолати баъзида учраб туради.

11 – 14 балл – Сиз ўзингизни юксак даражада ҳурмат қиласиз.

Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

### III. Ўзини ўзи ёқтириш устуни

"ҲА" – 12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.  
"ЙЎҚ" – 4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0–5 балл – Сиз кўпроқ ўзингизга "душман"га қарагандек қарайсиз, ўзингизга таңбек беришга, гуноҳкор деб ҳис қилишга, ўзингизни айблашга мойиллик бор.

6–11 балл – Умуман олганда, ўзингизни қўллаб – қувватлайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

11–16 балл – Сиз ўз "Мен" ингиз билан "дўстона" муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз ҳисларингизни ва умумий хулқингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

IV. Атрофдагилардан кутилаётган муносабат устуни  
"ҲА" – 1, 5, 10, 15, 42, 55.  
"ЙЎҚ" – 3, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0–4 балл – Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳри – мұхаббати сиз учун зарур инсонлардан ҳам яхши муносабат күтмайсиз. Сиз ўзингизга яхшиликни чинакам раво кўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни болиқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат сизга ўзликни ҳурмат қилишни оширадиган вазифаларни одингизга қўйишга тўсқинлик қиласди.

5–6 балл – Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладиган борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатдалар, деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишга, ташки қиёғангизга эътибор беришга, ўзингизни назорат қилишга пинтилишни вужудга келтиради.

10–13 балл – Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликларига тўла ишонасиз. Бу ишониш сизга ўзингизга нисбатан ҳурматингизни тобора ортириади. Сизга шахсингизни қадр – қимматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутаётган муносабатингизга борлиқ. Атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурларини сақланиб қолиш учун доимо ўз устингизда ишлашингиз зарур.

V. Ўз шахсиятига қизиқиши устуни "ҲА" – 7, 17, 20, 33, 34, 52. "ЙЎҚ" – 14, 51.

0–2 балл – Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз яқин эмассиз (реал "Мен" ва идеал "Мен" афсуски, ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун қизиқарсиз эканлигингиз ҳақидаги фикр мавжуд.

3–6 балл – Сиз ўзингиз билан "тентлик" асосида муомала қила оласиз, бошқалар учун қизиқарли эканлигингизни ёттироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун қизиқарли эканлигингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз.

Ўйлаб кўринг, бу балки сизни умуман қандай бўлиш кераклигини билмаслигингиз билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингизни қай дараҷада ривожланмаганигини биларсиз ва шунинг учун атрофдагилар учун сизнинг "Мен" ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз мавжуддир.

7–8 балл – Сиз ўзингизни бошқалар учун ва ўзингиз учун қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу сизниң фаолиятингизни самарали бўлишга олиб келади.

#### VI. Ўзига ўзи ишонч устуни.

"ҲА" – 2, 23, 34, 42, 46.

"ЙЎҚ" – 32, 43, 44.

0–2 балл – Сиз ўз "Менингизни" салбий баҳолашни кутишга тайёрсиз.

3–6 балл – Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабатлари, фикрлари ва хатти – ҳаракатларини танқидий реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан бўладиган ички турткilarингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

7–8 балл – Сиз ўз "Мен" ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳоланишини кутасиз. Бу ҳолат сизни ўз менингизга ижобий йўналтиради, фаолиятингизни жадаллаштиради.

#### VII. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.

"ҲА" – 1, 5, 10, 52, 55.

"ЙЎҚ" – 32, 432, 44.

0–2 балл – Сиз ўз "Мен" ингизни салбий баҳолашни кутилмасига тайёрсиз.

3–6 балл – атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати, фикри ва ҳатти – ҳаракати тақиидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички турткilarингиз сизни шахсий сифатларингиз ва сифатларидан келиб чиқади.

7–8 балл – Сиз ўз "Мен" ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу сизни ўз "Мен" ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

VIII. Ўзини ўзи қабул қилиш устуни "ҲА" – 12, 18, 28, 47, 48, 54. "ЙЎҚ" – 21.

0–2 балл – Ўзингиз бутун вужудингиз билан ўзингизга ёқмайсиз. Шахсий ва қасбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ўз устингизда ишлashingиз зарур.

3–5 балл – Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда қарама – қаршиликлар мавжуд. Ўзигизнинг "Мен" ингизда шима сизга маъқул ва нима номаъқул эканлигини аниқланг. Ўз менингиз устида ишлashingиз ўзингизга нисбатан ижобий интилишларингиз шакланишга олиб келади.

6–7 балл – Ўзингизни қабул қилиш ўлчовингиз етарли даражада юқори. Бу ўзингизни намоён қилиш эҳтиёжингиз борлигини билдириб, ўз менингизга нисбатан ижобий муносабатингизни қўллаб – қувватлади.

IX. Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни  
"ҲА" – 50, 57.

"ЙЎҚ" – 25, 27, 31, 35, 36.

0–2 балл – Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: "Афсуски, мени бирор айтган гапим, айнан шундай ҳатти – ҳаракат қилишимни билдирамайди".

3–5 балл – Сиз муваффақиятга фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчи ички муносаблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг "Мен" ингизда баъзи психологияк келишмовчилик ҳар қалай бор. Нима учун? Эҳтимол, ҳар доим ҳам хуљингизда изчиллик бўлмаслиги ва уни етарли назорат қилинмаслиги, режаларнинг нореаллиги бунга сабабdir.

6–7 балл – Сизда фаолиятта нисбатан изчиллик, ўз қобилиятингиз ва имкониятингизга ишонч, ўзини тушуниш, ўзини назорат қилиш етарли даражада намоён бўлади.

## X. Ўзини айблаш устуни

"ҲА" – 3, 4, 9, 11, 16, 24, 25, 56.

0–2 балл – Сиздә ўзингизга ҳеч қандай танбеҳингизи йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўқлиги содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгарликни соқит қилишни ва жавобгарликни ташқи омилларга юклашга мойилликни келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3–6 балл – Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу ўзингиздаги мавжуд хислатларингизга мос келади. Кўпинча одамда ўзини ўзи баҳолаш қарама – қаршиликлардан иборат бўлади. Шунингдек, ўзини психологияк ҳимоя қилиш ўз айбини эътироф этишдан ташқари ташқи сабаблар орқали ўзини оқлашдан холи эмассиз.

7–8 балл – Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждонлисиз, ўзингизни камситишга, "айбдор" деб ҳис қилишга, ўзига ўзи танбеҳ беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларингизни паст баҳолашни вужудга еклатирганилиги туфайли ҳар доим сизнинг фаолиятингизга ижбий таъсир этмайди.

XI. Ўзига ўзи қизиқишини ифодалайдиган устун.

"ҲА" – 17, 20, 33.

"ЙЎҚ" – 26, 30, 49, 51.

0–2 балл – Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпигина шахсий хусусиятларингизни салбий баҳолайсиз. Бу сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингиз омили ҳисобланади.

3–5 балл – Сиз атрофингиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлисиз. Баҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва иш сифатларингиздан қониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишлаш ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришингизнинг асосий йўлидир.

6–7 балл – Сизнинг "Мен" ингиз сизни етарли безовга қиласди. Сиздаги ўзига ўзи қизиқиши юксак даржага эга бўлиб, ўзини ўзи севишига айланган. Умуман олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни бажарилиши жараёнида намоёй, бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғулаштая бўлса, зотан атрофингиздаги одамларнинг сизга нисбатай.

таңқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беринингиз заминида юзага келиши мумкин бўлган низоларни оддиндан билишингиз сизга халақит бермайди. Кўпроқ инсонларварлик ва фаолиятингиздаги назорат сиз учун фақат фойдалидир.

XII. Ўзини ўзи тушунниш устуни

"ҲА" – 53.

"ЙЎҚ" – 6, 8, 13, 15, 22, 40.

0–2 балл – Сизда аниқ ички изчиллик, ёрқин тасаввурлар, ҳислар ва гоялар йўқ. Ўзингиз билан ўзингиз ёмон муносабатдасиз.

3–5 балл – Ўзингиз билан ўзингиз юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзингизни тушунмаслик намоён бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни қувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик қиласи.

6–7 балл – Сиз ўзингиз билан руҳан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай қилиб, сизнинг тўплаган йиғиндингиз қуиидаги рақамни ташкил қиласа:

О балдан 52 баллгача, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканалигингизни билдиради. Бу ҳолат нисбатан барқарор бўлган, озми ёки кўпми даражада англанган, индивиднинг ўзи ҳақидағи тасаввурларининг бетакрор тизими сифатида ҳис қилинган. "Мен – концепцияси"ни салбий йўналишда намоён бўлишига таъсир қиласи. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизни атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шакланади. "Мен – концепцияси – ички қарама қаршиликларда ҳал бўлмаган шахсий "Мен"нинг яхлит образидир.

Салбий Мен – концепциясига эга бўлган одамлар оргиқча ваҳималилиги, тез хафа бўлиши, ўзини камситишига ва эътироф этишга мойиллиги билан ажralиб турадилар. Улар учун мулоқот билан, ижтимоий шахсий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчилклар характерлидир.

Юқорида баён этилганлар, уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, "Мен – концепцияси" билан касбий фаолият самарадорлиги ўргасидаги муносабатни уларни ўзаро боғланиш тизимини ўрганмасдан туриб, аниқ айтиб бўлмайди.

53 балдан 105 балгача: Бу кўрсаткич касб эгасининг "Мен – концепцияси" ни ва ўзига муносабати ижобий эканини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз этарли даражада обрўлисиз. Битирувчиларингиз сизни узоқ вақтгача унтишмайди. Қўл остингиздагилар хотирасидан шундай қиёфада сақланиб қоласиз; "Ха, бизнинг бошлигимиз ҳаққоний, раҳмдил эди, одамларга ғамхўрлик қиласарди". "У ўз касбини яхши биларди, муомалани яхши ташкил қиласарди эди, кўтаринки руҳини сақлаб қоларди", "Унинг гуруҳда илиқ, ёқимли шароит мавжуд бўлиб, ҳамма қизиқиб ишларди", "Бизни деб, у жуда кўп танбеҳ ва гап эшитарди, биз уни тушунардик ва ўзимизни тузатишга ҳаракат қиласардик". "У бекорчиларни ёқтиरмас эди ва камдан кам" ўзидан чиқарди ва ҳоказо.

Одатда одамлар билан муомала қилишни биладиган бундай касб эгаси обрўли бўладилар. Шу билан бирга, эгилувчанлигини ва эксперимент ўтказишга нисбатан қизиқиш мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ бўлиши, ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни такомиллаштиради.

106 балдан 134 балгача: Касб эгасининг "Мен – концепцияси" ва ўзига муносабати жуда ёқади. Турган гап, бундай касб эгалари ўз хулқи ва фАОлияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар, лекин ҳар доим шундай эмас.

Ўзингизни юқори даражада идрок этишингиз, шахсларни камситиш, уялтириш ўзига ишончини йўқотиш мумкин. Баъзан ўзига юқори баҳо берадиган касб эгасининг лоқайдлигини намоён қилиб, ҳаддан ташҳари ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, касб эгасининг ўзига юқори баҳо бериши ўқувчиларнинг "Мен – концепцияси" бошлиқ учун салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, ҳурматни, ички келишувчанликни бўшаштирмай, маҳорат даражасини эталлагандирсиз, қўл остингиздагиларни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятта, ижобий "Мен – концепцияси"га унданг.

# ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

№	Жавоб		Феврален устунлари											
	Ха+	Йўқ-	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1														
2														
3														
4														
5														
6														
7														
8														
9														
10														
11														
12														
13														
14														
15														
16														
17														
18														
19														
20														
21														
22														
23														
24														
25														
26														
27														
28														
29														
30														
31														
32														
33														
34														
35														
36														
37														
38														

### **3.3. РУХИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ МЕТОДЛАРИ ПСИХИК ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИ ТУШУНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ**

1. Гностик: ҳаваскорлик, синчковлик, ҳайратланиш, ажабланиш, таажжубланиш, иккиланиш, гангиш, хаёлпарамастланиш, қизиқиш, диққат эътиборлилик.

2. Эмоционал: шодлик, хафалик, фамгинлик, нафрят, алам, фазаб, қониқиш, журъатсизлик, қўрқув, даҳшат, интилиш, ишқибозлик, аффект.

3. Иродавий: фаоллик, қатъийлик, қатъиятсизлик, дадиллик, дадилсизлик, вазминлик, енгиллик, хотиржамлик.

4. Мехнат психик ҳолатлари: тайёрлик, тайёр эмаслик, илҳом, руҳланганлик, ғайратлилик, ланжлик, лоқайдилик, ишчанлик, маҳмадоначилик, чарзоқлик, чидам, чидамсизлик.

5. Ўқув психик ҳолатлари: ҳаяжонли, эзилганлик, тормозланганлик, берилганлик, хаёлпаришонлик, диққат-эътиборсизлик, эътиборлилик, қизиқиш, бефарқлик.

6. Спорт психик ҳолатлари: шайлик, бўшашганлик, зўриқиши, ҳаракатчанлик, танглик, дадиллик, дадилсизлик, тетиклик, лоқайдлик, мақсадга интилганлик, масъулиятилилк.

7. Оптимал психик ҳолатлар.

8. Стресс ҳолатлар.

9. Депрессив психик ҳолатлар.

10. Суггестив (ишонтирилганлик) ҳолатлар:

а) гетерасуггестив, б) аутосуггестив.

11. Диадктоген (невроз) психик ҳолатлар.

1). Ҳозирги даврда турли ёшдаги ўқувчилар руҳий ҳолатларини диагностика қилиш муаммоси алоҳида долзарб эканлигини касб этмоқда. Бунинг асосий сабаби эгалланган билимлар кўламининг кенгайганлиги, инсон ҳаётин ва фаолиятининг барча соҳаларидағи ахборотларнинг кўпайиб бораётганлигидир.

Руҳий ҳолатнинг сифат ҳусусиятлари хилма-хил бўлиб, улар қувонч, қайғу, текислик, руҳий кўтаринкилик ёки ташвиш, саросималик, безовталик ва ҳ.к. Таълим жараённинг уларнинг барқарор кайфиятини вужудга келтириш-билиш фаолигининг негизи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувчи руҳий ҳолатларини ўрганиш, уларда ўзига хос ҳусусиятларнинг намоён бўлиши ва билиш фаолиятининг

ҳар хил кўринилишларига таъсирини аниқлаш мухим ажамиятга эга.

Ҳозирги шайтда турли диагностик методикалар ёрдамида руҳий ҳолатларни ўрганиш мумкин: Н.П.Касконинг кўпгина лабораторияларда синалган ва мослаштирилган сўровномаси, Айзенкнинг шахс сўровномаси, Ж.Тейлор сўровномаси ва бошқалар.

Уларнинг қўлланилиши катта математик ишлов талаб қилиши туфайли сермашаққат жараёндир. Айниқса, гуруҳ билан иш олиб борганда, ушбу сўровномалар кўп вақтни талаб этади ҳамда натижаларни қайта ишлашни тезкор амалга оширишнинг имконияти йўқ.

Ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганишда Қозон тиббиёт институти ходимлари томонидан тузилган ва профессор И.Е.Шварц томонидан педагогик мақсадларга мувофиқлаштирилган сўровноманинг қўлланилишини мақсадга мувофиқ. Мазкур методика муаллиф томонидан қайта ишланиб, маҳаллий мұхитта мослаштирилганди.

"Безовталик. Депрессия, Астения" ("БДА") методикаси билан ишлаш тартиби қўйидагича: "БДА" сўроқномаси 30 саводдан иборат бўлиб, улар З гуруҳга (шакалага) бўлингандири.

Безовталик шкаласи: Сўровноманинг шу гуруҳ савомларида шахснинг ўз ҳаракатларидан парокандалик, ташвишланиш устуворлиги, шахслараро муносабатда, дарс жараёнида, саволларга жавоб бериш ва якуний назорат вақтида ишончсизлик, беқарорлик каби руҳий ҳолатларнинг белгилари ўз аксини тошган. Сўровноманинг: 3, 8, 16, 17, 18, 19, 21, 22, 26, 28 рақамли 10 та саволи ташвиш ва безовталаниш ҳолатлари аломатларини изоҳлайди. (1 – жадвалга қаранг)

Депрессия шкаласи: Ушбу шкалага тааллуқли саволлар шахсда кайфиятинг тушиши, атрофдагилар билан муомала қилишнинг чекланиши, қизиқишининг пасайиши, ғамгинлик гўйгуси, ишчанлик қобилиятидаги саросималик, фрустрация, пессимизм, қалтислик тавсиф белтиларини мужассамлаштирган. Депрессив ҳолатларни изоҳловчи 10 та савол қўйидагилардан иборатдир: 1 ,4 ,10 ,12 ,13 ,24 ,25, 27, 30 (2 – жадвалга қаранг)

Астения шкаласи. Ишчанлик қобилиятининг пасайиши, тез толиқиши, серзардалик, сержаҳмлик, ҳиссий бетайинлик, диққатнинг бузилиши каби белгилар ўз аксини топган. Шу ҳолатларни изоҳловчи сўровномадаги 10 та савол қўйидагилардир: 2, 5, 6, 7, 9, 11, 14, 15, 23, 29 (3-жадвалга қаранг).

Мазкур шкаласарнинг алоҳида ажратилиши ўқувчилар руҳий ҳолатларининг ўзига хос сифатларини баҳолашда дифференциал ёндашишга имкон беради.

Синалувчига кўрсатма:

"Сизнинг кайфиятингизни аниқлашга ёрдам берадиган қатор саволларга жавоб беришингиз лозим. Уларни диққат билан ўқинг ва ҳаққоний жавоб беришга ҳаракат қилинг. Агар сўроқда кўрсатилган ҳолат сизда умуман бўлмаса – 5, агар жуда баъзида учраса – 4, вақт – вақтида бўлса – 3, агар кўпинча такрорланса – 2, узлуксиз қайд этилса – 1 раҳамаларнинг остига саволнинг қаршиисига белги қўйинг. Жавоб беришда узоқ ўйламанг, фикрингизга келган биринчи жавобни белгилашга ҳаракат қилинг. Марҳамат бошланг"

№	САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАР				
		5	4	3	2	1
1	Сиз сустлашиб, ланж бўлиб қолаёттанингизни, илгариги куч – ўкуватингиз пасайишини пайқаяпсизми?					
2	Уйкудан сўнг ўзингизни ҳоргин ва "чилпарчин" (дам олмаган)дай ҳис қиласизми?					
3	Сизни нимадир безовталантирганда, ухлашингиз қийинлашадими?					
4	Ўзингизни руҳий тушкун ва эзилгандек ҳис қиласизми?					
5	Ўзингизда руҳий чарчоқ ва толиқиши ҳис қиласизми?					
6	Олдин қилиб юрган ишингизни қийинчиллик билан амалга ошираётганилгингизни, унга энди катта куч сарфлаётганилгингизни ҳис қиласизми?					

7	Бироз паришон хотир ва эътиборсиз бўлганингизни, бир нарсани қаерга қўйганингизни унутганлигингиши ёки ҳозиргина қилмоқчи бўлган ишингизни эслай олмаётганлигингиши – ни пайқадингизми?		
8	Сизда ҳеч бир сабабсиз безовталик ҳоллари бўладими? (бирор бир кўнгилсиз воқеа рўй бериши мумкиндай)		
9	Сиз дув – дув кўз ёши тўкиб йиғлайсизми?		
10	Дўстлашишга ва хушвақтликка бўлган эҳтиёжингиз камайганлигини пайқадингизми?		
11	Сиз кейинги пайтда серзарда ва сержаҳл бўлаётганлигингиши сезаяпсизми?		
12	Хаёлингизга – “Менинг ҳаётимда баҳт ва қувонч кам”, деган фикр келадими?		
13	Сиз негадир лоқайд бўлиб қолганингизни, аввалги қизиқиш ва иштиёқингиз йўқлигини пайқадингизми?		
14	Сиз шу даражада сезгирсиз – ки, баланд товушлар, ёрқин нур ва ўтқир рангли бўёқлар ғашингизга тегади?		
15	Сиз қўл ва оёқ бармоқларида ёки танангизда санчилиш, жунжикиш, увущиб қолиш ва ёқимсиз ҳисларни сезасизми?		
16	Узингизни қўйишга жой тополмайдиган безовталик ҳоллари учраб турадими?		
17	Кутиш сизни асабийлаштирадими?		
18	Сиз босинқирайсизми, қўрқинчли тушлар кўрасизми?		
19	Сиз кўпинча бирор ёки бирор нарса учун қайгуриб безовталанаисизми?		

20	Кишиларнинг сизга нисбатан эътиборсизлигини, атрофдагиларингиз сизни тушуниши ва ҳамдардлик қилишга ҳаракат қиласызлигини ва ўзингизни ёлғиз сезиш ҳолларини ҳис қиласизми?
21	Сиз қўл ёки оёқларингиз қалтирашини, бунда безовталиқ ҳиссини сезганимисиз?
22	Ўзингизда чидамсизлик, жонсараклик, ҳовалиқмалик ҳолатларини ҳис қиласизми?
23	Тез хафа бўласизми?
24	Тез – тез ёлғиз қолишини истайсизми?
25	Яқинларингиз сизга лоқайд ёки ёқтираслик назари билан муносабатда бўлишларини пайқайсизми?
26	Ўзингизни жамиятда сиқилган ва қатъиятсиздай ҳис қиласизми?
27	Дўстларингиз ёки яқинларингизни ўзингизга нисбатан баҳтироқ деб биласизми?
28	Қарор қабул қилишдан оддин кўп иккиланаисизми?
29	Кайфиятингиз тез ўзгариб турадими?
30	Кўптина кўнгилсизликларга ўзим айбор деган фикрга қеласизми?

**Натижаларни қайта ишлаш  
Безовталиқ **ДК** қийматлар жадвали.**

1 – жадв.

Ичиллик №	1	2	3	4	5
Савол №					
3	-1,33	-0,44	1,18	0,31	0,81
8	-1,08	-1,3	-0,6	0,37	1,44
16	-1,6	-1,34	-0,4	-0,6	0,41
17	-1,11	0	0,54	1,22	0,47
18	-0,9	-1,32	-0,41	0,41	1,04
19	-1,19	-0,2	1,0	1,04	0,4

21	-0,78	1,48	-1,38	0,11	0,48
22	-1,26	-0,93	-0,4	0,34	1,24
26	-1,23	-0,74	0	0,37	0,63
28	0,92	-0,36	0,28	0,56	0,1

**Депрессия АК қийматлари жадвали.**

**2-жадвал**

Изчиллик №	1	2	3	4	5
Савол№					
1	-1,58	-1,45	-0,41	0,7	1,46
4	-1,51	-1,58	-0,34	0,58	1,4
10	-1,45	-1,26	-1	0	0,83
12	-1,38	-1,62	-0,22	0,32	0,75
13	-1,3	-1,5	-0,15	0,8	1,22
20	-1,34	-1,34	-0,5	0,3	0,73
24	-1,2	-1,23	-0,36	0,56	-0,2
25	-1,08	-1,08	-1,18	0	0,46
27	-1,2	-1,26	-0,37	0,21	0,42
30	-1,08	-0,54	-0,1	0,25	0,32

**Астения АК қийматлари жадвали.**

**3-жадвал.**

Изчиллик №	1	2	3	4	5
Савол№					
2	-1,51	-1,14	-0,4	0,7	1,4
5	-1,5	-0,33	-0,9	1,32	0,7
6	-1,3	-1,58	-0,6	0,42	1,0
7	-1,62	-1,18	0	0,79	1,18
9	-1,56	-0,7	-0,12	0,73	1,35
11	-1,62	-0,6	-0,26	0,01	1,24
14	-1,93	-0,8	-0,1	0,6	1,17
15	-1,19	-0,44	0,18	1,2	1,08
23	-1,58	-0,23	0,34	0,57	0,78
29	-1,5	-0,56	0,38	0,56	0

Жавоблардаги чизилган ҳар бир сон ўзига хос доимий қийматта эга, бу диагностик коэффициент (АК)дир (1, 2, 3 жадвалга қаранг). Бу диагностик коэффициент қийматларини тагига чизилган сонлар ўрнига қўйиб, ҳар бир ажратилилган шкала бўйича уларнинг алгебраик йигиндисини ҳисоблаб топиш мумкин. Бу руҳий ҳолат ифодаси ўрганилаётган синалавчининг якуний баҳоси ҳисобланади.

Олинган қийматларни ишлаб чиқиш қулай бўлиши учун ҳар бир синалувчига шкаалар бўйича жадваллар тузиш мумкин.

Синалувчининг жавобларини диагностик коэффициент қийматига кодлаш.

**"Безовталик" шкаласи учун жадвал.**

**4-жадвал**

Синалувчилар Ф.И.Ш.	3	8	16	17	18	19	21	22	26	28
Савол тартиб рақами	3	4	5	4	5	2	5	2	3	3
Таги чизилган соннинг тартиб рақами										
ДК қиймати	1,18	0,37	0,88	1,22	1,2	-0,2	0,48	-0,93	0	0
<b>Безовталик баҳоси</b>							<b>4,48</b>			

Синалувчиларнинг жавоблари жадвалга қайд қилинади ва маълум кетма-кетликда кодлаштирилади. Биринчи горизонтал сатрга синалувчининг фамилияси, исми ва шарифи ёзилади. Иккинчисига – анкета саволлари тартиб рақами ёзилади. Учинчи горизонтал сатрга саволга тегишли бўлган синалувчи тагига чизган соннинг тартиб рақами ёзилади. Тўртинчисига – диагностик коэффициентнинг қиймати қайд қилинади, бу коэффициент ДК қийматлари жадвалидан ҳар бир шкала учун олинади (1, 2, 3 жадвал). Тўртинчисига руҳий ҳолат баҳоси ёзилади (Безовталик, депрессия, астения), у УДК қийматлари алгебраик йигиндисидан олинади.

"Депрессия" ва "астения" шкаалари учун ҳам бир синалувчига шунача жадваллар тузилади ва тўлдирилади. Миқдорий хусусиятларга эга бўлган психодиагностика натижалари, синалувчилар руҳий ҳолатларини керагича аниқлаб беради.

ДК қийматлари йигиндисини ҳисоблашда рақамлар билан ифодалантган белгига эътибор берилади. Манфий белги невроз (руҳий зўриқиши) аломатлари намоён бўлишини, мусбат белги бунаقا аломатлар йўқлигини билдиради.

Безовталиқ, депрессия ва астения таъсирларининг синалавчидаги қийматлар йигиндиси – 1,28дан кам бўлганда аниқланади.

Агар манфий натижалар бир вақтда учта шкала бўйича – 1,28 дан кам бўлса (-3,20 ёки -2,75 ва ҳоказо) синалавчининг руҳий камчилиги борлити маълум бўлади.

Руҳий ҳолатларни диагностикалаш натижалари асосида безовталиқ, астения ва депрессия ҳолатларини коррекциялаш (тузатиш) ишлари, руҳий зўриқишининг олдини олиш психопрофилактик ва психогигиеник тадбирлари ишлаб чиқлади. Шундай тадбирлардан бири руҳий зўриқини бор ўқувчилар ва ўқитувчиларга ўз руҳий ҳолатларини бошқариш, идора этиш ва тарбиялаш усусларини ўргатишидир.

### **3.4.МАВЗУ: МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПСИХОТРЕНИНГ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

Машгулотнинг мақсади.

Талабани тўлақонли мулоқот ўрната билиш қобилиятларини ривожлантириш.

Тренинг мақсади: атрофдаги одамларни ва ўзини тушуниш, бир – бирининг ўз имкониятларини аниқлаш, одамларга диққат ва эътиборли бўлиш, ўзгалар фикрини тинглай билиш, уларни кузатиш қобилиятларини машқ қилишдир, муомала маданиятини ривожлантириш.

Машгулотдан кутиладиган натижа:

1. Тингловчида ўз ҳаракгер хислатларига, ҳамкаслари характер хислатларига ҳамда ҳамкасларига эътибор ривожланади.

2. Одамларга ёкиш усусларидан фойдаланиш кўникмалари ҳосил бўлади.

3. Суҳбат вақтида ҳиссий муваффақиятга эришиш кўникмалари шаклланади.

4. Ўзи ва ўзгаларнинг хатти – ҳаракатларини психологик таҳдил қилиш кўникмалари шаклланади.

1 – босқич. Танишиш.

Ҳар ким ўз исмини айтади ва ўзидағи 1 та ижобий ва 1та салбий хислатни айтади. Бунда бир одам ўзидан олдинги иккита одамники қайта такрорлаб айтади, сўнг ўзиники.

2 – босқич. Ўз иштирокчиларига маъқул келадиган мавзу бўйича сұхбатда муомала услуги бир – бирига мос бўлиши керак.

3 – босқич. Ҳар бир одам бугун эрталаб ўрнидан турганида ўзини қандай ҳис қилганини эслайди ва ким ўзини енгил ва яхши ҳис қилган бўлса, ўнг томонга, ёмон ҳис қилган бўлса ўртага ўтади. Учала гуруҳдаги одамлар ўзларини яхши ҳис қилгандек тута олишлари учун ҳалқ табобати бўйича маслаҳатлар қиладилар.

4 – босқич. Ҳар бир одам ўртага чиқиб, ўз номини айтиб жойига бориб ўтиради. Иккинчи одам ўзидан олдинги одам хатти – ҳаракатларини қайта намоён этиб, кейин ўзиникини намойиш қиласди.

5 – босқич. Коридор. Одамлар қатор туриб коридор ҳосил қилинади ва ҳар бир одам ўзи қандай хоҳласа шундай юриб коридордан ўтади. Бу З марта такрорланади. Бунда бири иккинчисини қайта такрорламаслиги керак.

6 – босқич. Комплiment ёки одамга ёқадиган ибора топиб айтиш. Иккита қиз гаплашиб туради, қолган ўйин иштирокчиларининг ҳар бири улар билан саломлашиб, ҳатто уларнинг кайфиятини кўтарадиган фикр айтиб кетадилар.

7 – босқич. Автобусда. Тренинг иштирокчиларидан бири автобусдаги безори ролини ўйнайди, қолганлари йўловчилар. Безори автобусдаги ўтиргични эталлаб олиб, бирига ўзи ўтирган, бирига магнитофонни қўйиб олган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йўловчиларнинг ҳар бири безори билан тил топишиб унинг ёнига ўтиришга уриниб кўришлари керак. Шартта кўра жанжалсиз мақсадга эришиш зарур.

8 – босқич. Латифа. Тренинг иштирокчилари гуруҳларга бўлинниб, сўнг бир – бирларига латифа айтишади. Айтилган латифалар ичидан қайси бири ўзларига ёқсан бўлса, ўшани саҳналаштириб ҳаммага кўрсатишади.

Машгулот якунида тренинг ўйин натижалари таҳлил қилинади.

### 3.5. ИНТЕЛЛЕКТ ТУЗИЛИШНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ

Сизнинг олдингизда 9 та групнадан ва 9 та вариантдан иборат ҳар хил масалаларни ечилиш муаммоси турибди.

Вариантда 8та ва 10 та қисқартырған ҳолдаги масалалар тузылған. Унинг олдида масалаларнинг хусусиятини ақс түтирувчи механизм ётибди. Вариантларни ишләш учун 45 минут вакт берилади ва ҳар бир савол учун эса 5 минут вакт ажратылади. Агар сиз масалалар вариантынинг ҳаммасини ишләмеган бўлсангиз, сира хавотир олманг. Унинг ярмини ишләган бўлсангиз ҳам шунинг ўзи катта ютуғингиз. Ҳар бир масала устида кўп тўхтаманг. Агарда уни ечишга кўзингиз етмаса, у ҳолда бошқасини ишлаб кетаверинг. Жавобларни да тарға ёки бошқа оқ қоғозга кўчирив қўйинг. Ҳамма масалаларни ўз ақдингиз билан ечинг. Агарда сиз масалалар вариантыни ўз вактидан олди ечиб бўлсангиз, яна бир маротаба уларниң жавобини яхшилаб текшириб чиқиб, 5 минутдан кейин бошқа топшириққа ўтинг. Мабодо сиз масалани ишлай олмасдан, ундан олдингисига ўтиб ишлайде давом этсангиз, у ҳолда масалалар ечиш тартибини бузган бўласиз. КИРИШ: 1—ВАРИАНТ. Масалаларни ечиш: масаланинг биринчиси ва ўнинчиси тугалланмаган гаплардан гузилған. Сўзда тушриб қолдирилган гапларни топиб, унинг мөҳиятини очишни давом эттиринг. Масалан: Қилич кўпроқ ўҳшайди. Тўғри жавоб "Рапира". Уни қандай ўҳшатини чумкиш? Да тарға масалани номерини ёзинг. Ёнига масаланинг жавобини (1—2) ёзинг. 1—10 Топшириқ. Ер шарининг бутун дарёлари: А. Денгизларга қуйилади. Б. Қатновга яроқла (кема). В. Чиройли Г. Дарёнинг бошланиши. Д. Тез оқими билан. Қарама — қарши томонга: А. Озодлик. Қаҳрамонлик В. Кўролмаслик Г. Құлчилик. Д. Сотқинлик. Оркаклар аёлларга қараганда ўзларини юқорироқ қўядилар. А. Ҳар доим Б. Ҳар доимдагидек В. Ҳар соат Г. Ба зиддад. Ҳеч қачон.

4. Мактабдаги мисоллар ечиш ҳеч қачон уларсиз ўтмайди.

- А. Ўқув қуромлари
  - Б. Парта ва стуллар
  - В. Баҳоларсиз
  - Г. Уй вази асиз
  - Д. Ўқувчисиз.
5. Бош министрнинг вази аси:
- А. Бошлиқлар олдида
  - Б. Давлат олдида

- В. Партия олдида  
Г. Сиёсат олдида  
Д. Енгил саноат министрлиги олдида.
- 6.Агарда биз бирорта юзаки одамнинг башарасини фош  
қилювчи сўзлар билан очиб ташламоқчи бўлсак, улар шундай  
деб аталади:
- А. Қоғозбоз  
Б. Манман  
В. Мақтансоқ  
Г. Қаттиққўл  
Д. Демократ.
- 7.Биз биламизки, ҳар бир одам иймонишинг тозалити:  
А. Алдов билан  
Б. Алдаш йўли билан  
В. Қасос йўли билан  
Г. Тўполон йўл билан  
Д. Ислотланмаган йўл билан.
- 8.Ҳамма витаминларнинг ўзида ҳам озиқ — овқатларда  
учрайдиган витаминалар мавжуд.
- А. Гўштда  
Б. Ёғда  
В. Пишлоқда  
Г. Тухумда  
Д. Балиқда.
- 9.Иқтисодиёт бўйича беъзи давлатлар юқори ўринда  
туради:
- А. Германия  
Б. Буюк Британия  
В. Япония  
Г. Саудия Арабистони  
Д. Франция.
- 10.Ислотланган тасдиқлар шундай номланади:
- А. Чалкаш изоҳлар  
Б. Қойил қолдириси  
В. Икки ёқлама ўйлаш  
Г. Файритабиий ҳодиса  
Д. Тахмин {фараз}  
2—ВАРИАНТ.
- Масала ечишнинг йўли: 11 — 20 масалалар 5 та сўздан  
иборат. Уларнинг 4 таси бир — бири билан борлиқ. Сиз фақат

шундай сўзни топингки, бу группага тегишили бўлмасин,  
ортиқча бўлсин.

Масалан: а)ҳайдаш: б)экиш: в)майдалаш: г)ўриш:  
д)ўқиши: а,б,в,в,г даги сўзлар қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ.  
“Ўқиш” сўзи эса бунга кирмайди.

Топширик: 11 – 20 Масала.

11 А. Баланд:

Б. Паст:

В. Келишган:

Г. Бўйчан:

Д. Пакана:

12 А. Учбурчак:

Б. Тўртбурчак:

В. Куб:

Г. Тўғри бурчак:

Д. Параллелограмм:

13. А.. Мотоцикл:

Б. Мапед:

В. Мотореллер:

Г. Велосипед:

Д. Катер:

14. А. Ўқитувчи:

Б. Ўқувчи:

В. Тренер:

Г. Профессор:

Д. Доцент

15. А. Кўрмоқ:

Б. Эшитмоқ:

В. Ёзмоқ:

Г. Сезмоқ:

Д. Ҳидрамоқ:

16. А. Ўзини:

Б. Яратиш:

В. Акс – садо:

Г. Фаолият:

Д. Ўзини ўзи ўйлаш:

17. А. А. М. Шолохов.

Б. В. Соловьев – Седой:

В. Цикуль:

Г. Минатов:

- Д. Ч. Айтматов.
18. А. Чегара.  
Б. Кўприк.  
В. Катакча.  
Г. Дўстлик.  
Д. Эр – хотинлик.
19. А. Оғоҳлантириш.  
Б. Амалий иш  
В. Ўзиб кетиши.  
Г. Йўл қўймаслик.  
Д. Шу орқали.
20. А. Дисплей экранни.
- Б. Алгол.  
В. Фартран.  
Г. Бейсик.  
Д. Кобел

Яна бир марта ўз жавобларингизни текшириб кўринг ва 5 минутдан сўнг масала ечишни давом эттиринг.

3 – ВАРИАНТ. Масала 3.

Маслани ечишнинг намунаси: 21 – 30 топшириқда сизга учта сўз таклиф қилинади. Биринчи ва иккинчи сўзлар бир – бири билан бевосита бошлиқ. Учнанчи сўздан кейин уч нуқта қўйилади. Қўйида бешта сўз берилган, улардан сиз биринчи ва иккинчи сўзларга бошлиқ учинчи сўзни топишингиз керак.

Баланд сўзи пакана сўзига мос тушади. Худди "Оқ – қора" сўзига ўхшаш.

21 – 30 Масала.

21. Мактаб: Директор: Тўгарак.

А. Иш бошқарувчи.

Б Раис.

В Бошлиқ.

Г. Қатнашувчи.

Д. Кассир

22. Қидирмоқ: топмоқ: ўйламоқ:

А Жиноятчини қидирмоқ.

Б Эслаб қолмоқ.

В Шундай фикрга келиш.

Г Эсдан чиқармоқ.

Д. Фикрлаш.

23. "Уруш ва тинчлик" Л.Н. Толстой, Пётр I

- А. В.Цикуль  
Б. В.Барышников  
В. Н. Рибак.  
Г. Л.Н. Толстой.  
Д. Г. Марков  
24. "Карнавал кечаси" лирик комедия: фаворит...  
А. Поэма  
Б Повесть.  
В Тарихий роман.  
Г. Роман – эссе  
Д. Фожиа  
25 Станок: тешиш: компьютерлашган..  
А Программалаштирилган,  
Б Ҳисобламоқ  
В. Маъқуллаш  
Г Бошқармоқ  
Д. Ўрганмоқ  
26. Юрак: насос: мия:  
А.Ўйламоқ  
Б Электро – станция  
В ЭХМ  
Г Бош  
Д Жаҳли чиқмоқ  
27.Ўинин: баскетбол: тиббиёт соҳасидаги ишчи.  
А Эндокринолог.  
Б Терапевт.  
В Хирург  
Г Ҳамшира.  
Д Рентгенолог.  
28.Самолёт: огоҳлантириш овози: пароход...  
А. Огоҳлантириш овози.  
Б Сузғич.  
В Ёғду (Маъшал)  
Г Парус (Елкан)  
Д (Мачта – кема антенаси)  
29.Озиқ – овқат маҳсулотлари: туз: лекция...  
А Зерикарли.  
Б Конспект.  
В Ҳажвия.  
Г Тил.

Д. Хафа бўлмоқ.

30.Нерв; таъсири қилиш; кўз...

А Қарааш.

Б Кўз нури.

В Киприк.

Г Ёргулик.

Д Аср.

Яна бир маротаба жавобларингизни текширинг!

4 – ВАРИАНТ

Масала ечишнинг намунаси: 31 – 38 топшириқлар 2та сўздан тузилган.

Энди группалашган, уюшган ҳолдаги сўзни топиш керак. Масалан: олма – нок, тўғри жавоб: хўл мевалар. Эслаб қолинг, гапнинг моҳиятини келтириб чиқарувчи сўзни топинг.

Топшириқ: 31 – 38 – масалалар

31.Йигит – қиз

32.Черков – давлат

33.Хуштак чалмоқ – тўпалон

34.Драма – ҳажвия

35.Герб – байроқ

36.Автомашина – самолёт

37.Тимсоҳ – тошбақа

38.Бир овоздан – муваффақият

5 минут давомида жавобларингизни текширинг. Сўнг 5 – топшириққа ўтинг

5 – ВАРИАНТ

Масалани ечишнинг намунаси: 38 – 48 – масалаларда арифметика ҳақида юритилади. Фақат эслаб қолиш йўли билан ишланади. Масаланинг тартиби номерига чиқсан сон ёзиб қўйиллади. Масалан: йўловч 45 км йўлни 9 соатда босиб ўтди. Йўловчининг ўртача тезлигини топинг, 5км/с.

39 – 48 топшириқ

39.Юз та яшик сардинадан 44 та сотилди. Қанча қолди?

40.15 яшик хўл мева 280 кг, ҳар бир бўши яшик 3кг дан.

Мевалар неча кг?

41. "Жигули" автомашинаси 187500 сўм, "Москвич" автомашинаси – 172000 сўм, 703500 сўмга қанча "Жигули" ва "Москвич" автомашинаси келади?

42.48 смли сим исиганда 5бсмга етади. 72смли сим иситилганда узунлиги қанчага етади?

43.Кооператив 8 соат ичида 728 та деталь ясади. У 2 соат ичида қанча деталь ясади?

44.Тўқувчилик цехида 60 м материал ишлаб чиқарилади. Бошқа цехда шу вақтда 40 м материал ишлаб чиқарилди. 1 – цехдагилар 90 м ишлаб чиқаришганда 2 – цехдагилар қанча материал ишлаб чиқариши мумкин?

45.2 та яшикда 43 та стакан жойлашган. Бир яшикда 9 та стакан кўп. Катта яшикда қанча стакан бор?

46.Завод 3 4 қисм маҳсулотини экспорт қилди. 1 5 қисми ўз мамлакатида сотилади. Неча фоиз товар қолган?

47.Оиласда ҳар бир қизнинг бир хил ака ва опаси бор, ҳар бир ўғилни қанча опаси ва акаси бор, оиласда қанча қиз бор?

48.Мактаб ўқувчиларига 0,4г ер майдонини чопиб чиқишиди. Бунинг учун 5 соат вақт кетади. Ҳар бир ўқувчи 1 соатда 0,005 г ерни чопган бўлса, қанча ўқувчи иштирок эттан?

Ўз жавобингизни текшириб, 5 минутдан сўнг 6 – топшириқка ўтинг

6 – Топшириқ, 6 – ВАРИАНТ.

Масалани ечишнинг шарти: 45058 масалалар тартиб бўйича жойлашган. Тартиб рақамларини топишингиз керак. Масалан: 9 – 7 – 10 8 – 11 – 9 – 12 – ?

9 сонидан кейин 10 сони келиши керак. Бунда 2 ёки 3 сони қўшилган ёки 2 сони етмайди. Бошқа мисолларда қўшиш – айриш, бўлиш – кўпайтириш усуслари ҳам бор.

49 – 58 Масала.


49. 6 9 12 25 18 21 24 ?...
50. 19 16 22 19 25 22 28 ?...
51. 4 6 12 14 28 30 60 ?...
52. 29 26 13 39 36 18 34 ?...
53. 5 6 4 6 7 5 7 ?...
54. 279 93 90 30 27 9 6 ?...
55. 9 12 16 20 25 30 36 ?...
56. 15 19 22 11 18 18 9 ?...
57. 9 6 18 21 7 4 12 ?...
58. 15 6 18 10 30 23 69 ?...

Жавобларингизни текшиring, бошқасига ўтинг







## 7 – ВАРИАНТ.

Масала ечишнинг шарти: 59 – 68 масаларда ҳар бир шаклнинг бир бўлаги тасвириланган. Шакллар бўлагини а,б,в,г,д, деб аниқлаймиз. Улар 2 га бўлинади.. Уларни бирлаштирусак бутун шакл ҳосил бўлади. Расмларнинг тепа қисмида шакл бутун ҳолича чизилган, настки қисмида геометрик расмлар жойлашган. Тепадаги ва настдаги расмлар а,б,в,г,д, деб белгиланган ва 1,2,3,4 сонлари кўйилган.



**1-ЧИЗМА.**



39–68 ТОПШИРИҚ.



**69–78 ТОПШИРИҚ.**



## IV БОБ. ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

### 4.1. ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Давлат таълимни стандартларини ишлаб чиқип ва уларни янада тақомиллаштириш олий мактаб психологияси фани олдига “инсон – инсон”, яъни “субъект – субъект”. муносабатларини оқилона, одилона ва омилкорлик билан ҳад қилиш вазифасини қўяди. Олий ўқув юртлари томонидан тайёрланаётган мутахассислар ва уларнинг мазкур ихтиососликда муваффақият билан фаолият кўрсатиши, иш юритини ўша соҳанинг мавқеини муайян даражада юқори кўтаради. Олий мактабининг маҳсулоти – бу тайёрлабган кадрлар саналади, худди шу боис олий ўқув юртларининг нуфузи уларнинг бош мезонларида ўз ифодасини тоғади. Булар қаторига қуйидаги мезонларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

1. Олий ўқув юртида мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги (муайян профессиограмма, профессиография, психограммага асосланган ҳолда уларнинг касб эгаси сифатида шаклланганлиги).

2. Олий мактабларда мутахассисларни касбий тайёрлапнинг даражаси, сифати (уларнинг умумий маълумотлилиги, савиёси, маҳсус билимлари, амалий кўникма ва малакалари, турли вазиятларда улардан фойдаланиш имконияти).

3. Мутахассисликка оид касбий фаолиятнинг муҳим шарт – шаронитлари, қўядиган талаби, ўзига хос хусусиятлари (“инсон – инсон”, “инсон – техника”, “инсон – образ” ва бошқалар).

4. Мутахассис ёки бўлгуси касб эгасининг индивидуал – типологик (темперамент, ирсий аломатлар, тұғма майлар), жинс ва ёш хусусиятлари (илк ўспириналык, ўспириналык ва бунда биологик ривожланишининг таъсири, ўрни).

Одатда олий мактаб таълимни (ўқигтиш тизими) иккни ёқлама (ўзаро таъсир ўтказишга) йўналган ақлий жараён (объект билан субъект, субъект – субъект тенг ҳуқуқи муносабатларидан иборат) бўлиб, бу сабоқ олувчи (талаба)

билин сабоқ берувчи (ўқитувчи)ларининг фаол қатнашувида ўз ифодасини топувчи ҳамкорлик фномияти ва шахслараро муомаласидан иборатдир. Бунинг натижасида талабада ўзаро таъсир орқали муайян даражадаги билимлар, касбий кўникмалар, малакалар, одатлар, укувлар ҳосил бўлади.

Ўқитувчининг талабага таъсир ўтказиши натижасидагина мазкур нарсалар (билим, кўникма, малака, одат) тафаккур ёрдамида ақл—идрок туфайли шаклланиши мумкин, бу эса ўз навбатида руҳий зўриқиши, асабий таранглий, жиiddийлик, фаолликни ва интилишни вужудга келтиради. Таълим талаба шахсининг фаоллик кўрсатилиши учун зарур шарт—шароитлар туғдириш имкониятига эга, чунончи сабоқ олувчи фаолиятини улоғтириди (ташкиллаштиришга ёрдам беради), уни мақсадга мувофиқ йўналтиради, жараённинг кечишини назорат қиласи ҳамда ахборот, матълумот, хабар, восита, усул, операция кабилар билан таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, талабаларнинг билим олиш қобилияти, истеъоди, зеҳни ва укувчанлигининг ривожи кўп жиҳатдан учта муҳим омила боғлиқдир.

1. Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг пухталиги, барқарорлиги, мустаҳкамлиги (чунки уларни ўзлаштириш жараёнида III—IV курсларда батзи бир салбий қусурлик жиҳатлари келиб қўшилади).

2. Ўқув ва тарбиявий ишларни оқилона ташкил этиш ва назорат қилиш— талабаларнинг ўқишга муносабатларининг (мотивацияларининг), яъни ички туртқилари мажмуасининг) муҳим шартидир (талаба шахсининг ўзига хос ҳусусияти, мавзунинг ижтимоий—шахсий аҳамиятилиги, ўқув фани бўлимининг долзарб муаммоларига бойлиги ва ҳоказо).

3. Талабаларнинг мустақил (фаол, ижодий, ностандарт) равишда оқилона билим олишга ўргатиш (ўқитувчининг тингловчиларда мустақил ақлий фаолият улоғтириш ва ташкил этиш усуллари, воситалари, технологияси билан ишлаш эктиёжи, мотиви, майли, қизиқиши, ҳиссий интилишини уйғотиши) ва бу соҳада муайян маслаҳатлар, тавсиялар ицилаб чиқиши умумий мақсад намоён бўлишининг кафолати (гарови) дир.

Шуни унугтаслик лозимки, олий мактабларда фан асосларини згаллаш сифати, маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан қўйидагиларга боғлиқдир:

1. Олий ўқув юрти профессори – ўқитувчи талабани пимага ўргатади?

2. Ким, яъни қайси профессор – ўқитувчи ва қай йўсинда объектив (табиий) ва субъектив (шахсий) омилларни назарда тутиади?

3. Кимни (қайси тоифадаги, қандай ақлий имкониятга эга бўлишига биноан унга, гурӯҳга билим бериш зарур эканлиги назарда тутилади) ўқитади:

а) талабалар ҳукмига, муҳокамасига қўйиладиган ўқув материалининг (мавзусининг) хусусияти;

б) муаллимнинг ўқитувчилик маҳорати, ўқитиш услуби, муомала мароми;

в) талабаларнинг индивидуал – типологик, жинс (биологик ўсишдаги тафсуву) ва ёнг хусусиятлари ҳамда уларни таълим жараёнида ҳисобга олиш (ўқитишда сабоқ олувчиларга индивидуал, дифференциал муносабатда ёндашиш);

г) таълим тараққиётни ўз кетидаи стаклайди деган тамойилдан бироз четлашин эвазига (интернетлар туфайли, истеъододни талабалар мавжудлиги сабабли) тараққиёт таълимни стакланиш мумкин деган қарорга келинди.

Бунинг учун ўқитувчи (муаллим) маърузанинг мазмунига, унда муаммоли вазиятининг ("фиркалар жанси") интироқига, ижодий ва ностандарт фикрланаша, далилларнинг (ишончли омилларнинг) сероблигига, ўқув материалларининг мугахассислик билан узвий алоқасига (уйғуланишга), уларнинг таркибий тузилишига, уни юксак дарражада талабаларнинг онгига етказиш услубига, муаллимнинг тингловчиларига муносабатини (усуллар билан чулоқот ўргатиш услуби, муомалага киришин маромига, одобига, назокатига), аудитория (лаборатория) билан узвий боғланишга на уни бошқаришига, педагогик фаолиятини оқидона идора қила олишига, таълим олдига қўйилған мақсадга эришин учун интилишга алоҳида эътибор бериш айни муддаодир. Бундан ташқари, ўқитувчи ўзининг кундалик муаллимлик фаолиятида талабалар устидан кузатиш, сұхбат ўтказиш, психологик, педагогик ва

мутахассисликка оид билимларни талаб қиласынан топшириқтар тавсия қилиш, ақдни пешлаш машқларини узлуксиз равишда амалга ошириб бориш, бунинг учун эса турли хусусиятли, мөхиятли матнлардан ҳамда тестлардан, янги педагогик технологиядан, фаол ўқитиш услубларидан фойдаланиш имкониятига зека бўлмоғи мақсадга мувофиқ.

Олий мактаб психологиясининг долзарб муаммолари қўйидагилардан иборатdir:

1. Олий мактаб тузилишининг этник, этнопсихологик ва ҳудудий хусусиятларига асосланниб уни қайта қуриш мақсадга мувофиқ. Чунки жаҳон таълими стандартларига яқинлашмоқ, уларга мослашиб янги мутахассисликларни жорий қилемоқ ва уларни тайёрлашни (менежер, брокер, маркетинг, социолог, социал хизмат, амалий психолог, оила психологи кабиларни) маҳаллий эктиёжлардан, кадрларни тайёрловчи профессор – ўқитувчilar мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда режалаштиromoқ лозим (баъзан юқори малакали кадрлар етишмаслигига қарамасдан мутахассислар тайёрлашга руҳсат берилмоқда).

2. Олий ўқув юргларида талабаларни ўқитиш, шахс сифатида шакллантириш (ижтимоийлашув) жараёни ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган методлар (услублар, шакллар), воситалар, усуллар янги мазмун билан бойитилиши, миллӣ қиёфа, характер, ҳис – туйруларни ҳисобга олиб савъ – ҳаракатлар амалга оширилиши жоиз. Аста – секин монологик ўқитиш тизимидан диалогик, инновацион (янгиликка асосланган), ҳамкорлик (ўқитувчи билан талабалар фаолиятини уйғулаштириш) сингари таълимнинг янги турларига ўтиш ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

3. Олий мактаб ўқув режаси, дастури ва уларга асосланниб чоп қилинадган дарсликлар, қўлланмалар, ишламалар, маъруза матнларини қайтадан кўриб чиқиши, уларни мамлакатимиз ҳудудлари хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштириш, янада пухталаштириш, мутахассисликка бевосита алоқаси бўлмаган ўқув фанларини (материалларини) оқилона қисқартириш инсон омилини ҳисобга олиш демакдир:

а) талабаларнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиб аудитория машгулотларини кичик курсларда 24

соат, катта курсларда 28 соат қилиб белгилаш мустақил фикрлашга, ижобий изланишга пухта замин ҳозирлайди ҳамда ишчанлик қобилиятига путур етказмайди, бу психологик воқелик босқичма – босқич амалга оширилиши кутилади;

б) жаҳон илор тажрибасига асосланган ҳолда назарий ва амалий билимлар нисбатини 30:70 етказиш қасбий малакаларини такомиллаштиришга хизмат қиласи; бизнинг мутахассислар бошқа мамлакатлар кадрларидан назарий жиҳатдан устунлар, лекин кўниуммалар эгаллаш анча заифдир; ана шу йўл билан кундалик талаба фаолиятини икки қисмга ажратиш имконияти яратилади (9 – 12; 13 – 17), бу эса ўз навбатида уй топшириқларини кескин қисқартиришга олиб келади, ижодий изланиш, мустақил фикрлаш танқидий муносабатни талабаларда шакллантиради (ўқитувчилар назарий юкламасини 280 соат қилиб белгилаш ўқитиши сифати, самарадорлигини оширади);

в) ўқув дастурини мумкин қадар ихчамлаштириш – уни режалаштиришни осонлаштиради; мъълумки, 2 соатга мўлжалланган дастур мавзусида ўртача 30 та илмий тушунча, атама мужассамлашган, лекин уларнинг моҳиятини очиб бериш жуда мушкулдир; бизнингча, юзакилик айнан шундан келиб чиқади, мулоҳаза ўрнини таъкидлов эгаллаиди, холос: бунинг учун муҳим тушунчалар, таърифлар, теоремалар танлаб олиниши, ёрдамчиларини эса манбалар билан танишишга йўналтириш маъқул, ана шунда чалкашликлар барҳам топади;

г) ўқитишини фаол услублар негизига қуриш лозим, токи бунда ўқитувчи билан талаба ҳамкорлiği устувор ўрин эгалласин; тест, баҳс, ишбилармонлик ўйинлари, қийинлаштирилган педагогик муаммо, эвристика, тренинг, психодрама, бошқотирма, фикрлар жангি каби фаол, мустақилликка етакловчи ўқитиши методлари ва шакллари – олий таълимнинг негизига айлансан; компютерлашган таълим, масофадан ўқитиши (интернет) ва ҳоказолар замони талаби, эҳтиёжи, заруратидир;

д) дарслик ва қўйламалар ҳажми ўспириналарнинг ёш хусусиятлари, имкониятларига мутлақо мос тушиши лозим; чунки 17 – 18 ёшлик талабаларнинг диққат барқарорлиги 60 минут атрофида, мабодо матн ҳажми катта бўлса, уни

ўзлаштириш даражаси шунчалик қийин кечиши кузатилади; радио ва телевидение диктори бир бет матнини (1680 аломатни) 2 минутда ўқииди, бироқ ўзлаштирмайди, агар бу жараён психолигик жиҳатдан таҳлил қилинса, у ҳолда тупуниш учун (илмий тилда битилганлиги ҳисобга олинса) 3 марта кўп вақт сарфланади; 10 бет матнiga бир соат вақт талаб қилинади, агар 3 та фандан мустақил топшириқ берилган бўлса, у тақдирда матнларни эгаллаш кўрсаткичи янада пасайиб кетиши шак – шубҳасиз; дарслик саҳифалари ҳар хил шрифтда берилиши, ажратиб кўрсатиши, қорамтироқ қилиниши, тагита чизилиши ва ҳоказолар восита сифатида хизмат қиласи; ҳатто жаҳон психолиглари талабига бинсан дарслик (қўлланма) паралингвистик, экстралингвистик, проксемик қонуниятларга асосланган ҳолда ёзилса, унинг матнларини эгаллаш кўрсаткичи кўтарилади, ишчанлик қобилияти йўқолмайди, ақлий зўриқиши, асабий таранглик ҳодисалари мумкин қадар камаяди.

4. Талабаларда фикрлашни шакллантириш, ижодий изланишига ўргатиш, танқидий тафраккурни таркиб топтириш – олий мактаб психологиясининг долзарб муаммоларидан биридир. Уларда юқоридаги жараёнларни шакллантириш фаол таълимий услублардан фойдаланиш натижасида рўёбга чиқиши мумкин. Шунингдек, машғулотдан ташқарни даврларда, мустақил фаолиятини амалга оширишда ёки ўқитувчи томонидан унга талабаларни ўқитиш орқали эришилади, холос. Максус машғулотлар уларга мустақил равишда билим олиш воситалари билан қуроллантиради:

а) фан тўғараклари, тезис, реферат, курс иши, битирув иши, бирламзи манбалар билан шугулланиш кезларида муайян мақсад амалга ошади ва у ёки бу дарражада шахсий, процессуал хислатлари таркиб топа бошлади;

б) истеъдодли талабалар фаолиятини ташкил қилиш; биринчидан, фанлар бўйича эришилган кўрсаткичлар истеъдоднинг айлан ўзи эмас, албатта бу биргина мезони, холос; иккимчидан, истеъдод тоннириқлар ранг-баранглигини тушуниш ва уларни ечишини уddaлаш; учинчидан, ижодий унсурларнинг мавжудлиги ва узлуксизлиги, тўртинчидан, вақт тежамкорлиги, башорат

қилиш лаёқатишинг мавжуддиги, бешинчидан, ностандарт топшириқларни бажариш, шунингдек, шартлари етишмаслиги ва ортиқчалитини пайқаш (сезиш) ёки антиципацияга мойиллик ҳукм сурини; маҳсус дағтур асосида, алоҳида тартибда машқулотлар уюштириши; ижодий изланишини ҳөзини, даёқат, майл ва мотивдан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш истеъдодилар камолотини оқилона амалга ошириш билан якунланади.

5. Талабаларни миллий ғоя ва миллий истиқлол мағкураси руҳида тарбиялашни амалга ошириш муҳим муаммолар сарасига киради. Ватанпарварлик, фидоийлик юксак ҳис—түйгуларини талабаларга маҳсус равишда шакллантириши орқали ҳамда ижтимоий—сиёсий фан асослари моҳиятига сингдириш ёрдами билан уларни онтига йўналтириш—ҳозирги замон олий мактаб психологиясининг долзарб масалаларидан бирни сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш таълим—тарбия жараёнини таомиллаштиришига хизмат қиласи, сифат даражасини ортиради.

## **4.2. АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ФАОЛИЯТЛАРДА БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛ—ЙЎРИҚЛАРИ**

Талабалар мустақил фаолиятининг шакллари, методлари хилма—хил бўлиб, психология фанини(соҳасини) мустақил ўрганишининг негизи ҳисобланади: илмий психологияк адабиётларни аннотация қилиш, бирламчи маибалар бўйича конспект тузиш, реферат ва маъруза ёзиш, курс ва битирув ишларини бажариш, аудиториядан ташқари пайтда тажриба ўтказиш ҳамда олингаш миқдорий натижаларни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан таҳлил қилиш ва бошқалар.

Энди уларнинг ҳар бирини мақсадга мувофиқ амалга ошириш йўл—йўриқлари юзасидан фикр—мулоҳаза юритилади.

1. Илмий психологияк адабиётлардан аннотация қилиш — муаллиф томонидан ўрганилиб чиқилаётган у ёки бу илмий изланишдаги асосий муаммоларни санаб, таъкидлаб чиқишидан иборат шахсни билиш фаолиятининг алоҳида бир шаклидир. Аннотация қилишда ўрганилаётган муаммога

бевосита алоқадор бўлган масалаларни, уларнинг қирралари ва таркибларини алоҳида—алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

2. Илмий психологияк адабиётлардан конспект тузиш. Конспект атамасининг ўзи бирон—бир мақола, китоб, монография, нутқ ва шу каби бошқа ижодий ишларнинг қисқача мазмунини баён қилиш деган маънени англатади. Одатда конспект тузиш бирор материални(маъruzani) пухта эсда олиб қолин ва эсда сақлаш учун зарурдир, деган фикр мавжуддир, аммо мазкур ўрганилаётган материални чуқурроқ, унинг бошқачароқ нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида конспект тузиш янада муҳимроқ услубий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, равон, тўлиқ, аниқ бўлмоги лозим, чунки у қайтатдан фойдаланишга мўлжалланган шахс фаолиятининг маҳсулидир.

Конспект тузишнинг дастлабки босқичида муаллиф(автор) матндан четга чиқиш, номуҳим аломатлар(белгилар)ни мавхум тарзда тасаввур этиш мураккаб кечади. Босқичма—босқич муаллиф фикрларини ўзлаштира бориц, уларни ўз сўзи, услуги билан ифодалаб бериш жараёнида ёзма нутқда талаб қилинадиган аниқликка, қисқаликка, йигиқликка аста—секин зриша борилади.

Асарнинг асосий мазмунини юксак аниқлик билан ифодалашга зришиш учун зарур жойларини муаллифнинг таърифи бўйича ёзив олиш ҳамда фойдаланилган саҳифаларни китоб вароғидан кўрсатиб кетиш лозим. Унинг мукаммал даражасига зришиш учун илмий асарнинг асосий қонидаларини ёзив олиш, материалнинг муаллиф томонидан баён этилган мантиқий мазмунини қайта тиклаш масаласига жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун конспектни варақнинг бир томонига ёзив, иккинчи томонини бўш қолдириш маъкул.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, конспект тузабтганда ўрганилаётган маъба камида иккى марта ўқиб чиқилиши лозим, чуаки иш билан бириичи марта танишилганда унинг тўғрисида умумий тасаввур юзага келади, иккинчи марта эса унинг асосий мазмуни намоён бўлади ва уни конспект қилишга киришилади.

Талабаларга конспект тузиш ҳақида маълумот берилгаётган жараёнларда унинг асосий тузилмавий(структуравий) таркиблари(элементлари)га ўтибор қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилиши лозим; гипотеза, уни назарий ва экспериментал жиҳатдан текшириш, фактларни аниқлаш, эмпирик ҳамда назарий умумлашмалар. Экспериментал методикалар, натижалар муҳокамаси, хуносалар ва бошқалар. Жумладан, гипотеза – бу ҳодиса ёки бир – бирита алоқадор ҳодисалар ўртасида қандайдир қонуният, сабаблар мавжудлиги тўғрисида билдирилган тахминлар; гипотезани назарий жиҳатдан текшириш – бу тахмин қилинаётган фикрни аллақачон исботланган ва илмий психолигик адабиётларда мавжуд қоидалар, принциплар билан таққосланпайдан иборат бўлиб, бунинг натижасида илгари сурнайтидан гипотеза билан ўша принциплар ўртасида мантиқий қарама – қаршилик йўқлиги аниқлаб олинади; тадқиқотчилар томонидан аниқлаб олинган ва ёзиг қўйилган воқеалар, ҳодисалар фактлар деб аталади; эмпирик умумлашмалар – бу субъект ҳодисаларининг фақат уларнинг ташки аломатлари асосида бирлаштирилдири; назарий умумлашма – бу объекtlарни уларнинг муҳим бир – бирига ўхшашлик белгиларига қараб, яъни мазкур ҳодисанинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи томонларига қараб бирлаштирилишидир; эксперимент методикасига тадқиқот ўтказилувчилар учун топшириқ, тажриба ўтказиш шарт – шароитларининг баёни, синалавчиларининг таркиби ва миқдори, уларнинг ўзаро боғлиқлиги киради.

Конспект тузишида ноапиқ терминаларга изоҳ бериш, справочниклардан фойдаланиш, картотека тузиб чиқиш, библиографик тавсиф тайёрлаш (маҳоланинг тавсифи, китобнинг мазмуни, кўн томли напренинг тавсифи кабилар) муҳим аҳмиятта эга.

3. Реферат ишлари тайёрланиш уч хил хусусиятга эга: 1) илмий ишга ёзилгани танқидий тақриз; 2) мавзу бўйича тадқиқот ишининг аналитик обзори; 3) баҳснинг танқидий таҳдили.

4. Ўқув – тадқиқот ишлари: а) талаба, ўқитувчи, ўқувчи кабиларни турли вазиятда кузатиш; б) тадқиқот ўтказиш учун экспериментал методикаларни эталлаб олиш; в) тадқиқот объектида юз берувчи психолигик ҳолатлар, улар

ўртасидаги индивидуал – типологик фарқлар ҳамда ўртача кўрсаткичларни ўрганиш; г) ўзига хос психик хусусиятларнинг ифодаланиши ўртасидаги ўзаро корреляция алоқаларни аниқлаш кабилар;

Эксперимент ўтказиш юзасидан малакалар эгаллаш қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

1) психологик тадқиқот олиб бориш малакасини ҳосил қилиш фаолиятини уюштириш;

2) эксперимент методикаларини эгаллапа ва уларни турли вазиятларда қўллаш билан боғлиқ ишлар мажмуасини амалга ошириш;

3) олинган натижаларни статистик ишончлилик даражасини аниқлашга оид содда методларни эгаллаш, ўзлаштириш.

4) Эмпирик материаллар ўртасидаги корреляцион алоқаларни ўрнатиш, дисперсион ва фактор таҳлилларни ўтказиш ҳамда методикаларнинг валидлиги, репрезентативигини белгилашга талабаларни ўргатиб бориш.

Бундан ташқари, талабалар ўтказилган эксперимент юзасидан илмий ҳисобот тайёрлашлари ва уни расмийлаштиришда ушбу талабларга риоя қилишлари зарур:

а) ўтказилган тажриба ишларининг баённомалари ишга қўшиб қўйилиши лозим,

б) эксперимент методиканинг муфассал баёни, иштирокчиларнинг ёп, жинс ва ўзига хос хусусиятлари, тажриба ўтказиш шартлари,принциплари ҳамда босқичлари кўрсатилиши шарт,

в) хulosалар жадвал материаллари,уларнинг схематик ва график ифодаланишига асосланиб чиқилиши керак,

г) фаразлар, эҳтимоллар, кўрсаткичлар, мезонлар кабиларни текшириш, тавсия қилиш имконияти, яққол шахсий хulosалар баёни берилиши мақсадга мувофиқ.

5. Психологик масалаларни ечиш. Одатда талабалар томонидан ижтимоий – психологик ёки объектив ва субъектив шарт – шароитларни, синаувчиларнинг индивидуал – типологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилувчи турли фактлар (омиллар) ва вазиятларни таҳдил қилишни тақозо этади. Психологик топшириқлар, масалалар муқаддимасида ҳозирги замон психологияси

фанида қарор төлгөн қонуниятлар, хоссалар ва қоидалар баён қилинади, сүнгәра ўрта, олий ва ўрта махсус мактаблар амалиётідан келтирилған эпизоддар тавсифи, таълим – тарбия түғрисидеги ҳар хил фикр ҳамда мулоҳазалар берилади.

Психология фани масалалар, топшириқлар назарий ва амалий турларға ажратиласы. Билингә оид топшириқлар эса ўз навбатида қуидаги турларға бўлинади: перцептив, мнемик, нутқий, фикрий ва ҳоказо.

Психологик топшириқ бошқа масалалар сингари муайян тузилишга (структурага) эга: талаб (мақсад), шартлар (мальум), изланувчи (номальум).

Психологик масалалар, топшириқлар ўз олдига ушбу вазифаларни қўяди: а) талабаларнинг назарий қонуниятлар, ички мураккаб боғланишлар, психология хоссалар юзасидан тушунчасини аниқлаш, б) маъруза моҳиятини ўзлаштириш даражасини белгилаш, в) яққол омиллар, ҳодисалар, ҳолатлар ва вазиятларни бугунги кун талаби ҳамда илмий позиция нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, г) мутахассис сифатида тайёргарлик ёки шаклланганлик даражаси, амалий кўникмаларни далиллаш маҳоратини ўлчаш орқали психология ўқитишни такомиллаштиришга эришиш.

Психология фанида тест топшириқларидан ҳам муваффақиятли фойдаланиланилади. Тестни ечиш йўллари, унинг қалитини топиш, ечимнинг ҳар хил варианatlари мавжуд бўлишлиги билан бўлғуси мутахассисларни таништириш мустақил равишда муаммоларни бажариш уқувини такомиллаштиради, фикрлаш доирасини эса кенгайтиради.

Психология фанида психологик масалаларни ечиш тафаккур билан узвий боғлиқликда қаралиб, у муаммо сифатида талқин қилинади. Бу нуқтаи назардан масала ечиш тафаккур билан узвий боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этишга йўналтирилсан бўлиб, мантиқий – психологик ёндашувни ҳал қилишга мўлжалланган бўлади. Худди шу боисдан талабаларга муаммоли вазиятни ечишини ҳам ўргатиш лозим, чунки унинг моҳиятига тушуниш ҳар қандай масалаларни бажариш имкониятини яратади.

Муаммо ушбу таркибий қисмлардан тузиландир: а) муаммо моҳиятига кириш, б) муаммони ечиш учун оқилона

йўл воситалар танлаш (сараплаш), в) энг оптимал восита ёки усулни ечишга татбиқ этиш, г) муаммо ечимини текшириш, д) натижани баҳолаш. Талабаларни муаммоли вазиятларни ечиш усуллари билан таништириш мустақил равишда ақлий фаолиятни ташкил қилиш имкониятини вужудга келтиради.

Психология ўқитиши тажрибаси шуни кўрсатдики, талабалар томонидан ҳар хил хусусиятли психологик масалаларнинг мустақил тарзда ечилиши уларда психология курслари бўйича (умумий психология, ёш психологияси, педагогик психология, ижтимоий психология ва ҳоказолар) ўзлаштирилган билимларни амалиётта қўллашга кенг имкониятлар яратади, мутахассис сифатида шаклланишини жадаллаштиради, зарур кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Психологик масалаларни ечиш, биринчидан, мазкур фанга нисбатан қизиқишини оширади, янги ўқув мотивларини вужудга келтиради. Иккинчидан, уларнинг назарий билимларини амалий қўллаш натижасида тобора барқарорлаштиради, янада пухталаштиради ва мустаҳкамлайди. Учинчидан, бўлғуси мутахассисларда ижодий қобилиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги билимларни таҳмил қилиш ҳамда уларни баҳолаш имкониятларини туғдиради. Тўртингчидан, уларда мутахассис сифатида тўғри (адекват) фикрлаш қобилиятини шакллантиради ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш ўқувчини таркиб топтиради. Бешинчидан, инсон шахсиятига, унинг характеристига маънавий—ахлоқий мезонларга асосланган психологик таъсир ўтказиш маҳоратини згаллашга қурай шарт—шароит яратади. Олтинчидан, уларни умумий психодиагностика кўникмалари, билимлар, методлар ҳамда методикалар билан таъминлашга ёрдам беради, талабалар ва ўқувчиларнинг лаёқати, қобилияти, истеъоди даражаси бўйича муайян гуруҳларга ажратишга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

#### 6. Курс ва битирув ишлари.

Мутахассиснинг касбий тайёргарлик тизимида психология фанидан ва битирув ишлари ёзиш мухим аҳамияти касб этади.

Талабалар курс ишларини 4—6 семестрларда мактабда, ишлаб чиқаришда услубий амалиётни амалга ошираётган даврда бажарадилар. Илмий раҳбар ёрдами билан талаба

мавзуни танлаб олгач, курс ишининг назарий қисмици етарли даражада пухта ишлаб чиқиш имкониятига эришадилар, амалиёт давомида эса улар тадқиқот обьектлари билан яқиндан танишадилар. Улар билан тажриба ишлари ўтказишига мұяссар бўладилар (кузатиш олиб борадилар, сұхбат уюштирадилар, анкета тарқатадилар ва ҳоказо), бу даврда етарли даражада эмпирик материалларни йиғиш имкони туғилади.

Курс ишини бажариш жараёнида талабалар илмий психологик адабиётлар билан ишлаш уқувини такомиллаштирадилар, илмий тадқиқот фаолиятига тааллуқли баъзи бир кўнгималарни эгаллайдилар. Курс ва битирув ишлари билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиши ўқитувчи (домла) билан талабанинг бутун ўқув йили, ҳатто бир неча ўқув йили давомида изчил ҳамкорликда фаолият ташкил қилишни тақозо этади.

Курс ва битирув ишлари танланган мавзуга биноан тадқиқотлар назарий ва экспериментал хусусиятга эга бўлиши мумкин, қайсики унинг назарий варианти мана бундай тарзда тузилади: мавзу танлаш, илмий психологик адабиётларни танлаш, режа тузиш, мазмунини баён этиш, холосаларни тавсифлаш ва бошқалар. Экспериментал вариант қўйидаги таркиблардан ташкил топиши мумкин: мавзу танлаш, назарий масаларни умумлаштириш, тадқиқот методикасини ишлаб чиқиш, эмпирик материалларни йиғиш, таҳдил қилиш, холоса чиқариш ва ҳоказо. Одатда курс ва битирув ишлар мавзулари оддиндан талабалар ҳукмига ҳавола қилинади, сўнг уларнинг бошқа босқичлари навбати билан амалга оширилади. Мавзулар талаба қизиқишига, унинг ташаббусига қараб танланади, шунингдек, долзарблиқдан келиб чиқиб ҳам у ёки бу мавзу тавсия этилиши эҳтимолдан холи эмас.

Курс ва битирув ишларининг мавзуси назарий жиҳатдан ишлаб чиқилагандан кейин, тадқиқотнинг вазифалари белгиланади, унинг методикаси танланади ёки у қайтадан ишлаб чиқилади, модификацияси яратилади. Бунинг учун бир неча илмий тадқиқот методлари, методикалари муайян тартибда қўлланишлиги изоҳлаб ва асослаб берилади. Буларнинг барчаси ўқитувчи (домла) билан талабаларнинг ҳамкорликдаги ижодий изланиш

фаолиятида босқичма – босқич рӯёбга чиқарилади. Тажриба ишлари тадқиқот принциплари, шартлари, қоидалари, босқичлари, мезонлари, эксперимент материаллари хусусияти, ёш давр қонуниятларига тўла асосланган ҳолда олиб борилади. Бу аснода четта оғиш, шароитни ўзгартириш, вазиятни чеклаштириш, синаувчиларга ёрдам бериш, муддатни чўзиш сингари ҳолатларга йўл қўйиш қатъий тақиқланади.

Курс ва битириув ишлари бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинади, идрок этилади, сўнгра уларнинг можияти баёни расмийлаштирилади. Аввал илмий раҳбар тажриба материаллари билан танишиб чиқади ва талаба билан ҳамкорликда таҳлил ўтказиш мезонлари, ўлчовлари белгилаб олади. Даставвал қўйидаги ишлар режалаштирилади: 1) материаллар билан умумий тарзда танишиш, 2) материалларни тартибга келтириш, 3) статистик методларни кўллаш, 4) эмпирик материалларни жадвалларга жойлаштириш, 5) миқдорий таҳлил қилиш, 6) уларни график, схематик тарзда намойиш қилиш, 7) психологик сифат таҳдилини ўтказиш, 8) материалларни умумлаштириш, 9) хулосаларни таърифлаш, 10) амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Бироқ назарий ва экспериментал вариантдаги курс ҳаңда битириув ишлари ўзига хослиги, хулосалари кўлами ва асосланганлик даражаси билан бир – биридан кескин тафовутланиб туради. Талabalarning курс ва битириув ишлари бир неча босқичли тақризлар, муҳокамалардан сўнг (оппонентлар, кафедра йирилиши, экспертиза, ҳимоя қилиш маҳорати, расмийлаштириш сифатига, фикрига биноан) баҳоланади. Курс ва битириув ишлари баҳоси талabalар синов дафтарчасига қайд қилинади, давлат аттестацияси ҳайъати баённомасида акс эттирилади ҳамда имзолар билан тасдиқланади, факультет тамғаси билан муҳланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олий таълим вазирлиги томонидан юборилган ўқув ва тадқиқотчилик бўйича мустақил ишлари, шунингдек, ўқув режасида кўрсатилган, лекин талаба ташабbusи билан бажариладиган айрим илмий тадқиқотчилик учун ҳамда жамоатчилик ишлари учун қўйидагилар:

1) педагогик – психологик амалиёт ишларига 150 баллгача,

2) битириув иши тадқиқоти учун 200 баллгача,

3) курс ишлари тайёрлагани учун 50 баллгача,

4) ёзма синов ва назорат ишлари учун 50 баллгача,

5) талабанинг ўз ташаббуси билан бажариладиган мустақил илмий ишлари учун 75 баллгача,

6) жамоатчилик ишларидаги фаоллиги учун 50 баллгача

шаклдаги меъёrlарни қўллаш тавсия қилинган. Ана шу ҳужжатдан келиб чиқсан ҳолда ва унга бевосита асосланиб, биз талабалар курс ишларининг босқичли рейтинг назоратини қўйидаги тартибда олиб боришни тавсия қиласиз:

1. Курс ишининг назарий варианти

1 – жорий назорат

1. Илмий – тадқиқот мавзусининг танланиши.

2. Илмий психологик адабиётларнинг танланиши, уларнинг ўрганилиши ва тавсифланиши.

3. +(жами тўпланган баллар)

2 – жорий назорат

1. Тадқиқот олиб бориш режасининг тузилиши.

2. Маълумотлар бўйича тезисларнинг ёзилиши.

3. +(жами тўпланган баллар).

3 – оралиқ назорат

1. Тўпланган материалларнинг изчил баёни.

2. Илмий тадқиқот ишининг расмийлаштирилиши.

3. +(жами тўпланган баллар).

4 – якуний назорат

1. Илмий тадқиқот якуни бўйича ҳисобот билан чиқиши.

2. Талаба томонидан нотиқлик малакасининг намойиш қилиниши.

3. +(жами тўпланган баллар)

5 – тўпланган умумий балар

1. Жорий назоратда тўпланган баллар.

2. Оралиқ назоратда тўпланган баллар.

3. Якуний назоратда тўпланган

4. +(жами тўпланган баллар).

Курс ишининг экспериментал варианти

- 1 – жорий назорат
1. Илмий тадқиқот мавзусининг танланиши.
  2. Илмий психологик адабиётларнинг танланиши, уларнинг ўрганилиши, тавсифланиши ва „ишнинг назарий асосланиши.
  3. + (жами тўпланган баллар).
- 2 – жорий назорат
1. Эксперимент методикасининг танланиши ва ишлаб чиқилиши.
  2. Эксперимент методикасининг амалиётда қўлланиши.
  3. + (жами тўпланган баллар).
- 3 – оралиқ назорат
1. Эксперимент натижаларининг математик статистик миқдор ва психологик сифат таҳдилли.
  2. Эксперимент юзасидан хуласалар чиқарилиши ва уларнинг таърифланиши.
  3. + (жами тўпланган баллар).
- 4 – якуний назорат.
1. Курс иши юзасидан ҳисобот билан чиқиши.
  2. Курс ишининг расмийлаштирилиши.
  3. + (жами тўпланган баллар)
- 5 – тўпланган баллар миқдори
1. Жорий назоратда тўпланган баллар.
  2. Оралиқ назоратда тўпланган баллар.
  3. Якуний назоратда тўпланган баллар.
- + (жами тўпланган баллар)
- Ҳар иккала курс ишининг вариантига таалдуқли.
- Баҳо
- Имзо

Биз булар ҳақидаги статистик миқдорий маълумотларнинг жадвал шаклида расмийлаштиридик.

Психологиядан курс ишларининг кўп босқичли рейтинг назорати ва баҳолар қайдномаси самарали методик технология сифатида ўзини оқлади, чунки улар психология ўқитишини такомиллаштиришнинг муҳим баҳоси, таркибий қисми эканлигини намойиш қилди.

Шундай қилиб, бизни кеңт кўламда олиб борган илмий – услубий ишларимиз, ўтказган кўп босқичли таълимий тадбирларимиз талабаларнинг аудиториядан

ташқари фаолиятларида психологик билимларни ўзлаштириш даражасини кескин равищда оширишга ёрдам беради, уларнинг фаоллик даражасини юксалтиради, муайян таълимий кўникмалар ва усуллар билан бўлгуси мутахассисларни қуроллантиради, касбий тайёргарлик кўрсаткичини такомиллантириш сари етаклади.

### 4.3. ТАЛАБАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

1.Мустақил фаолиятни ташкил қилиш бўйича бериладиган маслаҳат:

- вақтни режалаштиришга қаратилган маслаҳат.

2. Мустақил билим ва маълумот олиш бўйича бериладиган маслаҳат.

• кутубхонадан фойдаланиш тўғрисидаги маслаҳатлар.

- китоб билан ишлаш ҳақида маслаҳатлар.

• оқилона (рационал) ўқиш йўллари юзасидан маслаҳатлар.

- конспект тузишга оид маслаҳатлар.

• ўқилган психологик манбаларнинг мухим жойларини ажратишга йўналтирилган маслаҳатлар:

- 3. Бевосита ўқиши жараёнига тааллуқли маслаҳатлар:

• маъruzani самаралироқ конспект қилишга алоқадор маслаҳат,

• ўқилган ўқув материалларини омилкор, мантиқий эсда олиб қолиш билан боғлиқ асосий фикрларни умумлаштириш ва тезисни тузиш билан боғлиқ маслаҳатлар.

- 4. Ижодий фаолиятга тегишли маслаҳатлар:

• реферат ёзиш мазмуни, моҳияти ва хусусияти юзасидан маслаҳат,

• курс иши ёзиши қоидаси, талаби ва принципи бўйича билдириледиган маслаҳат,

- битирув иши ёзишга доир фикр мулоҳазалар.

• тезис ва мақола тайёрлашга алоқадор бўлган маслаҳатлар,

• магистрлик диссертациясига тааллуқли йўл – йўриқлар мажмуасига йўналтирилган маслаҳат.

## Маърузанинг услубий ишламаси

### I. Маъруза мавзуси: унинг танланганлигини асослаш.

1. Умумий психология курси тизимида мазкур мавзунинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш,

2. Мавзу бўйича манбалар саралап (ўқитувчи фойдаланган психологик адабиётлар, талабаларга тавсия қилинадиган манбалар)

3. Амалий машғулот, тажриба материалларини танлаш.

### II. Маърузани ташкил қилиш шакли

1. Аудиторияда ва техник воситалар (талабаларнинг тайёргарлик даражаси ва хусусияти).

2. Маърузанинг мақсади (фан мазмунини ўз ичига ёамраб олган маърузанинг асосий тояси).

3. Бош мақсадни амалга оширувчи маърузанинг вазифалари.

4. Маърузанинг вазифалари кетма – кетлиги (изчиллиги).

5. Кўйилган вазифанинг хусусияти: ахборот берувчи (информациян), таҳлилловчи (аналитик), тизимлаштирувчи, муаммоли, дастурий ва ботишгалар.

6. Тавсия қилинган вазифаларни бажариш учун талабаларга зарур воситалар (категориялар), тасаввур тизими, функционал, генетик, структуравий, эҳтимоллик, сабабий алоқавий, ўзаро узвий боғлиқлик (уйгунилк)

7. Кўйилган вазифаларни ҳал қилипда, бажаришда талабаларда ўқитувчи томонидан шакллантирилаётган муносабатлар, эмоционал ҳис – түйгулар ва позициялар.

### 8. Маърузанинг тапкилий шакли:

- монологик тарздаги мулоҳазалар,
- аудивизуал воситаларга таянган монологик ҳолдаги мулоҳазалар,
- эвристика шаклидаги суҳбат,
- туб моҳиятли эвристик суҳбат,
- диалогик ёки психологияк баҳс; дискуссия (мунозара) – муҳокама қилинадиган муаммо юзасидан қарама – қарши нуқтаи назарлар,
- низоли вазият: зиддият, қарама – қаршилик, низо, можаро, жанжал.

### III. Маъруза мазмуни.

- маъруза мазмунининг конспекти ва режаси

- яхлитлик, тизимлилик, кўрсатмалилик, изоҳлилиқ, соддалик ва бошқаларни таъминловчи таълимий усуллар, воситалар ва ёрдамчи ўқув материаллари конспект ҳошиясида мавжудлиги,
- шунингдек, паралингвистик, экстралингвистик, проксемик аломатлари ифодаланганлиги.

IV. Маъруза жараёнида ўқитувчининг яхлит тимсоли (образи, имиджи).

- маъруза мазмунини ҳар қайси қисмига тааллуқли бўлған вазифаларни бажаришда талабалар билан ўқитувчи ҳамкорлиги шакллари (биргалиқда муаммо ёки масалани ечиш; рақобат, шерикалик кабилар),
- фикр билдириш ёки ахборот узатишнинг тил воситасида нутқий фаолиятда ифодаланини (лексик, граматик, стилистик, семантик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилиш),
- ўқитувчининг аудитория билан повербал, эмоционал – ҳиссий, ифодали муомала воситалари (имо – ишора, мимика, пантомимика, интонация, пауза, темп, ритм, частота, тембр, овозни кучайтириш, насайтириш, ширалик қилиш ва ҳоказо).

Семинар машғулотининг услубий ишламаси

#### I. Машғулот мавзуси:

- мавзу танлашни асослаш,
- фан дастурнида мавзунинг ўрнини асослаш,
- машғулотнинг мақсади, вазифаси,

билишга оид (когнитив), тарбиявий услубий хусусиятлари,

- психологик адабиёт, матн мураккаблиги, ҳажмини ҳисобга олиш ва ана шу негизга сунгтан тарзда бирламчи (гоҳо иккиласи) манбаларни саралаш.

#### II. Семинар машғулотларини ўтказиш шакли:

- аудиториянинг тайёртарлиги даражаси ва хусусиятига боғлиқ равишда семинар машғулотини ўтказиш шаклларини танлаш

а) савол – жавоб, б) режа асосида кенг кўламда суҳбат ўтказиш, в) ўзаро тақриз қилинган маъруза сифатида фикр алмапиш, г) баҳс унсурни, таркиби мавжуд ёзма рефератлар мухокамаси, д) гуруҳий баҳс (дискуссия, мунозара) : эркин

тарзда ёки мақсадға йўналтирилган шаклда, 2) ўқув ролли ўйин, ишбилармонлик ўйинлари, қийинлаширилган педагогик вазиятлар, социотренинг тарзда,

- психологик манбаларга, машгулот хусусиятига, ақдий ёки амалий операцияга, объектта, субъектта, муаммоларга, масалаларга (топшириқларга), мавзуга олдиндан (илгарилаб кетувчи инъикос) талабларни йўналтириш дастури,

- муҳокама қатнашчиси талабаларга ролларни тақсимлаш, матьрузага, рефератга, мавзу таҳлили ва талқинига, хусусиятига, шаклига, қўйиладиган талаблар.

III. Семинар машгулотини ўtkазиш режаси ва конспекти (сценарийси).

- машгулот мазмунининг дастури, мавзунинг асосий таркибий қисмлари, ҳар бир қисмининг асосий вазифаси, таҳдил (талқин) қилинаётган муаммони ҳал қилиш жараёнида вужудга келадиган асосий зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, низолар, мунозараларни қайд қилиш (фиксациялаш),

- дастурниңг асосий қисмлари мазмунининг конспекти; қарама-қаршиликларни очишни таъминловчи таълимий усуларни ажратиш, мунозара давомида нуқтаи назарларниңг исботланганлиги ва асосланганлиги, муҳокаманиңг гурӯҳий шаклларини таъминловчи вазифа ва назарияларни (концепцияларни) ажратиш; машгулотниңг ҳар бир босқичларида гурӯҳий ахборот узатиш (коммуникация) воситалари ва усувларини саралаш;

- психологияниң семинар машгулотларида мавзуни турлича шаклда муҳокама қилиш йўллари,

- семинар машгулоти ўtkазилгандандан кейин уни таҳлил қилиш, якунлаш, ва баҳолаш (эксперг баҳоси, балл, очко, рейтинг тизими бўйича) ва рағбатлантириш (маънавий мукофот, мақташ, ваъда бериш ва ҳоказо).

#### 4.4. ОЛИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Психология фанида олий ўқув юрти ўқитувчисининг фаолиятига бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари мавжуд эканлигига қарамасдан, уларниңг барчасида домланинг

муайян фазилатлари, хислатлари, сифатлари, хусусиятлари, қобилиялари моҳияти очиб берилгандир. Ўқитувчининг характерологик, индивидуал – типологик, ижтимоий – маданий жиҳатлари, жабҳалари, қадриятлари ўрганилган изланишлар ўзининг ноёблиги, бетакрорлиги билан муҳим аҳамият касб этди. Лекин ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсониятнинг этнопсихологик хусусиятлари алоҳида қийматта эга эканлиги эътироф қилинган ҳолда уларни тадқиқ этиш психологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолди. Худди шу боисдан олий ўқув юрти ўқитувчисининг миллый хусусиятларини текшириш қадрлар тайёрланған миллый дастурида мукаммал жой эгаллаганилиги туғайли инсоншунослик фанларининг нуфузли йўналиши сифатида изланиш тадқиқот майдонига кириб келди.

Олий мактаб ўқитувчисининг миллый хусусиятларини кўп йиллик тадқиқотимизнинг маҳсули тариқасида илмий – назарий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи материаллар умумлаштирилди.

Миллый психологияга тааллуқли самарали изланишларимиз натижасида олий ўқув юрти ўқитувчисининг домлалик фаолиятида етакчи ва устувор қийматта эга хусусиятлари мавжуд эканлиги ва улар бошقا миллат вакилларидан муайян даражада фарқланиши кашф этилди. Қиёсий тавсифлаш орқали олий ўқув юрти ўқитувчисининг ўзига хос миллый хусусиятлари аниқланди ва улар мақсадга мувофиқ равишда тартибга келтирилиб тавсифлаб берилди.

Ҳозир мазкур хусусиятларнинг энг муҳимларини психологик тавсифлашга ва моҳиятини ёритишта ҳаракат қиласмиз.

1. Андишлилилк. Олий мактаб ўқитувчисининг миллый хусусияти сифатида андишлилилк етакчи ўрин эгаллади ва ўқув фаолиятининг маҳсулдорлиги, унинг таъсирчанлиги мезони бўлиб ҳисобланади. Унинг андишлилилк хусусияти бир қанча ҳолатларда ва инвариант кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- талаба ёки ота – онага етказилиши, узатилиши мўлжалланган ахборот, хабар, маълумот домланинг касбий нуфузига зарар келтириши эҳтимоли нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ёндашишда;

- талаба шахсиятига, ўқишига муносабатига, курс жамоаси ўртасидаги нуфузга сезиларли ҳалал бериш эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олишда;

- ота – оналар ёки оила шаънига нисбатан салбий кечинмалар пайдо бўлишини, оила аъзоларнинг ҳис – ҳаяжонлари ўзгариши, стресс, аффект ҳолатларни келтириб чиқаришини дикқат – эътиборда тутишда;

- оиласий низолар, можаролар, зиддиятлар, қарама – қаршиликлар, жанжаллар омили эканлигини тушунишда;

- шахслараро муносабатлар, муомала, мулоқот мароми бузилиш оқибати бўлиши мумкинлигини руҳан намоён этишда ва ҳоказолар.

Кузатишларимизнинг кўрсатищича, олий мактаб ўқитувчисининг асл муддаоси андишалик оқибатида охирги масалалардан бирита айланниб қолади, чунончи талаба ўзлалигириши, ахлоқи, келажаги тўғрисидаги ахборот ижтимоий муаммо оиласий мухит, иқтисодий масала, жамоанинг турмуш тарзи мулоҳазаларидан кейин унинг жинсига хос равишда билим даражаси ёки хулқ – одоби ётиғи билан, пардали қилиб муҳокамага қўйилади.

Унинг андишалиги раҳбариятга, сиёсатга, жамоавий қарашларга нисбатан билдириладиган фикрлар оқибатини оқилона баҳолашда, омилкорлиқда, вазиятни одилона ечиш жараёнида яққол акс этади. Лекин у андиланинг оти қўрқоқ қабилида иш қилинаётганлигини зукколарча фаҳмлайди, бироқ вазиятнинг моҳиятини ошкор қилишдан ўзини тийиб туриш хусусияти билан тавсифланади.

2. Бағрикенглик. Ўқитувчининг бағрикенглиги унинг нисбий, хусусий, иккинчи даражали, одатий ҳодисаларга нисбатан муносабатида, жинс ва ёши хусусият билан боғлиқ вазият, ҳолат эканлигини акс этиришда ўз ифодасини топади. Шунингдек, одоб – ахлоқ кўринишлари, нохуш кечинмалар, зиддиятли ҳолатлар оқибатларини руҳий дунёсидан чиқарив ташлашда, кек сақламаслиқда, кўриб кўрмасликка, сезиб сезмаганга олишда бевосита кўзга ташланади:

- машғулотларда, муомала жараёнида, аудиториядан ташқаридағи воқеиликларни нисбий баҳолашда;

- кечинмалар, вазиятлар оқибатларини руҳий дунёсидан фориг қилишда;

-курс жамоаси аъзолари, ота – оналар ўртасидаги нохуш муносабатларни батамом унугушида

-икрорлик, тан олишлик, кечирим сўрашлик умумбашпари, ижтимоий қадриятлигини англашда, беайб, мукаммал, комил инсон табиат ҳамда жамият мўжизаси эканлигини тушунишида ва бошқалар.

3. Дилкашлик. Ҳеч бир касб этасида жамият, давлат ривожи ва ижтимоий тараққиёт муаммосини юксак даражада талқин қилиш имконияти, масъулияти олий ўқув юрти ўқитувчисидагидек тўлақонли акс этмайди. Шунинг учун оламда, мамлакатда, ҳудудда, турар жойда бўлаётган воқелик уни бефарқ қоддирмайди. Барча нарсалар қизиқтирганлиги туфайли ҳар бир воқелик моҳиятини билишта интилади, турли кечинмалар, ҳис – туйғулар, ижодий фаолият маҳсуллари унга масъулият туйғусини юклайди.

Олий мактаб ўқитувчисининг қуидаги кечинмалари ва муносабатларида мажкур хусусият акс этади:

-барча ёш даврлари, турли элат ва миллатлар билан бир хилда муомалага киришишда, мулоқот ўрнатиш қобилиятининг ифодасида;

-турли хусусиятли муаммолар муҳокамасининг ҳар хил босқичларида фаол иштирок этишда;

-инсонийлик фазилатларини кенг кўламда намойиш қиласи;

-талабадан тортиб то катта ёшдаги одамларгача тарбиявий таъсир ўтказишида;

-сұхбат, муомала ва мулоқот кезида шириңсұханликни мукаммал намойиш қилишида:

-нохуш кечинмалардан фориг этишда, тасодиф вазиятларда талабани қийин руҳий ҳолатдан олиб чиқишида, иллатлар туғилишининг олдини олиш жараёнида;

-йигинларда қатнашчилар фаоллигини оширишида, ўқиц, меҳнат жараёнларида юксак ютуқларга эришишга илҳомлантиришида ва бошқалар.

4. Самимилик (самимиятилиллик). Ўқитувчининг олий мактабда, курс жамоасида, маҳаллада юзага келаётган ижобий, тараққий парвар воқеаларга ва ҳодисаларга нисбатан илиқ муносабатини ундаги самимилик

иғодалайди. Унинг асосий моҳияти қўйидаги ҳолатлар орқали акс этиши кузатилади:

- ҳамкаслари фаолияти, хулқи ва муомаласи самараси, назокати, мароми бўйича эришган ютуқларига нисбатан хайриҳоҳлиқда;

- шогирдларининг обрў – эътибор қозонишдаги илдамлигига, тезкорлигига нисбатан муносабатининг табиийлигига;

- оила аъзолари ўртасидаги ҳар хида хусусиятли муносабатларнинг кенгайиши, қутбланиши (қарама – қарши икки қутбга ажралиши), устуворлик касб этиши, эмпатия, симпатия, антипатия, аттракция сингари ҳис – туйгуларга оқилона ёндашишда;

- маҷалладаги фуқароларга, уларнинг хулқ – одоби, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги каби фазилатлар ва хусусиятларни холисона баҳолашда;

- ЭЛ, юрт, худуд, жамоа, гурӯҳ зафарларига, жаҳон цивилизацияси ва турли моҳиятдаги яққол воқеликларга одилона муносабатда кабилар.

5. Ибрат – намунавийлик (тимсолиийлик). Этник ва милий хусусиятларимизга кўра қадим замонлардан буён зиёкор муаллим ўзининг ташқи кўриниши, кийиниш ва хулқ – одоб маданияти, нутқ қобилияти, муомала мароми, ақл – заковати, маслаги, дунёқарashi, характер хусусиятлари билан фуқаролар ўртасида обрў – эътиборга сазовор бўлган, улар орасида барқарор ишонч қозонган. Худди шу боис ўқитувчи ўзининг барча ижобий томонлари билан умумият учун тарбиявий ибрат, тимсол вазифасини бажариб келган ва ҳозир ҳам шундай функцияни адо этишда давом этмоқда. Унинг тимсолиийлиги ушбу кўринишларда бевосита кўзга ташланиши мумкин:

- ўзига оро беришнинг оддийлиги ва мақсадга мувофиқлигига;

- замонавийлик билан милийликни уйғулаштириб фойдаланишида;

- қомат тутиш ва юриш – туришнинг табиийлиги ҳамда намунавий хусусият касб этишида;

- хуласа – одоб маданиятигининг одатий тус олганлигига, шунингдек, замонавийлик билан этнопсихологик жабжаларнинг уйғуллашувида;

- нутқининг мантиқийлиги, теранлиги, ихчамлиги, илмийлиги, образлилиги, гоявийлиги ва мақсадга мувофиқлигига (пауза, ритм, частота, амплитуда, темпи ва ҳоказолар мавжудлигига);

- шахслараро муносабатда муомала маромидан мукаммал фойдаланишида (бевосита, бильвосита, вербал, новербал, имо – ишора, мимика, пантомимика, психосемантика, пиктограмма, экспрессив, импресив күринишларни амалиётда қўллашда);

- ақлнинг теранлиги, мустаҳкамлиги, чуқурлиги, ижодийлиги, эгилувчанлиги, топқирлиги, тезкорлиги намоён бўлишида;

- эътиқод, дунёқарашиб, иймон ва характер хусусиятларининг амалий ифодаланишида;

- жамоатчилик фикри ва ишончининг барқарор эканлигига;

6. Сабр – тоқатлилик (букилмас, иродавийлик). Педагогик фаолиятда ўта мураккаб хусусиятта эга бўлиб, уни амалга ошириш инсондан барқарор, мустаҳкам, чидамли, шахсий фазилатлар, хислатлар, сифатлар, характерологик ва эмоционал иродавий хусусиятларни талаб қиласди.

Унинг қийин ва машаққатлилигини тасаввур этиш билан биргаликда праксик (лаззатланиш) ҳисни шакллантириш имконияти мавжудлигини таъкидлаб ўғиш мақсадга мувофиқ. Фаолият маҳсулини сезиш, уни яққол акс этириш бир қатор ҳам объектив, ҳам субъектив тўсиқларни бартараф этиш тақозо этади. Бунинг учун ўқитувчи букилмас иродавий хусусиятта эга бўлиши, ундан ҳаёт ва фаолиятда асло оғишмасдан мақсадли хатти – ҳаракатларни амалиётда қўллаши лозим. Чунки педагогик фаолият ўзаро узвий боғлиқ бўлган қатор таркиблардан вужудга келади, вазият, ҳолат, ҳодиса ва тасодифлар орқали моҳияти ўзгаради, уларнинг таъсирчанлиги устуворликни келтириб, чиқаради. Касбий хусусият ушбу ҳолатларда қамраб олиниши мумкин:

-турли хусусиятли талабалардан ташкил топган курсни (гуруҳни) жамоа сифатида шакллантиришда;

- талабанинг хулқ – авторига, ўзлаштириш даражасига, ўқишига муносабатига, ўта фаоллигига(сустлигига) юзминлик билан ёндашишда;

- шахслараро муносабатдаги ҳар хил низоли, зиддиятли ҳолатларга нисбатан шахсий фикрини билдиришда, уларнинг олдини олишда;

- олий ўқув юрти ички режимига, жамоатчилик толшириқларига, машғулотларга тайёрланишдаги қийинчилликларга, рағбатлантиришининг заифлигига, батъзи иллатлар кўринишига тоқат қилиб фаолият кўрсатишда;

- статус билан роль ўртасида содир бўладиган номутаносибликларга чидаш жараёнида:

- олий ўқув юрти, оила, ишлаб чиқариш ва маҳалла фаолияти ўртасидаги уйғунликнинг заифлигини тушунган ҳолда муносабатда бўлишда;

- миллий анъаналар билан замонавийлик ўртасидаги зиддиятда;

- интилиш билан баҳолаш, воқелик билан истиқбол, романтика билан ҳаётйлик, максимализм билан турмуш реализми орасидаги тафовутларда ва ҳоказо.

Олий мактаб ўқитувчисининг букилмас иродаси бетўхтоя ижодий фаолият кўрсатиши, кенг кўламда ижтимоий мухитда фаол иштирок этишини, ижтимоий маданият яловбардори сифатида қатнашишни таъминлайди, тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажаради. Ҳеч қайси мутахассисликда бундай фидоийлик, меҳнатсанарлик, ўзгаларга нисбатан меҳр – мурунватлилик юксак ҳис – туйғуларга эгалик талаб қилинмайди, чунки келажак ва унинг қурувчиларини шакллантириш жараёни нуқсонлардан холи бўлиши шарт.

7. Саховатлилик. Олий мактаб муалими ўзининг ушбу хусусияти билан бошқа касбдаги инсонлардан фарқланиб туради. Зиёкор ўз талабаларига билим улашишдан ташқари, уларга зарур бўлган умумбашарий маънавият ва қадриятлар билан қуроллантиради. Ундаги саховатлилик қўйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади;

— инсоний ҳис – туйғуларни шакллантириш орқали ўзлигини аниқлашга, миллийликни тушунишга ўргатади; уларни ҳаёт қувончлари ва ташвишлари яшашдан мақсад юзасидан умумлашган тасаввур образлари билан

қуроллантиради; табиатнинг гўзаллиги, инъомлари, сахийлиги бўйича тушунчалар беришга интилади, уни асрараш — авайлаш, сақдаш заруриятини тушунтиради, экологик бузулишларнинг оддини олиш тўғрисида илмий материаллар билан таъминлайди; талабаларда шахслараро, миллатлараро муомала маданиятини шаклантиради, тинч — тотув яшани манбалари билан танишигиди; хулқ — автор, ўқиш, меҳнат малакаларини таркиб топтиради, ички имкониятларини ишга туширишга тинимсиз ҳаракат қиласди, уларни комиллик сари интилишга ундаиди; ўзидағи меҳр — муҳаббат туйғусини улашади, келажакда мағур, иймонли, эътиқодли, Ватанпарвар, меҳнатсевар инсонлар ворис бўлишига умид қилиб ёшлиарни мукаммал шахс сифатида тарбиялашга маҳоратини бағишилайди. Педагогик одобилик (назокатлилик). Ҳар қанадай мутахассис одоб, ахлоқ намуналарига эга бўлиши табиий, лекин педагогик одобилик мутлақо ўзгача ҳолдир. Чунки табиатга, жамиятта, нотаниш кишиларга, жисм ва ашёларга, ўзига ўзи муносабатда ҳақиқий мезон ролини бажарувчи қобилиятга эга бўлишилик айнан ўқитувчи шахсида мужассамлашади. Педагогик назокат этнопсихологик ҳис — туйғулар, миллий характер хусусият, хулқ, фаолият, муомала қондларни, қонуниятлари, ҳодисалари, механизмлари, воситалари ва кўнижмаларидан меъёрий равишда, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишда ўз аксини топади: — эмоционал ҳис — туйғулар, кечинмалар, стресс ва аффектив ҳолатлар, хоссалар чегараларига батамом риоя қилишда; — хулқ — автор малакаларини амалиётга оқилона қўллашда, бачканга қилиқлик, ортиқча ҳаракатлар қилишдан ўзини тийишида; — нутқ маданиятидан ташқари чиқмаслиқда, шахсиятга тегадиган иборалар ишлатмаслиқда, қўпол ва дагал сўзлар қўлламаслиқда; — ҳиссий, ақлий билиш жараёнида муайян меъёрларга асосланишда, манманликни намойиш қиммаслиқда; талаба ва ўқитувчилар жамоалари билан, ота — оналар хамда нотаниш кишилар билан муносабатга киришишда; расмий, қатъий ишбилиармонлик услубларига асосланишда ва ҳоказо; Маънавий юксаклик. Ўқитувчи зиёлилар ичida маънавий дунёси муайян даражаси билан тафовутланиб, кўрсаткичи бўйича анча юксакликка эга. Унинг бу даражага эришиш манбаларни — ўқитувчининг кундалиқ, ижодий изланиш

фаолиятининг кўринишидан, ижтимоий статус ва ролни қатъий ижро этицидан иборатдир. Ўқитувчининг касбий маҳоратидан ташқари, унинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий билимларга эга бўлишдек зарурият, эҳтиёжи, имконияти алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон цивилизацияси ва бошقا оммавий ахборотлардан хабардорлик унинг маънавий даражасини ўлчаш учун рейтинг вазифасини бажаради. Маънавий юксаклик намуналари қуйидаги кўринишларга эга бўлиши шарт: – аксарият фан тармоқлари юзасидан муайян билимларни эгаллаганлиқда; маданият, санъат, адабиёт бўйича етарли маълумотларни ўзлаштирганлиқда; тури мувоффиклар мөҳияти ва ечими тўғрисида мухаммал ахборотлар тизими билан қуролланганлиқда, яъни ташвиқотлар олиб бориши оммага маълум даражада таъсир ўtkаза олишда; ишончли омиллар, далиллар, қонунлар, амалий материаллар мөҳиятини тушунтириш ва изоҳлаш имконияти мавжудлигига; – дунё воқеалари, поёб ҳодисалар, инсонинг чексиз имконияти, руҳий захираси тўғрисидаги мулоҳазаларидаги тўлақонли шарҳда; – касбий хулқ, муомала ва фаолиятга нисбатан ҳатъиятлиликда, маънавий бойлик билан гуурланиш туйгусини ифодалашда намоён бўлади; 10. Касбга садоқатлилик.

Касб танлап мотивациясининг барқарорлигини, унинг идентификацияси ва рефлексия босқичларига ўсиб ўтиши ихтисосликка нисбатан садоқатлилик намунаси бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг моддий таъминланганлик даражаси ҳеч қачон юксак бўлмаган, тасодифан мазкур соҳа кўрсаткичи юксак коэффициентга эришилганда ҳам у ижтимоий эҳтиёжга таъминланашга йўналтирилган. Касбга садоқатлилик намунаси сифатида узлуксиз равишда катта иш стажига згалини, ҳар хил хусусиятли вазиятларни енгиб чиқишини низоли ҳолатлар ечимини топа билишни, тангликларни бартараф этишда жасорат кўрсатишни таъкидлаб ўтиш жоиз; ижтимоий – тарихий ўзгаришлар давридаги муносабат ва ислоҳотларнга бардошлилиқда; моддий – техника, технология базасининг ноҷор аҳволига тушуниб муносабатда бўлишда; маънавий стимул (рагбатлантириш) мақсадга мувофиқ оқилона амалга оширилмаган омиллар билан курашишда;

-шахслараро муносабатдаги салбий ҳолатларнинг мавжудлигига тоқатлилиқда;

-маъмурият билан низоли, вазиятлар вужудга келганда кескинилкни юмшатишида;

-жамоатчилик билан алоқа сусайганда оғирликнинг ўз зиммасига олишда касбга садоқатлилик ўз ифодасини топади ва бўлғуси мутахассис тақдири бирламчи эканлиги намойиш қилинади.

11. Юксак туйгуларни эгалланганлик. Бошқа ихтисослардан фарқли ўлароқ ўқитувчилик учун юксак ҳис – туйгулар, кечинмалар устуворлик қилиши даркор. Жумладан, ижтимоий барчага садоқат, масъулият, жавобгарлик, виждон, маслак ҳислари шундай юксак туйгулар тоифасига киради ва уларнинг барқарорлиги педагогик фаолият гарови ва кафолатидан дарак беради:

– ижтимоий бурчни адo этишда садоқат намунасини намойиш қилиш, шубҳаларга чек қўйиш;

– жамият, давлат, халқ олдида масъулиятни юксак ҳис этиш ва шунга жавобан фаолиятни ташкил қилиш;

– таълим тизими, бўлғуси мутахассис тақдири учун жавобгарликни англаш ҳолда касбий маҳорат ва ижтимоий фаолликни амалга ошириш;

– таълимий, тарбиявий таъсир ўтказишида оқилона, одилона ва омилкорлик билан восита танлаш, иккиланишларга йўл қўймаслик;

– талаба хуёзи, муомаласи фаолияти маҳсули баҳоланишида виждон регулятор вазифасини бажарса, ачиниш, азобланиш ҳислари намоён бўлмайди;

– ҳар қандай вазият, шароит ва ҳолатда ўз маслагига шак келтирмаслиқда олий мактаб ўқитувчисининг руҳан поклиги, мусаффолиги ифодаланади.

12. Ижтимоий фаоллик. Ўқитувчи аудиториядан ташқари вакт ҳукмида ўзининг ижтимоий фаоллигини амалга оширади, худди шу боис уни алтруист халқ хизматига фидойлик (намунаси) хусусиятининг тимсоли тариқасида талқин қилиш мумкин. Мамлакат миқёсида, унинг худудларида, турар жойларида маърифий – маънавий ишларни жонлантиришида, оммавий маросимларни режалаштиришида, жамоатчилик фикрини аниқлаштиришида, сайлов компаниясида улуғвор саналар нишонлашида

йинилишлар ўтказилишида олий ўқув юрти ўқитучиси етакчилик қилиши анъана тусига кирган. Унинг услубий маҳорати маданий савияси, муомалага киришувчанлиги тадбирлар муваффақиятини таъминлайди, замонавийлик билан қадриятлар ўртасида уйғунликни вужудга келтиришга хизмат қиласди. Ижтимоий фаоллик унинг шахсиятпастостик иллатидан ҳолос этади, омма ўртасида обрў—эътибор қозонишга пухта замин ҳозирлайди.

13. Нутқий қобилиятынниг нутқий қобилияти билан бошқа касб эгаларидан фарқланади ва шу алоқа қуроли орқали талабани шахс сифатида шакллантиради, унга билим, кўникма беради ҳамда ижтимоий турмушда иштирок қиласди, ижтимоий тараққиёт учун ўз ҳиссасини қўшади, авлодлар ворислигига уйғунлик баҳш этади;

— нутқининг мазмундорлиги, теранлиги, изчиллиги, ҳаққонийлиги, таъсирчанлиги, мантиқийлиги, равонлиги, ихчамлиги;

— овознинг суръати, тарқалиши, узатилиши, ширадорлиги, акустик технологияга риоя қилишлай;

нутқининг коммуникатив, интерактив ва перцептив таркиблари ўртасида мустаҳкам алоқанинг мавжудлиги;

— тўғри ва тескари алоқани вужудга келтирилда уқувчанлик;

— нутқда қанотли иборалар, ҳиссий кечинмалар, жонли мушоҳадалар, умумлашган фикрлар, умумлашмалар умумлашмаси, мавҳумликлар мавҳумлиги иштирок этиши;

гуруҳ, курс аъзоларини фаоллаштиришда нутқ имкониятларидан, муаммоли вазиятлардан, мароқли ўйинлардан фойдаланиш;

фикрни узатиш ва қабул қилиш жараёнида психолингвистик қонуниятларни, модель тизимини қўллаш мұхим аҳамият касб этади.

14. Ташаббускорлик, ўқитувчининг ижодий изланишлари, ностандарт вазиятлар ечимини топиш, ўқитишининг янги технологиясини қўллаш туфайли таълимнинг янги шакллари, унинг инвариантлари кашф қилинади, рационализаторлик таклифи, юксак маҳорат намунаси, новаторлик ташаббуси вужудга келади. Аудиторияни тадқиқот лабораторияси сифатида тасаввур

этиш ўқитувчи фаолияти ижодийлигини ошириш ва уни такомиллаштириш сари етаклайди:

— ўқитишини фикрий блоклар орқали ташкил қилиш;

— машғулот маъруза босқичларини вазиятта мувофиқлаштиришга эришиш;

— топшириқ ва масалалар ечимини модификациялаш ва инвариантларини топишга талабаларни йўналтириш;

— аудиторияни фаоллаштириш, янги воситаларини қўллаш ва уларнинг омилкорлигини оқилона таҳдил қила олиш;

— истеъдодли талаба билан ишлаш методикаларини ишлаб чиқиш.

ўқитишида ва тарбиялашда талабаларнинг ёш, жинс хусусиятлари ва ўқув фанлари ўзига хослигини узлуксиз равишда ҳисобга олиш;

— аудиториядан ташқари вақтни омилкорлик билан тақсимлаш йўлларини синаш;

— талабаларни мустақил фикрлашига ўргатиш ва муайян воситалар билан уларни таништириб бориш;

ўзини ўзи бошқарип, ўзини ўзи такомиллаштириш бўйича тавсиялар, ишламалар яратиш ташаббускорликнинг ёрқин намунасиdir.

15. Ташкилотчилик. Ўқитувчи ўзининг ташкилотчилик хусусияти билан жамиятдаги бошқа зиёлilarдан ажralиб туради. Унинг бу хусусияти қуийдаги ҳолатларда кўзга тапланиши эҳтимол:

— машғулотни ўзига хос тарзда ташкил қилишда ва гурӯҳий фаолликни вужудга келтиришда;

гурӯҳда, курсда руҳий муҳитни шакллантиришда ва ўзаро тушунишини амалга оширишда;

— курсдан ва аудиториядан ташқари тадбирлар, учрашувлар, саёҳатлар, мусобақалар, олимпиадалар, баҳслар ўюнтириш ва ўтказишда;

— ҳудуд миқёсида маросимлар, байрамлар ўтказишда;

— миллӣ анъаналар, маросимлар, расм—руsumларни турар жойларда ўюнтиришда;

— оммавий ташабbusларни қўллаб қувватлашда;

— миллӣ маънавият ва қадриятларни амалда қарор топтиришда;

— халқ ижодиёти, амалий санъати лепшқадамлари, истеъдодларини кашф қилишда ва уларни тарбиялашда;

— ижтимоий маданиятнинг миллий намояндаси сифатида фаол иштирок этиши орқали умумбашарий муаммолар ечимини топишда ва бошқалар.

Биз юқорида олий мактаб ўқитувчисининг миллий хусусиятлари юзасидан қисқача мулоҳаза юритдик, зеро, улардан бўлғуси мутахассислар (бакалавр, магистрлар) тайёрлашда фойдаланилса, миллий дастур вазифаларидан бири ўз амалий ифодасини толган бўлар эди.

#### 4.5. ТАЛАБАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Олий мактаб таълимининг ўзига хос хусусиятлари талабаларда шахсий турмуш позициясини такомиллаштиришга ва ижтимоий ҳаётда ҳукм суреба келаётган бошқа тоифадаги гуруҳлар билан (хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлишидан қатъи назар) мулоқат кўламини кенгайтириш имконини беради. Талабалик йилларининг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу камолотни ёки ижтимоий етукликни тезкорлиқда, жадал суръатлар билан намоён бўлиш жараёнидир. Чунки ижтимоий етуклик ҳар қайси алоҳида фаолият кўрсатадиган индивиддан ёки муайян шахсадан ақдий қобилиятни ривожлантиришга ва ижтимоий ролларни (оила қуриш, фарзаңд тарбиялаш, меҳнат қилиш, масъул вазифаларни) бажаришга тайёргарлик кўришни талаб қиласди. Мазкур жараённинг кўрсаткичлари сифатида ўрта маълумотлилик, жамоат толшириги, меҳнат қилиш, қонун ва қоидалар олдида жавобгарлик ҳисси, мутахассис бўлиб этишин туйғуси, ота – оналик бурчи, ижтимоий раҳбарлик масъулияти, спорт билан ва турли хил тўғарак фаолиятида қатнашиш кабилар ўйнайди.

Талабалик даври шахснинг ижтимоий ҳамда қасбий ўзлигини англаш сифатининг шаклланиши билан бошқа ривожланиши палласидаги ёш босқичларида одамлардан фарқланади. Ушбу даврда йигит ва қизлар ўзига хос руҳий инқироз ва танглиқ ҳолатини бошидан кечиради. Жумладан, талаба катта ёшдаги етук кишиларининг ҳар хил кўринишдаги ролларини тезроқ ўзида синааб кўришга интилади. Ижтимоий ҳаёт ва микромуҳитдаги янги ҳолатлар ва жиҳатларга

мослаша бошлайди. Вояга еттан одамларнинг турмуш тарзига ўтиши жараёни шахснинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ички зиддият ва қарама – қаршиликларни келтириб чиқаради. Бунда бир томондан ўслирин талаба мустақил меҳнат фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиб қатта ёшдаги одамга ўхшаб статусга эга бўлса, иккинчи томондан эса унда турмуш тажрибаси этишмаслиги туфайли бир қатор фазилат ва малакаларни эгаллаш муаммоси кўндаланг туради. Ўслирин руҳияти атрофлича таҳдил қилишининг кўрсатишича, бу даврга келиб, унда ақлий, ахлоқий ва ғоявий – сиёсий жиҳатдан муайян босқичга кўтарилиши, яъни егуклик кўзга ташланади. Шунга қарамасдан, унинг олдида мутахассисликни эгаллаш билан узвий боғлиқ бир қанча вазифалар туради. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, илмий – техника тараққиёти бир томондан ахборотлар, маълумотлар, хабарлар мўл – кўллитини вужудга келтирган бўлса, бошқа бир томондан эса мутахассисликка оид билимларга нисбатан талабаларда барқарор қизиқиш йўқолишига олиб келади. Чунки аксарият бўлгуси ихтисос эгаларида қатъийлик, ижодий изланиш, иродавий зўр бериш ўрнини лоқайдлик, пассивлик эгаллади. Улар "тайёр ахборот"лар қулига айланадилар. Кўпинча, компьютерлар, дисплейлар, ЭҲМ, калькуляторлар инсон ақлий меҳнатини қескин даражада енгиллаштириш оқибатига, ақлий зўр беришлик ҳолатидан талабалар халос этилади.

Таъкидлаб ўтилган муаммолардан келиб чиқсан ҳолда олий мактаб олдида турган асосий мақсад – бу ўқув дастурида кўзда тутилган билимлар мажмуасини ўзлаштириш кўрсаткичга эришишгина эмас, балки талабаларда уларни мустақил равишда эгаллаш учун сермаҳсул, умумлашган ўқув усуслари, операциялари, воситалари, йўларини шакллантиришдан иборатdir. Мустақил билим олиш, ўз ўқув фаолиятини ўзи бошқариш, янги ғоялар ишлаб чиқиш орқали уларга янгича муносабат, пухта услубий қурол билан қуроллантириш олий ўқув юртининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бошқача сўз билан айтганда, монологик лекция ўқишидан аста – секин диалогик лекция ўқишига ўтиш демакдир. Ўқитувчининг бир томонлама ақлий ҳаракатидан унинг талабалар билан

ҳамкорлик фаолиятига айлантиришдир. Бунда янги билим ўқитувчи томонидан тұғридан – тұғри ўртага ташланмасдан, балки уни ўзлаштиришда фаолияти субъект сифатида талабалар ҳам иштирок қыладилар. Бу ҳолат мана бундай тарзда намоён бўлади: ўқитувчи – талаба – талабалар ўзаро – ҳамкорлик. Янги муаммони ҳал қилишда, уни ўзлаштиришда фаолиятнинг барча иштирокчилари бир текис қатнашадилар.

Талабалик даврининг яна бир хусусияти шундан иборатки, агарда у ўз эрки, мустақиллиги поймол қилинганлигини ҳис қиласа, гоҳо ўринсиз, номақбул қарорга келинганлиги танқид қилинса, бўлгуси мутахассис ўта шижоат, эмоционал кўтаринки руҳда уларни қабул қылади. Инсон тараққиётининг ушбу босқичда талабаларда мустақил қарор қабул қилиш бўйича жавобгарлик туйғуси, ўзини – ўзи назорат қилиш, ўзини – ўзи баҳолаш, ўзини қўлга олиш, ўзига – ўзи буйруқ бериш, ўзини – ўзи такомиллаштириш, ўз хулқи ва фаолиятини ўзи идора қилиш, рефлексия сингари муҳим шахс фазилатлари вужудга кела бошлидай. Бу нарса талабаликнинг биринчи кунидан бошлаб ташки қўзғатувчилар, ички туртқилар таъсирига учрайди. Натижада иккى ёқлама стимул ёрдамида баъзи бир ижтимоий ҳолат ва турмуш жабҳаларини олдиндан акс эттириш имконияти туғилади.

Талабалик йилларининг муҳим хусусиятларидан яна бигтаси шуки, бунда ўқиши фаолияти жараёнида англашилаган онгли мотивлар кескин равишда кўпаяди. Ахлоқ жиҳатдан ривожланиш суст суръатлар билан борсада, лекин унинг ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик, қунт, қадр – қимматлилик каби сифатлар сезиларли даражада такомиллашиб боради. Ижтимоий ҳолатта, воқеликка, ахлоқий нормаларга қизиқиш ва уларни англашга интилиш туйғуси кучаяди.

Турмуш тажрибасини ортиб бориши натижасида талабада ўзлигини англаш (ўзини ўзи англаш) хислати юзага келади. Бу нарса унинг шахсий ҳаёт мазмунини англаш, оқилона турмуш режаларини тузатиш, бўлажак катта ҳаёт йўлинни олдиндан башпорат қилишда ўз ифодасини топади. Бу даврга келиб, талаба нотаниш микромуҳит шароитларига кўнишиб боради, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эгаллай

бошлайди, шахслараро муносабатта янги восита ва усул қўйладайди, унинг олдида кўндаланг турган ижтимоий ролларни амалиётда синаб кўришга интилади.

Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишига қарагандা, ушбу ёнда хоҳиш ва интилиш ўз тараққиёт даражасига кўра ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. Аммо талабада турмуш тажрибасининг етишмаслиги оқибатида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қатъйликни аралаштириб юборадилар.

Талабада идеал (юксак, баркамол) "Мен"ни реал (аниқ, воқе) "Мен" билан таққослаш орқали ўзини ўзи болқаришининг таркибий қисмлари амалий ифодага эта бўлади. Тажрибаларнинг кўрсатиши, унинг нуқтai назарича, идеал "Мен" ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, унинг учун улар гоҳо тасодифий, ғайритабии ҳис этилиши муқарар, бинобарин, реал "Мен" ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир. Талаба шахсиятининг такомиллашувида бундай объектив қарама – қаршиликларнинг намоён бўлиши ўзига нисбатан ички ишончсизликни келтириб чиқариб, ўқишига нисбатан салбий муносабатни туғдиради. Жумладан, ўқув йилининг бошида талабада кўтаринки кайфият, олий ўқув юрти юзасидан завқ – шавқ туйғуси кузатилса, олий таълимнинг шарт – шароитлари, ўқитиш системаси, кун тартиби, қонун ва қоидалари билан яқиндан таниш патижасида унинг руҳиятида кескин пасайиш кўзга ташланади. Унинг руҳий дунёсида пессимилик (руҳий парокандалик) кайфият, яъни истиқболга ишончсизлик, умидсизлик, ютуқдан ҳадиксираш каби салбий ҳис – туйғулар намоён бўлади. Лекин бу психик ўзгаришлар вақтли хусусиятга эта бўлиб, тез – тез у ҳолатдан, бу ҳолатга ўтиб туради.

Талабалик (ўспириналлик) даври хулқ – авторига, реал воқеликка баҳо бериш жараённада максимализм (имкониятдан ташқари ташлаб кўйиши) ва қатъиятчанлик хусусияти билан бошқа ёш даврлардан ажralиб туради, шунинг учун ҳам йигит ва қизлар принципиалликларини ҳамиша ҳам амалий жиҳатдан тасдиқлай олмайдилар.

Талабаларнинг моддий жиҳатидан ота—оналарига, олий ўқув юрти матьмуриятига боғлиқдиги ижтимоий қарама — қаршиликларни келтириб чиқаради. Унинг турли кўринишдаги хоҳиш билан мавжуд имконият ўртасидаги номутаносиблик оқибатидаги содир бўлиб, ушбу хоҳиш қўшимча даромад эвазигагина қондирилса, лекин у ўқиш фаолиятига зарар келтириш орқали амалга оширилади.

Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, 2 ва 3 курсларда олий ўқув юргининг ва мутахассисликнинг тўғри таиланганлиги муаммосига талаба қайтатдан мурожаат қиласди, лекин қатъий қарорга келиш бундан ҳам кечиктирилади.

Агарда ўрга мактабда таълим ва тарбия ўқувчи ривожланишидан илгарилаб кетиш ҳолати кузатилсада, лекин олий мактабда гоҳо талабадар ўсиши таълим ва тарбиядан илгарилаб кетиши воқе бўлади.

#### 4.6. ТАЛАБАЛАР ТАФАККУРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Талабалик йиллари етук ўспириилик (17 – 23) даврига тўғри келади. Бу даврда инсон биологик жиҳатдан баркамоллик, етуклиқ, жисмонан бақувватлик босқичига ўсиб ўтади. Аммо илк ўспириилик (16 – 17 ёшлик) нинг айрим болаларга хос ташки ифодалари, романтикаси маълум вақтгача ўз таъсирини ўтказиб туради. Дастлабки синов, яъни биринчи сессия давридаёқ талаба турмуш фақат одий романтикандан иборат эмаслиги, балки ижодий изланиш, муайян ҳаракат режаларини тузиш, иродавий зўр бериш, ақлий меҳнат заҳмати бор эканлигига икror бўлади.

Фавқулоддаги таассуротдан, қиши сессия синовидан кейин ўқиш жараёнига ижтимоий турмушга муносабати жиддий равишда ўзгаради, атроф – муҳитдаги, теваракдаги нарса ва ҳодисаларга, шунингдек, реал воқеликка нисбатан етук кишиларга ўхшаб муномала қилишга, уларни тўғри акс эттирилига интилади. Лекин бу борада ҳамиша ҳам кўзланган мақсадга эриша олмайди, чунки талаба орзу билан турмуш ўзаро мувофиқ тушмаслигини англаб етади.

Илк ўспириилик даврида вужудга кела бошлаган тафаккурнинг мустақиллик, теранлик, ташаббускорлик, танқидийлик, ихчамлик, ижодийлик каби сифатлари кун

сайин такомиллашиб янги – янги маъно ва янгича мөҳият, сифатлар билан янада бойиб боради. Талабаларда ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи англаш, ўзига ўзи бўйруқ бериш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзини ўзи бошқараш ўзига ўзи таъсир ўтказиш каби шахснинг ва ақл – заковатнинг муҳим жиҳатлари ўсишнинг янги босқичига кўтарилади. Талабалар тафаккурининг ривожланишида, илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг таркиб топишида умумтаълимнинг ҳамда ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафа, тарих, иқтисод, психология, социология, антропология, эстетика каби ўқув фанлари муҳим рол йўйнайди.

Жамиятимизда туб ўзгаришларни, шахсларро муносабатнинг мутлақо бошқача негизга қурила бошлиши, бозор иқтисодиётiga ўтиши, ҳар бир инсонни сиёсат билан аралашишига олиб қелди. Бундан албатта талабалар гуруҳи ҳам истисно эмас. Сиёсатдонлик хусусиятини шаклланиши турмуш воқеаларига ўзгача мезон билан қарашиб имкониятини беради.

Ижтимоий ва шахсий турмушда юз бераётган фавқулоддаги ҳолатлар, мураккаб муаммолар, уларга ечим талабалар тафаккурининг ривожланиши учун кенг кўламда имкониятлар яратади, уларда мавжуд бўлган ички имкониятлар, ақлий резервларни ишта солишга муҳим замин ҳозирлайди. Матъумки, муаммоли вазият туғилмасдан туриб, тафаккурининг оддий шакли ҳам ўсиши мумкин эмас. Бу ҳолатлар ўқишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказиши турган гап. Чунки қадриятларни ўзлаштириш ва уларни баҳолаш мутлақо бошқача мезон асосига қурилишини тақозо қилмоқда, бу ҳолат эса барча нарсага ўзгача муносабатда бўлишини келтириб чиқаради.

Талабалар тафаккури таълим жараёнида ва мустақил билим олиш фаолиятида интенсив ва узлуксиз равишда ривожланади. Гоҳо маъруза (лекция) машгулоти продуктив – ижодий тафаккурни тақозо этса ҳам, лекин семинар машгулотлари, лаборатория ишлари, турлича практикумлар барибир талабалардан продуктив фикр юритишни талаб қиласиди. Айниқса, ҳозирги замонда ижодий изланиш уларнинг муҳим фазилатларидан бири бўлмоғи шарт, чунки илмий ахборотлар тармогининг кундан – кун кўпайиши,

кўламиининг кенгайиши мустақил фаолиятни тўғри ташкил қилишни назарда тутади. Олий мактабдаги таълимнинг турли шакллари турлари талабаларнинг ақлий меҳнат, мақсадга мувофиқлаштирилган, автоматлаштирилган диққатни ёрдами билан амалга ошиди. Лекин бу такомиллашиш ўзича рўёбга чиқавермайди, қолаверса ўзига ўзи таъсир ўтказиш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзи тарбиялаш орқали намоён бўлади .Шунга қарамасдан, уларнинг психологик механизмлари тўғрисида тўла амалий маълумотларга эга эмасмиз. Бу нарса келажак тадқиқотларига предмет вазифасиниң ўташи мумкин.

Олий мактабдаги мустақил ишларнинг бурчаги, чунончи, конспект тузиш, реферат, аннотация, тезис, доклад, амалий ишлама, семинар машғулотига хозирлик кўриш, курс ва битирув ишлари, илмий хисобот (практикалар юзасидан маълумотларни системага келтириш: танишув, педагогик, ишлаб чиқариш, ўқишидан ажрамаган ҳолда, узлуксиз ва бошқалар) кабилар талабадан мустақилликни ижодий ёндопишни муаммоли вазиятни ҳал қилишни тақозо этади.

Давлат ўқув режасида кўрсатилган ўқув дастурларида назарда тутилган материалларни ўзлаштириш, мустақил равишда эгаллаш билим ва савиянни кенгайтириш билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки уларни тушуниш, англаб етишини талаб қиласди, бу эса ўз навбатида бевосита тафаккурнинг предметига алоқадордир. Хотирада жой олган ҳар қандай билимларни тартибга солиш, муайян системага келтириш, уларни жонлантириш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, умумлаштириш, қонуниятта боғлиқ ўзига хос хусусиятлар юзасидан мулоҳаза юритиш инсоннинг билиш жараёнининг рационал йўли билан, яъни тафаккур ёрдами билан амалга оширилади. Тафаккур ёрдамида билан ўқув материаллари англаб етилса, ўзлаштирилган билимлар эса ўз навбатида ўни ривожлантиради, предмет кўлами кенгайтиради. Ихтимоий, гуманитар, табиий фанларни эгаллаш жараёнида моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мураккаб ички боғланышлар, алоқалар, хоссалар, қонуниятлар, механизмлар юзасидан чуқур илмий – методологик, илмий – методик хусусиятидаги билимлар ўзлаштирилади. Ана шу фан асосларини ўзлаштириш давомида дискурсив (лот. – мулоҳаза юритиш демакдир)

**тафаккур** (бир – бирлари билан узвий равищда боғланған мулоҳазалар юритишдан иборат мантиқий тафаккур жараёни) тури талаба учун омилкор ақл – заковат қуроли вазифасини бажаради.

Олий мактаб таълимида фикр юритиш операцияларидан {анализ, синтез, таққослаш, конкретглаштириш, мавжумлаштириш, классификациялаш, системалаштириш, умумлаштириш} унумли фойдаланиш эвазига ҳар қандай мураккаб билимларни ўзлаштириш имконияти вужудга келади. Талабалар тафаккур шаклларининг (ҳукм, хуроса чиқариш, тушунча) функционал ва операцонал жиҳатлари билан яқиндан танишадилар, шунингдек, улардан мустақил фойдаланиш учун барча интеллектуал резервларини ишга солишига (мобилизация түйғуси) ҳаракат қиласидилар. Ҳукм чиқаришнинг барча кўринишларидан ўқув ҳамда мустақил билим олиш фаолиятларида қўллаш шарт ва шароитлари туғилади. Хуроса чиқаришнинг индуктив, дедуктив ва аналогия йўлларидан муайян тарзда билиш фаолиятида қўллашга интиладилар. Бу нарсаларнинг барчаси талабада тафаккурни ривожлантиришга ўз таъсирини ўтказади. Булар ҳеч маҳал инсоннинг онгидан, иродасидан ташқари табиий ҳаракатлар орқали амалга ошмайди, балки унинг онгли муносабати, ижодий изланиши, англашимаган мотивлар таъсирида намоён бўлади.

Олий таълим узлуксиз равищда ижодий тафаккурни талаб қиласидиган, муаммоли хусусиятдаги топшириқ, масала кабиларнинг системасидан иборатdir. Ҳар бир лекция(маъруза), семинар машгулоти, ҳатто лаборатория ишлари ҳам муаммоли вазият унсурларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал қилиш ижодий изланишларни вужудга келтиради, тафаккур ва уларнинг турларини(кўргазмали ҳаракат, кўргазмали – образли, сўз – мантиқ, вербал, амалий, назарий, ихтиёrsiz – ихтиёрий, конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, интуитив, дискурсив, диалектик, репродуктив, продуктив – ижодий, визуал, фазовий камолот сари етаклади).

Талабаларни ўқув фаолият усуллари билан таништириш тафаккур ривожида алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, тушунчаларга турли нуқтани – назардан қараш усулини уларда таркиб тоғтириш ва янги шароитта кўчиришга

ўргатиш(кўчиш ҳолати психологияда етарли чуқур ўрганилмаган соҳа бўлиб, уни чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо қиласди: усусларни "бирданига" "бузиб – тузатиб", кўргазмали материалдан назарийга, назари материалдан яна назарийга ва ҳоказо) юқори натижалар беради. Ўқув фаолияти усулини таркиб топтириш қуидагича амалга оширилади ва муайян қоидалар асосида олиб борилади:

– Ҳамкорлик тушунчаси турли нуқтаи – назардан қараш мумкин, чунончи, у фаолият тури, дўстона алоқа ўрнатиши, мулоқот, муомалага киришиш, умумий хатти – ҳаракатлар йигинидиси, ўқув фаолиятининг шакли, ўқитувчи билан талаба ҳаракати, битим, ижодий тажриба алмашиш ва ҳоказо.

Мазкур ўқув фаолияти усулини мустақил топшириқни бажаришга, яъни "фаолият", "индивидуал фаолият", "ижтимоий фаолият", "гурӯҳий фаолият" каби психологик тушунчалар моҳиятини очишга кўчириш мумкин. Психология фанида кўчишнинг турлари тўғрисидаги узоқ чет эл ва собиқ иттифоқ психологиясида бирмунча маълумотлар мавжуд.

Юқоридаги мулоҳазаларга қарамасдан, талабалар тафаккурида субъектив характерга эга бўлган заиф звенолар мавжуддир. Фикр юритиш фаолиятини назорат қилишда қатор камчиликларга йўл қўйилади. Масалан, фаолият натижасини текшириш сифатидагина қўлланилади, холос. Тафаккурни баҳолаш ва ўзини – ўзи баҳолашда ҳам воқеликни адекват акс эттиришда баъзи бир иллатлар, нуқсонлар кўзга ташланади. Тафаккурнинг танқидийлиги ва ташаббускорлиги сифатлари кўпинча воқеликни қамраб олишда камчиликлар, аниқ бўлмай қолган томонлари рўй беради. Талабалар интилиши билан уларни ўзини – ўзи баҳолаши ўртасидаги муносабат ўзаро мувофиқликка эга бўлмайди. Интилиш билан ўзини – ўзи баҳолаш ўртасидаги тафовут шахснинг ўз хулқи ва фаолиятини бошқаришда бирмунча сунъий тўсиқларни вужудга келтиради.

Таъкидлаб ўтилган нуқсонларга қарамасдан, талабалар тафаккури илк ўспириинлик давридан (юқори синф ўқувчиларидан) ҳам сифат, ҳам мазмун, ҳам кўлам, ҳам қамров жиҳатидан кескин тафовутланади. Ҳам чет эл, ҳам собиқ иттифоқ психологлари томонидан улар ўртасидаги

дифференциал ҳолатни эмпирик маълумотлар билан аллақачонлар тасдиқлаганлар. Шундай қилиб, муайян бир соҳанинг ёш мутахассис кишиси бўлган талаба юксак ақл—заковат эгаси, уқувли, теран фикрли инсон, илмий дунёқарашга эга бўлган шахс, зиёлилар синфини тўлдирувчи сифатида ижтимоий ҳаётта йўлланма олади. Ўзининг ихтисоси бўйича фаолият кўрсатиб ҳалқ хўжалигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшишта интилади.

Талабалик даври, бу демак ўспириналлик ва илк ёшлик даври ўзининг маҳсулдорлиги, рефлексив(онгли муносабат) хусусияти билан бошқа ёш давридан одамлардан кескин ажралиб турди. Талабалик йиллари ижодий изланишлар, интеллектуал резервларни ишига солиш, ақлий қобилиятни тўла сафарбар қилиш имкониятларига эга бўлган шахснинг етуклик даври ҳисобланади. Хулас, ушбу ёш даврда тафаккур сермаҳсул, сермазмун босқичга кўтарилади. Бу нарсаларнинг барчаси талабаларни яратиш, ихтиро этиш ва кашфиёт қилиш арафасида турганлигини англатади.

Талабалар мутахассисликка хос бўлган ўқув фан асосларини эгаллаш фаолиятида ижодий маҳсулот бериш учун ҳаракат қиласидилар. Уларнинг билишта ундовчи майлари турғун, барқарор қизиқипга айланга боради, бадиий ижодиёт ва илмий—тадқиқот бобида дастлабки орзуларни рўёбга чиқаришга интиладилар. Жумладан, филолог ёки ёш журналист талабалар бадиий ижод билан, табиий—математика фанлари соҳасидагилар эса кузатиш ва тажриба ўтказиш билан, тарихий—археолог талабалар ижтимоий турмуш солномаларини очиш билан шуғуллана бошлайдилар. Ҳатто талабалар ўзларининг ақдий меҳнати маҳсуллари билан олимпиада, илмий анжуманларда, ихтироочилар ва рационализаторлар танловларида муваффақиятли қатнаша оладилар. Буларнинг барчаси тафаккур ёрдами билан рўёбга чиқарилади, моддий борлиққа янада яқинлашиб, уни аниқроқ ифодалаш учун интилиш, муаммони ҳал қилиш жараёнининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Бу ва стандарт бўлмаган муаммоли, бошқотирар томшириқларни ечиш ижодий фикр юритишни, сермаҳсул воситалардан фойдаланишни тақозо қиласи.

Ҳозирги замон талабаларининг ижодий тафаккури орқали вужудга келтирган бадиий асарлари, мақолалари,

илемий чиқишилари, ишлаб чиқаришга тақдим қилинган рационализаторлик таклифлари халқ хўжалигини юксалтириш учун хизмат қилмоқда. Энг юксак савияда тайёрланган диплом лойиҳалари ва ишлари, конструкциялари ижодий тафаккур намуналари бўлиб ҳисобланади.

Ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётта татбиқ этиш ва ўртасида ёйиш, ташвиқот қилиш, оммалаштириш ҳам талабалик даврига хос хусусиятлардан биридир. Назарий ва ижодий тафаккур билан қуролланган талабалар омма ўртасида илемий билимларни

таркиб қилишда фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса визуал (кўз зийраклиги) ва фазовий тафаккур турларининг ривожланиши уларнинг савиясини янада кенгайтиради.

Олий мактаб таълимида талабаларда дискурсив ва рефлексив тафаккур турларининг шаклланиши диалектив тафаккурни вужудга келтиради. Буларнинг негизида уларда ўзини ўзи бошқариш фазилати таркиб топади, бу эса олий ўқув юрти учун мутлақо зарурдир.

#### 4.6. ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Фикрлаш ёки фикр юритиш талаба ақлий фаолиятининг, ақл заковатининг, муомала маромининг, онгли хулқ – авторининг юксак шакли бўлиб ҳисобланади. Мустақил фикрлаш теварак – атрофни, ижтимоий мұхитни ҳамда воқеликни билиш қуроли, шунингдек, талабанинг кенг кўламли ақлий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан амалга оширишнинг асосий шарти саналади. Мустақил фикр юритишнинг рўёбга чиқишида талабада фикр, мулоҳаза,ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади ва улар шахс онгига тушунчалар, ҳукмлар, хуносалар сифатида ифодаланади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир – бирини тақозо этади. Худди шу боис талаба ўзининг мустақил фикрлаши (мулоқоти), нутқи, онгли хулқ – автори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажralиб туради.

Талаба мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур эттан, эслаб қолган

нарга ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги, ҳаққонийлиги ёки уларнинг воқеликка мос (мунособ) тушиши ва тушунмаслигини аниқлади. Борлиқни билиш жараённада ҳосил қилингани ҳукмлар, тушунчалар, хуласалар, фаразлар (таҳминлар), қарор қабул қилишлари чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Талаба мустақил фикрлаши туфайли воқеликни умумлаштирган ҳолда билвосита ёки бевосита акс эттиради, нарга ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусиятлар ҳамда механизмларни тушуниди, англаб етади. Бинобарин, талаба муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда уларнинг оқибатини оддиндан пайқаш, башпорат қилиш имкониятига эга. Ҳозирги замон талабасининг билиш ва амалий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан ташкил қилишда мустақил фикр юритишнинг аҳамияти алоҳида аҳамият касб этади.

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштира олиш даражасига, муаммони ечиш воситасининг хусусиятига, объекtnинг талаба учун янгилиги унинг фаолликка ундалига биноан бир неча турларга ажратилади. Мустақил фикрлаш ақлий фаолият сифатида таҳлил қилингандан талаба томонидан масалалар ва тошириқларни ечиш низарда тутилади, уларнинг шартларида, можияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англешув, тушунув имкониятларида кузатилади. Масала, муаммо, тошириқ ечиш (ҳал қилиш, бажариш) талабанинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, мотивацияси, ақлий қобилияти, истеъодия, салоҳияти билан боғлиқ ҳолда олиб Қаралади, муаммо томонидан қўйилган талабларни қабул этиш, шахсий қарорга келиш, ечимни топиш учун воситалар қидириш ижод, изланиш ва фикрлашнинг мустаҳкам негизини ташкил қиласди. Мустақил ва ижодий фикрлаш фаолиятида муаммо ечимини тошиш жараённини бошқариш, борлиқни инъикос қилишда талабанинг ҳис – туйгулари, ички кечинмалари, фавқулоддаги вазиятлари, объектив шароитлари унинг учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий турмушда олий таълим тизимида, ишлаб чиқариш амалиётида шахслараро (объектив, субъектив) муносабатлар, алоқалар, ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний

мөхнат натижаси муомала қилиш мароми ностандарт фикрлашнинг мажмуасида тариқасида юзага келади. Талабалар жамоасида танқид ва ўзини ўзи танқид, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш, текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи намоён этиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, гуруҳий мулоҳаза ҳамда шахсий мушоҳададан иборат мустақил фикрлашнинг сифатлари шакланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиш, яъни нотаниш шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш, уни таҳмин қилиш, энг зарур аломатлари ва белгилари тўғрисида материаллар тўплаш ҳам ижодий фикрлашнинг маҳсулидир. Мазкур мураккаб босқичли иборат билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт—шароитларни талаб қиласи, буларнинг бевосита таъсири орқали маълум бир қарорга келинади.

Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиrolар, ихтирочилик таклифлари ҳам ижодий фикрлашнинг маҳсули ҳисобланниб, амалий ва назарий аҳамиятли илмий фаразлар, гоялар, улуғвор мақсадлар, юксак эзгу ниятлар унинг вазифасига киради.

Талабанинг фикрлаш фаолияти ижтимоий хусусиятта эга. Фикрлашнинг ижтимоий тарихий тараққиёти даврида даставвал овқатланиш учун озуқа излаш, кейинчалик эса мөхнат қуролини ясаш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш кезида шахслароро фикр алмашиб, тажриба билан ўртоқлашиш эҳтиёжи вужудга келган. Инсоннинг ўзаро мулоқотта киришиши, муомала қилиши, муносабат ўрнатиши натижасида фикр билдириш, сўзлашув уқуви юзага кела бошлаган. Нутқнинг шарофати билан фикрлаш маҳсулларининг изчилиги, мантиқийлиги, тизимлилиги пайдо бўлган, келажак авлод учун аъданавий мерос тариқасида қолдириш имконияти туғилган. Инсоният томонидан тўпланган тизимлаштирилган тажрибалар, билимлар, кўникма ва малакалар қолдирилмаганида эди, одамзоднинг фикр юритиши фан, техника, маданият соҳаларида бундай улкан ютуқларга эриша олмасди.

Талабада мустақил фикр юритиши муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади, лекин мазкур вазият

туғилиши, ечими бу билан тугалланмайды. Талабада билишга нисбатан мойиллик, ихтиерсиз хатти—ҳаракат муаммоли вазияттacha ёрқин бўлмайды, у ноаниқ ҳолда юзага келади. сўнгра бу маънода ечимга муҳтоҷ муаммоли вазият яралади ва ниҳоят унинг ечими топилса, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом этаверади (муаммоли вазият (муаммодан кейинги вазият).

Талабанинг ўқув фаолиятида фикр юритишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади: мустақил фикрлаш, муаммо, масала (топшириқ).

Талабанинг мустақил фикрлашини қўйидаги босқичларда таркиб топиши мумкин.

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида, энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган масала (топшириқ) талаба томонидан аниқлаб олинини керак. Агарада унинг олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирмаган бўлса, у ҳолда бирон—бир нарса тўгрисида фикр ҳам юритмайди. Демакки, талаба қаршисида ҳеч қандай муаммо пайдо бўлмаган, мабодо у ечиш шарт бўлган масала юзасидан қаинчалик аниқ ва тўлароқ маълумотларга эга бўлса, унинг оқилона бажариши юзасидан йўл ва воситаларни шунчалик енгиллик билан топади. Бунинг учун талабалар қўйилган масала мазмунини аввало маълум дааражада тушуниб олишлари, унинг шартини текшириб чиқишилари, нима маълум ва нима номаълум эканлигини аниқлашлари мутлақо зарур. Фақат ана шундагина, улар сира шошиб қолмайдилар ва сира иккиланмасдан (топшириқ) шартини қидириб, зеҳн билан уни таҳлил қилиши, татбиқ этиш натижасида тўғри ечишга эришадилар.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни (қоидалар, омиллар, қонуниятлар, хоссалар, хусусиятлар, муҳим белгилар, муносабатлар, боғланишлар ва бошқаларни) татбиқ қилиш учун интиладилар. Бунинг учун эса талабанинг шахсий тажрибасида учраган ҳолатлардан, усуллардан унумли фойдаланган ҳолда янги шароитта объектга кўчириш жараёни амалга оширилади.

3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз (тажмин) илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш

түгрисида мулоҳазалар көртилади, турли варианtlар ҳамда вариациялар, инвариантлар ҳақида фикр биддирилади, улар ўзаро қиёсланиши натижасида энг самарали аломатларга, белгиларга ажратиласи ва ҳоказо.

4. Муаммо олдига қўйилган гипотезани муйайн мезонлар натижаси ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшашлик ҳолатлари маънавий, шаклий, тузилмазий жиҳатдан таққосланади. Бу ўринда ижодий ҳаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш мақсад, натижаларини кўз ўнгига көлтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти – ҳаракатлар тизимини татбиқ этиб кўрилади ва айрим ўзгаришларни киритиш мўлжали оидинлаштирилади. Гипотеза мантиқий усуллар ёрдамида фикран анализ ва сингез қилинади, унинг муҳим аломатлари ажратиласи, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва холосалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқлансанча, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фарazzлар, ўйлар топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия этилади. Татьқиддаб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техник масалаларни ҳал қилинада, кашfiётларни яратишда, ихтирочилик таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий этишда турли – туман моделлар, варианtlар, препаратлар, технологик карталар ва бошқалар фикран таҳлил қилинади, сўнгра улардан энг маъқули, омилкори, оқили, энг мақсадга мувофиқи ташланади ва унинг устига бош қотиришда давом эттирилади.

6. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларнинг тўғрилигига ишонч ва қаноат ҳосил қилиш учун талаба уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти – ҳаракатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳаза шаклларидан сўнг масала (топшириқ) батамом ҳал қилинади деб топилади ва у тўғрида ўлаш нисбий жиҳатдан тўхтатилади, холос.

Талабанинг мустақил фикр юритишни қўйидаги босқичлардан таъкил топған бўлиши мумкин:

1. Муаммонинг талаба идроқ майдонида пайдо бўлиши.
2. Талаба томонидан масала, муаммо, толшириқ моҳиятини англаш.

3. Уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга келиши.

4. Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг узлуксиз туғилиши.

5. Тахминларни босқичма – босқич текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш.

6. Янги тахмин(фараз)нинг юзага келиши ва такомиллашуви.

7. Фаразларни иккиласми текшириш(иккинчи марта тасдиқлаш)

8. Масала, толшириқ, муаммо ечимини топиш (Ҳал қилиш).

9. Ихтиёrsиз ақлий хатти – ҳаракатларнинг давом этиши(фикрларнинг нисбий давомийлиги) ва ҳоказо.

Талабаларни мустақил фикр юритишга ўргатиш учун муаммонинг маънавий, шаклий, тузилмавий жабҳаларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга дикқат – эътиборни йўналтириш мақсадга мувофиқ:

- саволлари аниқ қилиб берилмаган муаммолар, масалалар, топшириқларда улар ўртасидаги боғлиқликлар, алоқалар, муносабатлар талаба томонидан таҳлил қилингандан кейин ифодалаб бериладиган саволларнинг вариантларидан бирни қавс ичида кўрсатилади;

- берилганлари этишмайдиган муаммолар, масалалар, толшириқлар, уларни ечиш (бажариш, ҳал қилиш) учун этишмайдиган маълумотлар қавс ичида қолади;

- ортиқча маълумотларга тағсилотта эга бўлган муаммо, масала, толшириқ, ортиқча маълумотлар билан берилади;

- бир неча йўл билан, усул билан, босқич билан ечиладиган, ҳал қилинадиган, бажариладиган муаммо, масала, топшириқ, бу ўринда турли масалалар (муаммолар, топшириқлар) берилади, бунда ечимининг энг қулавай, оддий, энг тежамли, омилкор йўли иложи боричча яширинган ҳолда ҳавола этилади, муаммолар фикрлашнинг бир усулидан

иккинчисига, бир оддийроқ ҳукмдан мураккаброғига, бир хulosадан унинг алоҳида кўринишларига, шаклларига ўтиш талаба ақлий қобилиятини шакллантиришга қаратилган бўлади;

- мазмун ва моҳияти ўзгариб турадиган муаммолар, масалалар, топшириқлар, уларда ҳам битта мустаҳкамланган ақлий хатти – ҳаракатлардан бошқасига ўтишдан иборат ақлий қобилият таркиб топтиришга йўналтирилади, яъни уларни янги вазиятта, объектга қўчиш жараёнида фойдаланишга ўргатилади;

- исботлашга, кашф қилишга, янгилик очишга мўлжалланган муаммолар, масалалар, топшириқлар, улар ёрдами билан мантиқий фикрлаш ички муносабатларни далиллаш, қонуниятларини англаш сингари ақлий қобилият такомиллаштиради;

- мустақил фикрлашга, мантиқий мулоҳаза юритишга муаммолар, топшириқлар, масалалар, уларни ечиш(ҳал қилиш) учун ҳеч қандай маҳсус билимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум даражада ижодкорлик кўрсатиш, ҳаётта мурожаат этиш, мантиқий мулоҳаза юрита олиш имконияти тақозо қилинади, уларнинг баъзилари математик хусусиятли, бошқалари эса, фақат мантиқий бошқотирма шаклида ҳавола этилади.

Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, долзарболиги, универсаллиги билан қасбий тайёргарлик маҳорат сари талабаларни етаклайди, жамият ва табиат ҳодисаларини англаш учун пухта негиз ҳозирлайди.

Фикр юритишнинг мустақиллиги деганда, талабанинг шахсий ташаббуси билан унинг ўз одига яққол мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва Назарий, хусусиятли фараз(тажминан, гипотеза) қилиши, кутйлаёттан натижани кўз одига келтира олиши, кўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли, турли йўл, усул, восита толиб мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш жоиз.

Фикр юритишнинг мустақиллиги, ақлнинг серташаббуслигида, пишиқлиги ва танқидийлигидага намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда, талаба ўз одига янги муаммони аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, ана

шуларнинг барчасини амалга оширишда ниҳоясига етказишига, ечимни қидирицида усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилини, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлиши назарда тутилади. Ақлнинг пишиқлиги, вазифаларни тез ечишида, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, эски йўллардан фориғ бўлишда ва бошқа руҳий жараёплар ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятта баҳо бера олинида ақлнинг танқидийлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга муаммо мөҳиятишининг тўғри очилишига муайян мезонга асосланиб амалга оширилса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик дейилади. Мабодо, талабанинг тафаккури танқидийлиги субъектив (шахсий) хатоларга умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик деб аталади. Талаба фикрлашидаги танқидийлик оқилона, одилона, омилкорлик билан амалга оширилса, намоён бўлса, унда шахс учун муҳим ҳам ақлий, ҳам ахлоқий сифат (хислат) вужудга келади, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Талаба фикр юритишининг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқ тарзда кечади. Агар талаба томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсияномалар билдирилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинганд бўлса, бундай инсоннинг фикр юритиши сермаҳсул дейилади. Вақт оралигида бажарилган ақлий фаолият қўламига ва сифатига оқилона баҳо бериш талаба фикр юритиши маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қиласади. Талаба оддий нарсалар тўғрисида фикр юритгандай ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодисалар мөҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақиқатидан умумий ижтимоий қонуният яратишга ҳаракат қиласади. Шубҳасиз талабанинг мустақил фикрлаши ҳали изланмаган тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлиб, уларни тўла очиш фан ва техника тараққиётини

жадаулаштириш мақсадига хизмат қилади. Ҳар қандай ташкилот, янишик тараққиёт – инсон ақл – заковатининг маҳсулидир, ҳудди шу боис фан ва техника ривожи кўп жиҳатдан мутахассиснинг мустақил фикрлашига боғлиқ. Талаба камолоти жисмоний, ахлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, бу борада унинг мустақил фикрлаши етакчи, устувор ўрини эгаллади. Ҳозирги даврнинг талабалари жисмоний, ахлоқий жиҳатдан комиллик даражасига сенгиллик билан эришсада, лекин ақлий камолотга стишиянига эса асаб тизимишининг таранглашуви, ақлий зўриқиши, ҳиссий жиҳдийланишув барқарор иродавий акт, узлуксиз фаоллик, фидоийлик намуналари эвазига босқичма – босқич, аста – секинлик билан амалга ошиши мумкин. Комил инсон бўлиб камол тонишни эзгу ният қилган бўлғуси мутахассис аждодларимиз томонидан яратилган маънавият ва қадриятлар эгаллаш учун ҳамда келажак ривожини таъминлаш учун талабаларда мустақил фикрлашни, ижодий изланишни, ақлий фаолият усуларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ляудис В.Я. Методика преподавания психологии. М: Изд. МГУ, 1984.
2. Панибратцева З.М. Методика преподавания психологии. М. Просвещение, 1971.
3. Талызина Н.Ф. и др. Педагогическая психология. М., 1987.
4. Тошимов Р.Ю., Фозиев Э.Ф. Замонавий индивидуал ва гурӯҳий психология. Т. Университет, 1999.
5. Формирование учебной деятельности студентов. Под.ред. В.Я. Ляудис М. Изд. МГУ, 1988.
6. Фозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси. Т. "Ўқитувчи", 1997.
7. Фозиев Э.Ф. Психология муаммолари. Т. "Университет", 1999.
8. Фозиев Э.Ф., Азизова Ш.В. Таъкилий психология Т. "Университет", 1999.

## **МУНДАРИЖА**

### **Муқадимма**

- I боб. Психология ўқитишининг назарий муаммолари. . . . . 5**
- 1.1.Олий ўқув юртларида психология ўқитишининг янги гуманистик концепцияси
  - 1.2.Ўқитишининг янги услуби тавсифи
  - 1.3. Педагогик технологиянинг психик муаммоларини тушунтириш.
  - 1.4. Психологик – педагогик консиллиум ва уни ўтказиш методикаси.
  - 1.5. Психология ўқитипда кўргазмалиликнинг ўрни.
- II боб. Психологик мавзуларни ўқитиши тизими. . . . . 31**
- 2.1. Психология фанининг методологик жабҳаларини ўқитиши ва тушунтириш методикаси.
  - 2.2. Методологик тушунчаларни шакллантириш методикаси.
  - 2.3. Психология фани методологиясига оид мулоҳазалар методикаси.
  - 2.4. Педагогик фаолиятида шахсиятга йўналганик мавзусини таҳдил қилиш методикаси.
  - 2.5. "Тафakkур" мавзусини тушунтириш методикаси.
  - 2.6. "Хотира турлари" мавзусини тушунтириш методикаси.
  - 2.7. "Ирода" мавзусини ўқитиши методикаси.
  - 2.9. Муаммоли ўқитиши услуби.
  - 2.9. Муомала мавзусини тушунтириш методикаси.
  - 2.10. "Раҳбар шахси" мавзусини тушунтириш методикаси.
  - 2.11. Шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганиш методикаси.
- III боб. Психология ўқитишининг татбиқий жабҳалари. . . 85**
- 3.1. Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятларини баҳолаш мезонлари.
  - 3.2. Касбий фаолиятининг психологик баҳолаш тести.
  - 3.3. Руҳий ҳолатларни диагностика қилиш ва корекциялаш методлари.
  - 3.4. Мулоқот психологияси бўйича психотренинг ўтказиш методикаси.
  - 3.5. Талабаларга маслаҳатлар.
  - 3.6. Интеллект тузилишини аниқлаш методикаси.

<b>IV боб. Олий мактаб психологиясининг долзарб муаммолари . . . . .</b>	<b>118</b>
4.1. Олий мактаб психологиясининг долзарб муаммолари.	
4.2. Аудиториядан ташқари фаолиятларда билимларни ўзлаштиришни такомиллаштириш йўл — йўриқлари.	
4.3. Олий мактаб ўқитувчисининг миллый хусусиятлари.	
<b>Фойдаланилган адабиётлар . . . . .</b>	<b>157</b>